


UZA | O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2021 ЙИЛ ЯНВАРЬ

ТОШКЕНТ – 2021

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

Илмий нашр

2021 йил январь оyi сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
М.Жўраев	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назирова	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжаев	И.С.Саифназаров
Н.А.Хусанов	Г.А.Мардонова

Манзилмиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

Мундарижа

Иқтисод

- Г.П.ГУЛЯМОВА.** Туризмни ривожлантиришда ҳудудий ташкил этишнинг замонавий шакллари аҳамияти.....5
- Н.Ф.САЙФУТДИНОВА.** Ўзбекистонда инновацияларни ривожлантириш йўллари.....17
- Н.ШОВКАТОВ.** Ўзбекистонда баҳолаш хизматлари бозорини барқарор ривожлантириш омиллари.....29

Юридик

- С.С.БАЗАРОВ, Д.И.ИМАМОВА.** Конституция Республикаси Узбекистан и ее роль во внешней политики страны.....41
- Ф.Ф.ЖУМАЕВ.** Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш масалалари.....53
- Т.Т.ДЖУРАЕВ.** Ички ишлар органлари ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилишининг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари.....61
- Т.Х.АЛТМИШЕВ.** Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддатини ҳисоблаш бўйича хорижий давлатлар жиноят-ижроия қонунчилиги таҳлили.....76

Филология

- Ё.САИДОВ, М.МАМАДАЛИЕВА.** Рамзларнинг мавзуй таснифи.....85
- Н.М.УЛУҚОВ, Д.МАДРАҲИМОВА.** Асқад Мухторнинг тил ва нутқ маданияти ҳақидаги лингвопублицистик қарашлари таҳлили.....97
- Д.У.ХАШИМОВА.** О несовпадении языковых картин мира и специфических особенностях сопоставляемых культур в рамках теории лакуны и её соотношении со смежными лингвокультурологическими явлениями.....106
- О.У.ШУКУРОВ, Р.Ж.НАБИЕВА.** Рақамли медиа неологизмларнинг ўзбек тилидаги мотивацион омили сифатида.....117
- Б.РАҲМОНОВ.** Афсона ҳамда ривоятларнинг тарихий тақдири ва ҳозирги ҳолати.....127
- З.СУВОНОВ.** Ёзувчи Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмади” романида руҳият тасвири.....136
- Х.Б.ЖЎРАЕВА.** Ҳусайнийнинг баёзларга кирган ғазаллари хусусида...147
- М.НУРУТДИНОВА.** Инфографика тарихи ва таснифи.....155

У.К.АМЕТОВА. Нажмиддин Кубро ва Алишер Навоий асарларида адабий муштараклик.....	164
М.ТИЛОВОВА. Шукур Холмирзаевнинг бадиий қаҳрамон психологиясини яратиш маҳорати.....	175
О.А.ЧОРИЕВ. Ҳозирги ўзбек адабий тилини даражаларга ажратишнинг зарурати ва аҳамияти.....	184
Ғ.Н.ШОДМОНОВ. “Фарҳод ва Ширин” достони нашрларининг матний-қиёсий тадқиқи.....	192
Г.ДЖУРАКУЛОВА. Халқ достонларини куйлашда эпик анъаналарнинг ўрни.....	203
М.Э.ҚУРБАНОВА. Шекспир ижодида образлар ранг-баранглиги.....	212
З.М.АМИРҚУЛОВА. Тарихий ҳикояларда “Бобур” образи талқини.....	220
М.МЕНГЛИЕВА. Ҳаракат тарзи воситаларининг инглиз тилидан ўзбек тилига таржимаси.....	230
О.М.МАДЖИТОВ. Шавкат Раҳмон шеърлятида буқаламун образи.....	239

Тарих

Ш.Э.ТОШТУРОВ. Ўзбекистоннинг БМТ глобал дастурлари доирасида халқаро рейтингларда ўз ўрнини мустаҳкамлаши.....	248
М.О.МУСТОФАЕВ. Пантуркизм мафқурасининг тарихи ва уни ўрганиш бўйича айрим ёндашувлар тўғрисида.....	257

Фалсафа

М.М.РАХМАТОВА. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш борасидаги сиёсати.....	266
--	-----

Техника

Ю.Д.НОРОВ, Т.М.ЯКШИБАЕВ. Установление потерь золота по мониторингу многоярусного рудного штабеля при полном цикле кучного выщелачивания золота из техногенных отвалов карьера Мурунтау.....	274
--	-----

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими
(электрон журнал)
2021 йил, январь сони**

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй

Иқтисод

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ АҲАМИЯТИ

Гулнора Патахкамаловна ГУЛЯМОВА

иқтисод фанлари номзоди

катта ўқитувчи

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

ggulyamova@yandex.ru

Аннотация

Мақолада туризмни ҳудудий ташкил этишнинг замонавий шакллари таҳлил этилган. Туристик дестинациялар ва уларнинг хусусиятлари, туризм соҳасини ривожлантириш, унинг алоҳида минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: туризмни ташкил этишнинг ҳудудий шакллари, туристик-рекреацион дестинациялар, туристик кластерлар, махсус туристик минтақалар, туристик тизимлар.

РОЛЬ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ В РАЗВИТИИ ТУРИЗМА

Гулнора Патахкамаловна ГУЛЯМОВА

кандидат экономических наук

старший преподаватель

Международная исламская

академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

ggulyamova@yandex.ru

Аннотация

В статье анализируются современные формы территориальной организации туризма. Исследуются вопросы туристических дестинаций и их особенности, рассматриваются вопросы развития туристической отрасли, повышения ее конкурентоспособности на основе использования кластерного подхода при привлечении иностранных инвестиций в отрасль.

Ключевые слова: территориальные формы организации туризма, туристско-рекреационные дестинации, туристские кластеры, особые туристские зоны, туристские системы.

Ҳозирги даврда туризм жаҳон хўжалиги ривожланиши, халқаро тартиб, дунёнинг кўпчилик минтақалари ҳамда мамлакатлари сиёсатига таъсир

этувчи ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, унинг ривожланиши натижасида аҳоли бандлиги таъминланмоқда, транспорт тизими, меҳмонхона бизнеси интеграцияси юз бермоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш концепциясида жозибадор ва рақобатбардош туристик маҳсулотлар, мамлакат ҳудудларида темтик туристик зоналар ва кластерларни яратиш вазифаси қўйилган [1].

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга, шу билан бирга уни ҳудудий ташкил этишнинг янги шакллари ривожлантириш йўли билан рақобатбардошлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунда туризм ҳудудий тизимининг муҳим элементлари сифатида туристик кластерлар тан олинади. Ушбу ёндашув, минтақавий иқтисодиёт таркибини, жумладан, туризм соҳасини тубдан ўзгартиришга кодир.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган 2019-2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясида жозибадор ва рақобатбардош туристик маҳсулотлар, шу жумладан, мамлакат ҳудудларида темтик туристик зоналар ва кластерларни яратиш вазифаси қўйилган. Кластерлар, жумладан, туристик кластерлар ўзига хос инновацион тизим бўлиб, бутун минтақа иқтисодиётининг самарали ривожланиши, унинг рақобатбардошлигини ошириш, фан, кадрлар тайёрлаш тизими ва бизнес ўртасида ҳамкорликни кучайтириш учун асос бўлиши мумкин.

Мамлакат минтақаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг турли жиҳатлари кўплаб иқтисодчи олимларнинг ишларида таҳлил этилган. Жумладан, М.Портернинг илмий ишлари мамлакат ёки минтақанинг рақобат устунлигига эриша олиши бўйича олиб борилган тадқиқотларга жуда катта ҳисса бўлиб қўшилган. М.Портер фикрича кластер – бу муайян бир соҳада фаолият кўрсатувчи ва фаолиятининг умумийлиги билан тавсифланувчи ҳамда бир-бирини тўлдирувчи географик қўшни бўлган ўзаро ҳамкор компаниялар ва улар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар гуруҳи [10; 78].

Саноат тармоқлари кластерлари бўйича олиб борилган тадқиқотлардан кейин, кластер иқтисодиётнинг турли тармоқларида, шунингдек, туризм соҳасида ҳам, хусусан, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) томонидан ўтказиладиган тадқиқотларнинг ҳам асосий элементи сифатида қарала бошланди. 2010 йилда туризм ва рекреация бўйича бўлиб ўтган конференцияда туристик кластер “географик жиҳатдан қўшни бўлиб, туристлар оқимини шакллантирувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи, ҳудуднинг рекреацион салоҳиятидан фойдаланувчи ҳамда ижтимоий ташкилотлар ва давлат бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи компаниялар” сифатида талқин қилинди .

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, унинг алоҳида минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш масалалари бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Б.Д.Олланазаров “туристик кластерда йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик сабабли янги маҳсулот ва хизматларни яратиш учун шароит, инновацион ва ишбилармонлик рақобатчилик муҳити юзага келади. Кўпгина туристик кластерлар ўзларига яқин, ҳамкор саноат тармоқлари корхоналари ва қўллаб-қувватловчи кластерлар билан, масалан, спорт ва туристик буюм-жиҳозлари,

озик-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ОАВ соҳаси табиий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиб доимий равишда алоқаларни мустаҳкамлаб борадилар” деб ҳисоблайди [6].

Шундай қилиб, туристик кластер ҳудудий жиҳатдан яқин жойлашган, фаолияти бевосита ёки билвосита туризм билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектлари, давлат муассасалари, жамоатчилик ташкилотларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва таъсирининг асосий мақсади жойлашган ҳудуднинг инновация салоҳиятидан фойдаланган ва уни ривожлантирган ҳолда сифатли, рақобатбардош туристик маҳсулотни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Илмий адабиётларда туристик кластернинг моҳияти бўйича қуйидаги фикрларни кўриш мумкин:

- туристик кластер туристик корхоналар, асосий ва қўшимча хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг туристик маҳсулотни яратиш юзасидан ишлаб чиқариш, технологик ва ахборот алмашинуви бўйича ўзаро муносабатларда фаолият юритувчи тизимидир;

- туристик кластер туризм фаолияти билан шуғулланувчи компания ва муассасаларнинг географик ҳудудда тўпланишидир. Бу компания ва муассасалар таркибига таъминотчилар, хизмат кўрсатувчилар, давлат муассасалари, университетлар киради;

- туристик кластер бевосита туризм секторига қаршли муассасалардан ташқари қўшимча ёрдамчи муассасалар, транспорт инфратузилмаси, таълим ва касбий тайёрлаш тизимлари, консалтинг ва бошқа хизматларни кўрсатувчи тузилмаларни ўз ичига олувчи ҳудуддир.

Демак, туристик кластерларга аниқ ҳудудий чегарага эгалиги, рақобатбардош туристик маҳсулот ишлаб чиқишга ихтисослашганлиги, кластер қатнашчилари ўртасида турли хил ўзаро таъсирнинг мавжудлиги,

қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг мавжудлиги каби хусусиятлар хосдир. Шу билан бирга кластерларнинг тузилма сифатида инновационлик хусусиятлари ҳамда минтақанинг иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги ролига алоҳида эътиборни қаратиш зарур.

Туристтик кластерларни ташкил этиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад минтақанинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ресурс ва инновация салоҳиятидан фойдаланган ҳолда сифатли, рақобатбардош туристик маҳсулотлар ишлаб чиқишдан иборат. Минтақаларнинг туристик-рекреацион кластери унинг таркибига кирадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш учун қулайлик туғдиради. Натижада улар учун ахборот алмашинуви ва янгиликларни жорий этиш, ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ишларини енгиллаштириш, туристларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларидан биргаликда фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Туризмни ривожлантиришда кластер сиёсатини қўллаш, кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари кластер субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи расмий ва норасмий институтлар йиғиндисидан иборат бўлган қулай институционал муҳит шароитида юз беради.

Туристтик кластерни шакллантиришда давлат иштироки зарурлигини инкор қилмасдан, бундай тузилмаларнинг шаклланиши ва фаолият юритишида асосий ўрин тадбиркорлик субъектларига тегишли эканлигини таъкидлаш зарур. Тадбиркорлик субъектларининг интеграциялашувга, самарали ва очиқ ҳамкорликка тайёрлиги, кооперация муносабатларининг яхши йўлга қўйилганлиги ҳамда норасмий алоқаларнинг ривожланганлиги ҳудудда кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Таълим институти туристик кластер шаклланишида муҳим аҳамиятга эга ижтимоий институт бўлиб, унда жойлашган тадбиркорлик субъектларини малакали кадрлар билан таъминлайди. Туризм кластерларининг инновационлик хусусияти кластерда фаолият кўрсатувчи илмий тадқиқот институтларининг фаолиятига боғлиқдир. Илмий тадқиқот институтлари томонидан яратилган янгиликларнинг жорий этилиши туристик маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда туристик кластерларни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. 2019 йил 18 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисидаги” Қонунида туристик кластерларга қуйидагича таъриф берилган: “Комплекс туристик хизматлар ҳамда туристнинг ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун зарур бўлган бошқа қўшимча хизматлар кўрсатувчи мустақил ташкилотлар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар мажмуи туристик кластердир. Туристик кластерлар комплекс туристик хизматлар кўрсатиш, туристик фаолиятнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш мақсадида туристик маҳсулотни шакллантиради, тарғиб этади ва реализация қилади” [1].

Шунингдек, мамлакатда махсус туристик ҳудудларни, жумладан, кластерларни ташкил этиш масаласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида тасдиқланган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”да алоҳида ўрин берилган, жумладан, мамлакат ҳудудларида тематик туристик зоналари ва кластерларни яратиш орқали ҳамда туризмнинг истиқболли турларини (зиёрат, маърифий, экологик, этнографик, гастрономик, спорт, даволовчи-соғломлаштирувчи, қишлоқ, саноат,

ишбилармонлик ва бошқаларни) ҳисобга олган ҳолда, янги туризм дастурларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган [2].

Туристтик кластерларга хос бўлган хусусиятларни таҳлил этиш мамлакатимизнинг кўплаб минтақаларида туристик кластерларни шакллантириш учун имконият мавжудлигини кўрсатди. Табiiй-рекреацион, тарихий-маданий ресурс салоҳияти, туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда кичик корхоналарнинг фаол қатнашуви, туризм ривожланишини тартибга солишнинг ҳудудий ташкилотлари тизимининг мавжудлиги туристик кластерни шакллантиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга бу вазифани ҳал этишда кластерлар ривожланиши учун самарали институционал муҳитни шакллантириш керак.

Туризм кластерларини ташкил этиш учун қулай институционал муҳитни шакллантиришда давлат ва ҳуқуқ, фуқаролик жамияти, тадбиркорлик, фан ва таълим институтларининг биргаликдаги фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш лозимки, республикаимиз минтақаларида туризмни ривожлантиришда кластер ёндашуви имкониятларидан шу кунгача деярли фойдаланилмапти. Чунки, туризм ноёб хусусиятларга эга бўлгани ҳолда туризмни ривожлантиришга кластер ёндашувини тадқиқ қилиш, уни кенг жорий қилиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Туристтик кластерда кластер аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг моҳияти шундаки, улардан бирининг яхши ишлаши қолган иштирокчилар муваффақиятининг гарови ва ўзаро жамоавий бозорни ифодалайди. Демак, туристик кластернинг барча компаниялари ҳамкорликдаги фаолиятдан жуда кенг доирадаги имкониятлар ва якуний умумий даромадлар кўринишида фойда олади. Туристтик кластерда йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик сабабли янги маҳсулот ва хизматларни яратиш учун шароит, инновацион ва ишбилармонлик рақобат муҳити юзага келади. Кўпгина туристик кластерлар ўзларига яқин, ҳамкор саноат тармоқлари корхоналари ва қўллаб-қувватловчи кластерлар билан, масалан,

спорт ва туристик буюм-жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ОАВ соҳаси, табиий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиб доимий равишда алоқаларни мустаҳкамлаб борадилар.

Ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш учун эркин иқтисодий минтақаларни ташкил этишнинг қизиқарли намуналаридан бири туризм ривожланиши учун ҳудуднинг жозибадорлигини ошириш воситаси сифатида туристик (туристик ва рекреацион) махсус зоналарни яратишдир.

Туристтик ва рекреацион махсус зона – давлатнинг географик жиҳатдан чекланган ҳудуди бўлиб, унинг доирасида қонунчиликда туризмни юритиш учун имтиёзли иқтисодий режим, шунингдек, туризмнинг рақобат устунликларини ва барқарор ривожланишини таъминловчи тегишли тадбирлар белгиланади. Туристтик-рекреацион зона – унда замонавий туристик инфратузилма объектларини (меҳмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятдаги объектларни), махсус фаолият кўрсатувчи ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини туристларга хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда барпо этишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ҳудуд.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан, муайян чегараларга эга бўлган, бир ёки бир неча туристик ресурслар (табиий, тарихий, ижтимоий-маданий, даволаш-соғломлаштириш объектлари, шунингдек туристлар ва экскурсантларнинг эҳтиёжларини қаноатлантира оладиган бошқа объектлар) жойлашган, ташқи ва ички туризмни, туристик индустрияни ривожлантириш, туристик ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилган ҳудуд туристик зонадир.

Туристтик зоналар давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифига кўра ташкил этилади.

Туристтик зоналарни аниқлашда уларда туристик ресурсларнинг мавжудлиги, шунингдек ушбу ҳудудларнинг туризм турларини ривожлантириш учун потенциал имкониятлари инобатга олинади.

Қурилаётган туристик индустрия объектлар мулкдор ва эгалари туристик зоналарнинг ҳудудларида туристик ресурслар барпо этилаётганда, улардан фойдаланилаётганда ушбу объектларнинг мавжуд маҳаллий ижтимоий-иқтисодий, тарихий, илмий, бадий, маданий муҳитга ёки бошқа ташкилий-мақсадли муҳитга ва инфратузилма муҳитига уйғунлашувини назарда тутиши шарт.

Туризм соҳаси субъектлари туристик зоналар ҳудудларида ўз фаолиятини ташкил этишда ва амалга оширишда атроф-табiiй муҳитга, маданий мерос объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табiiй ҳудудларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни таъминлаши шарт [1].

Жаҳон тажрибасида эркин иқтисодий зоналар – табiiй, тарихий ва туристик рекреацион зоналар ажратилади. Табiiй зоналар ўзига хос табiiй шароит, ер ва сув ресурсларига эга бўлган зоналар бўлиб, улар экологик ва илмий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли давлат томонидан муҳофаза қилинади. Тарихий зоналар тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлиб, бу зоналарга туристлар тарихий-маданий, меъморлик ансамбллари кўришга келади. Туристтик-рекреацион зоналар дам олиш зоналари бўлиб, туристлар бу ерга келишлари учун зарур инфратузилма яратилган бўлиши керак.

Биринчи туризмни ривожлантириш зоналари Миср, Тунис, Марокаш, Мексика, Индонезия, Кения, Танзания, Гамбия ва Кариб ороллари мамлакатларида (Ямайка, Барбадос) пайдо бўлди. Уларга асосан Европа мамлакатлари (Буюк Британия, Франция, Голландия, Испания, Германия,

Португалия), шунингдек, Япония ва АКШдан сайёҳлар ташриф буюрган. [4;181]

Шу билан бирга, қабул қилувчи мамлакатлар маҳаллий аҳолиси ҳаётига, экологик шароитга туризм фаолиятининг таъсири бу зоналарда баъзи салбий оқибатларга:

- туристик ресурслардан интенсив фойдаланиш атроф-муҳит сифати ва инфлосланишининг ёмонлашувига олиб келди;

- маҳаллий аҳоли ва меҳмонларнинг маданий хусусиятлари ўртасидаги тафовут бир қатор ижтимоий ва этно-маданий муаммоларни юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизимини такомиллаштириш учун максимал қулай шарт-шароит яратиш, замонавий меҳмонхоналар мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар, эко- ва агротуризм ҳамда бошқа сайёҳлик объектлари, ҳудудларда замонавий муҳандислик инфратузилмаларини барпо этиш, шунингдек олис тоғли ҳудудларда қўшимча иш ўринларини яратиш бўйича Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида махсус туристик зоналар фаолиятини ривожлантиришга доир лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Минтақанинг инновация салоҳиятидан фойдаланиш ва уни кенгайтиришда туризм кластерларини ташкил этиш куйидаги имкониятларни беради:

- туризм бизнеси, фан ва давлат бошқарув ташкилотларининг биргаликдаги ҳаракатларининг мувофиқлаштирилиши;

- туристик кластер катнашчилари фаолиятининг ресурсларга эга бўлиш имкониятини (ахборот, инновация ва технологик) кенгайтириш ҳамда инфратузилма объектларидан биргаликда фойдаланиш йўли билан

харажатларни, жумладан, трансакция харажатларини камайтириш асосида самарадорлигини ошириш;

- туризм хизматлари ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро таъсирни кучайтириш асосида инновацион маҳсулотларни яратиш ва бозорга олиб чиқиш жараёнини жадаллаштириш;

- кластерни шакллантиришда иштирок этувчи инвесторлар учун имтиёзларнинг мавжудлиги сабабли минтақада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш;

- янги бизнесни яратиш ва ривожлантириш шароитлари яхшиланиши туфайли рақобатнинг рағбатлантирилиши;

- туристик маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришнинг барча зарур бўғинлари битта ҳудудда тўпланиши натижасида қўшилган қиймат ўсишининг ёпиқ занжири шаклланиши.

Ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш учун эркин иқтисодий минтақаларни ташкил этишнинг қизиқарли намуналаридан бири туризм ривожланиши учун ҳудуднинг жозибадорлигини ошириш воситаси сифатида туристик (туристик ва рекреацион) махсус зоналарни яратишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-549-сон 18.07.2019. lex.uz/docs/4428097.

2. Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январь ПФ-№5611- сонли Фармони. <http://lex.uz/docs/4143188>.

3. Batirova N. (2020) "Features and trends of development of industrial complex in the tashkent region," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 22. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss3/22>

4. Мироненко Н.С., Твердохлебов И.Т. Рекреационная география. – Москва: Изд-во Моск. ун-та, 1981. – 207 с.
5. Навруз-Зода Б.Н. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги: Монография / Б.Н.Навруз-Зода таҳрири остида. Бухоро: “Sadriiddin Salim Vuxoriy” Durdona nashriyoti, 2017. – 156 б.
6. Олланазаров Б.Д. Кластер ёндашуви асосида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил. www.iqtisodiyot.uz.
7. Xudoyarov A. (2020). Aspects and possibilities of using the cluster approach in developing the effectiveness of ziyarah tourism. The Light of Islam, 2020(1), 202-209.
8. Фуломова Г.П. Туризм кластерларининг институционал муҳити. //Экономика и финансы (Узбекистан). 2019. №11.- 18-22-б.
9. Monfort M. Competitividad y factores críticos de éxito en la «hotelería de litoral»: experiencia de los destinos turísticos Benidorm y Peñíscola: doctoral dissertation. Universidad de València, 2000. 502 p.
10. Porter M.E. Clusters and the New Economics of Competition // Harvard Business Review. November-December. 1988. P. 78.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Нигина Фуркатовна САЙФУТДИНОВА

таянч докторант

Тошкент давлат техника университети

Тошкент, Ўзбекистон

sayfutdinovan88@mail.ru

Аннотация

Мақолада инновация, инновацион жараён тушунчалари ва уларнинг моҳияти хусусида хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрлари келтирилиб, инновацион жараёнларни ташкил этиш шакллари ва инновацион жараёнларнинг асосий босқичларининг батафсил назарий тахлили келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: инновация, инновацион жараён, инновацион жараёнларни ташкил этиш шакллари, инновацион жараёнларнинг асосий босқичлари, инновацион стратегия.

ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Нигина Фуркатовна САЙФУТДИНОВА

базовый докторант

Ташкентский государственный технический университет

Ташкент, Узбекистан

sayfutdinovan88@mail.ru

Аннотация

В статье представлены взгляды зарубежных и отечественных ученых о понятиях инновация, инновационный процесс и об их сущности. Дан подробный теоретический анализ форм организации инновационных процессов и основных этапов инновационных процессов.

Ключевые слова: инновация, инновационный процесс, формы организации инновационных процессов, основные этапы инновационных процессов, инновационная стратегия.

Глобаллашув шароитида ҳар қандай иқтисодий тизим (корхона, ҳудуд ва мамлакат)ни самарали ривожлантириш унинг инновацияларни қабул қила олишига боғлиқ. Яъни ташқи ва ички муҳитнинг ўзгаришига мос равишда фаолият шаклининг янгиланишида узлуксизлик таъминланиши зарур. Замонавий дунёда инновацияларнинг турли соҳалардаги фаолиятга

жорий қилиниши иқтисодий ўсишга олиб келиб, бир томондан давлатнинг ривожланишида бош омил бўлса, иккинчи томондан илмий-техник ривожланишнинг натижаси сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз” [1].

Иқтисодий тизимнинг ривожланиши инновацияларнинг таъсири остида амалга оширилиб яқунда янги билимлар ҳисобига иқтисодий ўсишга эришишда инновацион дастаклардан фойдаланиш долзарблигини кўрсатади. Инновацион ишланмалар турли хил элементлардан ташкил топган бўлиб, уларни бир бутун тизимга бирлаштиришдан олинган натижа иқтисодий ўсишга сабаб бўлади.

Жаҳонда “инновация” ва “инновацион жараён” тушунчаларига кўплаб олимлар ўз таърифларини келтиришган. Бу ишлаб чиқариш омилларининг ноанъанавий комбинацияси бўлиб, Й.Шумпетер томонидан унинг инновацион ўсиш назариясининг асоси сифатида фойдаланилган. У ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациясининг мавжудлиги ва зарурлигини биринчилардан бўлиб асослаган. Шунингдек технологик "инновациялар" тушунчасини "янги комбинацияларнинг киритилиши" [10] дея таърифлаган.

П.Ф.Друкернинг фикрича, инновация – бу тадбиркорлар томонидан қўлланган ўзига хос восита бўлиб, ундан турли хил хизмат ва бизнесдаги имконият сифатида фойдаланиш мумкин [7].

С.Д.Ильенкованинг таъкидлашича, инновацияларнинг таркиби ўзгаришлардан иборат бўлиб, инновацион жараённинг асосий вазифаси ҳам ўзгаришлардир. Инновацияларда динамик ва статик жиҳатлар мавжуд. Охирги ҳолатда эса илмий-ишлаб чиқариш циклининг натижаси сифатида

намоён бўлиб, бу натижалар ўзининг муаммоларига эга бўлади [8]. Шу сабабли инновацион жараёнга янгиликларни аста-секинлик билан жорий этиш талаб этилади.

Р.И.Гимуш, Ф.М.Матмуродовларнинг фикрича, инновация – янгилик ва янгилик киритиш деган маънони билдиради. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим [5;10].

З.Т.Гаибназарованинг таъкидлашича инновация – бу касбий фаолиятнинг тубдан тартибга солинадиган, янги натижаларни яратиш ва уни тубдан янги сифат даражасига кўтариш. Мукамал ҳолдаги ҳар қандай янгилик одатдаги фаолиятдан ташқарига чиқади ва ҳар доим ушбу соҳада ютуқларга интилади [6]. Унга кўра инсон капитални ривожлантиришда инновацион жараёнларни тўғри ва вақтида йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади.

Инновацион жараёнларни таърифлашда кўплаб олимларнинг илмий қарашлари эътиборга молик. А.И.Анчишкиннинг таъкидлашича, инновацион жараёнларни уч хил турдаги янгиликларни жорий қилинишига ажратиш мумкин. Булар, шу пайтга қадар айтилмаган илмий янгиликлар бўлиб, инқилобий самарадорлик кучларини намоён қилади; техниканинг даври алмашиши, мавжуд фундаментал илмий тамойилни сақлаган ҳолда янги технологияларнинг пайдо булиши; мавжуд техниканинг маълум бир кўрсаткичларини миқдорий яхшилаш, янгилик жорий қилиш турларининг моҳияти, турли даражадаги билимларнинг моддийлашуви [13]дир.

Л.С.Барютиннинг таъкидлашича, янгиликни жорий қилиниши бу – бошқариладиган жараён бўлиб, мажмуавий характерга эга ва турли хил тизим ва таркибий тузилмаларга сезиларли ўзгартиришлар киритиш мақсадида янгисини яратиш, тарқатиш ва бутунлай янги ёки модификацияланган восита (янгилик)дан фойдаланиш билан аниқ ижтимоий эҳтиёжни қондириш ва иқтисодий, техник ҳамда ижтимоий самара келтириши [4;12]дир.

Мазкур атамаларнинг мазмунидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, қачонки, ҳар қандай кашфиётлар, янги воқеалар, хизматлар ва усуллар турлари тарқалишига қабул қилинса (тижоратлашиш), ўшанда халқ оммаси томонидан тан олинади. Бунда янгиликнинг жорий этилиши янгиликни қўллаш жараёнини билдиради ва янгиликнинг тарқатилишига қабул қилиниши вақтидан бошлаб янги сифат – инновация (янгиликни жорий этиш)га айланади.

Инновация ва инновацион жараён атамалари бугунги кунда жуда кенг қўлланилиши унинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бўлган қизиқишларни янада кучайтирмоқда. Шу сабабдан мазкур атамаларнинг иқтисодий мазмун-моҳиятини тадқиқ этган айрим иқтисодчи-олимларнинг қарашларини ўрганиш муҳимдир.

Хорижий изланувчилар ва МДХ мамлакатларидаги тадқиқотчилар билан бир қаторда Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар ҳам “инновация” атамасининг иқтисодий мазмун-моҳияти юзасидан илмий қарашларни ўртага ташлаш бўйича катта изланишлар олиб боришган ва ўзларининг замонавий талқиндаги таърифларини ишлаб чиққанлар.

Илгари, инновацион жараёнда ҳукуматнинг роли бозорнинг барча иштирокчилари инновацияларни самарали ишлаб чиқиши ва жорий қилиши, шунингдек, фундаментал тадқиқотлар ва янги ишланмаларга ҳомийлик қилиши мумкин бўлган инновацион муҳитни яратишдан иборат эди. Бугунги тобора мураккаблашиб бораётган дунёда, саноатнинг ўзаро кириб бориши ва ўзгаришларнинг тез суръатларда ошиб бориши шароитида, давлатнинг роли янада аҳамиятли бўлиб бормоқда [11]. Чунки мамлакат инновацион ривожланишни амалга оширмаса глобал миқёсда қўплаб мамлакатлардан ортда қолади ва натижада иқтисодий инқирознинг содир бўлишига замин ярата бошлайди.

Мамлакатни инновацион ривожлантириш сиёсатини, шу жумладан саноатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали, ҳукумат нафақат стратегик муҳим истиқболли лойиҳаларни молиялаштиради, балки тармоқларнинг инновацион ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади [9;35].

Глобал қиймат занжири назариясининг мавжуд ёндашишлари бир-бирини тўлдиришига қарамай, бу мавзудаги тадқиқотларнинг классик назарий асосини бекаму кўст деб бўлмайди. Глобал қиймат занжири тадқиқотларининг эмпирик ва услубий асослари яратилмоқда. Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини ва уларнинг прогноз қийматини ошириш, кўпроқ таклиф қилиш, амалий-сиёсий тавсиялар ва стратегик режалаштиришни такомиллаштириш ҳамда фойда олиш учун Глобал қиймат занжири ва инновацион тизимлар тадқиқотларини бирлаштириш мумкин. Бу назарияларнинг ўзига хос чеклашларидан қочиш, тақдим этилган модел миллий институтларнинг аҳамияти инобатга олинади. Foresight (Башорат) методологиясининг қўлланилиши прогнозни кенгайтиради. Таҳлил қилиш имкониятлари ва статик моделга динамизмни кўшади. Буларнинг барчаси мамлакатларнинг стратегик режалаштириш аниқлигини оширишга имкон беради. Глобал қиймат занжирларида мавжуд ва мавжуд моделларга нисбатан ишлаб чиқилган сиёсий тавсияларнинг аҳамиятини оширади [12]. Ушбу методологияни мамлакатимизга жорий қилиш орқали янги инновацион ечимларга эришиш мумкин.

Текширилган ташкилотларнинг умумий сонида технологик инновациялар билан шуғулланувчи ташкилотлар улуши бизнес ҳамжамиятининг умумий ҳажмида инновацион фаолиятнинг ривожланиш даражасини кўрсатади. Саноат намуналарига берилган патентлар сонининг индикатори инновация соҳасининг ривожланиши ва илмий ходимларнинг жалб этилиш даражаси, шунингдек ушбу кўрсаткич инновацион жараённинг капитал интенсивлигини кўрсатади. Ривожланган илғор технологияларнинг

кўрсаткичи комплексда инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш самарадорлигини баҳолашга имкон беради. Шунингдек, инновациялар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи билвосита кўрсаткичдир [11]. Патентларнинг сони ортишида мамлакатимизда асосан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаол ҳаракат қилишмоқда. Давлат ташкилотларида эса ушбу жараён сўнгги йилларда кескин пасайганлиги сезилмоқда.

Инновацион жараён – бу илмий билимларни инновацияга айлантиришнинг тараққиётидир. Инновацияларни ғоядан маълум бир маҳсулот, технология ёки хизматга ўтадиган ва амалий фойдаланишда тарқаладиган ҳодисаларнинг кетма-кет мақсади сифатида тақдим этиш мумкин. Бошқалардан фарқли ўлароқ, инновация жараёни амалга ошириш билан тугамайди. Яъни, бозорда янги маҳсулот, хизмат пайдо бўлиши ёки янги технологияларни лойиҳалаштириш қувватига етказиш талаб этилади.

Инновацион жараён (ИЖ) бир неча босқичларни ўз ичига олади, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ), тажриба-конструкторлик ишлари (ТКИ), ишлаб чиқаришга технологик тайёргарлик (ИЧТТ), ишлаб чиқариш цикли (ИЧЦ), бозор фаолияти (БФ). Инновацион жараённинг ушбу беш асосий босқичи 1-расмда тасвирланган.



1-расм. Инновацион жараённинг бешта асосий босқичлари [7]

“Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси”га кўра Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган харажатларни ошириш ҳамда бу кўрсаткични ЯИМга нисбатан 1-1,5 фоизга етказиш, банд бўлган аҳоли орасида тадқиқотчи олимлар сонини 0,4 фоизга, иқтисодиёт тадбиркорлик секторининг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлари улушини инновацияларга сарфланадиган барча харажатларнинг 0,4 фоизга етказиш, шунингдек, Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати орасидан жой олишига эришиш вазифаси белгиланган [3].

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланган ўзлаштирилган харажатлар тузилмасини кўриб чиқишда давлат секторининг улуши катталигини қайд этиш зарур. Молиялаштириш бўйича манбалар тузилмасида Ўзбекистонда илмий-тадқиқот фаолиятида давлат бюджети бундан буён ҳам жиддий роль ўйнайди. Унинг улуши 2017 йилда 56,1 фоизни ташкил этди. Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари аҳамияти бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришнинг иккинчи манбаси ҳисобланади – 29,4%.

Охирги ўн йилда реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми 4 баравар ошди ва 2017 йилда 18025,9 млрд. сўмга етди. 2017 йилда инновацияларнинг барча турлари учун харажатларнинг умумий ҳажми (технологик, маркетинг ва ташкилий) ўз навбатида тахминан 2,4 баравар ошди ва унинг улуши 2017 йилда ЯИМга нисбатан 1,7 фоизни ташкил этди.

2017 йилда корхоналарнинг ўзлари инновацияларга энг кўп харажат сарфлади (71,0%). Инновациялар турлари бўйича харажатлар

таркибида технологик инновациялар энг катта улушни эгаллайди (ўртача 97%).

2017 йилда технологик инновациялар жорий этган инновацион фаол корхоналар сони 975 тага етди. Улар томонидан 1946 та технологик инновация жорий этилди. Узлуксиз статистик текширув натижалари бўйича 2017 йилда инновацияларни жорий қилган корхоналар ва ташкилотлар улуши корхоналар умумий сонидан 0,34 %ни ташкил этди.

Жаҳон мамлакатларини баҳолаш ва уларни инновациялар ривожланиши даражаси бўйича таққослаш учун Корнел университети, INSEAD бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) Глобал инновацион индекси (Global innovation Index) ишлаб чиқди. Охирги эълон қилинган тадқиқотда (Global innovation Index 2018) экспертлар интеллектуал мулк ҳуқуқи учун аризалар сонидан ва яратилган мобил иловалардан бошлаб то таълим учун харажатлар ҳажми ва илмий-техник эълонлар сонигача 80 та турли параметр асосида 126 та мамлакатни баҳолади. Ўзбекистон 2018 йилги Глобал инновацион индексга киритилмади.

Охирги марта мамлакатимиз бу индексда 2015 йилда иштирок этган бўлиб, 141 та мамлакат орасида 122-ўринни эгаллади. Бунда индекс яратиш учун кўриб чиқилган 80 та кўрсаткичдан 39 таси бўйича Ўзбекистонга оид маълумотлар мавжуд эмас эди. Глобал инновацион индексда фойдаланилган методологияга кўра 11 та кўрсаткич бўйича Ўзбекистон энг заиф хусусиятларга эга.

Ўзбекистонда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи компаниялар анча ўсганлигига қарамай, инновацион-фаол корхоналар, яъни технологик инновацияларни жорий этувчи корхоналар улуши ҳам паст даражададир – 2017 йилда 0,34% (ривожланган мамлакатларда – 40-65%) [3].

Бугунги воқеликда инновациялар миллий иқтисодиётда стратегик вазибаларни ҳал қилишда самарали восита бўлиб хизмат қилади, чунки улар ривожланиш суръатларини белгилаш, етакчилик ва рақобатдош устунликни кучайтириш ва зарарлардан ўз вақтида ҳимоя қилишни таъминлайди. Бизнеснинг барча соҳаларида иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган радикал инновацияларни жорий этиш шароитида Россия иқтисодиётидаги бир нечта саноат инновацияларини ривожлантириш истиқболли. Улар керакли ишлаб чиқариш кўламига эга (нефт ва газ, энергетика, металлургия ва бошқалар) ва илғор технологияларни ва миллий инновацион марказларни жорий этишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши мумкин.

Ўз навбатида, Ўзбекистон қуйидаги кўрсаткичлар бўйича юқори ўринларга эга: бизнес ташкил этишнинг оддийлиги (55-ўрин), фаолият кўрсата олмасликни ҳал этишнинг оддийлиги (банкротликни тан олиш) (72-ўрин), ўрта таълимда олимлар ва ўқитувчилар нисбати (47-ўрин), илм-фан ва техника соҳасидаги битирувчилар сони (47-ўрин), капиталнинг ялпи жамланиши (19-ўрин), микромолиявий ташкилотлар кредит портфели (39-ўрин), келиб чиқиши бўйича патент аризалар (48-ўрин), келиб чиқиши бўйича фойдали модел иловаси (24-ўрин), бир кишига ЯИМ ўсиш суръатлари (6-ўрин), яратилган миллий бадий фильмлар (49-ўрин) [3].

2019 йилда мамлакатимизнинг Global innovation Index рўйхатида киритилмаганлигини паст даражадаги инновацион сиёсатнинг қўлланилиши билан боғлаш мумкин. Бунинг олдини олиш ва инновацион фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида Президентимиз томонидан узоқ муддатли мақсадли стратегик йўналиш белгилаб берилди. Ҳамда инновацион жараёнларни самарали йўлга қўйиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясининг Концепцияси”да “Инсон иқтисодий ривожланишнинг асосий омили”

эканлиги келтирилган. Ҳамда юқори малакали кадрларни тайёрлашга ва инновацияларни ривожлантиришни рағбатлантиришга имкон берадиган узлуксиз таълим концепцияси жорий қилинганлиги келтириб ўтилган.

Унга кўра қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади. Яъни: [2]

– аҳолининг барча қатламлари учун қулай ва сифатли таълимни йўлга қўйиш;

– таълим вазирликларининг ривожлантириш бўйича ягона стратегиясини яратиш;

– таълим сифатини баҳолашнинг давлат тизимини ишлаб чиқиш;

– ривожланган инфратузилма, мактаблар (синфда 27 кишигача), университетлар (ҳар бир университет учун 170 минг киши) ва болалар боғчалари сонининг кўпайиши;

– оммавий таълимдан инклюзив таълимга ўтиш;

– ривожланган хусусий таълим бозорини ташкил қилиш;

– меҳнат бозори ҳажми ва тузилмаси бўйича ишончли ва тўлиқ маълумотларни шакллантириш;

– илмий ва педагогик кадрлар самарадорлигини ошириш, шу жумладан илмий хавола қилинган натижаларни илмий журналларда нашр этиш (peer-reviewed journals). Хирша Индекс нашрларининг иқтибосларини кўпайтириш;

– халқаро миқёсда тан олинган илмий мактабларни яратиш (таниқли олимлар учун) кабилар киради.

Юқоридаги йўналишларни амалиётга жорий қилиш ҳисобига инсон капиталига қаратилган инновацион жараёнларни ташкил этишнинг самарадорлигини ошириш натижасида 2030 йилга келиб қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

– мутахассисларнинг малакаси бозор талабларига жавоб бера бошлайди;

- 2030 йилга келиб аҳоли жон бошига ЯИМ 4 538 АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда;
- муҳандислар, иқтисодчилар ва менежерлар бозорда устунлик қила бошлайди (ходимларнинг 70% дан ортиғи);
- ишсизлик даражаси 6,2% га камайтиради [2, 3].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқидан 2.12.2017 йил. <http://uza.uz/uz/politics/shavkat-mirziyoyev-xalqimiz-dunyoqarashida-innovatsiya-muhit-02-12-2017>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясининг Концепцияси. <https://uzbekistan2035.uz/uz/uzbekistan-2035/>
3. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси. <https://www.pv.uz/uz/documents/mamlakatni-ijtimoiy-iqtisodiy-rivojlantirishning-strategik-vazifalari-amalga-oshirilishi-samaradorligi-uchun-ozbekiston-respublikasi-vazirlar-mahkamasining-masuliyatini-oshirishga-doir-birinchi-navbatdagi-chora-tadbirlar-togrisida>
4. Барютин Л.С. Управление техническими нововведениями в промышленности. – Ленинград: Изд-во ЛГУ, 1986.
5. Гимуш Р. И., Матмуродов Ф. М. Инноватсион менежмент: Иқтисодиёт олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008.
6. Гаибназарова З.Т. Модернизация: управление инновациями и управленческие инновации // XIX Международная конференция “История управленческой мысли и бизнеса. Управленческий труд и роли менеджеров: прошлое, настоящее, будущее”. – Россия, Москва: МГУ имени М.В.Ломоносова, 21-22 сентября 2018. – С. 79-88.
7. Друкер Питер Ф. Бизнес и инновации: Пер. с англ. – Москва: ООО «И.Д. «Вильямс», 2009. – 432 с.

8. Инновационный менеджмент: учеб. [Текст] / под ред. С.Д. Ильенковой. – Москва: ЮНИТИ, Банки и биржи, 2001. – 321 с.
9. Райзберг Б.А. Государственное управление инновационными процессами. Экономист. – Москва, 2008.
10. Шаймиева Э.Ш. Инновации для реализации технологической модернизации регионов. – Казань: Познание Института экономики, управления и права, 2011. – 212 с.
11. Morozyuk Y.V., Sharkova A.V., Merkulina I.A., Vasilyeva O.N. 2017. Innovative Aspects of Development of the Waste Recycling Industry in the New Economic Context: Problems and Prospects. *Journal of Environmental Management and Tourism*, 8(3(19)): 507 515.
12. Meshkova and Moiseichev. Russia's experience of foresight implementation in global value chain research. *Journal of Innovation and Entrepreneurship* (2016) 5:9. DOI 10.1186/s13731-016-0039-7
13. https://studme.org/13761025/investirovanie/struktura_innovatsionnogo_pr_otsessa

ЎЗБЕКИСТОНДА БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Нодиржон ШОВКАТОВ

таянч докторант

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

nshovkatov@mail.ru

Аннотация

Мақола баҳолаш фаолиятининг долзарблилиги, баҳолаш хизматлари бозорини ривожлантиришдаги муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар натижалари таҳлили, шунингдек баҳолаш фаолиятини стандартлаштириш муаммоларига бағишланган.

Таянч сўзлар: баҳолаш, баҳолаш хизматлар бозори, баҳолаш фаолияти, баҳолаш ташкилоти, мулкни баҳолаш, малака сертификати, баҳолаш стандартлари, баҳолаш объекти, баҳолаш усуллари.

ФАКТОРЫ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ РЫНКА ОЦЕНОЧНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Нодиржон ШОВКАТОВ

базовый докторант

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

nshovkatov@mail.ru

Аннотация

В статье рассматривается актуальность оценочной деятельности, проблемы развития рынка оценочных услуг и результаты реформ по их решению, а также проблемы стандартизации оценочной деятельности.

Ключевые слова: оценка, рынок оценочных услуг, оценочная деятельность, оценочная организация, оценка имущества, квалификационный аттестат, стандарты оценки, объект оценки, методы оценки.

Мамлакатимизда савдо ва бозор муносабатларининг ривожланиши, хусусийлаштириш жараёни, қимматли қоғозлар бозорининг пайдо бўлиши, суғурта тизимининг ривожланиши, банклар томонидан мол-мулк билан таъминланган кредитларнинг берилиши баҳолаш хизматлар бозори фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини янада оширмоқда. Шундай бўлсада, бугунги кунда баҳолаш хизматлар бозорида 250 дан ортиқ баҳолаш ташкилотлари, шу жумладан халқаро компаниялар мавжуд бўлиб, уларда

1000 дан ортиқ баҳоловчилар профессионал фаолият юритиб келмоқда, мол-мулкни баҳолаш бўйича 100 минга яқин шартномалар тузилган. Шу билан бирга, баҳолаш хизматлари бозори ҳажми 2019-йилда атиги 63 млрд сўмни ташкил этди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республикада баҳолаш фаолиятининг таракқиёти уйғун ривожлантирилаётган иқтисодий ислохотлар талабларидан орқада қолмоқда. Баҳолаш ташкилотлари фаолияти иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичи талабларига тўлиқ мос эмаслиги юзага келган ҳолатнинг асосий сабаби ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.2-бандида “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш” [2] вазифаси қўйилган.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши [3], унда баҳоловчиларнинг малака даражаси ва баҳолаш фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат ташкилотлари аъзолигидан келиб чиққан ҳолда уларни тоифалаш, баҳолаш хизматларининг профессионал даражаси ва сифатини ошириш, баҳолаш ташкилотлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этиш, ҳамда ўтказиладиган баҳолаш ишларининг натижалари ва объективлиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, давлат активларини сотиш жараёнларини соддалаштириш вазифалари белгилаб ўтилганлиги аҳамиятлидир.

Баҳолаш соҳасидаги қонунчиликга мувофиқ баҳолаш фаолияти

баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш объекти қийматини аниқлашга қаратилган фаолиятдир [1].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ш.Шоҳаъзамийнинг фикрича, баҳолаш фаолиятини ривожланиши мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорининг динамик муҳитга эга мураккаб тизим эканлиги унда баҳолаш хизматлари ҳажми вақт бирлиги ичида талаб ва тақлиф асосида узлуксиз ўзгариб бориши билан белгиланади [7].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор К.Хомитовнинг фикрича, ҳозирги кунда баҳолаш фаолияти алоҳида назарияга ва юқори даражада тартиблаштирилган мураккаб, самарали инфратузилмага ва динамик муҳитга эга бўлиб, замонавий иқтисодиёт ривожини қийматий белгилайдиган мураккаб тизим сифатида намоён бўлмоқда [6].

Россиялик иқтисодчи-олимларнинг таъкидлашича баҳолаш фаолиятини ривожлантириш – мавжуд иқтисодий инқирозни бартараф этиш, тўлақонли таркибий тузатишларни амалга ошириш ва инвестиция жараёнларини фаоллаштиришнинг зарур шартидир [5].

Касбий фаолият сифатида баҳолаш фаолияти мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги эҳтиёжларига жавоб бериши, шунингдек, минтақавий ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиши керак [9].

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, баҳолаш фаолияти – бу моддий ва номоддий мулк (ашё)нинг ўтмишдаги, ҳозирги ва келгусидаги миқдор ва сифатидан келиб чиққан ҳолда унинг ҳақиқий қиймати аниқлашга қаратилган фаолиятдир.


Бугунги кунда баҳолаш фаолияти ривожланишида баҳолаш хизматлари бозорининг асосий мақсади – мулк қийматини баҳолаш билан боғлиқ эркин рақобатга асосланган малакали хизматлар кўрсатиш учун баҳоловчи ва буюртмачи ўртасидаги очиқ муносабатни ўрнатишга эришиш, хизматлар бозори субъектлари ўртасида соғлом рақобат асосида қулай шароитлар яратиб беришдан иборат.

Мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозори баҳолаш фаолият объектлари таснифидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таснифланади:



1-расм. Баҳолаш хизматлари бозорининг таснифи [4;492]

Баҳолаш хизматлари бозорига бўлган талабнинг оширилиши, жумладан кредит ва инвестициялар ҳажмининг ўсиши оқибатида баҳолаш хизматларига бўлган талаб ҳам миқдор жиҳатдан сезиларли даражада ортиши керак. Бу ўз навбатида баҳолаш хизматлари бозорининг ЯИМдаги улушига сезиларли таъсирини кўрсатади. Қуйидаги 2-расм davaktiv.uz расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



2-расм. Баҳолаш хизматлари бозорининг ЯИМдаги улуши.

Юқоридаги 2-расмдан кўриш мумкинки баҳолаш хизматлари бозори таҳлил қилинаётган йиллар давомида кичик ҳажмда бўлса ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга эканлигини кўриш мумкин. Бу ўз навбатида кейинги

йилларда баҳолаш фаолиятини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш зуруратини англатади.

Ҳозирги кунда баҳолаш хизматлари бозорини ривожлантириш, амалга ошириладиган баҳолаш ишларининг натижалари ва холислиги учун жавобгарликни ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиши натижасида профессионал баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантиришга ҳамда баҳоловчи ташкилотларга бўлган ишончни оширишга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар бартараф этилмоқда.


Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4381-сонли Қарорига асосан баҳолаш ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади ҳамда уларнинг амал қилиши чекланмаган муддатга берилади.

Иккинчидан, Баҳоловчиларга малака сертификати бериш тартиби соддалаштирилди. Унга кўра эндиликда баҳолаш фаолияти бўйича малака имтиҳони топширадиган талабгор:

- олий иқтисодий, юридик ёки техник маълумотга, баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчи лавозимида сўнгги 5 йилда камида 1 йил иш стажига эга бўлиши;
- ёхуд олий маълумотга, сўнгги беш йилда мол-мулкни баҳолашда баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида камида 2 йил иш стажига эга бўлиши;
- “Баҳолаш иши ва риэлторлик (5A231501)” ёки “Баҳолаш ва кўчмас мулкни бошқариш (5A340901)” мутахассисликлари бўйича олий маълумотга эга бўлган ёки баҳоловчининг халқаро сертификатига эга бўлган талабгорлар махсус ўқувдан ўтмасдан малака имтиҳонини топширишга ҳақли этиб белгиланиб қўйилди [8].

Ушбу ўзгаришлар мамлакатимизда малака сертификатиغا эга баҳоловчилар сони ортишига хизмат қилмоқда. Қуйидаги 3-расм davaktiv.uz расмий

сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



3-расм. 2008-2019 йилларда Ўзбекистонда малака сертификати эга баҳоловчилар сонининг ўсиш тенденцияси.

Юқоридаги маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимизда баҳолаш сертификатиغا эга бўлган малакали баҳоловчилар сони кичик миқдорда бўлса ҳам ўтган йиллар мобайнида мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўриш мумкин.

Учинчидан, баҳолаш хизматлари бозори учун мавжуд талабдан келиб чиққан ҳолда малакали профессионал иштирокчиларни тайёрлаш тизими ҳам ўзгартирилди. Яъни, баҳолаш хизматлари бозорида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган малака сертификатиغا эга баҳоловчилар хизматларини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ва бу орқали баҳолаш ҳисоботлари сифатини яхшилаш мақсадида баҳоловчиларни тоифаларга ажратилади 1-жадвал. Унга кўра эндиликда баҳоловчи йил давомида тузган баҳолаш ҳисоботларининг сони ҳамда

сифатидан келиб чиқиб махсус комиссия томонидан иккинчи, биринчи ҳамда олий тоифали баҳоловчи этиб белгиланади. Шунингдек, баҳолаш ташкилотнинг раҳбари фақат биринчи ёки олий тоифадаги баҳоловчи бўлиши мумкинлиги ҳамда 2020 йил 1 январдан бошлаб, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш учун фақат биринчи ва олий тоифа баҳоловчилар жалб қилиниши белгилаб қўйилди.

1-жадвал

Ўзбекистонда баҳоловчиларга тегишли тоифалар бериш тизими [9]

Тоифалар	Қўйиладиган талаблар
иккинчи тоифа	тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 15 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади.
биринчи тоифа	тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 25 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади.
олий тоифа	тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги беш йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 35 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади.

Тоифалашдан асосий мақсад анча йиллар мобайнида баҳолаш ташкилотларида ишлаб келаётган малакали баҳоловчиларни рағбатлантириш, баҳоловчилар ўртасида рақобат муҳитини яратиш ва бунинг натижасида баҳоловчиларни ўз устида кўпроқ ишлаб ўз фаолиятларининг етук мутахассиси бўлишларига ҳамда баҳолаш ҳисоботларининг сифатини ошириш ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, баҳолаш ташкилотини ташкил этиш, устав капиталини шакллантириш билан боғлиқ мажбуриятнинг салбий таъсирини таҳлил қилсак, гарчи республика миқёсида баҳолаш ташкилотлари сони ортган бўлсада, ундаги малака сертификатиغا эга бўлган баҳоловчилар сони бўйича ҳудудлар миқёсида йирик тафовутнинг мавжудлиги, асосий кўрсаткичлар Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келишини кўриш мумкин (2-

жадвал). Ушбу жадвал davaktiv.uz расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-жадвал

2014-2019 йилларда малака сertiфикатига эга баҳоловчилар сонининг ҳудудлар бўйича тақсимоти

Худудлар номи	Йиллар ва						2019 йилда худудлар улуши, жамия нисбатан %ларда	4 йилда ўртача жамия нисбатан худудларнинг улуши, %	7 ва 8 устунлардаги ўзгариш мутлақ миқдорларда
	малака сertiфикатига эга баҳоловчилар сони								
	2014	2015	2016	2017	2018	2019			
1	2	3	4	5	6	7	7	8	9
Қорақалпоғистон Республикаси	35	35	36	41	38	32	4,49	5,0	0,2
Андижон вилояти	64	65	68	64	74	82	8,75	8,5	-0,4
Бухоро вилояти	43	45	46	44	47	53	5,56	6,0	-0,4
Жиззах вилояти	20	21	23	24	25	22	2,96	2,9	0,2
Қашқадарё вилояти	33	35	37	46	45	57	5,32	4,9	0,9
Навоий вилояти	23	25	26	23	29	36	3,43	3,1	-0,2
Наманган вилояти	55	59	60	56	63	61	7,45	7,2	-0,1
Самарқанд вилояти	50	52	56	67	64	85	7,57	7,4	1,1
Сирдарё вилояти	10	10	10	7	9	12	1,06	1,2	-0,3
Сурхондарё вилояти	13	14	16	24	21	29	2,48	2,1	0,9
Фарғона вилояти	52	58	63	54	63	76	7,45	7,6	-0,8
Хоразм вилояти	38	40	41	43	44	52	5,20	5,2	0,3
Тошкент вилояти	49	51	54	49	59	72	6,97	6,7	-0,5
Тошкент шаҳри	230	233	242	248	265	365	31,3	32,2	-0,8
Ҳаммаси	715	743	778	790	846	1034	-	-	-

2-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, Навоий вилоятида 36 та, Жиззах вилоятида 22 та, Сурхондарё вилоятида 29 та, Сирдарёда атиги 12 та, Тошкент вилоятида 72 та, Қорақалпоғистон Республикасида 32 та, Самарқанд вилоятида 85 та баҳоловчи мутахассислар баҳолаш хизматлари бозорида ўз фаолиятларини олиб борган. Асосий юқори кўрсаткич таҳлил қилинаётган йиллар кесимида ўртача баҳоловчилар сонининг 32,2 %и

Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини мувофиқлаштирувчи, республика қонун ҳужжатлари доирасида баҳолаш амалиётида ишончлилик, очиқ-ошкоралик ва келишувни таъминловчи, халқаро андозалар талабларига тўла мос келувчи Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандарти ишлаб чиқилди.

Мазкур стандартнинг амалиётга тадбиқ этилиши юртимизда фаолият юритувчи баҳоловчилар томонидан амалга оширилган баҳолаш ҳисоботларини баҳолаш хизматларининг йирик истеъмолчилари ҳисобланган хорижий сармоядорлар, инвесторлар, тадбиркорлар томонидан қабул қилинишига имкон яратади. Шунингдек, давлат улуши бор бўлган объектларни хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармоядорларни янада кўпроқ жалб этишга ва республикада тўғридан-тўғри хорижий сармоядорлар оқимини оширишга эришилади.

Бешинчидан, мустақил баҳолаш тизимини янада ривожлантириш, баҳолаш хизматларининг профессионал даражаси ва сифатини ошириш билан бирга, баҳолаш ташкилотлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали усуллари жорий этилди. Ўтказиладиган баҳолаш ишларининг натижалари ва объективлиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш орқали давлат активларини сотиш жараёнлари соддалаштирилди. Ундан ташқари, хорижий сармоядорларни юртимизга жалб этиш ҳамда уларга қулайлик яратиш мақсадида баҳолаш хизматлари бозорида замонавий сифат стандартлари тизимини жорий этиш ва баҳоловчи ташкилотлар сифат менежменти тизимларини ISO 9001 серияси стандартлари бўйича сертификатлаш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Баҳолаш хизматларига бўлган талабнинг ошиши баҳоловчи ташкилотлар сонининг ошишига ҳам замин ҳозирлайди. Қуйидаги маълумотлар Давлат рақобат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2013-2019 йилларда Ўзбекистонда баҳолаш ташкилотлари сони ва улар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақида умумий маълумотлар

(2020 йил 20 апрел ҳолатига)

Йиллар	Баҳолаш ташкилотлари сони	Шундан:			Кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд сўмда	Тузилган шартномалар сони	Бажарилган баҳолаш хизматлари сони	Баҳолаш ҳисоботи юзасидан экспертизалар сони
		Кўчар мулк баҳолаш	Кўчмасулк баҳолаш	Бизнес қиймати баҳолаш				
2013	140	20	2	118	26,1	69 800	72 600	229
2014	154	26	2	126	32,3	73 572	78 103	287
2015	175	28	2	145	34,7	78 341	83 104	372
2016	183	26	2	155	37,1	93 632	84 550	573
2017	223	22	6	195	40,3	95 589	97 142	802
2018	236	20	4	212	50,2	110567	113082	958
2019	254	23	8	223	63,1	92267	97045	950

Ҳозирда баҳолаш хизматларига бўлган талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Хусусан, Республика миқёсида фаолият юритган баҳоловчи ташкилотлар томонидан 2016 йилда жами 37,1 млрд.сўм миқдорида баҳолаш хизматларини кўрсатиш учун шартномалар тузилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2017 йилда 8,4 %га ошган ҳолда 40,2 млрд.сўмга, 2018 йилда 24,9 %га яъни, 50,2 млрд.сўмга ортганлини кўриш мумкин. 2019 йилда кўрсатилган баҳолаш хизматлари ҳажми ўтган йилга нисбати 25,7 %га ортиб 63,1 млрд.сўмни ташкил этди.

Таҳлиллар асосида мамлакатимизда баҳолаш хизматлар бозори фаолият самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбир ва тавсияларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

-баҳолаш хизматлар бозорининг иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги юксак аҳамиятидан келиб чиқиб, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, унинг бажарилишини жиддий назоратга олиш;

-очик бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий фаолият иштирокчилари, яъни давлат, мулкдорлар, хорижий инвесторлар, мулк муносабатларнинг профессионал тузилмалари фаоллигини оширишда мулк қийматини баҳолаш хизматларининг аҳамиятини янада ошириш;

-миллий иқтисодиётда баҳолаш хизматлари бозорининг ролини ошириш учун илғор хорижий тажрибаларни Ўзбекистон баҳолаш хизматлари бозорига тўлиқ тадбиқ этиш, бу борада малакали мутахассислар тайёрлаш тизимига ягона тузилмани яратиш ғояси асосида ёндашиш, соҳани рақамли иқтисодиёт талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи мавжуд қонунчилик базасини такомиллаштириш;

-мамлакатда баҳолаш хизматлар бозори ҳамда ундаги кўрсатилаётган хизматлар ҳақида Оммавий ахборот воситалари орқали реклама, видеороликлар, махсус кўрсатувлар тайёрлаш ва эфирга узатиш ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг онгида баҳолаш фаолияти тўғрисидаги билим кўникмалар кам эканлиги ушбу фаолиятни риволантиришдаги асосий муаммолардан бири десак асло муболаға бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги 1999 йил 19 август 811- I сонли Қонуни. <http://lex.uz/>

2.2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февраль ПФ-4947-сонли Фармони. <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>

3.Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июл ПҚ-4381 сонли Қарори.

4. Баҳоловчиларга тоифалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрь 799-сонли Қарори.

5.Козырев А.Н., Макаров В.Л., «Особенности оценочной деятельности применительно к условиям новой экономики» Москва 2003

6.Хомитов К.З. Кўчмас мулк қийматини баҳолаш. Дарслик. –Т: Иқтисод-молия. 2019 й. 568б.

7.Шоҳаъзамий Ш.Ш. Мулк, қиймат ва нархнинг назарий асослари: Дарслик. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2018. – 492 б.

8.Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг “Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3153

9.International Valuation Standards IVS -2017. IVSC, 2017.- 115 p

Юридик

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ЕЕ РОЛЬ ВО ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ СТРАНЫ

Сардор Сахибжонович БАЗАРОВ

Доктор философии по юридическим наукам (PhD)

Ташкентский государственный

юридический университет

Ташкент, Узбекистан

sardor_bozarov1980@mail.ru

Дилфуза Исмаиловна ИМАМОВА

Кандидат юридических наук

И.о.доцент

Ташкентский государственный

юридический университет

Ташкент, Узбекистан

imamova.dilfuza@ gmail.com

Аннотация

В статье отражена роль Конституции Республики Узбекистан во внешнеполитической деятельности страны, проанализированы соответствующие нормативно-правовые акты, взаимосвязь и влияние внешней политики на внешнеэкономическую деятельность страны и сделаны соответствующие выводы.

Ключевые слова: Конституция Республики Узбекистан, внешняя политика, внешнеполитическая деятельность, внешнеэкономическая деятельность, международное сотрудничество, международные договора.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТ ТАШҚИ СИЁСАТИДАГИ ЎРНИ

Сардор Сахибжонович БАЗАРОВ

Юридик фанлар бўйича фалсафа (PhD) доктори

Тошкент давлат юридик

университети

Тошкент, Узбекистон

sardor_bozarov1980@mail.ru

Дилфуза Исмаиловна ИМАМОВА

юридик фанлар номзоди, доцент в.б.

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

imamova.dilfuza@ gmail.com

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакат ташқи сиёсатидаги ўрни ақс этирилган, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташқи сиёсатнинг мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятига алоқаси ва таъсири таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ташқи сиёсати, ташқи сиёсий фаолияти, ташқи иқтисодий фаолият, халқаро ҳамкорлик, халқаро шартномалар.

В настоящее время для каждой страны, важную роль в формировании и урегулирование внешней политики играет основной закон государства и особый нормативно-правовой акт, а именно Конституция страны. Как правильно отметил Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев в своем докладе «Верховенство Конституции и законов – важнейший критерий правового демократического государства и гражданского общества», что любое государство, выбирая независимый путь развития, в своем Основном Законе – Конституции закрепляет самые важные цели и задачи, направленные на обеспечение благополучия народа. Только та страна, Конституция которой созвучна воле, надеждам и устремлениям народа, будет идти вперед, к достижению намеченных рубежей». Принцип «Верховенство Конституции и законов – залог благополучной жизни». Чтобы построить правовое демократическое государство и свободное гражданское общество, мы должны усилить контроль за соблюдением Конституции во всех сферах жизни [7]. В свою очередь, он подчеркнул, что последовательная реализация принципа «Главный приоритет внешней политики Узбекистана – Центральная Азия» позволила создать в регионе совершенно новую политическую атмосферу, укрепить взаимосвязи, основанные на доверии и добрососедстве и на этой основе решить целый ряд важнейших вопросов [8].

Конституция Республики Узбекистан определяет основные правовые, экономические и политические системы государства, а также имеет высшую

юридическую силу и применяется на всей территории Республики Узбекистан.

Одним из основных принципов согласно Конституции Республики Узбекистан является внешняя политика страны, о чем свидетельствует статья 17 Конституции Республики Узбекистан, где предусмотрено: «Республика Узбекистан является полноправным субъектом международных отношений. Ее внешняя политика исходит из принципов суверенного равенства государств, неприменения силы или угрозы силой, нерушимости границ, мирного урегулирования споров, невмешательства во внутренние дела других государств и иных общепризнанных принципов, и норм международного права. Республика может заключать союзы, входить в содружества и другие межгосударственные образования, а также выходить из них, исходя из высших интересов государства, народа, его благосостояния и безопасности» [1]. Исходя из положения данной статьи необходимо отметить, что государство вступая в авторитетные международные организации открыла пути к всеобщему дипломатическому признанию и приобщению ее к международным политическим, экономическим и культурным связям. Внешнеполитическая деятельность страны направлено на соблюдение общепризнанных принципов и норм международного права, положение международных договоров в которых является стороной и никакие обязательства не могут быть возложены на него без согласия. Узбекистан может заключить и ратифицировать различные международные договора, двусторонние и многосторонние соглашения, связанные с внешнеполитической, внешнеэкономической деятельностью, внешнеторговыми отношениями и т.д. Также вступать в различные международные организации, заключать союзы, входить в содружества и другие межгосударственные образования в различные сферы, а также выходить из них, исходя из высших интересов государства, народа, его благосостояния и безопасности. Очевидно, что в стране имеются государственные органы, обеспечивающие осуществление

внешнеполитические и внешнеэкономические связи. Вместе с тем, Узбекистан являясь членом различных международных организаций, союзов, содружеств и межгосударственных образований, совместно с другими государствами прилагает усилия к тому, чтобы обеспечить спокойствие, всеобщий и справедливый мир, взаимовыгодное международное сотрудничество, совместное решение глобальных проблем. Например, на сегодняшний день во всем мире одной из глобальных проблем является вспышка коронавирусной инфекции COVID-19, что сильно повлияла на внешнеэкономическую и внешнеполитическую деятельность стран. Но несмотря на это Узбекистан, как и многие страны разработала и предприняла меры по обеспечению защите своих граждан, находящие как на территории страны так за ее пределами. Это говорит о том, что Узбекистан достиг значительных результатов в осуществлении взвешенной и конструктивной внешней политики, развитии дружеских и взаимовыгодных отношений с зарубежными государствами.

Важнейшей задачей внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан является ее активное участие в международных организациях, интеграция в европейские, азиатские и мировые структуры безопасности.

Сегодня наша страна для реализации установленных принципов согласно Конституции Республики Узбекистан, определили основные направления по дальнейшему развитию страны, которые нашли свое отражение в принятом Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07.02.2017 г. №УП-4947. Согласно данному указу были приняты пять приоритетных направлений развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах, а именно совершенствования системы государственного и общественного строительства, обеспечения верховенства закона и дальнейшего реформирования судебной-правовой системы, развития и либерализации экономики, развития социальной сферы и сферы обеспечения безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, а

также осуществления взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики [6].

Среди них важную роль в формировании внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности играет третье и пятое направления. Третье направление предусматривает приоритетные направления развития и либерализации экономики страны, а именно либерализация и упрощение экспортной деятельности, диверсификация структуры и географии экспорта, расширение и мобилизация экспортного потенциала отраслей экономики и территорий; создание новых и повышение эффективности действующих свободных экономических зон, технопарков, малых промышленных зон; проведение активной инвестиционной политики; дальнейшее развитие международного экономического сотрудничества и т.д. Данное направление способствует разработке и принятию различных нормативно-правовых актов, направленных на совершенствование законодательства Республики Узбекистан в области внешнеэкономической деятельности и реализации содержания положения статьи Конституции Республики Узбекистан, предусматривающий предоставление гарантий государства в отношении свободы экономической деятельности, предпринимательства и труда с учетом приоритетности прав потребителя, равноправие и правовую защиту всех форм собственности и осуществление внешнеполитической деятельности. Пятое направление предусматривает сферы обеспечения безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, а также осуществления взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики, где предусматривается защита конституционного строя, суверенитета, территориальной целостности Республики Узбекистан; укрепление гражданского, межнационального, межконфессионального мира и согласия; укрепление независимости и суверенитета государства, дальнейшее укрепление места и роли страны в качестве полноправного субъекта международных отношений, вхождение в число развитых демократических государств, создание вокруг Узбекистана пояса

безопасности, стабильности и добрососедства; совершенствование нормативно-правовой базы внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан, а также договорно-правовой основы международного сотрудничества и т.д. По каждому из направлений согласно Стратегии действия проведены и проводится различные реформы по совершенствованию национального законодательства.

Важно отметить, что внешняя политика страны, также влияет на ее внешнеэкономическую деятельность. Это связано с тем, что Узбекистан использует право на международное сотрудничество и принимает активное участие во вхождение в межгосударственные (международные) образования, заключает международные договора и соглашения, влияющие на внешнеэкономическую деятельность страны. Вопросы, связанные с заключением международных договоров, нашло свое отражение в Законе Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан». Согласно данному закону международные договоры Республики Узбекистан заключаются, исполняются, прекращаются и их действие приостанавливается в соответствии с общепризнанными принципами и нормами международного права, Конституцией Республики Узбекистан, а право заключения международных договоров Республики Узбекистан принадлежит государству [3].

Следует отметить, тот факт, что, исходя из содержания ч. 1. статьи 53 Конституции Республики Узбекистан видно, что государство выступает в качестве гаранта на свободу осуществления экономической деятельности, посредством принятия различных нормативно-правовых актов, а также предоставление конкретных прав обеспечивающие возможность вести предпринимательскую деятельность, как внутри государства, так и за ее пределами, т.е. осуществление внешнеэкономической деятельности.

Очевидно, что на основании норм статей Конституции Республики Узбекистан формируется нормативно-правовая база страны по всем отраслям

права, среди которых есть внешнеполитическая и внешнеэкономическая деятельность страны.

В свою очередь, для осуществления внешнеэкономической деятельности у субъектов предпринимательской деятельности, появляется возможность заниматься предпринимательской деятельностью путем создания и выбора любой организационной формы юридического лица или без образования формы юридического лица, как индивидуальный предприниматель, нести свой риск и ответственность, свободно вступать в договоры с другими предпринимателями, приобретать и распоряжаться собственностью. В значение свободу предпринимательства также входит право осуществлять внешнеэкономическую деятельность, например, право создание юридических лиц с участием иностранных инвесторов или иностранные компании на территории Республики Узбекистан либо в специальных экономических зонах Республики Узбекистан, открытие своих филиалов и представительств за рубежом или наоборот, открытие филиалов и представительств иностранных компаний на территории Республики Узбекистан, а также заключение внешнеэкономических сделок.

Если говорить о правовой основе регулирования определения понятия «внешнеэкономической деятельностью», то ее можно найти в ч. 1 ст. 3 Закона Республики Узбекистан «О внешнеэкономической деятельности», где под внешнеэкономической деятельностью понимается деятельность юридических и физических лиц Республики Узбекистан, направленная на установление и развитие взаимовыгодных экономических связей с юридическими и физическими лицами иностранных государств, а также международными организациями. Основными принципами внешнеэкономической деятельности согласно данному является свобода и экономическая самостоятельность субъектов внешнеэкономической деятельности; равенство субъектов внешнеэкономической деятельности; недопущение дискриминации при осуществлении торгово-экономических отношений; взаимовыгодность при осуществлении внешнеэкономической

деятельности; защита государством прав и законных интересов субъектов внешнеэкономической деятельности [2]. Так же, как и в Конституции Республики Узбекистан, в данном законе предусматривается и закрепляется норма, что Республика Узбекистан гарантирует обеспечение прав и законных интересов субъектов внешнеэкономической деятельности. Очевидно, что государственные органы и их должностные лица не вправе вмешиваться в деятельность субъектов внешнеэкономической деятельности, осуществляемую в соответствии с законодательством, а также истребовать у них не предусмотренные законодательством Республики Узбекистан документы при осуществлении внешнеэкономической деятельности.

Если говорить о внешнеэкономической деятельности, то следует отметить о совокупности взаимоотношений между резидентами и нерезидентами по следующим направлениям внешнеэкономической деятельности: международное экономическое и финансовое сотрудничество; внешнеторговая деятельность; привлечение иностранных инвестиций; инвестиционная деятельность за пределами Республики Узбекистан. Данные направления позволяют реализовать осуществление внешнеэкономической деятельности, направленной на установление и расширение взаимовыгодных связей субъектов внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан с юридическими и физическими лицами иностранных государств, а также международными организациями в различных сферах в порядке, установленном законодательством Республики Узбекистан, осуществление инвестиционной деятельностью, как на территории Республики Узбекистан, так и за ее пределами, а также осуществление внешнеторговой деятельностью направленное на заключение импортных и экспортных контрактов.

Если говорить о направлениях внешнеэкономической деятельности привлечение иностранных инвестиций, то под ним понимается все виды материальных и нематериальных благ и прав на них, в том числе права на интеллектуальную собственность, а также любой доход от иностранных

инвестиций, вкладываемый иностранными инвесторами в объекты предпринимательской и других видов деятельности, не запрещенных законодательством страны. Инвестиционная деятельность за пределами Республики Узбекистан представляет собой совокупность действий субъектов внешнеэкономической деятельности, связанных с вложением материальных и нематериальных благ и прав на них в объекты предпринимательской и иной деятельности за пределами Республики Узбекистан. Вопросы, связанные с осуществлением инвестиционной деятельности, нашло свое отражение в Законе Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» от 25.12.2019 г. №ЗРУ-598, где предусматриваются виды и формы инвестиции, объекты и субъекты инвестиционной деятельности, права и обязанности инвесторов и участников, гарантии государства, государственное регулирование инвестиционной деятельности и ее поддержка и т.д. [4]. В свою очередь для привлечения иностранных инвесторов и инвестиций на территории Республики Узбекистан были созданы специальные экономические зоны, представляющие собой территорию с определенными границами и специальным правовым режимом, специально выделенная в целях привлечения иностранных и отечественных инвестиций, высоких технологий и управленческого опыта для ускоренного социально-экономического развития соответствующего региона. Правовое регулирование таких специальных экономических зон нашло отражение в Законе Республики Узбекистан «О специальных экономических зонах» от 17.02.2020 г. №ЗРУ-604 [5].

В заключение следует отметить, что Конституция Республики Узбекистан является основным законом страны, предусматривающие основополагающие нормы и принципы позволяющие защищать интересы своих граждан, предпринимателей, последующие принятие других нормативно-правовых актов в различных сферах, заключения международных соглашений и вступление в международные авторитетные

организации опираясь на общепризнанные нормы и принципы международного права, которые получили приоритетный статус на конституционном уровне, влияющие на формирование правового регулирования и развития внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности страны. Поэтому принятые нормативно-правовые акты страны и заключаемые международные договора не должны противоречить Конституции Республики Узбекистан. Конституция Республики Узбекистан не должна быть нагромождена детальными нормами, а отражает основные положения играющие важную роль в деятельности страны. Для этого необходимо совершенствовать национальное законодательство Республики Узбекистан и исходя из международной практике связанные с основными направлениями внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности, посредством реализации поставленных основных направлений в Стратегии действия, устранения барьеров и ограничений возникающие с осуществления внешнеэкономической деятельности, совершенствование электронной коммерции и т.д.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Конституция Республики Узбекистан от 8.12.1992 // Газета «Народное слово» от 15.12.1992 г., № 247 (438); Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1994 г., № 1, ст. 5; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2003 г., № 3-4, ст. 27; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2011 г., №12/1, ст. 343; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2007 г., № 15, ст. 152; 2008 г., № 52, ст. 510; 2011 г., № 16, ст. 159; 2014 г., № 16, ст. 176; 2017 г., № 14, ст. 213, № 22, ст. 406, № 35, ст. 914; Национальная база данных законодательства, 16.10.2018 г., № 03/18/498/2051; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2019 г., № 2, ст. 47, Национальная база данных

законодательства, 06.03.2019 г., № 03/19/527/2706, 05.09.2019 г., № 03/19/563/3685.

2.Закон Республики Узбекистан «О внешне экономической деятельности» (новая редакция) от 26 мая 2000 г., № 77-II// Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2000 г., № 5-6, ст. 148; 2003 г., № 5, ст. 67; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 25, ст. 287; № 51, ст. 514; 2005 г., № 49-50, ст. 365; 2015 г., № 33, ст. 439; 2016 г., № 52, ст. 597; 2017 г., № 37, ст. 978.

3.Закон Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» от 6 февраля 2019 г., № ЗРУ-518 // Национальная база данных законодательства, 07.02.2019 г., № 03/19/518/2589.

4.Закон Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» от 25.12.2019 г. №ЗРУ-598 // Национальная база данных законодательства, 26.12.2019 г., № 03/19/598/4221.

5.Закон Республики Узбекистан «О специальных экономических зонах» от 17.02.2020 г. №ЗРУ-604// Национальная база данных законодательства, 18.02.2020 г., № 03/20/604/0175.

6.Указу Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07.02.2017 г. №УП-4947// Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354, № 23, ст. 448, № 29, ст. 683, ст. 685, № 34, ст. 874, № 37, ст. 982; Национальная база данных законодательства, 16.10.2017 г., № 06/17/5204/0114, 31.07.2018 г., № 06/18/5483/1594; 11.12.2019 г., № 06/19/5892/4134.

7.Мирзиёев Ш.М. Верховенство Конституции и законов – важнейший критерий правового демократического государства и гражданского общества// Доклад Президента Республики Узбекистан на торжественном собрании, посвященном 27-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан от 7.12.2019 г. [Электронный ресурс]: <https://president.uz/ru/lists/view/3119>.

8.Эффективная внешняя политика – важнейшее условие успешной реализации курса реформ и преобразований// [Электронный ресурс]: <https://president.uz/ru/lists/view/1422>

ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Фаррух Фармонович ЖУМАЕВ

катта ўқитувчи
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Академияси
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб шароитлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: оила, ҳуқуқбузарлик, низо, ҳуқуқбузар шахс, жабрланувчи, ғайриижтимоий хулқ-атвор, сабаб ва шароит, профилактик суҳбат.

ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ В СЕМЕЙНО-БЫТОВОЙ СФЕРЕ

Фаррух Фармонович ЖУМАЕВ

Старший преподаватель
Академия министерства внутренних дел
Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируются меры по повышению эффективности профилактики правонарушений в семейно-бытовой сфере, причины и условия совершения данного вида правонарушений.

Ключевые слова: семья, правонарушение, конфликт, личность правонарушителя, потерпевший, антисоциальное поведение, причины и условия, профилактическая беседа.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар, хусусан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «нотинч оилалар фарзандлари, уюлмаган ёшлар,

иш билан банд бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг оналари масъулиятини ошириш, кашандалик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси» [1] каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Бу эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига илғор иш усулларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик ташкил этишни тақозо этади.

Бугунги кунда ҳудудларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя этишга тўсқинлик қиладиган омиллар оиладаги муҳит таъсирида юзага келади. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим рол ўйнайди.

Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантирувчи маскандир. Бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасддан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тухматнинг саккизтадан биттаси айнан оила-турмуш соҳасида содир этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев оила-турмуш доирасидаги жиноятлар юзасидан ўзининг фикр ва мулоҳаларини билдириб: «Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-

қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени каттиқ изтиробга солмоқда» [3], дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, оила турмуш доирасидаги низолар туфайли шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматига қаратилган турли кўринишдаги жиноий тажовузларнинг содир этилаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Дунёдаги барча ривожланган мамлакатларда хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларга нисбатан тазйик ва зўравонлик содир этилишининг олдини олиш, уни содир этишга мойил бўлган ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш билан боғлиқ самарали профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида «инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги» [4] эътироф этилади.

Маълумотларга кўра, кўпгина давлатларда оила-турмуш доирасидаги низолардан аёлларнинг 38 фоизи, 1,5 миллиардгача болалар оилада турли кўринишдаги зўравонлик ва шафқатсиз муомалага дучор бўлишмоқда [4]. Афсуски, мамлакатимизда содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятининг ҳар учтадан биттаси, қасддан баданга шикаст етказишларнинг бештадан биттаси, ҳақорат қилишнинг саккизтадан биттаси айнан оила турмуш муносабатлари доирасида содир этилмоқда. Шу боисдан, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, ундан жабрланган шахсларга ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан манзилли ва тизимли ишларни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш керакки, оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш учун энг аввало, ушбу турдаги жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш

ва таҳлил қилиш келгусида уларнинг содир этилишига йўл қўймаслик борасида тизимли комплекс профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Оилада маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштиришнинг энг асосий йўналишларидан бири оиладаги тарбия ҳисобланади. Зеро, “... инсоннинг давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушуши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб, эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши – болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ” [5].

Табийки, барча оилаларга сиртдан қараганда тинч, ҳамма нарса маромида ва бинойидек бўлиб туюлади. Бироқ, шундай оилалар ҳам мавжудки, уларда мунтазам равишда низоли ҳолатлар бўлиб туради. Энг ачинарлиси, бундай ҳолатлар натижасида оилаларнинг барбод бўлмоқда айниқса, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган жиноятлар содир этилмоқда. Демак, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфи, унинг оқибати ҳамда оилаларда содир этилаётган жиноятлар ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш амалиётини кучайтириш лозим.

Тадқиқ этилаётган ҳуқуқбузарлик профилактикасида ОАВ имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш орқали жамият ҳаётида мураккаб бўлган оила ҳаёти ва ундаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишга хизмат қилиш мумкин. Мисол учун, тўй маросимларини ўтказишда ортиқча дабдабабозликка йўл қўймаслик, фарзанд тарбиясига маъсулият билан қараш, ота-онага ҳурмат билан муносабатда бўлиш юзасидан аҳолига тушунтиришлар бериш зарур.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

а) *Ўзига бириктирилган маъмурий ҳудуддаги ҳар бир хонадон ҳақида барча маълумотларга эга бўлиш* – аҳоли ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганишга; носоғлом турмуш тарзи кечираётган фуқароларни

аниқлашга; оила турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этаётган шахсларни аниқлаб тегиш чоралар кўришга; ҳуқуқбузарликларга имкон бераётган сабаб ва шароитларни аниқлаб, уларни бартараф этишга хизмат қилади.

б) *Профилактик суҳбат ўтказиш* – оилада оила аъзолари яъни, эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, қайнона-келин, қариндош-уруғлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаб уларга ҳуқуқий ва психологик таъсир кўрсатишга; фарзандининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган, уларга шафқатсиз муносабатда бўлаётган ота-оналарни аниқлаш уларга нисбатан таъсирчан чораларни қўллашга; фуқароларга оиладаги низоларнинг шахс ҳаёти ва тақдирига салбий таъсири ва уларнинг оқибатларини тушунтиришда муҳим профилактика тури ҳисобланиб, ижобий натижаларни келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

в) *Ҳуқуқий тарғибот* – янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга; фуқароларни ҳушёрлик ва огоҳликка; қонунчилик мазмун ва моҳиятидан хабордор бўлишга; фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий билимини оширишга; шахсни ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийилишига; фуқароларни қонунчиликка риоя этишга хизмат қилади.

г) *Яраштириш комиссиясининг фаолиятини самарали таъкил этиш* – нотинч оилаларни яраштириш; оиладаги низолар туйайли бузилган муносабатларни тиклаш чораларини кўришга; оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этаётган шахсларга нисбатан тегишли чора кўришга; низоли оилалардаги муаммоларни ҳал этишга; фарзанд тарбиясига бефарқ ота-оналарни ўз вақтида аниқлаб, уларга нисбатан тегишли чора кўришга; тўй-марака ва бошқа тадбирларни ортиқча дабдабасиз ўтказиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришга хизмат қилади.

Умуман олганда, ҳалқ билан тизимли манзилли мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг

бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш [2] ҳар бир ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектларнинг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1) маъмурий ҳудудларда яшовчи ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлаб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаб улар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни ташкил этиш;

2) оила-турмушдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш, келгусида уларнинг содир этилмаслигининг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

3) оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фуқаролар йиғини ҳузуридаги яраштириш комиссияси, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис, оила мутахассислари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиш;

4) нотинч оилаларда яшаётган шахсларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш;

5) бириктирилган ҳудуддаги ҳар бир оилани айланиб чиқиш, нотинч оилаларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш, оила-турмуш доирасида низолар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

6) спиртли ичимликларга ружу қўйган ва гиёҳвандлик касаллигига

мубтало бўлган шахсларни аниқлаб, зарур ҳолларда уларни белгиланган тартибда мажбурий даволаш муассасаларига юбориш чораларини кўриш;

7) профилактика инспекторлари ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудларда хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислар билан ҳамкорликда оилавий низоларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича зарурий чораларни кўриш;

8) оммавий ахборот воситаларида оиладаги зўравонликнинг ижтимоий хавфи ва унинг оқибатида содир этилаётган жиноятлар ҳақида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

9) оила турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларнинг оилавий аҳволи, турмуш-тарзи, ҳулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш мақсадида улар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактик ишларни ташкил этиш;

10) оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар сабаб ва шароитлари, ижтимоий хавфи, салбий оқибатлари, оилаларнинг ажралишига олиб келаётган омиллар ҳамда уларнинг барвақт профилактикаси бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш ушбу турдаги жиноятларнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., №6., 70-модда.

2. Ички ишлар органларифаолиятини янада такомиллаштиришга доирташкилий чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрель ПҚ-2883-сонли Қарори. /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 15-сон, 247-модда.

3. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик // Ҳалқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил. 16 июнь.

4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь) / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси // <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>. <http://www.maailmakool.ee/wp-content/uploads>.

5. Фитрат, Абдурауф Танланган асарлар. Оила ёки бошқариш тартиблари. – Тошкент, 2006. – 262 б.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛИШИНING САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Толиб Тохиржонович ДЖУРАЕВ

ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилаётган коррупциявий жиноятлар тушунчаси, уларнинг турлари ва қонунчиликда бу жиноятлар учун назарда тутилган жавобгарлик чоралари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: коррупция, ички ишлар органлари, ходимлар, жиноят, ҳуқуқбузарлик, хизмат интизоми.

ПРИЧИНЫ И ПУТИ УСТРАНЕНИЯ КОРРУПЦИОННЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ СОВЕРШАЕМЫХ СОТРУДНИКАМИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Толиб Тохиржонович ДЖУРАЕВ

преподаватель

Академия Министерства внутренних дел

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье освещены понятие, виды и меры ответственности за совершение коррупционных преступлений сотрудниками органов внутренних дел.

Ключевые слова: коррупция, органы внутренних дел, сотрудники, преступления, правонарушение, служебная дисциплина.

Ҳозирги замон миллий ва халқаро ҳуқуқида тобора кўп қўлланилаётган атамалардан бири коррупция бугун пайдо бўлган иллат эмас, у қадимдан буён мавжуд бўлиб келган. Қадимги юнон файласуфи Аристотел шундай деган: “Ҳар қандай давлат тизимида – қонунлар ва бошқа

фармойишлар орқали ишни шундай ташкил қилиш керак-ки, унда мансабдор шахсларни ноқонуний йўл билан бойишига йўл қўймаслик лозим”. Француз мутафаккири Шарл Монтескье эса бу борада “Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс, уни суиистеъмол қилишга мойил бўлади ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради” деган фикрларни билдирган.

Ўтган йиллар мобайнида давлат бошқаруви соҳасидаги коррупцион омилларни бартараф этиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимиз 2008 йил 7 июлда БМТнинг “Коррупцияга қарши” Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) ва 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашишнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилган. Шунингдек, Олий Мажлис томонидан Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битими (Москва, 2011 йил 16 июнь) 2011 йил 13 декабрда ратификация қилинди. Давлатимиз минтақада биринчилардан бўлиб “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. Ушбу тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сонли «Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 384-мқ-сонли қарори билан «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услугиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларида коррупциоген нормалар «ўтиб кетиши»нинг олдини олишга қаратилган механизм жорий этилди.

Бироқ давлат бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларимизни янада такомиллаштириш ва қатъият билан давом эттириш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусуан, Transparency International Халқаро коррупцияга қарши ташкилоти 2018 йилги Коррупцияни қабул қилиш индексини (Corruption Perception Index) эълон қилди. Ўзбекистон 100 баллик индекс бўйича ўтган йилга нисбатан 1 балл кўпроқ натижа қайд этди – 23 балл. Бироқ мамлакат рейтингини 1 бандга пастлаб, 180 давлат ва ҳудудлар орасида 158-ўринни эгаллаб, Мозамбик билан бир хил натижага эга бўлди .

Коррупция мавзуси, унинг моҳияти ва ривожланиши ҳамда сабаб ва шарт-шароитлари иқтисод, ҳуқуқшунослик, фалсафа, психология, педагогика каби фанларнинг тарихий ва доимий ҳамда мунозарали ва долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади. Айниқса, коррупцияни вужудга келтирувчи омиллар бениҳоя баҳсли масала бўлиб, ушбу омилларнинг аниқланиши ҳамда уларни бартараф этувчи чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим. Зеро, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни бартараф этиш йўли билан камайтириш ёки даражасини пасайтириш мумкин.

Дунёда, шу жумладан мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш чоралари кўрсатиб берилди. Шунингдек, фармон

ижроси юзасидан “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4761-сонли қарор қабул қилиниб, юртимизда илк бора Коррупцияга қарши курашиш Агентлик тузилди ва бу агентликка коррупцияни олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди [1].

Инсонни қийин аҳволга туширадиган, уни руҳан эзадиган ҳолатлар ичида энг оғири бу – адолатсизликдир. Муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “...одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди” [2]. Коррупция авж олган жойда эса адолат бўлмайди.

Коррупциянинг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиши масалаларини ўрганган Н.Макиавелли фикрича, коррупцияни йўталга ўхшаб олдиндан аниқлаш қийин, аммо даволаш осон. Лекин бу касални ўтказиб юборсангиз уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин [3;6].

Коррупцияни ҳозирги кунда деярли барча соҳаларда учратиш мумкин. Масалан, бюджет пулларининг сарфланиши ёки давлат харидлари, банк, солиқ, таълим, тиббиёт, қурулиш ва ҳ.к. Демократик давлатларда қонун устуворлиги ва адолатни таъминловчи тизим – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир. Ушбу тизим ходимлари томонидан коррупциявий жиноятларнинг содир этилиши бугунги кунда бутун дунёни, қолаверса мамлакатимизни ҳам ташвишга солиб келмоқда. Бу тизимда коррупциянинг авж олиши жамиятда қонун устуворлиги ва давлат органларига бўлган ишончни сўндиради, шунингдек носоғлом муҳитни шакллантириб, табақалашув ва уруғ-аймоқчиликни кучайтиради.

Жиноий билимга, давлат ҳокимияти ва мажбурлов чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган жиноятчи – жамият ва давлат учун икки ҳисса хавфли ҳисобланади. Давлат хизматчилари, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан коррупциявий жиноятларнинг содир этилишини бирон бир сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тизимида жиноятчиликка қарши курашишда иштирок этувчи марказий бўғин бу – *ички ишлар органларидир*.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунида ички ишлар органларига аниқ бир таъриф берилмаган. Аммо, бу тизимга қонун билан юклатилган вазифалардан келиб чиқиб *ички ишлар органларини* – шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, конституциявий тузум дахлсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, жамиятимизда қонун устиворлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг профилактикаси билан шуғулланувчи, бу фаолиятни амалга оширишда зарур ҳолларда қонун талабларидан келиб чиқиб мажбурлов чораларини қўлаш ваколатига эга бўлган давлат органи десак хато бўлмайди.

Таассуфки, ички ишлар органи ходимлари орасида ҳам бу шарафли касбга номуносиблари яъни, соҳага ўзининг ғаразли мақсадларини кўзлаб кирган, иззат-нафси ёки ўзгаларнинг шахсий манфаатлари йўлида ҳар қандай ноқонуний ишлардан тап тортмайдиган, қонунлар ва амалдаги тартиб-қоидаларни менсимайдиган, хизмат вазифаларига сидқидилдан ёндашмайдиган ва фиску-фасодга берилиб, шахсий таркиб ўртасида носоғлом муҳит яратадиган нопок ходимлар ҳам учраб туради.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилган мансабдорлик ва бошқа жиноятлар, соҳада ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка, хусусан коррупцияга қарши курашиш борасида янада чуқурроқ ислохотларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, жорий йил давомида соҳа ходимлари томонидан жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш (ЖК 241¹-м.), йўл транспорт ҳодисаси (ЖК 266-м.), мансаб ваколатлари доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-м.), порахўрлик (ЖК 210-м.), фирибгарлик(ЖК 168-м.), далилларни сохталаштириш (ЖК 230¹-м.), кийноққа солиш (ЖК235-м.), мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК207-м.),

ўзлаштириш (ЖК 167-м.), ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-м.), мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-м.), мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-м.), ўғирлик (ЖК 169-м.) ва бошқа жиноятлар содир этилганлиги фикримиз далили.

Ўрганишлар давомида шу нарса аён бўлдики, ички ишлар органлари ходимлари томонидан қонунчилигимизда назарда тутилган қуйидаги коррупциявий жиноятлар содир этилиши мумкин: ўзлаштириш (ЖК 167-м.), фирибгарлик (ЖК 168-м.), ўғирлик (ЖК 169-м.) ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-м.), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-м.), мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК 207-м.), ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-м.), мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-м.), пора олиш (ЖК 210-м.), пора бериш (ЖК 211-м.), пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 212-м.), тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (ЖК 230²-м.), қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш (ЖК 234-м.), қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-м.), жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш (ЖК 241¹-м.), жиноий уюшма ташкил этиш (ЖК 242-м.), жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-м.).

Шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари томонидан янги ва мураккаб кўринишга эга бўлган коррупциявий жиноятлар содир этилиши эҳтимолдан ҳоли бўлмайди. Булар қуйидаги турларга, яъни мансабдорлик тоифасига қараб *юқори, ўрта ва пастки (элита ёки маиший коррупция)*, содир этилиш даврига қараб *систематик* ва *эпизодли*, коррупция субъектлари фаолиятининг фаоллиги бўйича *актив* ва *пассив* коррупция турларига бўлиб ўрганиш мумкин. Аммо, жамиятимиз ривожланиб, ҳаётимизги кириб келаётган янги техника ва технологиялар ҳамда соҳаларнинг пайдо бўлиши, соҳа ходимлари томонидан жиноятларнинг турли хил янги кўринишларини содир этилишига, бу каби жиноятларга

қарши курашишни мутлоқо мукаммал тизимини яратиб боришга мажбур қилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу борада ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларнинг олдини олишда эътиборимизни, энг аввало ходимлар ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш ва профессионал касб этикасини шакллантиришдан бошлаш керак. Чунки, бизнинг минталитетимизда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ёки таниш-билишчилик шунчалик яхши ривожланганки, ушбу қарашларни деб, ходимларнинг айрим хато ва камчиликларга кўз юмиш, бу каби салбий иллатлар ходимлар касб этикаси ёки маданиятига тўғри келмаслигини уларга тушунирмаслик ёхуд қайта содир этишдан тийишга қаратилган ҳаракатларни бажармаслик ходимларда жавобгарлик ҳиссини сезмаслик ва такрор юқоридаги каби салбий хатти-ҳаракатларини содир этилишига имкон бермоқда.

Шу билан бирга таҳлиллар, коррупциявий жиноятларнинг содир этилишига қуйидаги омиллар сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда:

Субъектив омил – ички ишлар органи ходимларининг билим савияси, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини пастлиги, жамиятда мавжуд одоб-ахлоқ қоидаларини менсимаслиги, нафсини жиловлай олмаслиги, тор доирада ўйлаши, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўйиши ва ўзбошимчалик билан иш юритиши каби ҳолатларни ўз ичига олади. Хусусан, рус олимлари С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведова коррупцияга амалдор шахслар ва сиёсатчиларнинг ахлоқий бузилиши сифатида таъриф беришган [3;5]. Шунингдек, субъектив салбий омилларни олдини олиш мақсадида ходимлар учун ИИВнинг 2016 йил 1 мартдаги Ички ишлар органлари шахсий таркиби билан «Маънавият ва маърифат дарслари»ни ташкил этиш тугрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 44-сонли, 2016 йил 30 майдаги «Ички ишлар ходимларининг ахлоқ-одоб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 82-сонли, 2017 йил 14 июлдаги «Ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш чоралари тўғрисида»ги 147-сонли ва 2018 йил 25 сентябрдаги «Ички ишлар органлари ходимлари билан тарбиявий ишларни

ташқил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқлари қабул қилинган.

Объектив омил – ички ишлар органлари ходимларини бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ёки хусусий секторда меҳнат қилаётган шахсларнинг ойлик маошларидан кам ойлик маош тўланиши. Бу омил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қилаётган барча хизматчиларнинг оилавий имкониятлари ва уларни моддий таъминланганлик мувозанатларининг бузилишига олиб келмоқда. Бу оилалар ўртасида яхши яшашга нисбатан рақобат пайдо қилиб, натижада тўғри фикрлайдиган ва ҳуқуқий билимга эга ходимлар ўз оиласининг моддий аҳволини яхшилаш учун қонунга зид бўлмаган йўлларида фойдаланса, айрим ҳуқуқий саводхонлиги паст бўлган ёки тор доирада фикрлайдиган ходимлар эса ноқонуний йўллар билан бўлса ҳам бойлик орттириш учун қонунга зид ҳатти-ҳаракатларни содир этишларига сабаб бўлмоқда.

Ижтимоий омил – бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида айнан ички ишлар органлари ходимларининг моддий имкониятлари пастлиги, оилавий муаммолар, турли хил оғир вазиятлар (тўсатдан касал бўлиш, бахтсиз ҳодисага учраш ва ҳ.к.лар)да ходимларга моддий ва маънавий ёрдам беришнинг оддий ва содда механизми мавжуд эмаслиги, бу борада моддий ёрдам олишда бюрократизмнинг ҳамон сақланиб қолганлиги, ходимларнинг бир йилда топаётган умумий даромади оилавий дам олишлар, санатория, пансионат ёки курортларга бориб дам олиб келишларига етмаслиги, айрим соҳа вакиллари нафақага қадар хизмат қилганида ҳам фарзандларини тўй қилиши, уй жиҳозлари, автомобил ёки уй харид қилишга қурб етмаслиги каби ҳолатларни санаб ўтиш мумкин.

Ахлоқий омил – буни баъзи манбаларда “ўзаро баҳс” ёки “ўйин” омили ҳам деб юритилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходиларининг даромад манбаалари тенглаштирилган тақдирда ҳам давлат хизматчиларини бир-биридан ўзишга қаратилган ва тор доирада ўйлаб қилинган ҳаракатлар яъни, ўзи билан бир жамоада хизмат қилаётган ходимнинг кўрқмасдан пора

олганини кўриб, ўзи ҳам бу ишни қилмоқчи бўлиши, жамоасидаги порахўр ходимнинг ноқонуний йўллар билан топилган бойлик эвазига яхши яшаб келаётганини кўра олмаслик оқибатида ўзи ҳам пора олишни бошлаши ёки ноқонуний даромад келтирувчи фаолият тури билан шуғулланиши ва ҳ.к.ларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган фикр ва мулоҳазалар, хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб мамлакатимиз ички ишлар органларида коррупциявий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва улар фаолияти шаффофлигини таъминлаб, халқчил тизимга айлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади:

биринчидан, соҳага жисмонан соғлом, ақлан етук, ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин изоҳлаб бера оладиган, кенг дунё қарашга эга, шу касб орқали давлатга хизмат қилмоқчи бўлган, пухта ҳуқуқий билим ва савияга эга бўлган кадрларни танлаб олиш. Бу борада Грузия тажрибасига назар ташласак. Грузияда коррупцияга “*ноль бардошlilik*” сиёсати юритилиб, 2004 йилнинг ёзида биргина Йўл полицияси тизимида 15 мингга яқин полиция ходимлари ёппасига хизматдан бўшатилиб, бу хизматга билимли, виждонли, ўз касбини севадиган, ҳалол ва пок кадрлар танлаб олиниб, хизмат “Патруль полиция” деб қайта номланиб, ходимларнинг ойлик маоши 5-6 баробарга оширилган [5].

иккинчидан, бутун инсониятнинг ҳаётий эҳтиёжидан келиб чиқиб, соҳа ходимларига истеъмол саватчаси минимумига тенг бўлган ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёхуд хусусий сектор ходимлари томонидан бир ойда ишлаб топиш мумкин бўлган даромадларга тенг ойлик маош билан таъминлаш;

учинчидан, ИИВ тизимида давлат хизматларини кўрсатиш, назорат-лицензиялаш фаолияти билан шуғулланувчи соҳавий хизматларда янги замонавий инновацион усуллардан фойдаланиб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш амалиётини кенгроқ жорий этиш (масалан, судланганлик ҳақида

талабнома текшириб бериш, автомобилларга давлат рақамларини бериш ва паспорт тизими билан боғлиқ айрим хизматларни ИИВнинг ўзида пуллик асосда йўлга қўйиш);

тўртинчидан, шахсий таркибнинг кунлик хизмат фаолиятини назорат қилиш, кадрларни танлаб, жой-жойига қўйишда шаффофликка амал қилиб, имкон қадар инсон омилини камайтириш, улар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида автоматлаштирган ҳолда баҳолаб бориш тизимини жорий этиб, ходимларни электрон кузатув мониторингини амалиётга жорий этиш (хорижий давлатлар амалиёти, Хитой тажрибаси), бу билан соҳада кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ коррупциявий ҳодисаларнинг олдини олиш;

бешинчидан, чет эл давлатлар полицияси ёки халқаро полиция ташкилотларида мавжуд амалиётларни ўрганган ҳолда, тизимда хизмат қилаётган ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни замон талабларига жавоб беришга қодир кадр қилиб қайта тайёрлашнинг янги амалиётларини йўлга қўйиш;

олтинчидан, содир этилиши мумкин бўлган хизмат интизоми бузилиши, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларнинг турлари, шунингдек коррупцияга оид ҳар қандай кўринишдаги хатти-ҳаракатлар доирасини чуқур ўрганиб, бирма-бир санаб ўтган ҳолда улар учун жавобгарликни кучайтирувчи нормаларни ўз ичига олган ИИВнинг махсус буйруғини ишлаб чиқиш, ходимларга бу қоидаларни махсус курс сифатида ўқитиш ва синов олиш, бу билан соҳа ходимларида ушбу тартиб қоидаларни билиш ва унга муросасизлик ҳислатларини уйғотиб, хизмат фаолиятлари даовмида мунтазам равишда хушёрликларини ошириб бориш. Шунингдек, ходимлар томонидан хизмат интизоми, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай ҳодиса ва хабарларни тўсиқларсиз қайд этиб, бу ҳолатларни ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш ҳамда текширув жараёнларини оммага ўз вақтида етказиб бориш билан шуғулланувчи алоҳида мустақил тизим яратиш;

еттинчидан, соҳада илғор натижаларга эришган, ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан, виждонан бажариб, шахсий таркибга ўрناк ва намуна бўладиган ижобий натижаларга эришган ходимларни телерадио дастурлари ёки ижтимоий тармоқларда узлуксиз равишда ёритиб бориш;

саккизинчидан, жойларда хизмат олиб бораётган ички ишлар органи ходимларининг шу касбга лойиқ ёки нолийклигинини аниқлаш мақсадида, ҳар чорақда улар фаолият олиб бораётган ҳудудда яшовчи фуқаролар ёки бошқа манфаатдор идоралар билан тўғридан-тўғри аноним сўровлар ўтказиб, соҳа ходимларига нисбатан жамоатчилик фикрини мунтазам ўрганиб бориш, шу орқали аниқланган камчилик ва муаммоларни вақтида бартараф этиб, халқ орасида ИИВнинг имиджини янада яхшилаш;

тўққизинчидан, ички ишлар органлари ходимлари ўртасида хизмат интизоми, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олиш билан шуғулланувчи соҳа вакиллари фаолиятини янада такомиллаштириш (масалан: ходимларнинг кундалик хизмат фаолияти ва кундалик ҳаёти билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам ўрганиб бориш, психо-физиологик ўзгаришлар бўйича ёки шахсий таркиб ўртасидаги муҳит бўйича исталган вақтда ошкора ва ноошкора текширувлар ўтказиш, зарурат туғилган тақдирда ходимлар даромадларини мажбуран деклорациядан ўтказиш, хизматни қонунчиликка риоя этган ҳолда, шаффоф олиб борилишини таъминлаш учун хизмат хоналарига кузатув камераларини жойлаштириш орқали назорат қилиш, хавф гуруҳига кирувчи ходимлар устидан қатъий назорат олиб бориб, лозим бўлган ҳолларда уларнинг телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борадиган сўзлашувларини эшитиб бориш ва ҳ.к.лар);

ўнинчидан, журналистлар, блогерлар ва бошқа жамият ҳаёти учун қизиқ бўлган маълумотларни йиғиш ва тарқатиш билан шуғулланувчи шахсларга, ички ишлар органлари ходимлари ўртасида учрайдиган ҳар қандай коррупциявий қилмишларни мустақил ва даҳлсиз ҳолда тадқиқ этиш имкониятини янада кенгроқ яратиш, шу каби мавзулар юзасидан журналистик суриштирувларини ўтказиш ҳуқуқи даҳлсизлигини

мустаҳкамлаб, уларни бу фаолиятига бўладиган ҳар қандай аралашув ёки тўсиқларга нисбатан кескин жавобгарлик чораларини кучайтиришга доир нормаларни ишлаб чиқиш орқали коррупциянинг олдини олишда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш;

Ўн биринчидан, кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган ҳар қандай кўринишдаги коррупциявий ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар учун жавобгарликнинг оғир ва енгил турларини ажратган ҳолда уларга нисбатан жавобгарликни қатъийлаштириш, коррупцион жиноят содир этган мансабдор шахсларнинг мол-мулкани мусодара қилиш ёки қўлга киритилган пора предметини давлат ҳисобига ундириш, шунингдек коррупцион жиноятлар содир этган ёки шундай хатти-ҳаракатларни қилишга мойил бўлган шахслар тоифасини аниқлаб, уларнинг ягона базасини яратиш ва бу билан коррупцияга мойил ходимларни лавозимга тайинлашда бази чегирмаларни жорий этиш орқали, уларнинг келгусида содир этиши мумкин бўлган ана шундай ҳаракатлардан тийиб туриш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасида Ички ишлар органлари тизимини коррупциясиз соҳага айлантириш учун ишни энг аввало ўзимиздан, сўнг атрофимиздаги шахслардан бошлашимиз, бунинг учун кўзимизга кўринмайдиган энг оддий ножўя ҳодисадан тортиб, энг оғир жиноятгача бўлган барча ноўрин хатти-ҳаракатларни англаб олиш, қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда акс этган ҳуқуқ ва мажбуриятларни яхши ўзлаштириб олишимиз, ушбу қоидаларга амал қилмаганлик учун жавобгарликнинг муқаррар эканлигини қалбимиздан ҳис этишимиз керак. Ана шундагина, биз яшаётган оилада ёки хизмат қилаётган жамоамизда, шунингдек жамиятимиз ёки давлатимизда нафақат коррупция, балки жиноят ҳам содир этилмайди деган хулосага келсак менимча ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида ҳеч иккиланмасдан жамоатчилик назоратини кўрсатиш мумкин. *Жамоатчилик назорати бу* – давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, мансабдор шахслар томонидан

шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлашга қаратилган жамоатчилик назорати субъектлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назоратга оид чора-тадбирлар мажмуидир.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг жаҳон амалиётида кенг тарқалган шакллари – бу давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига оид жамоатчилик эшитувлари, муҳокамалари, экспертизаси, таҳлили ёки мониторинги, суриштируви, текшируви, сўрови ва мурожаатлари ҳамда ташаббуслари ҳисобланади. Шунингдек, яна бир кенг тарқалган кўриниши – бу давлат хизматчиларининг ўз лавозимини суиистеъмол қилишига қарши курашишни бевосита назорат қилувчи органлар билан жамоатчилик назорати субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги бўлиб, мазкур амалиёт кейинги йилларда коррупциянинг олдини олишда самарали механизмга айланди. Чунки, давлатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки назорат органлари ҳар доим ҳам тўрачилик, непотизм ва коррупция каби иллатларга барҳам бериш, уларни мунтазам назорат қилиш ёки кузатиб бориш имкониятига эга эмаслар. Улар одатда жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари, ОАВ хабарлари, олдиндан тузилган режа ва танлов асосида амалга оширилган текширувлар ёки маълум бўлган ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқлангандагина мазкур ҳолатлардан хабардор бўлишади.

Жамоатчилик эса, кўпчиликни ташкил этиши ва кузатув доирасининг кенглиги муносабати билан ҳар куни ёки ҳар дақиқада мансабдорлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган коррупцияга дахлдор бўлган хатти-ҳаракатлар билан тўқнаш келиши мумкинлиги сабабли, уларда давлат органларига нисбатан кўпроқ ва аниқроқ маълумотларнинг шаклланиши доим ўзининг ижобий самарасини беради.

Жаҳон мамлакатларида бугунги кунда коррупцияга қарши курашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

Ички назорат (комплеанс назорат) – бу усул давлат органининг ўзида назоратни кучайтирувчи тузилмалар (ҳар хил ички инспекциялар ва бошқа назорат органлари тузиш орқали) яратишни тақозо этади. Бу тузилманинг асосий вазифаси ходимларнинг ички этикет қоидаларига риоя қилишини назорат қилишдир. Ҳозирги кунда бизнинг юртимизда ҳам бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида айнан шу вазифани бажарувчи ички тузилмалар ёки ички хавфсизликни таъминловчи бўлинмалар яратилган.

Ташки назорат – коррупцияга қарши курашишга доир халқаро тажриба ва миллий-ҳуқуқий базага асосланиб, давлатнинг шу соҳадаги айна бир тизим мустақиллигини ошириб, айнан ушбу тизим орқали коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориши тушунилади. Яъни, суд ҳокимиятининг максимал даражада мустақиллигига эришиши ёки жамиятда мавжуд тузилмаларга коррупцион ҳаракатларни назорат қилиш ҳуқуқининг берилиши ёки оммавий ахборот воситаларига кўпроқ эркинлик бериш орқали давлат органлари хизматчиларини коррупциявий ҳаракатлардан тийиб туриш ва ҳ.к.

Жаҳон тажрибасида коррупциялашган ҳокимиятга қарши курашишнинг энг самарадор усули бу **сайлов тизими орқали курашиш** бўлиб, демократик давлатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг мақбул йўлларида бири кейинги сайловларда бу вакилларга овоз бермасликдир.

Хулоса шуки, етарли билим ва муносиб хулқ-атворга эга бўлмаган, коррупцияга қўл урган нопок инсонлар фаолият олиб бораётган жамоаси ва жамиятда ўз ўрнини топа олмайди, бундай шахсларга нисбатан жамиятда ишонч сўниб боради.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон

Республикаси Президентининг ПФ-6013-сонли Фармони. <https://Lex.uz/docs/4875784>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловни таъминлашга бағишланган видеоселектор йиғилиши” даги нутқи. <https://www.mfa.uz/press/news/2017/06/11338/>.

3. Исмаилов И.И., Мухторов Ж.С., Хўжакулов С.Б. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: ўқув қўлланма. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2017. – 53 б.

4. Ички ишлар органларида коррупцияни олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши ҳуққ атвори шакллантириш: маърузалар курси. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. – 118 б.

5. Борьба с коррупцией по-гурузински: метод “шоковой терапия”. Тасс-11.05.2012 г. . <https://tass.ru/arhive/659270>.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ЖАЗОСИНИНГ МУДДАТИНИ ҲИСОБЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Темурбек Хамзаевич АЛТМИШЕВ

мустақил изланувчи
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси
Тошкент, Ўзбекистон
altmishevtemurbek05@gmail.com

Аннотация

Мақолада айрим хорижий давлатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддатини ҳисоблашнинг тартибга солиниши қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан батафсил таҳлил қилинган. Таҳлил ва тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан хорижий давлатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддатини ҳисоблашдаги ижобий тажрибалар кўрсатилиб, уларни Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонунчилигига тадбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ахлоқ тузатиш ишлари, маҳкум, жиноят, жазо, суд ҳукми, иш ҳақи.

АНАЛИЗ УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ИСЧИСЛЕНИЮ СРОКА ИСПРАВИТЕЛЬНЫХ РАБОТ

Темурбек Хамзаевич АЛТМИШЕВ

независимый исследователь
Академия
Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан
altmishevtemurbek05@gmail.com

Аннотация

В статье подробно проанализировано сравнительно-правовое регулирование исчисления срока исправительных работ по уголовно-исполнительному законодательству некоторых зарубежных стран. На основании анализа и результатов исследования указаны передовые опыты по исчислению срока исправительных работ уголовно-исполнительного законодательства зарубежных стран и разработаны предложения по совершенствованию норм уголовно-исполнительного законодательства

Республики Узбекистан.

Ключевые слова: исправительные работы, осужденный, преступление, наказание, приговор суда, заработная плата.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4006-сон қарори билан тасдиқланган «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси»нинг I бўлими (Жиноят-ижроия тизимини такомиллаштириш, жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш)нинг 5-бандида: «Жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг тамойиллари, тартиби ва шартларини замонавий ёндашувлар, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш» вазифаси қўйилганлиги, шунингдек Концепцияни амалга оширишнинг пировард натижаси маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларнинг жиноий фаолиятининг олдини олиш, шунингдек, бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишига чек қўйишнинг самарали тизимини яратиш ҳисобланишининг белгиланганлиги [1] ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолияти бўйича хорижий малакатларнинг ижобий тажрибасини пухта ўрганиш ҳамда аниқланган ижобий тажрибаларни миллий қонунчиликка тадбиқ қилиш истиқболларини кўриб чиқишни тақазо этади.

Қайд этиш жоизки, мавзу доирасида жиноят-ижроия қонунчилиги ўрганилган хорижий мамлакатларда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш турлича тартибга солинганлигини кузатиш мумкин. Улардан бири сифатида хорижий мамлакатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддатининг бошланишига доир қоидаларнинг ҳар хиллигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хусусан, Арманистон (ЖИК 43-м.) [8], Беларусь (ЖИК 43-м.) [9] Республикаларининг жиноят-ижроия қонунчилигида Ўзбекистон

Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига белгилангани каби (30-м., 3-қ.) жазони ўташ муддатининг бошланиши маҳкумнинг иш жойи маъмурияти томонидан *ҳукмнинг нусхаси* ёки *суд буйруғини* ва бошқа ҳужжатларни қабул қилинган кундан ҳисобланиши тартибга солинган бўлсада, бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар учун эса ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддатининг қачондан бошланиши тартибга солинмаган.

Ваҳоланки, ушбу бўшлиқнинг мавжудлиги бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар ва жазо ижросини назорат қилувчи органлар учун турли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Қирғизистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигида (39-3-м.) [6] ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддати маҳкумнинг ишга чиққан кунидан ҳисобланиши белгиланган бўлиб, маҳкумнинг иш жойи маъмурияти томонидан *ҳукмнинг нусхаси* ёки *суд буйруғини* ва бошқа ҳужжатларни қабул қилган ёки қилмаганлиги тўғрисида ҳеч қандай қоида назарда тутилмаган.

Фикримизча, бу қоиданинг белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, агарда маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўзининг иш жойида ўташи белгиланган бўлса ва у ҳар куни ишга бориб келаётган бўлса (суд жараёнида эҳтиёт чораси сифатида тилхат ёки гаров қўлланилган бўлса), шунингдек унинг ҳар куни ишга чиқаётганлиги билан маҳкумнинг иш жойи маъмурияти томонидан *ҳукмнинг нусхаси* ёки *суд буйруғини* ва бошқа ҳужжатларни қабул қилган ёки қилмаганлиги ўртасида боғлиқлик яратилмаса, бу бир қатор муаммоли ҳолатларни юзага келтириши мумкин.

Туркменистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигида (35-м.) Арманистон, Беларусь ва Қирғизистон Республикаларидаги каби қоидалардаги бўшлиқлар мувофиқлаштирилган ҳолда бартараф этилган деб баҳолаш мумкин бўлиб, маҳкумнинг иш жойида жазони ўташ муддатининг бошланиши корхона, муассаса маъмурияти томонидан ҳукми (ажрим, қарор) ва бошқа ҳужжатларнинг ҳукмларини ижро этувчи масъул идорадан нусхасини олган кундан бошланиши белгиланганлиги билан бирга бошқа

жойларда ўталиши тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддати маҳкумнинг ишга чиққан кунидан бошлаб ҳисобланиши алоҳида белгилаб ўтилган [11].

Зеро, ушбу масалада Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддатининг бошланишига доир қоидаларни ижобий тажриба сифатида баҳолаш мумкин бўлиб, қонун чиқарувчи ушбу қоида ни муфассал белгилаган ҳамда унда бўшлиқлар мавжуд бўлишига замин қолдирмаган дейиш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, айрим хорижий мамлакатларнинг, жумладан *Россия Федерацияси* (39-3-м.) [10], *Қирғизистон* (39-3-м.) [6], *Арманистон* (ЖИК 43-м.) [8] Республикаларининг жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишларининг муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар ва ойлар билан ҳисобланиши белгиланган бўлиб, ушбу қоидаларда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасида белгиланган «кунлар» назарда тутилмаган.

Беларусь (39-м.) [9], Туркманистон (35-м.) [11], Украина (43-м.) [12], Тожикистон (43-м.) [3] Республикаларининг жиноят-ижроия қонунчилигида эса Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасида белгилангани каби ахлоқ тузатиш ишларининг муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланиши белгиланган.

Фикримизча, қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасида ахлоқ тузатиш ишларининг муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланишини тўғри белгиланган ҳамда бу борада ҳам қонунчиликда бўшлиқлар қолдирмаган. Чунки, маҳкум ишлаб берган кунлар миқдори суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлиги

ушбу масаланинг миллий жиноят-ижроия қонунчилигида тўғри тартибга солинганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасининг тўртинчи қисмида маҳкум ишламаган, аммо қонунга мувофиқ унинг иш ҳақи сақланиб турган вақт, шунингдек маҳкум ишсиз деб топилган вақт ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланиши назарда тутилган бўлиб, айнан бу каби қоидалар Украина Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 43-моддасида ҳам белгиланган [12].

Бироқ, айрим хорижий давлатлар қонунчилигида ушбу қонуннинг тескараси белгиланган бўлиб, Беларусь Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 39-моддасида [9] ва Тожикистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 43-моддасида [3] маҳкум ишсиз деб топилган вақт ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги белгиланган.

Бироқ, Россия Федерацияси, Арманистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Эстония, Озарбайжон ва Грузия каби давлатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида маҳкум ишсиз деб топилган вақт ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддатига қўшилиши ёки қўшилмаслиги каби масалалар тартибга солинмаган, шунингдек, Латвия [4] ва Молдова [7] Республикаларининг жиноят-ижроия қонунчилигидан ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо умуман чиқариб ташланган бўлса, Эстония Республикаси Пенитенциар кодексига [5] ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо умуман назарда тутилмаганлигини кўриш мумкин.

Зеро, бу борада Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган қоидаларни бу борада қонунчилиги таҳлил қилинган давлатларга ижобий тажриба сифатида кўрсатиш мумкин.

Хорижий мамлакатлар жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланмайдиган умумий ҳолатлар ҳам турлича тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-

ижроия кодексининг 30-моддасининг бешинчи қисмида ушбу ҳолатлар сифатида:

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайдиган касаллик вақти;

2) қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони ўташ вақти ҳамда бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан қамоқда сақланган вақт белгиланган.

Хусусан, хорижий мамлакатлар жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланмайдиган муддатлар сифатида қуйидагилар белгиланган:

1) маҳкумнинг иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлган кунлари (*Беларусь Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 39-м. [9], Туркменистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 35-м. [11], Украина Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 43-м. [12], Қирғизистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 39-3-м. [6], Тожикистон Республикаси Жиноий жазоларни ижро этиш кодекси 43-м. [3]*);

2) маҳкумнинг алкоголь мастлиги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни, уларнинг аналоглари, токсик ёки бошқа маст қилувчи моддаларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан касаллик вақти ёки алкоголь мастлиги билан боғлиқ ҳолатларда ўтказилган муддат (*Беларусь Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 39-м. [9], Туркменистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 35-м. [11], Украина Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 43-м. [12], Қирғизистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 39-3-м. [6], Тожикистон Республикаси Жиноий жазоларни ижро этиш кодекси 43-м. [3]*);

3) маҳкум узрсиз сабаблар билан ишга чиқмаганлиги ёки ишламаганлиги сабабли белгиланган иш ҳақини олмаганлиги ёки уни қисман олганлиги билан боғлиқ муддат (*Арманистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 43-м. [8], Россия Федерацияси Жиноят-ижроия кодекси 42-м. [10]*);

4) маҳкумнинг бошқа жазони ўтаган даври, маъмурий қамоқда бўлган,

шунингдек бошқа жиноят иши бўйича эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланган муддат (*Туркменистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 35-м. [11], Украина Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 43-м. [12], Қирғизистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 39-3-м. [6], Тожикистон Республикаси Жиноий жазоларни ижро этиши кодекси 43-м. [3], Озарбайжон Республикаси Жазоларни ижро этиши тўғрисидаги кодекси 45-м. [2]*).

Таҳлиллардан кўриниб турганидек, хорижий мамлакатлар жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланмайдиган маҳкумнинг иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлган кунлари, маҳкумнинг алкоголь мастлиги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни, уларнинг аналоглари, токсик ёки бошқа маст қилувчи моддаларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан касаллик вақти ёки алкоголь мастлиги билан боғлиқ ҳолатларда ўтказилган муддат, маҳкум узрсиз сабаблар билан ишга чиқмаганлиги ёки ишламаганли сабабли белгиланган иш ҳақини олмаганлиги ёки уни қисман олганлиги билан боғлиқ муддатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилмаган бўлиб, ушбу ижобий тажрибани келгусида миллий қонунчиликка тадбиқ қилиш ўзининг ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир:

«30-модда. Жазо муддатини ҳисоблаш:

Жазонинг ўташ муддатига қуйидагилар қўшиб ҳисобланмайди:

1) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланмайдиган касаллик вақти;

2) маъмурий қамоқ жазосини ўташ вақти, бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан қамоқда сақланган вақт;

3) иш ҳақи тўланмаган вақт (ишдан четлаштирилган, иш ҳақи

сақланмайдиган таътилда бўлган ёки бошқа ҳолларда)».

Ушбу таклифнинг Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддасига киритилиши ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазонинг ўташ муддати билан боғлиқ қоидаларни такомиллаштирилишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4006-сон қарори [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/ru/docs/4045443> (Мурожаат қилинган сана: 06.12.2020).
2. Кодекс Азербайджанской Республики об исполнении наказаний (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года №908-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 19.05.2020 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30420206 / (дата обращения: 01.01.2021).
3. Кодекс исполнения уголовных наказаний Республики Таджикистан от 6 августа 2001 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 18.07.2017 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30586704#pos=7;-106 / (дата обращения: 01.01.2021).
4. Кодекс Латвии об исполнении наказаний [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.pravo.lv/likumi/26_klin.html (дата обращения: 01.01.2021).
5. Пенитенциарный кодекс Эстонии. Принят 6 июня 2001 года (RT I, 2002, 86, 504) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes> / (дата обращения: 01.01.2021).
6. Уголовно-исполнительный кодекс Кыргызской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 14.06.2017 г.) [Электронный

ресурс]. Режим доступа: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30247057 / (дата обращения: 02.01.2021).

7. Уголовно-исполнительный кодекс Молдовы [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://bizlex.ru/39-ugolovno-ispolnitelnyy-kodeks-moldovy-1524-xii-ot-22061993.html> / (дата обращения: 01.01.2021).

8. Уголовно-исполнительный кодекс Республики Армения [Электронный ресурс] // Режим доступа: Legislation: National Assembly of RA (parliament.am) (дата обращения: 26.12.2020).

9. Уголовно-исполнительный кодекс Республики Беларусь [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://kodeksy-by.com/ui_kodeks_rb.htm / (дата обращения: 02.01.2021).

10. Уголовно-исполнительный кодекс Российской Федерации от 8 января 1997 года № 1-ФЗ (с изменениями и дополнениями по состоянию на 23.11.2020 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30397169 / (дата обращения: 01.01.2021).

11. Уголовно-исполнительный кодекс Туркменистана от 25 марта 2011 года № 164-IV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.03.2019 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://continent-online.com/Document/?doc_id=31344356#pos=236;-41 / (дата обращения: 02.01.2021).

12. Уголовно-исполнительный кодекс Украины от 11 июля 2003 года № 1129-IV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 17.06.2020 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://continent-online.com/Document/?doc_id=30418034#pos=14;-204 / (дата обращения: 02.01.2021).

РАМЗЛАРНИНГ МАВЗУИЙ ТАСНИФИ

Ёкуб САИДОВ

филология фанлари доктори, профессор
Бухоро давлат университети
Бухоро, Ўзбекистон

Мадина МАМАДАЛИЕВА
магистр

Бухоро давлат университети
Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада миллат маданияти ва менталитетини ўзида ёрқин акс эттирувчи рамз (символ)нинг лингвистик моҳияти, ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган, унинг метафора билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланган ҳамда ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти белгиланган, рамзларнинг мантикий фикрлашда образли тафаккур қилишнинг муҳим кўринишларидан бири эканлиги мисоллар билан далилланган, дунё халқлари маданиятида алоҳида тизим сифатида шаклланганлиги асосланган, улар турли мавзу гуруҳлари бўйича таснифланган.

Таянч сўзлар: рамз, символ, белги, ишора, тушунча, кўчим, метафора, тасниф, умумий рамзлар.

ТЕМАТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ СИМВОЛОВ

Ёкуб САИДОВ

доктор филологических наук, профессор
Бухарский государственный университет
Бухара, Узбекистан

Мадина МАМАДАЛИЕВА
магистр

Бухарский государственный университет
Бухара, Узбекистан

Аннотация

В статье раскрываются лингвистическая сущность, особенности символов, ярко отображающие культуру и менталитет нации, выявлены их схожие и отличительные черты с метафорой и значение в общественной жизни, на конкретных примерах раскрывается, что символы являются одним из важных форм образного мышления в логическом рассуждении, обоснованно их формирование в культуре народов мира в качестве отдельной системы, а также символы классифицируются по тематическим группам.

Ключевые слова: символ, знак, намек, понятие, перенос, метафора, тасниф, общая символика.

Тил маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлиқ, балки халқнинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи ва қадриятлари ҳам акс этади. У сўзлар, иборалар, мақол ва маталлар, фольклор, бадиий ва илмий адабиёт, оғзаки ва ёзма нутқда маданий қадриятларни сақлаб келади ҳамда маданият ташувчиси бўлиб, аجدодлардан авлодларга миллий маданият хазинасини мерос қилиб қолдиради.

Маълумки, тилдаги бирликларда, айниқса, образли сўз ва ибора-ифодаларда халқнинг ментал ўзига хослиги муайян тарзда инъикосини топади. Зотан, бундай образли ифодалар халқнинг теран дунёқараши, образли нигоҳи, идроқи ва тафаккури маҳсули ўлароқ дунёга келган. Мутахассислар ҳақли равишда таъкидлаганидек, «халқнинг маданияти ва менталитети ҳақидаги маълумотларнинг энг қимматли манбаси фразеологизмлар, метафора, рамзлар бўлиб, уларда асотирлар, афсоналар, урф-одатлар гўёки консерватцияланган ҳолатда сақланган бўлади» [4;3].

Рамз – ташқи дунёнинг турли маданият вакиллари ички дунёси, онги, тафаккури ва руҳидаги акси. Рамз белги бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида фойдаланилади. Агарда оддий белги инсонга маъноларнинг предметлар оламига кириш имкониятини берса, рамз маъновий муносабатларнинг предметлар мавжуд бўлмаган оламига кириш имкониятини беради. Рамз инсоннинг англаб бўлмайдиган ботиний томонига мурожаат қилади. Рамзни ўз предмети билан алоқасини йўқотган маъно сифатида тасаввур қилиш мумкин. Ижтимоий мулоқот тизимида муайян объектлар, масалан, предмет, ҳаракат, ҳодиса, матн, тасвир, ҳайвон, ўсимлик, ранг, рақам ва ҳ.к. рамз бўлиб хизмат қилади.

Рамз (а. *ишора қилмоқ*) — воқеликни бадиий акс эттиришнинг шартли усули; бадиий шартлилик шаклларида. Рамз мажоздан фарқ қилиб, мазмуни образли қурилиши билан боғлиқ бўлади ва кўп маънолилиги билан ажралиб туради. Рамз барча халқлар фольклори ва адабиётида қадимдан мавжуд.

Рамзий образлар муайян тизимни ташкил этади ва айрим ҳолларда кўпчилик халқлар адабиёти ва санъатида муштарак мазмунни ифодалайди. Масалан, *шер* — мардлик, *тулки* — маккорлик, аёрлик, *бўри* — очкўзлик рамзи сифатида воқеланади. Адабиёт тарихида асрлар давомида ишлатилиб келинаётган рамзий образлар тизими ҳам мавжуд; *гул* — гўзаллик, маъшуқа; *булбул* — ошиқ; *сарик ранг* — маҳзунлик, *қора ранг* — мотам рамзи ва бошқалар. Ижодкорлар анъанавий рамзлар билан бир қаторда табиатдаги ҳар бир ҳодиса (масалан, *булут*, *булоқ*, *чақмоқ* ва бошқалар)дан рамзий тасвир учун фойдаланадилар. Бунда у ёки бу нарса тасвир жараёнида ёзувчи мақсадига хизмат қилувчи муайян рамзий маънога эга бўлади. Халқ оғзаки ижодиёти ва мумтоз адабиётда кенг кўламда ишлатилган рамзий тасвир усули ҳозирги адабиётда ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда [9; 59б].

Ижтимоий мулоқот тизимида инсонлар мазкур жамият, гуруҳ ва ижтимоий муҳитда қабул қилинган рамзлардан фойдаланмасдан яшай олмайдилар. Инсонни ҳайвондан фарқловчи жиҳатлардан бири – унинг рамзлаштиришга бўлган эҳтиёжидир. Замоनावий антропологияда Б.Франклиннинг (*тоолмакинг анимал*) формуласи бироз ўзгартирилиб, “инсон ўзининг табиатига кўра *сймболмакинг анимал*, яъни инсон нафақат “меҳнат қуроллари ишлаб чиқарадиган”, балки “рамзлар яратадиган” маҳлуқ ҳамдир”, деб талқин қилинади. Демак, дунё рамзлардан иборат, рамзлар инсониятнинг илк, ҳақиқий ижодидир. Аждодларимиз бугун ибтидоий давр деб баҳо бериладиган пайтларда бизга қараганда юз карра шоирроқ эдилар. Улар, албатта, поэзияни тушунмасдилар, бироқ бугунги тил билан айтганда, ўша минглаб йиллар аввал уларнинг тафаккур тарзи “поэтик мушоҳада” тарзида эди: улар ҳаётлари ва табиатдаги ҳар бир нарсани тасаввур қилган тушунчаларнинг рамзи сифатида қабул қилардилар. У пайтлар *осмон*, *сув*, *кўкат*, *қуёш*, *ой ёруғлик ва зулмат* – Тангрилар эди; қуёш ўрнини тун эгалларкан, эзгулик ва ёвузлик кураши кетяпти деб ўйлашарди. Ҳайвонлар ҳам тангрилар эди, уларнинг ичида ҳам ёвуз ва эзгу ниятлилари бор эди. Эзгулик тангрилари осмонда, ер юзида ёруғлик билан бирга яшашади,

ёвузлик тангрилари ер остида, зулмат билан бирга яшашади деб ўйлардилар” [8; 136]. Демак, инсон моддий муҳитдан ташқари, рамзий оламда ҳам яшайди.

Аёнки, инсон ўз тарихининг илк даврларида маънолар дунёсида яшаган, дунёни рамзлар орқали қабул қилган, табиат билан рамзлар орқали муносабатда бўлган. Шунга кўра, “инсон тилини тўла маънода рамзлар тили дейиш мумкин”. Рамзлар ўз-ўзидан шаклланмаган, улар инсоннинг билиш маҳсули сифатида вужудга келган. Инсонлар ўртасидаги алоқа “рамз” (“символ”) сўзининг ўзида акс этган. Юнонча “символ” сўзи дастлаб *сопол ёки чинни парчасини ифодалаб, дўстона муносабатлар белгиси* бўлиб хизмат қилган. Меҳмонни кузатаётган мезбон меҳмонга сопол ёки чинни парчасининг бир бўлагини берган, иккинчи бўлагини эса ўзида олиб қолган. Бу меҳмон қачондир яна уйга келганида, уни ана шу сопол парчасидан таниб олишган. Демак, қадимги даврларда “символ” сўзи “шахс гувоҳномаси” маъносида қўлланилган.

Рамз тушунчаси қатор фанлар нуқтаи назаридан турлича талқин қилинади: 1) рамз – белги билан ўхшаш тушунча (тилларни сунъий формаллаштиришда); 2) ҳаётни санъат воситасида образли ўрганишнинг ўзига хослигини ифодаловчи универсал категория (эстетика ва санъат фалсафасида); 3) муайян маданий объект (маданиятшуносликда, социологияда ва бошқа ижтимоий фанларда); 4) рамз белги бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида фойдаланилади (фалсафа, лингвистика, семиотика ва ҳ.к.) [4;95].

Лингвокультурологияда рамзнинг белгилик жиҳати муҳим. Агарда оддий белги инсонга маъноларнинг предметлар оламига кириш имкониятини берса, рамз маъновий муносабатларнинг предметлар мавжуд бўлмаган оламига кириш имкониятини беради. Рамзлар орқали бизнинг онгимизда кишиларни ягона этномаданий ҳамжамиятга бирлаштирадиган маданиятнинг энг муқаддас қирралари очилади, ақлга сиғмайдиган, ғайришуурий ботиний

маънолар юзага чиқади [1;234]. Рамзни ўз предмети билан алоқасини йўқотган маъно сифатида тасаввур қилиш мумкин. Й.М.Лотман фикрича, рамзлар маданий мажмуанинг энг барқарор элементларидан биридир. Демак, рамзлар мазкур лингвомаданий маконнинг барқарор birlikлари саналади. Улар турмуш қоидаларига айланган кузатишларни мустаҳкамлайди.

Рамз – инсон руҳиятининг тили бўлиб, у табиат билан ана шу тилда гаплаша бошлаган. Айнан ана шу рамзлар тилида мифлар, эртаклар, дostonлар яратилган. Фольклор рамзлари муайян халқнинг илк тафаккур тарзини, тасаввурларини, ижодини тамсил этади. Жумладан, туркий халқлар оғзаки ижодида “*Улген* – ёруғлик ва эзгулик. *Эрликхон* – зулмат ва ёвузлик, *Момақалдиरोқ* – тангрилар овози, *Яшин* – тангрининг ўқи, *Сел* – ёвуз руҳнинг офати, *Тог* – тилсимли кўрғон, *Сув*, *Тупроқ* – тириклик, *Фор* – руҳлар макони, *Осмон* – эзгулик тангрилари, *Ер ости* – ёвуз руҳлар маконининг рамзи, кодлашган исмлари” бўлган [8; 67].

Рамзга энг яқин ёндош ҳодисалардан бири метафорадир. Метафора (юн. *кўчириш*) ҳосила маъно юзага келиши, у бирор предмет номини бошқа предметга ўхшашлигини эътиборга олиб кўчиришдир. У ўхшатишнинг қисқарган шаклидир. Метафора нафақат қисқарган ўхшатиш, шу билан бирга, қисқарган қарама-қаршилик ҳамдир. Метафора тилдаги универсал ҳодиса бўлиб, унинг универсаллиги маконда ва замонда, тил қурилишида ҳамда унинг вазифаларида намоён бўлади. Метафора ўзида фундаментал маданий қадриятларни акс эттиради.

Метафорада ўхшатишнинг тўртта узви (ўхшаган, ўхшатиш қайди, ўхшатиш воситаси)дан учтаси (ўхшаган, ўхшатиш қайди, ўхшатиш воситаси) туширилади, фақат биттаси, яъни ўхшагангина воқеланади. Тилшунос М.Миртожиев «Ўзбек тили семасиологияси» монографиясида метафораларнинг уч тури борлигини қайд этади. Улар қуйидагилар: оддий метафора, персонификация (жонлантириш), синестезия [5; 966]. Бошқа илмий ишларда ҳам метафораларнинг ушбу турларга бўлиниши айтиб ўтилган [6; 111-112].

Рамз ва метафора тасвирга асосланган кўчим, шу сабабли улар бу жиҳатга кўра бир-бирига яқин лингвистик ҳодисалардир. Метафора ва рамз инсоният бадиий тафаккури жараёнида шаклланган ва унинг ривожланишига бевосита боғлиқ тарзда тараққий этиб борган.

Метафора ва рамз ўртасида жуда кўп умумийликлар мавжуд, аммо шунга қарамай, уларнинг семиотик тушунчалар иерархиясидаги мавқеи нуқтаи назаридан уларни бир-бирига тенглаштириш мумкин эмас. Рамзда функционаллик, метафорада эса семантиклик устувор аҳамият касб этади. Метафора маълум бир вақтда муайян мазмунни ифодалайди, рамз эса абадий ва тушунарли ҳақиқатни англатади. Объект тасвирини яратишда метафора уни англашни чуқурлаштиради, рамз эса уни тасвир чегарасидан ташқарига чиқариб, аниқ ва ёрқин тушунишга замин ҳозирлайди. [Арутюнова Н.Д., 1998: 338-339].

Рамзлар исм ва белгилар билан синонимдир. А.А.Сурковнинг фикрига кўра, ҳар бир белги – бу тасвирдир ва ҳар қандай тасвир, ҳеч бўлмаганда, маълум даражада, белгидир. Аммо рамз тасвирнинг ўз чегарасидан чиқиб кетишини, баъзи маъноларининг мавжудлигини, тасвир билан узвий бирлашиб кетишини билдиради. Бунга қуйидаги мисол бўла олади: далали каптар – *дунё рамзи*. Рамзнинг асосини тасвир ташкил этади [1; 338].

Айтилганидек, рамз ташқи дунёнинг турли маданият вакиллари ички дунёси, онги, тафаккури ва руҳидаги аксидир. Ҳар бир инсонда, ҳар қандай маданият вакилида ички дунёни ўзига хос қабул қилувчи “туғма механизм” мавжуд бўлади. Бу “туғма механизм” ташқи дунёни рамзлар, тимсоллар орқали “қайта ишлаб” қабул қилишга мослашган. Рамзий эталонлар маданий жиҳатдан тамғаланган бўлади. Бинобарин, туркий халқлар лингвомаданиятида *бўри* – жасурлик, рус лингвомаданиятида эса ваҳшийлик эталони бўлиб келади. А.К.Байбурин: “Баъзи нарсаларнинг “моддий маданият” соҳасига, бошқаларининг “маънавий маданият” соҳасига киритилиши биринчи навбатда уларга турли семиотик мақом берилганини кўрсатади”, деб ёзади. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим тилларда рамзий

эталонлар бир-бирига мос келади: *қўй* – ювошлик эталони, *чумоли* ва *асалари* – меҳнатсеварлик эталони. Демак, рамзлар образлилиги, мотивлашганлиги, кўп маънолилиги билан тавсифланади. Ижтимоий мулоқот тизимида муайян объектлар, масалан, предмет, ҳаракат, ҳодиса, матн, тасвир, ҳайвон, ўсимлик, ранг, рақам ва ҳ.к. рамз бўлиб хизмат қилади. Рамзлар моддий (буюм, предмет), тушунчавий, сўзли, тасвирий ва овозли бўлиши мумкин.

Тасвирий рамзлар бирон бир белги, аломат, кўриниш ёки тасвири ифодаловчи тимсоллардир. Турли тасвирилар, оддий ва мураккаб геометрик фигуралар, осмон жисмлари, иероглифлар, ҳарфлар, ҳатто тиниш белгилари тасвирий рамзларни ифодалашга хизмат қилади. Тасвирий рамзларнинг бир гуруҳи универсал бўлиб, улар кўпчилик маданиятларда бир хил ассоциацияни юзага чиқаради. Дунё халқлари маданиятида рамзлар алоҳида тизим сифатида шаклланган бўлиб, уларни турли мавзу гуруҳлари бўйича таснифлаш мумкин.

Ҳайвон рамзлари. От қадим-қадимдан инсонга хизмат қилиб келган. Илмий маълумотларга кўра, отлар милоддан тахминан уч минг йил илгари хонакилаштирилган. Уни машқ қилдириш ва ҳар хил ишларга, ҳаракатларга ўргатиш – бошқа ҳайвонларга нисбатан анча қулай. От кучли, сабр-чидамли, кўркам, покиза, зийрак, ҳушёр, бирор нарсани дарҳол пайқаш, кўриш, хид билиш, товушни, ҳатто билинар-билинимас шарпани эшитиш, сезиш қобилияти кучли. Бу фазилатларидан ташқари от инсоннинг содиқ дўсти, вафодори, оғир ишларда мададкори, сафарларда ҳамроҳи, жангу жадалда, бошқа хавф-хатарли ҳолатларда кўпинча кишини ўлим-йитимдан сақлаб қолувчи ажойиб жонивор [7; 263].

Маҳмуд Кошғарийнинг таъбири билан айтганда от “туркнинг қанотидир” [10;836]. “От туркий қабилаларда тотем жониворлардан бири бўлиб, эзгулик руҳи сифатида шомонга ёвуз руҳ устидан ғалаба қилишда ёрдам беради. Шомонларнинг ҳассалари кўпинча от рамзини ифодалайди ва ўзбек халқида ҳозиргача отнинг деви бор деган инончлар сақланиб қолган”

[10;97-98]. Фарғонада, Қўқонда, Самарқандда, Ўратепада девни от қиёфасида тасаввур қилинади. Ўзбек халқ эртақлари ва дostonларида от қахрамоннинг садоқатли йўлдоши, ҳамроҳи, ёрдамчиси, баъзан ўринбосари сифатида учрайди. Алпомишни Бойчибор, Гўрўғлини Ғиротсиз тасаввур қилиб бўлмайди. “Паҳлавон Рустам” эртагида от Рустамни ҳамиша фалокатлардан асрайди. “Маликаи айёр” дostonида от қахрамоннинг саргузашти ва қахрамонликларига тенг шерик. Эртақ ва дostonларда девлар ҳам баъзан от кўринишида келади ёхуд бир юмалаб отга айланади. Бир афсонага кўра, отлар тангрилар билан аждарҳолардан тарқалган. Шу сабабли халқ оғзаки ижодида қанотли отлар кўп учрайди” [8; 68-69].

Ўзбек инончларига кўра, ўлими яқинлашган ёки ўлим хавфи туғилган кишининг тушига от кириб, ўлимдан дарак беради. Булардан ташқари ўзбек маданиятида янги уйга кўчиб киришда ҳовли остонаси, дарвозасига отнинг тақаси қоқилади. Бу билан хонадон турмуши от тақасидай мустаҳкам ва хотиржам, мол-ҳолга бой-бадавлат бўлиши ният қилинади. Ислomда *от* – *бахт* ва *бойлик*; буддизмда – *нарсаларнинг яширин табиати*; насронийликда – *Қуёш, жасорат, олижаноблик*; келт мифологиясида – *худолар образи*; хитой мифологиясида – *само, олов, жануб*, шунингдек, *мучаллардан бири*; япон мифологиясида оқ от – *меҳр, раҳм-шавқат маъбудаси*, қора от – *ёмғир худоси*; Сибир ва Олтой шомонлигида *қурбонлик ҳайвони* сифатида талқин қилинади.

Бўри – туркий халқларнинг тотеми бўлиб, у жасурлик, бўйсунмасликни тамсил этади. Афсоналарда турк уруғларининг асосини бўрига бориб тақаш уларда бўрига бўлган ишончнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Бўрига ишончнинг асосий қисми ўзбекларнинг турли гуруҳларида боланинг туғилиши, унинг ҳаётини сақлаб қолиш билан боғланган. Қашқадарё воҳасида ўзбекларининг кўнғирот, найман, сарой, манғит каби уруғларида ҳомиладор аёллар бўрининг терисидан, суягидан ва бошқа аъзоларидан тумор қилиб, ўзи билан олиб юрганлар, бола туғилишини

осонлаштириш учун онанинг ёстиғи остига бўрининг пайини қўйганлар, янги туғилган болани бўрининг жағ суяги орасидан ўтказиб олганлар. Буларнинг барчаси туркий халқларнинг бўридан тарқалганлигига ишора, рамз бўлиб, айни пайтда бўридай ўлжали, топиб яшаш назарда тутилади.

Рус лингвомаданиятида *бўри* – *ваҳшийлик*; келт мифологиясида – *қуёшни ютиб юборувчи*; Хитой лингвомаданиятида – *еб тўймаслик, очкўзлик*; насронийликда – *ёвузлик, ваҳшийликни* ифодалайди. *Қўй* ўзбек лингвомаданиятида – *ювошлик*; турк лингвомаданиятида – *аҳмоқлик*, рус лингвомаданиятида – *қўрқоқлик*; исломда – *қурбонлик ҳайвони*; насронийликда – *чўпон ва қурбонлик қўзиси*; индуизмда – *отаи тангриси, муқаддас олов* тимсолидир. Шунингдек, ўзбек халқ эртақларида *кўк қўчқор* – афсонавий ҳомий жонивор сифатида акс эттирилган.

Тулки – аксарият маданиятларда айёрлик, алдоқчилик, ёлғончилик тимсоли сифатида талқин қилинади. Японияда оқ тулки – *тўкин-сочинликни* англатади. Хитойда тулки – *узоқ умрни* тамсил этади. Шунингдек, хитой ва корейс халқларининг мифологиясида тулкининг қизга айланиб қолиши кенг тарқалган. Хитойликларнинг қадимий инончларига кўра, тулки эллик ёшида аёлга, юз ёшида ёш қизга айланади. Минг йил яшаган тулкида тўққизта дум пайдо бўлади ва у Самовий Тулки (тен-ху)га айланади. Самовий Тулки нафақат аёл қиёфасига, балки эркак қиёфасига ҳам кира олади.

Аждар – энг мураккаб ва универсал тимсол. Узоқ Шарқ маданиятида, кўпинча аждар билан илон фарқланмайди. Аждар илон мақоми вазифасини ўтайди. Хитойда илон-аждар ҳаётнинг бошланиши, камалак, у дунё ва бу дунё орасидаги кўприк, шунингдек, мучаллардан бири саналади. Аждар шомонлик мақомини белгиловчи қиёфа ҳисобланади. “Ҳозирги Хитой, Япония, Корея ва Шарқий Осиё ибодатхоналарида сақланиб қолган шомонлар одатига кўра, шу кунларда ҳам аждар, илон рақслари ўйналади” [8; 46]. Қадимги турклар шомончилигида *аждар* – Бўрон, Қуюн тимсоли; булут, яшин каби табиат ҳодисалари яхлит ҳолда аждархо – тангри сифатида

тушуниланган. Ўзбек халқ эртақларида аждар – *ёвуз, йиртқич рух тимсоли*. Ҳинд, грек, арман халқларининг афсона ва мифларида аждарҳо *суб, ҳосилдорлик, сел, дарё, денгиз* ва бошқа табиат ҳодисалари худоси сифатида тасвирланади. Насронийликда аждар *ёвуз, қора куч, шайтон*ни тамсил этади.

Илон – ҳам мураккаб ва универсал тимсоллар сирасига киради. Туркий халқлар орасида кенг тарқалган мифологик қарашларга кўра, узок яшаган илон маълум вақтдан кейин аждарҳога айланади. Масалан, татар мифларидан бирида қайд қилинишича, бир ёшдан саккиз ёшгача бўлган илон – “ҳаят” деб аталса, саккиз ёшдан юз ёшга киргунча “афчи”, юз ёшдан минг ёшга қадар “аждаҳа”, минг йил умр кўрган илон “юҳо” деб аталади. Юҳо қиз шаклига энишга қодир бўлади. Тўққиз мингга кирган илон “ялмоғиз кампир”га айланади [2;13]. Японияда илон *момақалди роқ маъбуд*и саналади. Грецияда илон *ақллилик, донолик, қайта тирилиш*; Америка хиндулари маданиятида *чақмоқ, ёмғир ташувчиси*; келт эпосида *шифобахи суб, булоқ* тимсоли сифатида тушунилади. Буддизмда *ёвузлик*; насронийликда *шайтон*; яҳудий анъаналарида *ёвузлик, гуноҳ, шаҳват* рамзини билдиради.

Қуш рамзлари. Каптар – аксарият маданиятларда *тинчлик*; япон ва хитой маданиятида *узок умр, ҳурмат*; шумер-семит маданиятида *илоҳий куч*; юнон-рим маданиятида *севги ва ҳаётнинг янгилиниши*; яҳудийларда *бегуборлик*; насронийликда *Муқаддас рух* рамзи сифатида талқин этилади. Қалдирғоч – ўзбек маданиятида *баҳор, омад*; япон маданиятида ҳам *вафосизлик*, ҳам *содиқлик, она гамхўрлигини* англатади. Хитойда *журъат, хавф, садоқат, яхши ўзгаришлар* тимсоли сифатида баҳоланади. Насронийликда *қайта тирилиш, янги ҳаётни* тамсил этади.

Ўсимлик рамзлари. *Дарахт* тушунчаси турли халқларнинг тасаввур оламида ҳар хил сўзларнинг ассоциатив қаторини ҳосил қилади. Масалан, дарахт деганда ўзбеклар чинор, қайрағоч, тут, теракни, турклар тол (сөғўт), арча (сам)ни, руслар дуб, қайин, эманни, японлар сакуруни, ҳиндлар палма ёки бамбукни тасаввур қилиши мумкин. “Ҳаёт дарахти” – дунё маданиятида

оламнинг асоси (ўзак, ўқ, устун), яъни осмон, замин ва ер ости оламларини ўзаро бирлаштириб турувчи восита сифатида тасаввур қилинади. “Ҳаёт дарахти”нинг ўзбек фолклоридаги тимсоли чинордир. Чинор узок умр рамзи саналади. Қадимги хитойликлар тут дарахтини “ҳаёт дарахти” сифатида талқин қилганлар. Қайрағоч – туркий асотирларда муқаддас дарахт ҳисобланади. “Олтой афсоналарига кўра, Қорахон ўзи бунёд этган оролга тўққиз шохли қайрағоч дарахтини ўтқазади. Бу дунёдаги илк дарахт қайрағоч бўлиб, унда тангри тимсоли акс этарди. “Маликаи айёр” достонида девларнинг макони қайрағоч билан боғланади” [8;71].

Халқнинг бениҳоя бой тарихий-маданий, этник-маънавий тажрибалари, яъни унинг ўзигагина хос тил воситасида шакллангани каби мазкур тажрибаларнинг барчаси айнан халқнинг тилида ўз ифодасини топади, шу тилда яшайди ва мунтазам равишда аجدоддан авлодга ўтиб келади. Қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари энг катта маънавий бойлигимиздир. Халқ оғзаки ижодида муайян даврда яшаган аجدодларимизнинг кечинма ва тасаввурлари муҳрланган. Уларда ифодаланган рамзларни тадқиқ этиш ва уларни тўғри талқин қилиш аجدодларимизнинг ички дунёсини ёритиб беришга, бизни уларга яқинлаштиришга, маънавиятимизни бойитишга хизмат қилади. Зеро, рамзлар – қадриятлар мажмуидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алифиренко Н. Ф. Лингвокультурология. – Москва: ФЛИНТА, 2016. – 288 б.
2. Жўраев М., Саттиев Д. Ўзбек фолклорида ҳаёт дарахти. – Тошкент: Фан, 2010. – 138 б.
3. Жўраев М. Фолклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – 110 б.

4. Маслова В.А. Лингвокультурология. – Москва: Академия, 2001. – 183 с.
5. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Фан, 2010. – 288 б.
6. Сувонова Р. Метафоралар таснифига доир // Ўзбек тили ва адабиёт. – Тошкент, 2010. – № 6. – 111-112 б.
7. Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 359 б.
8. Эшонқулов Ж. Фолклор: образ ва талқин. – Қарши: “Насаф”, 1999. – 160 б.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд – Тошкент, 2000. – 321б.
10. Кошғарий, Маҳмуд. Девону луғотит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов. – Тошкент: Фан, 1960. – 499 б.

АСҚАД МУХТОРНИНГ ТИЛ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДАГИ ЛИНГВОПУБЛИЦИСТИК ҚАРАШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Носиржон Муҳаммадалиевич УЛУҚОВ

филология фанлари доктори, профессор

Наманган давлат университети

Наманган, Ўзбекистон

onomastika66@mail.ru

Дилноза МАДРАҲИМОВА

мустақил тадқиқотчи

Наманган давлат университети

Наманган, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Асқад Мухторнинг тил, нутқ софлиги, сўз қўллаш ва нутқ маданияти хусусидаги қарашлари, талқинлари таҳлили ёритилган.

Таянч сўзлар: тил, нутқ, сўз, ўзлашма сўз, сарлавҳа, термин, услубий ғализлик, нутқ маданияти, лингвопублицистика.

АНАЛИЗ ЛИНГВОПУБЛИЦИСТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ АСКАДА МУХТОРА ПО КУЛЬТУРЕ ЯЗЫКА И РЕЧИ

Насиржан Муҳаммадалиевич УЛУҚОВ

доктор филологических наук, профессор

Наманганский государственный университет

Наманган, Узбекистан

onomastika66@mail.ru

Дилноза МАДРАҲИМОВА

Независимый исследователь

Наманганский государственный университет

Наманган, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируются взгляды Аскада Мухтара о языке, чистоте речи, словоупотреблении и культуре речи, а также его интерпретации к данным понятиям.

Ключевые слова: язык, речь, слово, заимствованное слово, заголовок, термин, стилистические ошибки, культура речи, лингвопублицистика.

Инсон маънавий камолотида, жамиятнинг маданий-маърифий ривожиди она тилининг ўрни муҳимдир. Тил миллий маънавият, маърифат ва маданиятнинг кўзгусидир. Ҳадисда “Кишининг зебу зийнати, гўзаллиги

унинг тилидадир”, – дейилади. Қадим замонлардан ҳар бир миллат ўз она тилига ҳурмат билан қарайди. Она тилига чинакам соҳиб бўлмоқнинг бош шарти эса унинг туганмас имкониятларини тугал эгалламоқ, яъни фикрни раво, гўзал ва лўнда ифода эта олмақдан иборат нутқий маданият малакаларини шакллантирмоқдир.

Адабиётшуносликка доир илмий манбаларда Асқад Мухтор шоир, носир, драматург, публицист, таржимон ва муҳаррир, истеъдодли мунаққид сифатида эътироф этилади. Биз буни маъқуллаган ҳолда, Асқад Мухтор она тилининг куюнчак, чинакам фидойиси, маданий нутқ тарғиботчиси ҳам эканлигини қўшимча қилмоқчимиз. Адибнинг тилга, нутққа доир шеърлари, мақолалари, нутқлари ва қайдлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Айниқса, адибнинг “Тил бир мўъжиза” номли мақоласи лингвопублицистиканинг энг яхши намуналаридан биридир.

Адиб сўзнинг остию ичини кўра олишдек нозик иқтидорга эга бўлган. Унинг куйидаги фикрларини ўқир экансиз, бунга гувоҳ бўласиз:

“Трамвайда кимдир бировга жой бўшатади. Шунда қулогингизга чалинади: Умрингиздан барака топинг, тасаддиқ...

Оддий гап. Эътибор қилмай кетаверасиз.

Лекин эътибор қилиш керак. Эътибор қилсангиз, шу соддагина иборадан ажойиб бойлик топасиз. Аввало, бу хотин кишининг гапи. У катта ёшда, балки она бўлса керак. Сўнгра бу албатта пок кўнгилли, содда киши. У самимий, меҳрибон, ўзи ҳам кўпларга жой бўшатганлардан. Бу иборанинг нозик маъно ранглари, товланишлари шу қадар кўпки, уни оламдаги бошқа бирон тилда худди шундай адекват қилиб айта олмаимиз” [1].

Адиб нутқдаги ўзбекона ундов сўзлар асосига қурилган дуо мазмунидаги бир гап воситасида тилимизнинг бойлигини, сўзловчининг ёши, жинси ва хислатлари хусусидаги далилларни айтади.

Асқад Мухтор ҳаётини ва асосли далиллар билан тилимизнинг бойлиги, кудрати ва имкониятлари чексизлигини таъкидлайди: *“Бир ҳаваскор журнал редакциясига бир дафтар халқ мақолларини олиб келди. Мингга яқин мақол,*

ҳаммаси фақат бир сўз билан боғлиқ. “Кўз” сўзи билан. Ҳаммаси шу бир сўзнинг товланиши!

Хуллас, тилимиз бир мўъжиза, ўртоқлар, тилсим. Хазина!

Тилимиз жаҳонда энг бой, энг ранг-баранг, энг нафис, гўзал тиллардан бири” [1;7].

Кўринадики, адиб она тилимизга юксак, ўз навбатида, ҳақли ва асосли баҳо беради. Чиндан ҳам ўзбек тили, ўзбек халқ оғзаки ижоди, жумладан, мақоллари миқдоран ва мазмунан жуда бой.

Адиб бундан салкам ярим аср аввал нутқдаги ноқислик ва қусурларни юзага келиши билан боғлиқ салбий ижтимоий омилларини кўрсатади: *“Афсуски, унинг илмий нормативлари ҳалигача етарли ишлаб чиқилмаган. Афсуски, баъзан уни қадрламаймиз, ҳурматини жойига келтирмаймиз, унга таъзим бажо этмаймиз. Афсуски, баъзан уни ўзимиз бузамиз, ўзимиз қўпол жароҳатлаймиз. Буни биз баъзан билиб, баъзан билмай қиламиз. Биримиз мода туфайли, биримиз шунчаки олифтагарчилик учун бузамиз; биримиз оригинал бўлиб кўриниш учун, гоҳ фикрий камбағаллигимизни яшириш учун, биримиз тўппа-тўғри маданий савиямиз етишмаганидан ёки масулиятсизлигимиздан бузамиз” [1;7-8].*

Адиб ўз мулоҳазаларини ҳаётий далиллар билан асослайди: *“Кечқурун телевизор рўпарасига ўтирасиз. Бир чалазабон йигит футбол ўйинини изоҳлайди:*

“Тўп Краснитский билан. Ҳозир пахтакорчилар бурчакдан тўп тепишни бажарадилар!”

Қулоқ соламиз. Индамаймиз, шартта телефонни олиб студияга қўнгироқ қилмаймиз. Чидаймиз. Ғазаблана билмаймиз. Нима бўпти, шу ҳам масала бўптимми! Ҳар ким билганича гапиради-да. Ваҳоланки, бу одамлар кенг тармоқли давлат студиялари орқали халқимиз ва улуг маданияти номидан эфирга чиқадилар” [1;8].

Албатта, унинг фикрлари асосли. Таъкидлаш жоиз, бугун ҳам бундай нутқий нуқсонлар барҳам топмаган. Буларни баргараф этиш учун тилга меҳру муҳаббат, фидойилик керак.

У тил ва унинг истиқболи омиллари, манбаларини ҳам шоирона ташбеҳлар, метафоралар билан мухторона, фалсафана ҳикматли ифодалайди: *“Тил жонли нарса. Тил дарахтдай, гиёҳдай яшайди, яшнайди, гуллайди, сундирсанг синади, калтакласанг чўлтоқ бўлади, тилсанг шираси ерга оқади. У тирик, нафас олади. Матбуотимиз, китоб, газета, журнал, радио – унинг жонли нафаси, юрак уриши”* [1;8].

Адибнинг бадиий талқинлари илмий моҳиятга ҳам эга. Тил жамиятдаги ўзгаришлар билан қадам-бақадам одимлайди, ривожланади, тараққий этади. Демак, у жонли, тирик. Оммавий матбуот нашрлари чиндан унинг бойлигини, имкониятларини кўрсатувчи кўзгу. Шу боис тил ва нутқ такомилда матбуот нашрлари муҳим аҳамиятга эга. Буни илғаган куюнчак тил фидойиси Асқад Мухтор муҳаррирларга мурожаат қилади: *“Айтмоқчиманки, биз муҳаррирларга ҳам кўп нарса боғлиқ. Тил кундан кун бойлик, гўзаллик орттурса, бунда бизнинг хизматимиз бор. Агар тил бузилса, қашшоқлашса – бунда бизнинг “хизматимиз” бор.”* [1;8]. Демак, тилнинг гўзаллашуви, қашшоқлашуви муҳаррирларга ҳам боғлиқ.

Публицистик руҳда ёзилган мақолада тагдор илмий эътирофлар ҳам ифода этилган: *“Тилнинг хазинаси халқ ҳофизасида яшаса, унинг нормалари, эталонлари, тенденциялари, кўпинча матбуот ёрдамида шаклланади. Матбуот – тилнинг қибласи. Матбуотда нимаики чиқса, муҳаррирлар қўлидан ўтади. Газета муҳарриримиз, китоб, журнал муҳарриримиз, студия ва бўлим муҳарриримиз – тилимизнинг боғбонлари мана шулар. Бепоеън халқ тили боғида гул ўстурса ҳам шулар ўстиради, алаф говласа ҳам шулар говлатади. Мен олимлар ва ёзувчилар родини камситмайман, аммо муҳаррирлар ҳақида гапириш менга осонроқ туюлади”* [1;9].

Талқину таҳлилларда фақат Асқад Мухторгагина хос бўлган мантиқли ўзбекона ташбеҳларни ўқийсиз: *“Матбуот – тилнинг қибласи”*. Бу йиллар

давомида ўз моҳияти ва мазмунини йўқотмайди. Тилнинг сеҳру жозибаси, гўзаллиги, нозу назокати, қудрати, имкониятлари ва ундаги ўзгаришлар оммавий нашрларда акс этади. Шу боис ўқувчилар сўз қўллашда, имлода унга асосланади. Газета ва журналдаги бир хато минглаб ўқувчига этади.

Адиб ўша давр матбуотини ва унинг нутқий қусурларини куйидагича ифодалайди: *“Вақтли матбуотимиз тилининг ҳозирги касалликларидан бири, менинг фикримча, ортиқча шалдироқ гўзаллик, ортиқча чучмал ширинлик. Бу замонга номуносиб равишда, мавҳумликка, предметсизликка, китобийликка олиб боради. Баъзан телевизор экранидан сизга мурोजаат қилишади:*

“Иззатманд ойнаи жаҳон нигоҳбонлари!” Оддий хабар ҳам баъзан поэтик мадҳия билан ёзилади. Ердан узилиб кетяпмиз, баъзида авторлар оддий гапдан ор қилишади чамамда. Бир мухбир Москвада автомобиль заводига борган экан, ўзи ҳақида ҳам “бордим” деяқолмай, “ташриф буюрдик” деб ёзади. “Чигит экиш” деган оддий реалистик, деҳқонча гап камайиб, кичкинагина танқидий хабарчада ҳам “оқ олтин” экишни орқада судрамоқдалар” деб ёзадилар. Терим палласи бошланса 4 ой давомида ҳар куни эллик марта “эл хирмониға” деган гапни эшитасиз. Бу чиройли, образли сўзларнинг ўрни бор, аммо улар трафаретга айланиб, сийқаланиб кетди. Бу “анжуман” лару бу “автор” лару бу “мушоира” лар...” [1;9].

Адиб оддий далиллар асосида нутқдаги услубий, мазмуний хатоликларни кўрсатади: *“Энг кераксиз ўринларда, сира талаб қилинмаган жойларда, ҳар хабару ҳар хроникада тинмай ишлатилади. Ҳозир химиядан савол-жавоб ҳам мушоира, КВН ҳам мушоира. Бу мушоира деган шўрлик ўзи йўқ гап. “Мушоира” деган сўз бор, у ҳам фақат ҳақиқий шеърий баҳс маъносида ишлатилиши керак” [1;9].*

Қарангки, 70-йилларда биз 90-йилларда истеъмолга киритган муҳаррир, таҳрир сўзларини мулоқотга киритиш борасида мантиқли мулоҳазаларни ўртага ташлайди ҳамда тилга сунъий ёндашув билан узоққа бориб бўлмаслигини эътироф этади: *“Маълумки, тилга зўрлик қилиш фанга зид*

нарса. Биз баъзан ўзлашган сўзларни қувиб, ёт сўзларни киритишга уринамиз. “Муҳаррир” сўзини билмаган ўзбек йўқ. Таҳрир сўзи шундан, кечаю кундуз ишлатамиз. Шунингдек, “автор” сўзи ҳаммага маълум. “Авто” деган интернационал илди билан боғлиқ ўнлаб сўзлар ўзимизники бўлиб қолди. Энди бўлса ўзлашган “муҳаррир”ни сиқиб чиқариб, редактор деяпмиз, кам одам билан ёт сўз “автор”ни зўр бериб тарғиб қиляпмиз. Бунда мантиқ йўқ-ку, ўртоқ муҳаррирлар? Сўзнинг ўзига қарши эмасмиз, сўз айбли эмас. Ҳар сўзнинг ўрни бор. Лекин тилни сунъий йўл билан ҳеч қайққа олиб бориб бўлмайди” [1;9].

У матбуот нашрларида сарлавҳа яратиш борасидаги баландпарвозлик иллоти, услубий ғализликларни ҳам танқид остига олади: “Баланпарвозлик – баъзиларга бир касал. “Ғолибкор”, “Фасоҳатшиор мураббий” деган сарлавҳалар чиқди. “Санъатимиз муҳандиси” деган сарлавҳани айтмайсизми? Ахир булар пародия-ку! Бизнинг замонга келиб ўрта асрнинг “юксак стили”га интилиш анохронизмдан бошқа нарса эмас” [1;9].

Ёзувчи нутқ маданияти тушунчасин халқона изоҳлайди: “Нутқ маданияти чиройли сўзларни маржондек териш, ширин-чучмал гапириш деган сўз эмас. Нутқ маданияти, аввало, мантиқли, саводли, мазмунли гапириш, халқ тилида содда гапиришдир” [1;10].

Асқад Мухтор соҳа терминологиясидаги ноқисликлар хусусида ҳам фикр юритади: “Адабиётшунослик терминларимизнинг ҳанузгача тиниқмаганида ҳам баъзи муҳаррирларнинг роли бор. “Тошкент оқшоми” учта шеърнинг тепасига “Лирикалар” деб қўяди. Иккита ҳажвий сурат тепасига “Юморлар” деб ёзади. Бу терминларда кўплик формасини ишлатилишининг ўзи юмор бўлиб қоляпти. Ҳеч бўлмаса шуни тушуниш керак эди ахир.

Кўп китоб ва мақолаларда “фалон пьеса саҳналаштирилди” деб ёзадилар. Саҳналаштириш – инцсенировка қилиш. Романни саҳналаштириш мумкин, лекин пьесани фақат саҳнага қўйиш керак. Кўп адабиётшунослар

учун “художественная ткань” ҳам “бадиий тўқима”, “художественный вымысел” ҳам “бадиий тўқима”. Бундай мисоллар жуда кўп” [1;10].

Адиб юксак мантиқ ва фалсафа билан номланган “Тил бир мўъжиза” номли мақоласини: “Тил, нутқ маданияти халқнинг умум маданий даражасини белгиловчи омиллардан бири”, деган асосли хулоса билан яқунлайди. Чиндан ҳам, тил – миллатнинг кўзгуси, нутқ унинг маданиятининг узвий қисми.

Асқад Мухтор машҳур “Тундаликлар” асарида айрим ўзлашма иборалар ва сўзларнинг қўллаш борасида услубий ғализликлар юзасидан ҳам фикр юритади:

“Нур алан – нур” деган яхши ибора бор. Уни кўпинча “Нур устига аъло нур” деб нодонларча бузиб ишлатадилар.

“ Устувор” – мустаҳкам, пойдевор, давомли деган сўз. Биз уни устунлик, яъни “приоритет” маъносида ишлатамиз: “устувор йўналишлар”, “қонун устуворлиги...”. “Устувор йўналишлар”, “қонун устунлиги” деб, *оддийгина ўзбекча ва тўғри гапиришга нима етсин!*

“Кўча одамлар билан гавжум”, дейдилар. Ваҳоланки, “одамлар билан гавжум”, “қўйлар билан гавжум” деб бўлмайди. Чунки “гавжум”нинг ўзи “одам кўп” дегани.

“Фаолият кўрсатишни амалга оширдилар”, “*шарофати натижасида*”, “*рақобат кураши*”, “*устидан кулди*” ... Бундай “*нодир*” кашфиётларни санаверсангиз, сон мингта. Ёшларнинг, айниқса мухбирларнинг тилдаги *пала-партишликларидан ҳар гал ранжийман*” [2]

Муаллифнинг фикрлари асосли. Юқорида келтирилган ўзлашма сўзларни қўллаш билан боғлиқ услубий ғализлик ва ноқисликлар ҳозир ҳам учрайди.

Ҳар бир сўзловчи она тилини ҳурмат қилиши, ундан талаблар даражасида фойдаланмоғи, унинг софлиги, равнақи, тараққиёти, такомили учун хизмат қилмоғи инсоний бурч, бошқача айтганда, ҳам қарз, ҳам фарз. Буни Асқад Мухтор яна далиллар билан асосли уқтиради: “*Ахир, тилимиз –*

шакланган буюк тарихий тил. Ҳеч бўлмаса, унинг оқ сочли бобо ёшини ҳурмат қилиш керак. У юз йил эмас, беш юз ёки минг йил эмас, ўн беш, ҳатто, йигирма асрлик тарихга эга” [2].

Юқорида таъкидлаганимиздек, устоз адиб сўзларга яширин маъно нозикликларини билади, илғайди. Бугина эмас, бошқаларга ҳам ана шу нозик иқтидорни юқтириш илинжида талқинлар қилади ва қайдлар битади. Биргина мисол, биз синоним деб оддийгина талқин қиладиган икки сўз хусусида қуйидагича фикр юритади:

“Рассомми, мусаввирми?”

Қуръони каримда Оллоҳнинг номлари бирма-бир саналиб “... ал-Холиқу ал-Мусаввиру” дейилади. Демак, у инсонни тупроқдан яратувчигина эмас, руҳият ва ҳислар билан безаб, тасвир қилувчи ҳамдир. Ҳаким Санойи у ҳақида шундай ёзади:

“...3-ОНКИ ГИЛ МАЗЛУМАСТ ВА ДИЛ РАВШАН,

Гили ту гулханаст ва дил гулшан”. Яъни: тупроқ – зулмат, дил эса равшан; тупроғинг ўт-олов, дил эса – равшан.

Бу жиҳатдан, расм солиб, шакл берувчи рассомдан кўра, дил ойнасига расм олиб, руҳият ва туйғулар билан равшан этувчи мусаввир атамасини қўллаш, чамамда, маъқулроқ [2].

Ўзбек адабиётининг юлдузларидан бўлган Асқад Мухторнинг фикру мулоҳазаларини, ўғитларини ўқир экансиз, маданий нутқ ва нутқий етуклик инсон маънавий камолотининг бирламчи, асосий қирраларидан бири эканлигига амин бўласиз. Ўйлаймизки, устоз адибнинг юқоридаги ҳаётий, ҳикматли ва ибратли қайдлари Сизни ҳам тилга эътиборли, нутқ борасида маъсулиятли бўлишга чорлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухтор, Асқад. Тил бир мўъжиза // Шеър – шоир виждони: мақолалар, суҳбатлар, кундаликлар, қайдлар, жанрини топмаган сатрлар, библиография /нашрга тайёрловчи, сўнгсўз ва изоҳлар муаллифи М.Жўраева; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – Б.7. Кейинги

Ўринларда шу манбадан олинган парчаларни саҳифасини кўрсатиш билан кифояланамиз.

2.Мухтор, Асқад. Уйқу қочганда. – Тошкент: Маънавият, 2005.

**О НЕСОВПАДЕНИИ ЯЗЫКОВЫХ КАРТИН МИРА И
СПЕЦИФИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ СОПОСТАВЛЯЕМЫХ
КУЛЬТУР В РАМКАХ ТЕОРИИ ЛАКУНЫ И ЕЁ СООТНОШЕНИИ СО
СМЕЖНЫМИ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИМИ ЯВЛЕНИЯМИ**

УДК 81-13

Дильдархон Уринбаевна ХАШИМОВА

доктор педагогических наук, профессор

Ташкентский государственный

юридический университет

Ташкент, Узбекистан

d.xashimova@tsul.uz

Аннотация

В данной статье речь идет о трудностях восприятия художественного текста, причиной которого «дефицит культуры», т.е. отсутствие у обучаемых необходимых для данного случая сведений из истории и культуры изучаемого ими языка.

Ключевые слова: текст, лакуна, история, культура, лингвокультурология, лингводидактика, безэквивалентная лексика.

**ЛАКУНА НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК
ХОДИСАЛАРИНИ ҚИЁСЛАШДА ДУНЁНИНГ ЛИНГВИСТИК
СУРАТЛАРИ ВА ТАҚҚОСЛАНАЁТГАН МАДАНИЯТЛАРНИНГ
НОМУТАНОСИБЛИГИ ҲАҚИДА**

Дилдорхон Уринбаевна ХАШИМОВА

Педагогика фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат юридик

Университети

Тошкент, Ўзбекистон

d.xashimova@tsul.uz

Аннотация

Ушбу мақолада бадий адабиёт ўқиётган ўқувчи ва талабаларда ўрганаётган тил билан боғлиқ маданият ва тарихга оид билимларнинг етишмаслиги ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: матн, лакуна, тарих, маданият, лингвокультурология, лингводидактика, хос лексика.

Искусство общения приобрело в наши дни глобальное значение, ибо на этой основе держатся взаимоотношения, взаимопонимание и взаимодействие как отдельных людей, так и целых народов и государств.

Из сказанного вытекает необходимость совершенствования содержания системы образования в Республике Узбекистан на современном этапе, особенно с учётом перехода от техногенной к антропогенной цивилизации, гуманизации и гуманитаризации образования, овладения достижениями как национальной, так и общечеловеческой мировой культуры на что ориентирует Национальная программа по подготовке кадров. Это в полной мере относится и к методике преподавания языка и литературы в средней общеобразовательной школе с узбекским языком обучения, в узбекских группах лицеев, колледжей и неязыковых вузов. Мы здесь имеем в виду две основные проблемы. Первая проблема заключается в том, что одним из препятствий межкультурного общения являются национально-специфические особенности контактирующих культур, что создаёт серьёзные трудности при изучении русского языка и литературы узбекскими учащимися и студентами, что, естественно, требует проведения соответствующих лингвистических и лингводидактических исследований.

Вторая проблема заключается в необходимости создания, апробации и внедрения в практику преподавания новых педагогических технологий и средств обучения, ибо используемые сегодня технологии не обеспечивают надлежащего уровня усвоения программного материала в плане формирования (наряду с языковой, речевой и коммуникативной) культурной компетенции обучаемых, что негативно отражается на качестве межкультурной коммуникации, остро востребованной в современном мире, в том числе в многонациональной Республике Узбекистан.

В лингводидактических публикациях не раз обращалось внимание на то, что даже достаточно хорошее владение иностранным (неродным) языком способно обеспечить лишь буквальное прочтение текста. И в практике преподавания русского языка нерусским нередки случаи, когда учащийся, поняв каждое слово художественного произведения, тем не менее не воспринимает замысла писателя, «он не смеется там, где смеется русский, не печалится в местах, с точки зрения русского трагических, и не может с

этической точки зрения оценить поступки героев и понять мотивы этих поступков» [4;234]. Причиной несостоявшегося адекватного восприятия художественного текста является не языковой дефицит, а «дефицит культуры», т.е. отсутствие необходимых для данного случая сведений из истории и культуры носителей русского языка, отсутствие так называемых фоновых знаний. Источником же этого являются те различия, которые существуют между русской и родной словесно-образной картиной мира.

Таким образом, несовпадение языковых картин мира и специфических особенностей сопоставляемых культур является основным препятствием в достижении полного взаимопонимания участников коммуникативного акта.

Итак, объектом лингвокультурологии кроме реалий культуры, являются также и особенности языковой картины мира, характерной для изучаемого языка.

«Истинная трудность изучения языка состоит в перестройке стереотипов мышления, обусловленных родным языком, поэтому взаимосвязанное изучение языка и культуры существенно облегчает изучение любого языка» [8;162].

В основе лингвострановедения, как составной части лингвокультурологии, лежат так называемые фоновые знания, известные всем представителям данной языковой общности. Например, всем носителям русского языка знакомы с детства подвиги легендарных Ильи Муромца, Алёши Поповича; названия местностей Бородино, Куликово, Мамаево, которые вошли в русскую историю как места вооруженных столкновений. Все русские знают, почему не принято спрашивать возраст у женщин, почему надо снять головной убор при входе в помещение и др.

«Картина мира в целом создаётся познанием, а не языком, словесный образ предмета или отношения выступает как форма логического отображения бытия, как дополнительный национальный фон, над которым возвышается общечеловеческий логический образ. С этой точки зрения

данный национальный фон составляет важное содержание лингвострановедения» [5;6].

Вследствие совпадения картины мира у носителей разных языков устанавливается понятийная тождественность слов этих языков. Лексическое значение таких слов не содержит специфики культурного компонента (ср. рус. ключ, узб. калит, англ. key). Если в области совпадения двух или нескольких культур применим реляционно-переводной метод при преподавании языка, то в области несовпадения подобная методика оказывается бесполезной. По мнению Е.М. Верещагина и В.Г. Костомарова, по этой причине учащимся необходимо усваивать не только план выражения того или иного языкового явления, но и план содержания. В задачу же преподавателя входит необходимость «вырабатывать в сознании обучающихся понятия о новых предметах и явлениях, не находящих аналогии ни в их родной культуре, ни в их родном языке» [4;30]. Более того, преподавателю приходится знакомить изучающих язык и со стереотипными моделями поведения носителей другой культуры, «выражаемыми открыто или подразумеваемых, рациональных или иррациональных, которые в каждый данный период существования общества выступают в качестве правил поведения людей» [16;10].

Расхождению двух культур обязана своим существованием без эквивалентная, «национально окрашенная» лексика (С. Влахов, С. Флорин, Г.Д.Томахин). Л.С.Бархударов называет такие лингвокультурологические лексические единицы «случайными лакунами», т.е. это «единицы одного из языков, которым по каким-то причинам (не всегда понятным) нет соответствий в лексическом составе (в виде слов и устойчивых словосочетаний) другого языка». Например: русским лексемам «сутки», «погорелец» нет соответствий в английском языке [2;95]. Е.М.Верещагин и В.Г.Костомаров «без эквивалентными» называют такие слова, план содержания которых невозможно сопоставить с какими-либо иноязычными лексическими понятиями. «Без эквивалентная лексика выражает понятия о

данной стране, данной культуре и отсутствует в другой культуре и в другом языке» [4;71].

По мнению А.А.Леонтьева, «слова, служащие для выражения понятий, которые отсутствуют в иной культуре и не имеют прямых эквивалентов за пределами языка, к которому они принадлежат, называются без эквивалентными» [9;284].

В новейшем словаре иностранных слов и выражений дается следующее определение «лакуны»: «лакуна [лат. *lacuna* – углубление, впадина] – в языкознании и литературоведении – пробел, пропуск, недостающее место в тексте; «белое пятно» - область конкретного незнания» [12;461].

Вопрос о так называемых лакунах в настоящее время привлекает всё большее число исследователей. «Лакунам», или «антисловам», «белым пятнам на семантической карте языка», «незаметных изнутри» (например, человеку, владеющему только одним языком), посвящают свои работы Ю.С.Степанов [15;54], В.Л.Муравьев [11;12], В.Дорошевский [7;206].

Все трое проиллюстрировали понятие «лакуны» следующими примерами: «Во французском языке существует слово “*falaise*” как название плоскогорья, с одной стороны обрывом спускающегося к морю. В польском пейзаже встречаются такие плоскогорья, но для них нет особого названия в польском словарном составе, т.е. они не стали предметом внимания, выделенным из общего фона пейзажа и обозначенным названием. Ни одно плоскогорье, обрывисто спускающееся к морю, не является десигнатом ни одного польского слова, не обозначено никаким польским словом» [7;193].

«Лакуны могут быть абсолютными, и, как правило, только в этих сравнительно редких случаях они ощущаются в норме и осознаются при составлении переводных словарей как слова, не имеющие эквивалента в виде слова. Так, если идти от русского, то во французском не находится эквивалента для слов «вообще», «уютный», «ровесник»» [15;120].

Используя терминологию В.Дорошевского, можно сказать, что лакуны - это то, что в одних языках и культурах обозначается как «отдельности», а в других «не сигнализируется, т.е. не находит общественно закрепленного выражения» [7;73].

Представляется необходимым, рассматривая лакуны, не упускать из вида несомненную связь языковых лакун с отсутствием соответствующего понятия в культуре данного народа. Поэтому целесообразно рассмотреть вопрос о взаимоотношении слова и понятия.

Вслед за Е.К.Войшвилло, «понятием» мы называем «мысль, представляющую собой результат обобщения и выделения предметов того или иного класса по более или менее существенным признакам. По существу при этом происходит отождествление всех предметов по тем их сторонам, которые выделены в качестве основы сообщения, благодаря чему множество предметов объединяется в одной мысли под одним общим для них названием» [6;117].

Уже в этом определении заключена мысль о возможности некоторого отличия понятийного членения мира носителями разных культур, потому что носителями разных культур могут быть выбраны «в качестве основы обобщения» разные стороны явления [7;7].

Неоднократно отмечалось, что понятие на какой-то ступени образования может вообще не быть связанным со словом; не исключено, что связь понятия со словом может быть не прямой, а опосредованной.

Лакуны больше, чем какое-либо другое явление, характеризуют особенности данного языка в сравнении с другим. Общеизвестно, что всё, что выражено на одном языке, можно определённым образом передать на другом языке. Однако, как справедливо замечает Ч.Хоккет, «языки различаются не столько тем, что с их помощью выражается относительно легко» [18;122].

Имея в виду лакуны, И.Е.Аверьянова выделяет «культурно-маркированную лексику», «под которой понимается совокупность слов и

словосочетаний, маркированных наличием национально-культурного содержательного компонента» [1;6].

К числу культурно-маркированных лакун, автор относит такие русские слова, как *интеллигенция, простор, беднота, берёза, черёмуха, осина* и некоторые другие [1;9].

В ходе межъязыковых и межкультурных сопоставлений этот слой может быть выделен в национальном языке как по критерию передаваемой словами информации о специфических предметах, явлениях, особых событиях и прочих элементах национальной культуры в наиболее широком её понимании, так и по специфичному национально-обусловленному отношению к ним со стороны носителей конкретного языка.

Разделяем суждение И.Ю.Марковиной, которая утверждает, что «применительно» к сопоставлению языков используется термин «без эквивалентная лексика», а в отношении культуры в целом - «этноэйдема», непонятное в тексте называют «темными местами». Определяя термин «лакуна», автор ссылается на труды отечественных и зарубежных лингвистов и утверждает: «Лакуны в самом общем понятии фиксируют то, что есть в одной лингвокультурной общности, и чего нет в другой, ... это сигналы специфически той или иной лингвокультурной общности в сравнении с некоторой другой общностью» [10;9].

И.И.Ревзин и В.Ю.Розенцвейг, цитируя А.Мальблана [19;204], отмечают употребляемое им понятие «пробел» (*lacune*) по отношению к случаям, «когда ситуации, обычные для культуры одного народа, не наблюдаются в другой культуре» («пробел» в смысле отсутствия соответствий в другом языке) [13;184].

А вот мнение Л.В.Щербы: «Поскольку системы понятий в разных языках не совпадают..., постольку при изучении иностранного языка приходится усваивать себе не только новую форму слов, но и новую систему понятий, лежащую в их основе» [17;67]. Как отмечает Г.Д.Томахин, экстралингвистическое содержание слова отражает обслуживаемую языком

национальную культуру. Страноведческий культурный компонент прежде всего присущ лакунам, которые выявляются при сопоставлении культур [16;12].

Е.С.Бурякова пишет о «грамматических лакунах (словообразовательных) (например, неадекватное определение испытываемыми значения приставки при – в слове «принакрытый»), морфологических (например, учащиеся ошибочно соотносят формы хлеб («пищевой продукт») и хлеба («зерновые на корню») как формы единственного и множественного числа аналогично парам «дом - дома»), синтаксических лакунах (например, неадекватным является восприятие синтаксической структуры «До сегодня ещё мне снится // Наше поле, луга и лес, // Принакрытые сереньким ситцем // этих северных бедных небес» из стихотворения С.Есенина «Низкий дом с голубыми ставнями ...» [3;12].

Причастный оборот «Принакрытые сереньким ситцем этих северных бедных небес» был воспринят испытываемыми как «Будто серым ситцем покрыто северное бедное небо», в результате чего было разорвано словосочетание «ситец небес», главный компонент которого вошёл в состав определения «будто серым ситцем покрытое», а зависимый – выступил в роли определяемого» [3;12].

Исследователь также выделяет собственно лексические и лексико-семантические лакуны [3;13]. К собственно лексическим лакунам им относятся лексические и семантические архаизмы, историзмы, диалектизмы (т.е. всё непонятное в тексте), а к лексико-семантическим – образные лакуны т.е. лексемы, имеющие переносное значение (например, «тощие дали», «седые журавли» и т.д.).

В.Н.Рябов основными признаками того, что попадает под определение лакун, считает следующие: «непонятность, непривычность, уникальность, экзотичность, чуждость, удивительность, незнакомость, неожиданность и даже ошибочность или неточность» [14;6] и приводит в качестве примеров следующие явления: существительные, образование от которых форм

множественного числа носит затруднительный характер (ложь – лжи, правда – правды, дань – дани, полдень – полдни и др), прилагательные, испытывающие противодействие при образовании от них кратких форм и сравнительной степени (верхний, бурлескный, гротескный, водопускный, заезжий, минувший, биржевой, звуковой, накидной и др).

В настоящем исследовании в процессе отбора лакун в учебниках по русскому языку для узбекской школы, лицеев, колледжей и неязыковых вузов с узбекским языком обучения мы опирались на следующее толкование лакун: это слова и словосочетания, служащие для выражения понятий, отсутствующих в иной культуре и ином языке, слова, относящиеся к частным культурным элементам, характерные только для культуры А и отсутствующие в культурах Б, В, Г, и не имеющие эквивалентов за пределами языка и культуры, к которым они принадлежат.

Таким образом, мы пришли к выводу, что лакуны – это лексические и фразеологические единицы одного языка, обозначающие уникальные явления, исторические факты, предметы быта, явления культуры, жизни людей, принадлежащих к одной социально-культурной общности, и не имеющие ни полных, ни частичных соответствий в других языках и культурах. Например, лексемы «ракита», «горничная», словосочетания «отъезжее поле», «земский судья», фразеологизмы «водить за нос», «пускать пыль в глаза» являются лакунами русского языка и не имеют ни полных ни частичных эквивалентов в других языках и культурах, поскольку являются самобытными средствами общения между людьми определённой этнокультурной общности.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Аверьянова И.Е. Русская культурно-маркированная лексика в англоязычных произведениях о России: Автореф. дис.канд.филол.наук. – Киев, 1984.

2. Бархударов Л.С. Язык и перевод. Вопросы общей и частной теории переводов. – М.: Международные отношения, 1975. – 239 с.
3. Бурякова Е.С. Лингвокультурные лакуны в художественном тексте (на материале произведений А.С.Пушкина, М.Ю.Лермонтова, А.П.Чехова, С.Есенина): Автореф. дис... канд.филол.наук. – Харьков, 1993. –18 с.
4. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. Изд. 2-е. – Москва: Русский язык, 1976. – 248 с.
5. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Лингвистическая проблематика страноведения в преподавании русского языка как иностранного. –Москва: МГУ, 1971. – 84 с.
6. Войшвилло Е.К. Понятие. –Москва, 1967. – 117 с.
7. Дорошевский В. Элементы лексикологии и семиотики. – Москва, 1973. – 242с.
8. Костомаров В.Г. Русский язык среди других языков мира. – Москва, 1975. – 176 с.
- 9.Леонтьев А.А. Русский язык в современном мире. АН СССР. –М.: Изд. Наука, 1974. – 284 с.
10. Марковина И.Ю. Влияние лингвистических и экстралингвистических факторов на понимание текста: Автореф. дис... канд.филол. наук / МГУ. – Москва, 1982. – 20 с.
11. Муравьев В.Л. О языковых лакунах // Иностранные языки в школе. – Москва, 1971. – №1. – С.12.
12. Новейший словарь иностранных слов и выражений. – Минск: Современная литература, 2005. – 975 с.
13. Ревзин И.И., Розенцвейг В.Ю. Основы общего и машинного перевода. – Москва: Высшая школа, 1964. – 243 с.
14. Рябов В.Н. Русские интраязыковые лакуны (формально-семантический аспект): Автореф. дис...докт. филол. наук / Кубанский гос. университет. – Краснодар, 1997. – 42 с.

15. Степанов Ю.С. Французская стилистика. – Москва, 1965. – 355 с.
16. Томахин Г.Д. Теоретические основы лингвострановедения (на материале лексических американизмов английского языка): Автореф. дис...докт. филол. наук. – Москва, 1986. – 32 с.
17. Щерба Л.В. Очередные проблемы языкознания и фонетики. – Т.И. Ленинград, 1958. – 260 с.
18. Hockett Ch.F. Chinese versus English: an exploration of the Whorfian thesis “Language and Culture” Chicago, 1954. – P.122.
19. Malblanc A. Stylistique compare du francais et de l'allemand. Parij, 1961. – 204 p.

РАҚАМЛИ МЕДИА НЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МОТИВАЦИОН ОМИЛИ СИФАТИДА

Отабек Улашевич ШУКУРОВ

филология фанлари номзоди

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

otabekshukurov1@mail.ru

Рушана Жамол қизи НАБИЕВА

магистр

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ҳозирги ўзбек тилидаги неологизмларнинг ўзбек тили лексикасига ўзлашишида рақамли медианинг мотивацион ўрни ҳам очиқ берилган.

Таянч сўзлар: неологизм, рақамли медиа, ўзлашма сўз, лексика, сўз ўзлашиши, тилнинг бойиши.

ЦИФРОВЫЕ МЕДИА КАК МОТИВАЦИОННЫЙ ФАКТОР НЕОЛОГИЗМОВ НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Отабек Улашевич ШУКУРОВ

кандидат филологических наук

Каршинский государственный университет

Карши, Узбекистан

otabekshukurov1@mail.ru

Рушана Жамол қизи НАБИЕВА

Магистр

Каршинский государственный университет

Аннотация

В статье раскрывается мотивационная роль цифровых медиа в освоении неологизмов на узбекском языке в лексике узбекского языка.

Ключевые слова: неологизм, цифровых средств массовой информации, заимствованное слово, лексика, заимствование слова, обогащение языка.

Бугунги кунда тилларнинг ўзаро алоқаси ва неологизмларнинг тилларда пайдо бўлишида рақамли медианинг фаоллашуви алоҳида аҳамият касб этади. Глобаллашув жараёнининг тезлашувига сабаб бўлаётган

Интернет олами ва ундаги ранг-баранг оммабоп имкониятлар: веб-форум, веб-сайт, википедия, интернет-дўкон, интернет-аукцион, ижтимоий тармоқ, электрон почта, янгиликлар гуруҳи, файл алмашиш тармоғи, электрон тўлов тизими, интернет радио, IP-телевидение, IP-телефония, FTP-сервер, IRC, кидирув тизими, интернет-реклама, масофавий терминал, масофавий бошқариш, кўп фойдаланувчилари мавжуд ўйинлар, интернет-савдо каби хизматлар билан барча ёшдаги фойдаланувчиларни ўзига жалб эта олди. Рақамли медиа бу – кенг маънодаги соҳа бўлиб, юқорида санаб ўтилган барча тушунчаларни ўзида акс эттиради. Рақамли медиа орқали ўзбек тили луғат бойлигига кирган кўплаб неологизмлар айнан мустақиллик даври йилларида ўзлашди.

Неологизмларнинг пайдо бўлиш йўллари хилма-хил бўлиб, улар тилнинг мавжуд луғавий таркиби ва грамматик қонун-қоидалари асосида янги сўз яшаш, шунингдек, мавжуд сўзнинг луғавий маъноларидан бирини янги маънода қўллаш йўли билан ва бошқа тилдан сўз қабул қилиш орқали ҳосил қилинади [6;313].

Баъзи манбаларда неологизмлар маълум бир гуруҳ ва турларга ажратиб ўрганилар экан, ҳақиқий неологизмларнинг пайдо бўлиши номланган воқеликнинг янги номи бўлиши лозимлиги асос қилиб олинади [4;55]. Бироқ ҳозирги пайтда тилдаги неологизмларнинг пайдо бўлиш талаби жамият тараққиётига мос равишда ўзгарди. Сўзларнинг бир тилдан иккинчи тилга ўтиши маълум бир янги воқеа-ҳодисанинг янги ном сифатида шаклланишига, тил лексик фондида ўринлашишга сабаб бўлмоқда.

Интернет саҳифаларини кузатадиган бўлсак, дунё ўзлашма сўзларининг 395 тилда ишланган базаси (The World Loanword Database – WOLD) махсус ўрганилган. Улардан 369 таси донор тил, 41 таси қабул қилувчи, 15 таси эса ҳар иккала гуруҳга ҳам кирувчи тиллар экани қайд этилган [9].

Ҳозирги нутқимизда фаоллашган *медиа* сўзи лотинча “*medium*”дан олинган бўлиб “восита”, “воситачи” маъносини ифодалайди. Мазкур сўз бугунги кунда тилимизда “оммавий ахборот воситалари” тушунчасини англатадиган “*масс-медиа*” (инглизча “*mass media*”) билан бир қаторда маънодош муносабатда ишлатиляпти.

Шу билан биргаликда, *медиа* неологизми *таълим* сўзи билан уйғунликда *медиа таълим* кўринишида кўшма сўз ҳосил қилишга ҳам улгурди. Яна бир неча: *медиясаводхонлик*, *медиа тармоқ*, *медиагуруҳ* каби сўзлар ҳамда ярим калькалаб олинган сўзлар ҳам шулар жумласидандир.

Медиа таълим айрим давлатларнинг таълим тизимида алоҳида фан сифатида ўқитилади, ҳатто унинг дарсликлари ҳам яратилган. Бу фан ўқитилишида Интернет маълумотларидан тўғри фойдаланиш, “ўргимчак тўри”даги ёлғон маълумотларга алданиб қолмаслик, қисқача қилиб айтганда, ёшларда медиасаводхонлик маданиятини шакллантириш мақсад қилиб олган.

Медианинг шаклланиш даври ўрганилар экан, шартли равишда беш турга бўлиниши таъкидланади: 1) дастлабки медиа – ёзув; 2) босма медиа – босма нашрлар, литография, фотография; 3) электрик медиа – телеграф, телефон, овозли ёзув; 4) масс-медиа – кинематограф, телевидение; 5) рақамли медиа – компьютер, Интернет [8].

Медиа ўзининг тадрижий тарақиёт босқичлари асосида такомиллашиб келаётган соҳа ҳисобланади. Бугунги кунга келиб ҳатто жамият бошқарувига таъсир эта олиш кучига ҳам эга. Унинг тилга таъсири ҳам ўзига хос бўлиб, тиллардаги неологизмларнинг ошиши, оммалашиши ва бу янги сўзларнинг тиллараро универсаллашувига сабаб бўляпти, дейиш мумкин.

Дунё тиллари орасида соф тилнинг ўзи йўқ. Тилнинг софлиги унинг ўз тил сўзлари ҳисобига яшаши билан белгиланмайди. Тилларнинг ўзаро омухталашиши, улардан бирининг бошқасига меъёр даражасида таъсир этиб бориши дунё тиллари орасида нормал ҳодиса сифатида қаралади. Бироқ бу

ходисанинг тилларда меъёрдан паст ёки меъёрдан ортиқ таъсир этиши билан маълум бир салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Негаки муайян тилга ўзга тил(лар) сўзларининг ҳаддан ортиқ таъсир этиши унинг онтологик хусусиятига таъсир этса, бошқа тиллардан сўз олмай яшаш эса шу тилнинг дунё миқёсдаги глобаллашув жараёнидан узилиб қолишига сабаб бўлади. Жамиятнинг эса янгиликлар ва ўзгаришларга нисбатан орқада қолаётганини кўрсатади.

Ўзлашма сўзлар датлабки даврда неологизм характерида бўлса-да, кейинчалик аста-секин қабул қилувчи тил қонуниятларига бўйсунди. Худди ўз қатлам сўзидек, табиий ва аниқ бўлиши (барг), фонетик қайта шаклланиши (каравот), грамматик сингиши (банкдан), сўз яшаш тизимида фаол иштирок этиши (тракторчи), такрор-такрор қўлланиши туфайли унинг ёт элементлиги сезилмай қолади [7;498].

Тилимиз тараққиёти, неологизмларнинг луғатларимиздаги бўш ўринларни тўлдириш эҳтиёжи учун мустақилликдан кейинги давр алоҳида хусусият касб этди. Жамиятимизнинг халқаро майдондаги маданий, иқтисодий, сиёсий алоқалари туфайли янги замонавий технология ва уларга боғлиқ кўплаб сўзлар, терминлар ўзлашди.

Бугунги кун янги пайдо бўлган, омма томонидан истеъмолда бўлган неологизмларнинг барчаси тилимизнинг нашр этилаётган луғатларида акс этаётгани йўқ. Хусусан, бундай рақамли медиа сўзларини ўзбек тилидаги мавжуд луғатлардан топиб бўлмаслиги ҳам табиий ҳол. Луғат ривожланиб кетаётган лексикани қувиб ета олмайди, шу боис “замонавий” сўзининг луғатга нисбатан ишлатилишини ҳам ўринсиз ҳисоблашади [2;12].

Бугунги кун рақамли медиа луғати сифатида *айтишник, дедлайн, e-mail, бро, баг, бот, вайн, вайнер, wi-fi, вау, гаджет, геймер* каби сўзлар (жаргонлар)ни ҳам ўрганиш мумкин. Уларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

ЛАЙФХАК *от* (ингл. *life hack*) – (*жаргон*) фойдали маслаҳат. Бу сўз аслида сўзма-сўз (ингл. *life hack*) “хаётий ҳийла” маъносини англатади. Омма нигоҳида эса “халқ донолиги” ёки кундалик муаммоларни ҳал этиш ва вақтни тежашга ёрдам берадиган фойдали маслаҳат сифатида тушунилади. Лайфхакерлар ҳаётдаги оригинал нарса-ҳодиса ўрнига содда кўринишдаги предметлардан фойдаланишни турли хил антиқа маслаҳат ва ақлли фокуслар ёрдамида тавсия этадилар. Кўпроқ арзимас нарсаларни “бузиш” техникасига асосланган видеороликлар “ҳар қандай жойда ва ҳар қандай пайтда ҳам муаммонинг иложини топиш”га қаратилган бўлади. Одатда унинг яратувчилари ҳаётда янги нарсаларни яратишмаса ҳам, мавжудларига эгалик қилишади. Бу сўзни русча **лайфхак** кўринишида эмас, балки ўзбекона ва шаклий тамойилга асосланиб **лайфхак** тарзида ёзиш тўғри бўлади.

МЕМ *от* (ингл. *meme* – карикатура) – (*жаргон*) тезда оммалашиб интернетда тарқаладиган медиаобъект (суҳбат, матн, расмлар ва бошқалар). *Мем* кишидан кишига интернет саҳифалари орқали тарқалувчи бирор фаолият, тушунча, шиор, ёзув, расм, видео ёки, умуман, медиага нисбатан ишлатиладиган атамадир. Уни Интернет феномени деб ҳам номлашади. Мисол учун денгиз соҳилида эшакнинг пўртаналарга боқиб хаёл сурган расми остига халқ муаммосига ишора қилинган жумлалар, шунингдек, антиқа мусиқа оҳангига рақс тушаётганлар видеоролиги ёки атайин хато ёзилган сўз ёки иборалар бўлиши ҳам мумкин. Интернет веб-ресурслари, хусусан, ижтимоий тармоқларда тарқалган мемлар кулгили сарлавҳалар билан бойитилади, бошқалари тасвири қайсидир маънода ўзгартиришади, бироқ блогерлар шахсий ёндашувларига ўз изларини қолдиришади. Вақт ўтган сайин мемлар ранг-баранг кўринишда кўпайиб, яхлит ва барқарор хотирага айланади. Уларнинг фарқи қанчалик кўп бўлса, кузатувчилар учун бой ва муваффақиятли бўлади деб тушунилади. *Мемлар* одатда жамиятдаги инсонларнинг онгига кучли таъсир кўрсатади ва ундан мақсад ҳам муайян масалага жамоатчилик эътиборини тортиш бўлади.

ИМҲО қисқ. (ингл. *IMHO: in my humble opinion* – менимча) – (*жаргон*) Интернет-форум фаол фойдаланувчиларининг пости ниҳоясида бериладиган ёки уларга қолдирилган шарҳлар учун “*Бу менинг шахсий фикрим*” маъносидаги оммабоп қисқартма.

Бунда фойдаланувчи мавзуга нисбатан ўзининг субъектив муносабатини қисқача билдиради ва сўнгида кўпинча “*Бу, албатта, ИМҲО!*” деб тугаллайди. Бу сўзни ҳам инглиз тилидан тўғридан-тўғри ўзлаштирган эканмиз, имлосини русча “*ИМХО*” кўринишида эмас, шаклий ва ўзбекона тамойилга асосан “*ИМҲО*” деб ёзишимиз тўғри бўлади.

ДЕДЛАЙН *om* (ингл. *deadline*) – тугатиш муддати. Тўғридан-тўғри таржима қилинганда *ўлик чизик* маъносини беради. Бу сўз одатда “*топшириқ, вазифа, имтиҳон, тест, танловга хужжат топшириш кабиларнинг белгиланган охириги муддати*” маъносида ишлатилади.

ВАЙН *om* (ингл. *vine*) – қисқа видеороликларни яратиш учун оммабоп мобиль дастур. Турмушнинг ўзига хос лаҳзаларни акс эттирувчи 2-20 секунд оралиғидаги видеоролик.

Wi-Fi *om* (ингл. *Wi-Fi: wireless fidelity* – “симсиз яқинлик”). Атама симсиз локал тармоқ технологиясига нисбатан ишлатилади. Бу сўз инглиз тилидан ўзбек тилига шаклий тамойил асосида қабул қилинган.

ВАУ (ингл. *wow*) (*жаргон*) сўзи кичик ёшдаги болалар нутқида “*Ура!*” ундов сўзи каби беҳад ижобий ҳис-туйғуни ифодалайди.

БРО *om* (ингл. *bro, brother* сўзи қисқартмаси) – (*жаргон*) оғайни, ака.

АЙТЙШНИК *om* (ингл. *IT: information technology* – ахборот технологияси) – ахборот технологиялари мутахассиси.

e-mail *om* (ингл. *e-mail*) – электрон почта хабарлари.

ЛИНК *om* (ингл. *link*) – интернетдаги саҳифа ҳаволаси.

ПОСТ *om* (ингл. *to post* – маълумотларни ёзиб оломоқ) – фойдаланувчи томонидан ижтимоий тармоқ, блог, форум ва бошқаларда жойлаштирилган маълумот.

Рақамли медиа соҳаси доирасида нутқимизда фаол қўлланаётган неологизмлар миқдоран кўп. Уларнинг бардавом таъсиридан эса келажакда тилимиз софлигига путур етиб қолиш хавфи ҳам юзага келяпти.

Ўзбек лексикографиясига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган Олим Усмонов ва Ренат Дониёровларнинг 1965 йилда нашр этилган “Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати”да 8000 дан ортиқ сўз ишланган бўлиб, ўз давридаги *апартеид, гидропоника, коврин, космик кема, космовидения, микроўғит, телекафе* каби неологизмлар ҳам киритилган. Шунингдек, муаллифлар узоқ вақт ва катта меҳнат эвазига кўп миқдордаги сўзларнинг изоҳи, терминнинг қайси соҳага тегишли экани, этимологияси, урғуси ишлаб чиқилган бўлиб, умуман олганда, луғатни қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда яратишган.

“Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати”да рус тилидан ўзлашётган *вулкан, лава, маяк, паднось*, сингари сўзларнинг имлоси тилимиз талабига кўра *вулқон, лова, маёқ, патнис* тарзида берилган [5;15]. Албатта, бу борада тилимизнинг миллий табиатини ҳисобга олиш, имкон қадар ўзбек тилининг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятларига бўйсунган ҳолда ўзлашмаларни қабул қилиш бугунги кун учун ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Устоз тилшунос Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, ўзбек тилидаги хорижий ўзлашмаларнинг меъёри ва миллийлиги масаласи маънавий-маданий соҳалар доирасида фавқулодда аҳамиятга молик эканлигини ҳамisha ёдда тутиш лозим [3;8].

Ҳозирги глобаллашув шароитида мутахассислар томонидан нафақат тилшунослик муаммолари, балки у билан узвий алоқада бўлган

маънавиятшуносликнинг долзарб масалаларини ҳам биргаликда ҳал этиш зарурият деб қаралади [1].

Глобаллашув жараёнида Интернет тармоқлари орқали жорий қилинаётган инновациялар, янгиликлар, ўзгарётган дунё ҳодисаларига тайёр туриш, уларни ўз вақтида ўз тилимизда номлаш учун тилшуносларга, мутахассисларга етарлича фурсат ҳам, имконият ҳам берилаётгани йўқ. Шунга кўра бу жараёнда рақамли медиа фойдаланувчиларининг ўзлари фаолликни қўлга олганликлари ҳам айтилиши ҳақиқат.

Дарҳақиқат, мустақилликкача бўлган даврда бир қанча неологизмларнинг тилдаги ўзлашма сўз мақомини расман олиши учун мавжуд луғатларда тан олиниши кутилган бўлса, ҳозирги кунда эса кўплаб янги сўзлар Интернет саҳифаларидаги ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан тилшунос ва уларнинг босма луғатларисиз ҳам оғзаки ва ёзма шаклларда фаол қўлланишда давом этапти.

Бундан ташқари, айтилиши пайтда ўзлашаётган сўзларнинг қўпчилиги ўзга тиллардан тўғридан-тўғри ўзлашаётган бўлиб, рақамли медиа фойдаланувчилари ўзга тилдаги предметнинг номини ўзлари кўриб, эшитиб, ўз ҳолича қўллашни маъқул кўришяпти. Бу жараёнга – нарсани янгича номлашга тилшунослар ёки мутахассисларнинг аралашishi аксар ҳолларда ижобий натижа бермаслиги ҳам кўриниб турибди. Хусусан, изланаётган ҳар бир янгилик ўзининг номи, расми, хусусияти, видеоролиги – турлича тавсифи билан Интернет саҳифаларидан жой олганки, уларни кузатган киши учун предметни ҳатто ўз она тилида бўлса ҳам, қайта номлаш ортиқча туюляпти. Негаки бу масалада жамиятда оммавий ахборот воситаларида иш юритилиши мутахассислар ва тилшунослар назорати остида бўлган, босма шаклдаги газета-журналлар тури ва сони чекланган ҳамда инсонларнинг атрофдан ранг-баранг информация олиши имконияти мавжуд бўлмаган, шунингдек, ўзлашмаларни қўллаш цензурага асосланган давр билан рақамли медиа кенг қулоч ёзган ва ундан эркин фойдаланиш мавжуд бўлган ҳозирги

давр таъсири муҳим аҳамият касб этади. Рақамли медианинг таъсири ўларок “неологизмлар оқимининг келиши”ни нафақат ўзбек тили лексикасида, балки дунё тиллари орасида ҳам юз бераётган нормал ҳодиса деб қараш мумкин.

Тилимизда пайдо бўлаётган янги сўзлар барча ёшдаги кишилар ва ранг-баранг касб эгалари учун бирдек аҳамият касб этмаслиги мумкин. Ҳозирги пайтда смартфон, планшет, ноутбук ва персонал компьютерлар орқали интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг барча ёшдагилари учун рақамли медиа неологизмлари кўзга таниш бўлса-да, уларни фаол нутқида қўллаётганлар, асосан, 15-45 ёш атрофидаги инсонлар ҳисобланади. Негаки янгиликка интилувчан ёшлар нутқидаги бу каби сўзлар уларнинг бир-бирини тез тушунишида ёрдам беради. Жамият аъзоларининг неологизмларга бўлган муносабати уларнинг ёши, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга бўлган ёндашиши билан ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Хуллас, глобаллашув жараёни ўларок жамият ҳаётида рақамли медианинг ўрни муҳим бўлиб, уни нафақат ўзбек тили лексикасига, балки дунё тиллари феноменига таъсир этувчи кучли омил сифатида тушуниш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Akhmedova M., Mengliev B. Spirituality in the soul of the language: about linguoma'naviyatshunoslik and its perspectives / American Journal of Research. – USA, Michigan, 2018. – № 9-10. – P.187-198. (SJIF: 5,065. № 23) <https://journalofresearch.us/2018-9-10-issue-of-the-journal>
2. Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. – МГУ, 1989. – 152 с.
3. Маҳмудов Н. Ўзбек тилида ўзлашма сўзлар: меъёр ва миллийлик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. – №6. – 160 б.

4. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи. 1975. – 260 б.
5. Усмонов О., Дониёров Р. Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати. – Тошкент: Fan, 1965. – 580 б.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6 том. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 704 б.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 том. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 656 б.
8. Qosimova N. Mediasavodxonlik va mediata'lim: Mohiyat. <http://uz.infocom.uz/2016/11/19/globalashuv-davrida-yoshlar-media-savodxonligini-oshirishning-ahamiyati>
9. <https://wold.clld.org>

АФСОНА ҲАМДА РИВОЯТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҚДИРИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Баҳодир РАҲМОНОВ

Филология фанлари номзоди
доцент
Андижон давлат университети
Андижон, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ўзбек халқ оғзаки ижодиёти жанрларидан афсона ва ривоятларнинг тарихий тақдири ва ҳозирги замондаги функционал хусусиятлари қисқача таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: афсона, ривоят, жанр, Алишер Навоий, ҳикоя.

ИСТОРИЧЕСКАЯ СУДЬБА И СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ЛЕГЕНД И СКАЗАНИЙ

Баҳодир РАҲМОНОВ

Кандидат филологических наук
доцент
Андижанский государственный университет
Андижан, Узбекистан

Аннотация

В статье приводится короткий анализ исторической судьбы и современных функциональных свойств жанров узбекского народного творчества – легенд и сказаний.

Ключевые слова: легенда, сказание, жанр, Алишер Наваи, рассказ.

Маълумки, жанр тарихий-эстетик категория бўлиб, даврлар ўтиши, тарихий тараққиёт унинг ғоявий-эстетик вазифани адо этишида сезиларли ўзгаришларни юзага келтиради. Ижтимоий ҳаёт ўзбек фольклори таркибидаги кичик эпик жанрлар тақдирида ҳам сезиларли бурилишлар ясади. Айрим жанрлар янги воқеликни акс эттиришга мутлақо ноқобил бўлиб қолган бўлсалар, айримлари янги давр воқелигини ҳам акс эттиришда ҳамон ҳозиржавоб.

Ўзбек халқ афсоналари, ривоятлари ўтмиш воқеаларини бетакрор акс эттиришда даъво қилсалар ҳам, бироқ ҳозирги давр воқеаларини, ижтимоий

муносабатларини бадий акс эттиришга мутлақо ноқобил эканликларини намоиш этмоқда. Бунинг сабаби нимада?

Бунинг учун афсонанинг тузилиши, эстетик вазифалари, ҳаётий қамров даражаси ҳамда воқеликни бадий акс эттиришдаги ўзига хосликлари ҳақида мулоҳазаларни билдириш ўринлидир.

Қадимги туркий тилда сав-атамаси билан юритилган ўтмиш воқеаларидан хабар берувчи бундай ҳикоялар [4] кейинчалик форс тилидаги афсун-сеҳр-жоду, фантастик уйдирма характеридаги воқеалар тасвирланган ҳикояларга нисбатан ишлатилади[4;3].

Афсона турли-туман жой номлари, табиат ҳодисалари, иншоотлар, тарихий шахслар ҳамда воқеларни изоҳловчи ҳаёлий уйдирма характеридаги ҳикоялардан иборат. Бинобарин, унда воқеликнинг сабаблари изчил асосланмайди. Чунки афсонада тасвир объектининг вужудга келиши ҳаёлий-фантастик тарзда изоҳланилади, кенг қамровли тасвирга асосланган сюжет бўлмайди ва ихчам ҳажмли сюжет фақат этиологик вазифа бажаришга хизмат қилади.

Афсона бадий шакл жиҳатидан ҳам бошқа жанрлардан алоҳида фарқланмайди. Унда эртаклардаги каби анъанавий бошланма, барқарор стилистик формулалар ҳамда тугалланмалар учрамаслиги билан бир қаторда бирор хабарни ўзгаларга етказиш вазифаси муҳим ўрин тутади. Демак, афсонадаги ахборотдан хабардор ҳар бир киши уни ўзи истаганча ўзгаларга етказиши мумкин. Махсус афсона айтувчи ижодкорларнинг бўлмаслиги ҳам юқоридаги айтилган сабаблар билан изоҳланади. Афсонадаги қаҳрамоннинг юксак идеаллари муболағали фантастика асосида тасвирланади. Юқорида кўрсатилган афсонага хос хусусиятларни қуйидаги бир афсона таҳлили орқали кўрсатиш мумкин. Афсонанинг мазмуни шундай: Бир подшоҳнинг Ширин исмли гўзал қизи бўлган экан. Унга Хисрав исмли подшоҳ ва Фарҳод исмли йигит ошиқ бўлади. Шириннинг отаси уларнинг олдига тоғни қазиб сув чиқаришдан иборат оғир шартни қўяди. Фарҳод ишни жадал бошлайди.

Унинг бу ҳаракатидан хавфсираган Хисрав ҳийла ишлатиш йўлига ўтади. У бўйра тўқувчиларга юзлаб бўйра тўқишни буюради. Бўйраларни тоғ ёнбағридан пастликка қараб тўшаб чиқишни буюради. Тунги ой нурида бўйралар оқиб ётган сувга ўхшаб кўзга ташланади. Хисрав Фарҳодга шартни мен бажардим, Ширин энди меники бўлди, деб хабар етказди. Фарҳод юқоридан қараса, ҳақиқатан ҳам дарё сувининг қуйига қараб оқаётгандек манзарани кўради ва айрилиқ дардига чидай олмай бир тошни юқорига отиб юборади. Қайтиб тушаётган тошга кўксини тутиб ҳалок бўлади. Бу фожеадан хабардор бўлган Ширин Фарҳоднинг жасади устида ўзига ханжар уриб ўлади.

Ушбу афсона Фарҳод ва Ширин ҳақидаги фожеавий афсоналарнинг бир варианты холос. Аммо унда мазкур туркумга мансуб афсоналарнинг барчасига хос етакчи ғоя муболағали фантастика ва қаҳрамонлик пафоси тўлиқ акс этган. Юқорида айтилганидек, мазкур афсонада барқарор анъанавий бошланма, тугалланма ҳамда турғун сюжет унсурлари учрамайди.

Янги давр воқелиги афсонага хос бундай тасвир ва талқинга мос тушмайди. Чунки тингловчилар воқеаларнинг муболағали афсонавий талқинини ҳазм қила олмайди. Янги давр воқелиги ҳақида замонавий афсоналарнинг яратилмаслиги ҳам мана шу сабаблар билан изоҳланади.

Ўзбек халқ афсоналари орасида тарихий жой номлари билан боғлиқ, яъни топонимик афсоналар кенг тарқалган. Уларда у ёки бу шаҳар ёки қишлоқнинг номини ўзига хос тарзда бадиий талқин қилиш етакчилик қилади.

Шунингдек турли хил қушларнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳам талайгина қизиқарли афсоналар яратилган. Улар халқ ҳаёлотининг нақадар чексиз ҳамда сермазмун эканлигини намойиш этадилар.

Халқ ҳаётдаги турли нарсаларни, табиат ҳодисаларини изоҳловчи бир канча афсоналар яратган. Бу афсоналар реал ҳаёт воқелиги, уларнинг кечиш тарзига тўғри келса ҳам, бироқ ана шу ҳодисаларнинг кечиш тарзидаги

конуниятларни ифодалай олмайдилар. Шунга қарамасдан табиат ҳодисалари ҳақидаги афсоналар кишиларда катта қизиқиш туғдиришлари табиий. Масалан, "Кун билан тун" афсонасини олайлик.

"Дунёда бир-биридан гўзал, абжир, довюрак фаришталар кўп бўлар экан. Улар ерда ҳам, осмонда ҳам юриб, яхши одамларга яхшилик қилиб, ёмонларга ёмонлик қилишар экан. Фаришталар худонинг қудрати билан ҳатто ҳайвонлар, олов, шамол, гиёҳлар, юлдузлар, бўрон, булут кабиларнинг ҳам тилига тушуниб, уларни ҳам назорат қилиб туришар эмиш. Айниқса, Кун билан Тун тортишиб туришар эмиш. Улар куёшни занжирлаб осмонга чиқишига йўл қўйишмас экан. Кун зўр куч билан ҳар куни фаришталарнинг занжирини узиб чиқар эмиш, улардан ҳафа бўлиб, олишгани-олишган эмиш. Фаришталар қанчалик зўрлик кўрсатиб, Кунни боғлаб ушлаб туришмасин, барибир у айтган вақтида чиқиб, айтган вақтида уйкуга кетармиш..." [1;4]

Кун билан туннинг алмашиниши узоқ аجدодларимизни ҳайратга солган. Бу ҳодисанинг сир-синоатини билмаган кишилар унинг сабабларини ўзларича изоҳлашга интилганлар. Мана шу тариқа юқоридаги афсона юзага келган.

Кўпгина афсоналар у ёки бу нарсанинг пайдо бўлиши, ғайритабиий нарсаларнинг вужудга келишини изоҳлашга хизмат қилсалар, айрим афсоналар у ёки бу нарсанинг йўқолиб кетиши, вайрон бўлиши сабабларини изоҳлашга йўналтирилган бўлади. Нарсанинг пайдо бўлиши ёки унинг хислатларини изоҳлашга хизмат қилувчи афсоналар этиологик афсоналар, нарсаларнинг йўқолиши, вайрон бўлишини изоҳловчи афсоналар эсхатологик афсоналар, деб юритилади.

Ҳар икки турдаги афсоналар ҳам ўта кучли муболағавийликка, ғайритабиий фантастикага эга бўладилар. Айни мана шу хусусиятлари билан афсоналар бошқа эпик жанрлардан фарқланиб турадилар.

Барқарор поэтик шаклга эга эмаслик, фабулатик баённинг кучлилиги, ташбеҳу эпитетларнинг учрамаслиги афсона жанрига хос хусусият

ҳисобланади. Реал воқелик эса юқорида кўрсатилган афсонага хос мезонларнинг бирортасига ҳам мос келмайди. Мана шу нарсанинг ўзи кўрсатиб турибдики, ҳозир афсона жанрининг янги воқелик асосида яратилиши мумкин эмас. Чунки бугунги инсон, унинг ҳатти-ҳаракати ва руҳий кечинмалари афсонага хос муболағали фантастика доирасига тўғри келмайди. Демак, афсона жанрининг ҳозирги аҳволи янгидан яратилиши билан эмас, балки илгари замонларда яратилган асарларни ижро этиш билан чегараланади.

Ўзбек фольклорининг кичик эпик жанрларидан яна бири ривоят ҳисобланади. Ривоят атамаси арабча "риво" – бошловчи, етакловчи маъносини англатувчи сўздан олинган бўлиб, тарихий шахслар, жойлар ёки иншоотларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги уйдирмалар асосида яратилади. Ривоятларнинг афсоналардан асосий фарқи шундаки, афсонада воқелик фантастик уйдирмалар воситасида тасвирланса, ривоятларда воқелик муайян тарихий талқинлар асосида ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда афсонада фабулат устунлик қилса, ривоятда меморат ҳукмронлик қилади. Кўпгина ривоятлар бошланишида "ровийлар андоқ айтибдурларки", "Ривоят қилурларким" каби жумлалар учрайди. Бу нарса қачонлардир фақат ривоят айтиш билан шуғулланган махсус шахслар бўлганлигидан далолат беради, лекин кейинчалик бундай шахслар ўз ўринларини оммавий айтиувчиларга бўшатиб бериши оқибатида ривоятгўйлик йўқолган.

Ривоятлар тематикаси ниҳоятда кенг бўлиб, улар тарихий шахслар, этнонимлар, гидронимлар, тарихий иншоотлар ва воқеалар ҳақидаги асарларни ўз ичига қамраб олади. Ривоятларнинг барча кўринишлари ҳақида талайгина илмий кузатишлар олиб борилган.

Ривоят ҳам афсона каби бадий ахборот берувчи жанр бўлиб, унинг ҳам махсус барқарор поэтик шакли йўқ. Қолаверса, ривоятда ҳам сюжет фабулатик баёнга асосланади ва ҳажман у қадар катта бўлмайди. Ривоятлар мавзуси кенг бўлиб, улар ичида тарихий шахслар ҳақида яратилганлари кўп.

Бундай ривоятларда ана шу шахсларнинг донолиги, зукко ва тадбиркорлиги, меҳнатсеварлиги, ҳамда адолатпешалиги алоҳида таъкидланади.

Халқимиз ўртасида улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳақида кўплаб ривоятлар яратилган. Қуйидаги ривоятда улуғ шоирнинг мамлакат ободонлиги ва боғ-роғлар барпо этиш борасидаги хизматлари беқиёс эканлиги акс эттирилган:

"Алишер Навоий Астробод вилоятида ҳокимлик қилган кезларида шаҳар ташқарисидаги баланд бир тепаликда осмон билан ўпишган кекса терак бор экан.

Алишер Навоий кечқурунлари ўзига яқин мулозимлари билан шу терак тагига келаркан. Улуғ шоир теракнинг майин шаббодада шивирлаб куйлашини тинглашни хуш кўраркан. Терак гўё мунгли кўшиқни куйга солган созандадек бир маромда тебраниб шивирлар экан.

Баҳор кунларининг бирида Алишер Навоий ҳар галгидек ўз мулозимлари билан бирга ғазалхон теракни кўмсаб шаҳар ташқарисига чиқибди. Бориб кўрсаки ғазалхон теракни кимдир "ўлдириб" кетибди. Алишер Навоий оғир хўрсиниб, "қотил"ни тезда топиб келишни мулозимларига буюрибди.

Мулозимлар тезда афти-ангори совуқ, барзангидай бир кишини олдига солиб ҳайдаб келибдилар. Алишер Навоий қаттиқ ғазабланганидан:

–Эй, қотил, нега шундай азим теракни нобуд қилдинг? Ё бу билан мендан ўч олмоқчи бўлдингми? – дебди. Кейин мулозимларига бу ярамасни қирқ дарра уринглар, деб буюрибди-да, ҳар дарра урганда "бирига ўн" деган ҳикматни такрорлатиб туришни ҳам тайинлабди.

Теракни тўсинбоп экан деб кесган одам маҳалла имоми экан, қирқ дарра егандан кейин мулла минган эшакдай юввош бўлиб, тавбасига таянибди. Кейин у Алишер Навоийнинг "бирига ўн" деган ҳикматининг маъносини ҳам тушуниб олибди. Қотил – имом шундан кейин ўша тепаликка ўн туп терак ўтқазиб, парвариш қилишга киришибди.

–Бир-икки йил ичида тераклар кўкка бўй чўзиб, гуркираб қолибди. Алишер Навоий ўз мулозимлари билан яна ўша тепаликка келиб қараса, ёш тераклар баҳор шабадасининг енгил эпкинисида сокин шивирлаб куйлаётган экан.

Шу терак баҳона бўлибдию, Астрободда боғу роғлар кўпая бошлабди. Элу юртга файз кирибди" [3; 72-73].

Алишер Навоий давлат арбоби сифатида адолатпарварлиги билан донг таратганлиги тарихий манбаалардан маълум. Халқ Навоий ҳақида яратган айрим ривоятларида унинг ана шу ноёб хислатига алоҳида урғу беради. Қуйидаги ривоят бунга мисол бўла олади:

"Улуғ донишманд ва давлат арбоби Алишер Навоий Астрободга ҳоким бўлиб боргандан кейин золим қозиларни, адолатсиз лашкарбошиларни ва халққа ноўрин солиқ солувчи мансабдорларни вазифасидан четлатибди. Эл-юртни тинч ҳаёт йўлига солиб юборгани учун ҳамма уни ҳурмат қилибди.

Кунларнинг бирида икки ака-ука отасидан мерос қолган ёлғиз сиғиру бузоқни ўртада қандай қилиб тенг тақсим қилишни билмай улуғ шоир хузурига борибдилар.

–Ҳазрати Амир бобо! Отамиздан битта сиғиру бузоқ мерос қолган эди. Акам сиғирни ўзига олиб, бузоқни менга бермоқчи бўляпти, шу тўғрими? – дебди укаси акасининг меросни нотўғри тақсимлаётганидан шикоят этиб ва одил ҳукм чиқаришини илтимос қилибди.

Шунда Навоий кулиб туриб:

–Йигитлар, бу масала бундоқ ҳал бўлади, – деб хазиначини чақиртирибди-да, сиғир билан бузоқни баҳо қўйиб, пулини ака-укага тенг бўлиб беришини топширибди.

Хазиначи ташқарига чиқиб, сиғир билан бузоққа одиллик билан йигирма танга баҳо қўйибди. Ака-укаларнинг ҳар бирига ўн тангадан пул бериб, икковиниям рози қилиб, жўнатиб юборибди. Улар Алишер

Навоийнинг адолатпарварлигидан бир умрга миннатдор бўлибдилар" [3;71-72].

Тарихий шахслар ҳақидаги ривоятларни кузатиш шундан далолат берадики, уларда бироз муболағавийлик учраса-да, умуман олганда мазмуни тарихийликдан узоқлашиб кета олмайди. Бизнинг назаримизда бундай ривоятлар асосида озми-кўпми ҳаётий воқеалар ётиши шубҳасиз.

Маълумки, тиббиёт илмининг асосчиси Ибн Сино жуда ҳам нозик дидли, сезгир шахс бўлган. Бир ривоятда келтирилишича, дўстлари буни синаб кўришмоқчи бўлади. Ибн Сино бир юмуш билан ташқарига чиққан пайтда дўстларидан бири олим ўтирган тўшакнинг тагига бир варақ қоғоз қўйиб қўяди. Ибн Сино қайтиб келиб, ўз жойига ўтиргач, бир уйнинг шифтига, бир остидаги тўшакка қараб-қараб қўяди. Шунда ўтирганлар ундан безовталигининг сабабини сўрашади. Ибн Сино уларга: – Мен ташқарига чиқиб келгунга қадар ё уйнинг шифти бир қоғоз қалинлигида пастга чўккан ёки менинг бўйим ўшанча ўсган бўлса керак, деб жавоб қайтаради. Барча ўтирган кишилар унинг сезгирлигига ҳайрон қолишади.

Маълум бўладики, ривоятларда ҳам кенг эпик тасвир учрамайди. Уларда ҳам у ёки бу нарсани изоҳлаш, унинг юзага келиш сабабларини очиб бериш етакчилик қилади. Муҳими шундаки, ривоятларда ҳам анъанавий бошланма ва тугалланма қўлланилмайди. Бу нарса ривоятларнинг оммавий ижро этилишига имкон беради. Реал воқелик ривоятга хос бадий талқинга берилмайди. Айрим этнонимик ривоятларда у ёки бу қабила, ёхуд уруғнинг номланишини изоҳлаш етакчилик қилади. Масалан, Ўғузхон билан боғлиқ ривоятларнинг бирида қарлуқ қабиласининг номланиши қуйидагича изоҳланади:

Ўша замонларда барча уруғ ва қабилалар Ўғузхон ортидан эргашиб юришган. Сафардан қайтишда қалин қор ёғади ва бир қабила ортда қолиб кетади. Дарҳол бу ҳақда Ўғузхонга хабар берилади. Ўғузхон, майли қабила

бу ерда қолсин ва унинг оти қорлуқ бўлсин, деб айтади. Ана шундан буён бу қабила "қорлуқ" исми билан юритилади.

Халқ ривоятлари орасида топонимик ривоятлар ҳам катта ўрин тутаяди. Уларда номи изоҳланаётган жойга хос характерлар бирор белги (дарахт, сой, анҳор, тепалик кабилар) асос қилиб олинади.

Ривоятлар таҳрири шуни кўрсатадики, улар асосида озми-кўпми тарихий унсурлар мавжуд бўлса ҳам, бироқ яхлит ҳолда олиб қаралса, ривоятда уйдирма етакчилик қилади. Уйдирмага асосланиш эса ҳозир кишиларни ишонтиролмайдди. Демак, ҳозирги воқелик ҳақида ривоят яратилиши ўзини оқлай олмайди. Шунинг учун ривоят ҳам афсона каби тугал сўнган эпик жанр ҳисобланади.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асотирлар ва ривоятлар // Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Муродов М., Шайхова М. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990.
2. Имомов К. Афсона // Ўзбек фольклори очерклари. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1989.
3. Эл деса Навоийни // Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Жўраев М. – Тошкент: Чўлпон, 1991.
4. Қошғарий, Маҳмуд. Девону луғотит турк. Уч жилдлик. 3-жилд. – Тошкент, 1965.

ЁЗУВЧИ ТОҒАЙ МУРОДНИНГ “БУ ДУНЁДА ЎЛИБ БЎЛМАЙДИ” РОМАНИДА РУҲИЯТ ТАСВИРИ

Завқиддин СУВОНОВ

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
катта ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги
Ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада қаҳрамон маиший-ахлоқий, диний-илоҳий, эстетик қадрият кишиси сифатида қайта туғилиши ва “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи – ҳам поэтик жихатдан, ҳам образлар бадиияти нуқтаи назаридан Тоғай Мурод ижодий эволюциясининг янги сифат босқичи сифатида таҳлил этилади.

Таянч сўзлар: ижтимоий жараён, образлар статистикаси, асар динамикаси, фожиавийлик.

ИЗОБРАЖЕНИЕ ДУХОВНОСТИ В РОМАНЕ ПИСАТЕЛЯ ТОГАЯ МУРОДА “В ЭТОМ МИРЕ НЕВОЗМОЖНО УМЕРЕТЬ”

Завқиддин СУВОНОВ

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам
старший преподаватель
Университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется перерождение героя в нравственно-бытовом, религиозно-божественном и эстетическом отношении, роман “В этом мире невозможно умереть” рассматривается как новый качественный этап творческой эволюции Тога Я Муруда как точки зрения поэтики, так и с точки зрения художественных особенностей образов.

Ключевые слова: общественный процесс, статистика образов, динамика произведений, трагизм.

Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи иждокорнинг бошқа асарлари каби жамоатчиликда яхши фикр уйғотди, қайсидир маънода иждодининг сархиллигини юзага чиқаришда манба вазифасини ўтади. Чунки асар қаҳрамонлари руҳий пўртаналар қуршовида, ҳиссий алангалар сиртмоғида юргандек таассурот қолдиради кишида. Мислсиз санъат асарлари

мангу яшайди. Улар бир миллат ё элатнинг мулки саналмас, балки бутун башариятнинг мулкидир. Бу роман француз тилига таржима қилиниб, Париждаги “Les Editions DU NET” нашриётида босилиб чиққанлиги фикримизга исботдир.

Асарда йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларидаги очарчилик даври жароҳатлари ҳамда шусиз ҳам сиёсий тутқунликaro азоблар қуршовида қолган оддий халқ ва уларнинг кечмиш-кечирмиши тасвирланади. Асарда ижтимоий ҳаёт ва психологик тавсифга кенг урғу берилади. Муаллиф совет тузими даврида халқнинг бошига тушган савдолар ва ижтимоий жараённи кўриб тургандек баён қилади.

Асарда образлар статистикасига эътибор қилсак, улар 43 нафарни ташкил этади. Муаллиф образи билан 44 нафардир (агар жоиз бўлса). Қодир қул, Холмат малай, Эсон хизматкор, Ботир қўшчи, Ботир қўшчининг хотини, қоровул, деҳқонлар, она, бола, Мирзахўжабой, Зайнаб, Обод, командир, Ашир момо, Чори бобо, НВКДчилар, ходимлар, Дилбар, Йўлдош Охунбобоев, Хрушчев, Брежнев, Шароф Рашидов, Ражабов, Мадиев, Тўрақулов, Тўрақуловнинг ўғли, Мирзаев, Клара, диний-руҳий беморлар, тарихчи руҳий касаллар, бойвачча беморлар, ҳарбий қонун-қоида қурбонлари, ихтирочи кашфиётчилар, директор, директор ўринбосари, лаборатория мудири, юристлар, Григоренко, Суслов, Ҳанифа Ражабовна, гўрков, тошбитикчи, шофёр кабилар.

Асар “Даврнинг янгиланиши жараёнида ўз эътиқодидан воз кечолмай қийналаётган кишининг ўй-изтироблари таҳлилига бағишланган. Бу асар истиқлолдан сўнгги йилларда яратилган романлар орасида миллат кишисининг миллий қиёфаси, дунёқараши” [1;116] ҳамда диний ва миллий ўзлигини таниши орқали жамиятнинг муҳим муаммоларини ёрқин бўёқларда акс эттиради.

Асар “Таги кўрмаганга гилам битмасин” деган мақол билан бошланади. Қаҳрамоннинг аждодлари қул, малай, хизматкор ўзи эса қўшчи бўлгани айтилади. Зоти, таги бундай мансаб кўрмаганлар бирдан ўзгариб қолиши

табий ҳол. Ижодкор фольклорни яхши тушуниб, унумли фойдалана билган. Биринчи бобда айтмоқчи бўлган фикрни ўша мақол билан ифодалаб қўя қолади.

Асар қаҳрамони Ботир қўшчи, муаллифнинг бошқа романи қаҳрамони Дехқонқулнинг “раҳбар” шакли. Бу дунёда ўлиб бўлмайди, чунки келишимиз ҳам, кетишимиз ҳам Яратганнинг хоҳиши билан боғлиқ. Худкушлик ҳақида эса гап айтмоқ ножоиз. Асар қаҳрамони юрт тараққиёти учун куйиб-пишиб меҳнат қилади. Унинг қайғуси оила ташвишию, бола-чақа эмас, “юқори”дан келган топшириқни халқ орқали бажариб, ўлка ривожига бош қўшиш. У шу билан ўзини бахтиёр ҳисоблайди.

Асарда одамнинг эътиқодий туйғулари тасвири жонли акс этган. Бунда муаллиф ва Ботир фирқа қарашларининг уйғунлиги акс этгандек кўринади. “Етмиш уч бобдан иборат романнинг ўттиз тўрттасида қаҳрамон ҳаракатда, изтироблар ичида, туйғулар оғушида кўрсатилади. Образ динамикаси сезилиб туради. Қолган ўттиз тўққиз бобида эса Ботир фирқа муаллиф истаган гапларни гапиради-ю, у буюрган ишларни қилади” [3;116].

Ўша давр ўзбек халқининг онгида кечган жараён Ботир фирқа образи орқали ёрқин акс эттирилган. Раҳбарлар шундай фикрлаган, йўқса вазифасидан четлатилган.

Романда тузумига сидқидилдан хизмат қилган ва “қайта қуриш” даври туфайли ҳаётлигидаёқ унутилган ҳамда беқадр бўлган эл ўғлонларининг тақдири акс эттирилади. “Шу боисдан ҳам, роман етакчи қаҳрамони Ботир фирқа умр шомида аччиқ ҳаёт йўлини қайта идрок этибгина қолмай, балки жамият ва одамлар табиатини ҳам холис баҳолайди. Шухратпараст, мансабпараст, мунофиқ кимсаларнинг интилишларидан қаттиқ руҳий изтироб чекади. Чунки роман ўтган асрнинг сўнгги йиллари сабоғи, халқ яқдиллигини тامينлаш, Ватан равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш зарурлиги, юрт истиқболи ҳақида битилган асардир” [2]. Асарда халқ кўриб турган ноҳақлигу маломатларга чидам билан дош берган, ҳар не кўргуликлар

бўлса-да эртасига умид-ишонч билан боққан, куч-қудратда тенгсиз ҳамда энгилмас халқ тафаккуридаги мангу эрк ғояси ўз ифдасини топган.

Мунаққидларнинг асар қаҳрамонига билдирган муносабатлари ҳар хил ва айнан, Ботир фирқани ижодкорнинг бошқа қаҳрамонларидан фарқлайди. “Ботир фирқа эса оқ-қорани танийдиган раҳбар ходим. Ҳамма нарсага ақли етади. Ўзи қилаётган, амалга ошираётган ишларининг ножўя эканлигини билиб турган ҳолда ўз даври арбоби сифатида тузум сиёсатини амалга оширишда собит турган, бу йўлда ҳеч кимни ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямаган” [7;3-10 б.б.]. Унинг тақдиран кулгили ва аянчли ҳолати асар динамикасида ёрқин намоён бўлади.

У жамиятда бўлаётган баъзи қабих ишларни қоралайди. Асарда Ботир фирқа “саломатлик посбонлари” деб аталмиш шарафли касб эгалари шофокорлар билан юзлашади. У шифокор Мирзаев билан кўришади. Кўришишига сабаб эса журналист ходим Мадиевни касалхонадан чиқариш истаги билан боради. Шифокор Ботир фирқани 20 хил руҳий касалликни даволайдиган бўлимга олиб киради ва таништиради. Диний-руҳий беморлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи беморлар, бойвачча беморлар, ҳарбий қонун-қоида қурбонлари, ихтирочи кашфиётчилар деб касалларнинг тушиш сабаблари ва касаллик тарихи бўйича маълумот беради. Сиз шоирнинг қамоққа олинганига ваҳима қиласиз бу ерда генераллар ҳам ётибди. Генерал Григоренко партия анжуманида КПСС фаолиятини кескин танқид қилиб, Суслов (КПСС Марказий Комитети секретари)нинг бир оғиз Григоренко жинни деган сўзи билан узоқ Шарққа сургун қилиниб, шу касалхонада даволанаётганини айтади. Шифокор билан бўлиб ўтган музокаралардан сўнг ўзига-ўзи: “Қабристон, қабристон! – деди Ботир фирқа. – Бу касалхона эмас, тирик инсонлар қабристони” [5;242]. Шу ўринда ёзувчи бошқача позициядан боради. Шу эпизодга чуқур сатира юклайди. Тадқиқот институтининг директор ва ўринбосарлари олимнинг илмий фаолиятига шерикчилик қилишни хоҳлаб қолишини қандай тушуниш керак? Шундай иллатлар эвазига ўзбек адабиётшунослиги дунё миқёсида тарғибу ташвиқ

қилинмаяпти. Буни ёзувчи қаҳрамониға юқтиради. Сатирик кулгу орқали жамиятнинг кирдикорларини очишға ҳаракат қилади.

Аслида, рухий касаллар деб жиннихонада сақланаётган шахслар жамиятнинг авангардлари, соғлом фикрли кишилари ҳисобланган. Шифокор эса, уларни совет медицинасининг “сўнгги ютуқлари” асосида даволаётганини айтиб алдашға уринади. Ҳам диний ва дунёвий билимларни ўзида мужассам этган шахслар тузум қурбони. Арбоблар, бирор халқни йўқ қилиш учун унинг манавиятиға чанг солишни маслаҳат беришади. Агар бу асарни давр нуқтаи назаридан аввалроқ ёзиб эълон қилсайди, бу автор фожиаси билан тугарди. Биз сатирик кулгу деб баҳолаётган юқоридаги ҳолат бош образ Ботир фирқани қанчалик ўйга солганини асар мутолааси жараёнида ҳис қиламиз. “Командир шерикларига назар солди. — Ана, ўрток раис иккитадан кулча бераман, деяпти, – деди. — Битта шу... ўликка раҳм-шафқат қилайлик. Келинлар, уйига олиб бориб қўйинлар” [5;218]. Аслида тирик-ўликларни кўмиш нафақат шарият қоидаларига, балки одамийликкаям зид. Буни “улар” илғамаса-да, фирқа ич-ичидан сезади. “Очарчиликни эмас, очларни тугатишға киришган ҳукумат одамлари томонидан бўлажак ўликлар ҳандақларға кўмиб ташланаётган вақтда айтилган бу гапларда Тоғай Мурод Сурхон ўлкасигагина хос юмордан фойдаланган. Вазият ўта фожиавий, аммо айтилаётган гаплар кулгу қўзғайдиган. Лекин нафақат персонажлар, балки ўқирман ҳам кула олмайди. Башарти, кулганда ҳам, кишида адоқсиз мунг уйғотадиган кулги юзага келган бўларди. Шуниси ҳам борки, чин кулги ҳамиша дарддан сувланган бўлади ва одамни ғамға ёвуқлаштиради” [4;285]. Оддий қўшчининг бирор олий таълим муассасасини тамомламасдан туман ҳокими даражасига эришиши ўша давр сиёсий муҳитининг биз ўзбеклар учун яратган “имконияти” эди.

Тоғай Мурод шахси ва унинг қаҳрамони Ботир фирқа руҳиятида айрим бирхилликлар кўзга ташланади дейди, айрим адабиётшунослар. Чунки ёзувчи тарихий жараённи бир ўзбек амалдори мисолида жонлантирди. Унинг қаҳрамони баъзан очарчилик қурбонларига ачинса, баъзан совет

медицинасининг ютуқларидан қаҳрланади, баъзан эса диний арбоблар чиқишларига киноя билан қарайди.

Ўқувчи олдида адиб ижодини чуқурроқ англаш муаммоси туради. Бадиий асарга ёзувчи илгари сурган ғоясидан, унинг маънавий ва ижтимоий дунёқарашини англаган ҳолда ёндашиш талаб этилади. Қаҳрамонлар характер мантиғини чуқурроқ билиш учун ижодкор концепциясини билиш лозим. Бу ҳолатни тўғри тушунишда образ ҳаракат қилувчи тарихий шароит, ёзувчи яшаган ижтимоий-сиёсий вазият, мафкуравий муҳит, адабий жараён, ёзувчи услуби каби омилларни эътиборга олиш зарур.

Асардаги ҳар бир воқеа тафсилоти ва қаҳрамонлар қиёфаси, нутқи ва ички ўй-кечинмалари талқинида шаҳар ҳаёти ва халқ турмушини ич-ичидан билган ва ўша жафокаш одамлар қалбига кўнглини пайванд қилиб, уларга астойдил ҳамдард бўла олган ҳақгўй бир адибнинг ўткир нигоҳи, чуқур ижодий мушоҳадакорлиги ва эзгу ниятлари сезилиб туради.

Зеро, чинакам бадиий ижод намунасини яратиш учун ҳар қанча кучли бўлмасин, истеъдоднинг ўзи ёки эзгу ният ва маҳоратгина кифоя эмас. Унинг учун ички ҳис ва туғён ҳам етарли бўлиш керак. Бу ҳақда Тоғай Муроднинг ўзи шундай дейди: “Шундай, интуициямни қудрати — мен ҳеч бир ёзувчи кўра олмовчи ҳаёт нозикликларини кўраман, ҳеч бир ёзувчи эшита олмовчи ҳаёт оҳангларини эшита оламан, ҳеч бир ёзувчинини етти ухлаб тушига кирмовчи асарлар ярата оламан... Одамлар нега бунақа, дея ҳаяжонланаман. Дунёдан бош олиб кетгим келади. Шу боис, мен тоифаларга яшаш қийин, қийин!” [6]. Балки, ҳақиқий санъат асари вужудга келиши учун энг аввало ҳаётни ва минг бир қиёфадаги инсонларнинг хулқ-атворини пухта билиш, ўша жўшқин ҳаёт ичида, дунёқарашини турфа хил бўлган ўша инсонлар билан ёнма-ён, ҳамнафас бўлиб яшаш зарур бўлар. Бу ҳақиқатни ҳаётни ўзлари учун энг буюк мактаб деб билган ва ундан бир умр тенгсиз сабоқ ва илҳом олиб яшаган юзлаб машҳур адибларнинг мазмундор ижодий йўли ва классик асарлари сўзсиз исботлай олади.

Зотан, адабиёт ва санъат халқ ҳаёти ва юксак маънавиятидан беҳад баҳраманд бўлиб, ижодий камолотга эришган Тоғай Мурод учун ҳам ҳамиша энг асосий бир ижодий дастур бўлиб келганлигидан, энди тўла воқиф бўлдик десак бўлар.

Ижодий метод тақозосига кўра образлар романтик ва реалистик бўлади. Ушбу асар қаҳрамонларини реалистик образларга мисол қила оламиз. Реалистик образлар дунёкараши, фаолияти ҳаётдаги реал одамларга мос келади. Унга ижодкор фантазияси қўшилса-да, бундай образларда автор аниқликдан чекинолмайди. Бунга Ботир фирқа, Ражабов, Мирзаев, Мадиев, Шароф Рашидов, Обод, Дилбар каби образларни мисол қилиб кўрсатса бўлади.

Тоғай Мурод қаҳрамонлари ҳақиқатан мураккаб образлардир. Тубан ишларни қилишга қодир образга жуда ёмон сифатини бериб бўлмайди. Чунки ўша персонажни шу ҳолга тушишига сабаб бўлган омиллар сабаби асар фабуласида ярқ этиб кўринадик, ўқувчи сабаб-оқибатини англаган ҳолда қабул қилади. Ботир фирқа нутқида “аммо-лекин” деган зид боғловчи одат тусига кирган. Бу хислат қаҳрамон характериға ҳам юқади. Унинг онгида диний ва дунёвий қарашлар миқёси тўқнаш келади. Қаҳрамон шу азоблар исканжасида қоврилади ва умри поёнида, ҳаёт ва ўлим чегарасида жамиятдан норози кайфиятни туяди.

Бадий асарда кўзга ярқ этиб ташланадиган яна муҳим ҳодиса бири билан узвий боғлиқ образлар тизимидир. “Отамдан қолган далалар”даги Жамолiddин кетмон — Ақраб — Деҳқонкул — Қулмат каби. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романидаги Қодир кул, Холмат малай, Эсон хизматкор, Ботир қўшчи ёки Зайнаб момо, Обод Мирзахўжаева, Дилбар каби образларни тизимли тарзда аждодлари билан тасвирлайдики, ўзбекчиликда кўпда суриштириладиган уруғ-аймоғи ким эканлиги ва бугун жамиятда у ким деган саволларни кўндаланг кўяди. Асарда автор айтмоқчи Ботир фирқанинг Зайнаб хотин билан диологига эътибор қаратсак: “ — Сиз Мирзахўжабойни кенжа заифаси... Зайнаб... Зайнаб хотинмисиз?

— Шундай, шундай.

— Қизалоғингизнинг оти нима?

— Обод.

— Обод, Обод... Мирзахўжабойни қизими?

— Шундай, Обод ... ўша кишидан!

— Сиз кимни зурриётини бозорга олиб чиққанингизни билиясизми?

Кимсан, Мирзахўжабойни зурриёти!

Она миқ этмади. Она ерга тикилди.

– Мирзахўжабойни зурриёти-я! – деди Ботир фирқа. — Чин, Мирзахўжабойлар совет ҳукуматини тан олмай, Афғонистонга қочиб кетди. Аммо-лекин у киши Саидхўжа эшонни тўнғич ўғиллари. Бир сўз билан айтсак, эшонзода, эшонзода!” [5;211]. Бу диологда Ботир кўшчи табиатидаги кўшчи ва фирқалик тўқнашуви эътиборни тортади. Шу ўринда унинг фирқалигидан кўшчилик дунёқараши устун келади. Чунки унинг қалбида эшонларни ота-боболари каби ҳурмат қилиш, улуғ билиб хизматида бўлиш туйғуси бор эди.

Замона зайли кимсан Мирзахўжабойнинг авлодларини ҳақиқий совет кишиси қилиб тарбиялади. Асар сюжетида муаллиф Мирзахўжабойнинг кизини бозорга олиб чиқишига ўзига хос маъно юклаган. Телевезордаги диктордан ҳам ҳаё қиладиган Зайнаб момо ва қизи Ободнинг табиати, феъл-атворида бир-бирини тақозо этмайдиган тафаккур ўзгаришлари юз берди. Давр шамоли юзидан паранжисини олиб ташлаган ёхуд юзи паранжи кўрмаган Обод Зайнаб момонинг кўнглини обод қилгудек фарзанд бўла олмасди. Ободни она сифатида Зайнаб момо эмас таълим даргоҳларида ўқувчилар онгига маҳкам сингдирилган совет мафқураси тарбиялаганди.

Асарда юқоридаги жараён давр руҳига мос тарзда жонли тасвирланган. Муаллифнинг асосий мақсади Зайнаб ё Ободнинг ҳаёт тарзини ёритишмас, Дилбар (Диля) ва у кабиларнинг табиати ҳақида ёрқинроқ тасаввур пайдо қилиш эди. Автор асарда совет давридаги жараён фониди

Ўқувчи онгида асл воқеликни жонлантиришга уриниш ва қайта қуриш даври натижа ҳамда оқибатларини кўрсатиши юқоридаги фикрлар ифодасидир.

Ботир фирқани Дилянинг балоғат вақтида қилган тубан ишларидан кўра унинг бир юмалаб муслима қиёфасига кириб олганлиги ғазаблантиради.

“– Шу вақтгача қаерда эдинг? Шу вақтгача ким эдинг?

Ботир фирқани кўллари белида бўлди, хаёллари аллақакларда бўлди...

“Бу жувон қайси бир эркакларни тиззасида ўтирмади, — ўйлади Ботир фирқа. — Бу жувон қайси бир эркакларни кучоғида ётмади” [5;260]. Қаҳрамон Дилянинг тили ва дили қилган ва қилаётган амаллари бир-бирига мос келмаслигидан куюнади. Ўқувчига воқеалар Ботир фирқа нигоҳи призмасидан ўтказилган ҳолда баён қилинади. Агар маъруза қилаётган Дилбарнинг ўй-кечинмалари ҳам баён қилинганда эди китобхон кўз ўнгида ҳақиқий воқелик намоён бўларди. Дилбар ростдан тавба қилганми ёки риёкорми? Бу фикрлар асарда очиқ қолади. Аммо ўқувчи беихтиёр Ботир фирқанинг фикрига таянади ва ўқувчида Дилбар ҳақида ёмон таассурот уйғонади. Муаллиф романда етакчи образ деб Ботир фирқани олади. Асарда воқеалар ўзани бош қаҳрамон изидан эргашган. Бунда бошқа образлар фирқа образининг юзага чиқиши учун хизмат қилган.

Асарнинг етакчи ғоясига кўра, қаҳрамонлар нариги дунёдаги бахтли ҳаётдан умидвор бўлишдан кўра, турмуш-тарзи ва шароитлари янада такомиллашувига ишонади. Раҳбарлар халқни динни ниқоб қилиб, ишсиз, бекорчи бўлиб юрмасдан амалий яратувчанликка ўтишини хоҳлайди. Қаҳрамонлар турмуш мантиғига диққат қаратсак, адабий қаҳрамон учун ҳаёт ва ўлим ўртасидаги чегара миллий колорит орқали ўтади. “ — Бу тасодиф эмас. Зотан, модернизм прагматик эстетикасига кўра, ҳар қандай фаолиятнинг асл мақсади инсон бўлиб, у ўз моддий ҳаётида энг нурафшон кечинмаларга эришиши лозим. Бундай субъект фаоллашиши учун унинг амалий тажрибаси маиший-ахлоқий, диний-илоҳий ва эстетик қадриятларни қамраб олиши керак. Бизнингча, роман қаҳрамони ботинида ички боғлиқлик ва маънавий бутунликка эришиш томон силжиш содир бўлади. Субъектда

ижтимоийлик ва табиийлик ягона актга бирлашади. Шунинг учун Ботир фирқа ўзи кўзлаган эзгу ишларни амалга оширмай ёки эл-юрт тақдирини ишончли қўлларга топширмай ўлмади ва ўлолмади” [11;40]. Дарҳақиқат, муаллиф эстетик идеалига кўра, Ботир фирқа характери моҳиятан амалиёт одамидир. Унга ўша жамият мансаб берди, шу мансаб орқали жамият сиёсий ҳаётида мавқега эга бўлди. Муаллиф асар сўнггидаги хашар йўли билан чинорларни олиб ташлаш эпизодига рамзий маъно юклайди. Қаҳрамон руҳиятини, ўша вақтдаги ҳолатини психологик параллелизм орқали “кундузги уйқудан уйғонган одам” тарзида тасвирлайди. Қаҳрамон қариган (тўксонни қоралаган) чоғида ўзи ўтказган чинорларни кўпоришда ўзидан фойдаланиш ҳодисаси ўзи ўша ўттизинчи йиллардаги тузган тузумнинг қайта қурувчилар томонидан бузилишига ёрдам бериш, деб ўйлайди. Ва, бу воқеалардан руҳан эзилади.

Асар мотивида бунёдкорлик руҳи, моддий дунёни яшартириш истаги кучли. Қаҳрамон маиший-ахлоқий, диний-илоҳий ва эстетик қадрият кишиси сифатида қайта туғилади. Роман поэтикасини тушуниш ва тушунтиришда юқоридаги жиҳатлар эътиборда тутилиши керак.

Асарда Ботир фирқа, Ражабов, Мадиев ва Дилбар дунёқарашидаги кўзга ташланадиган баъзи фарқ ва тафовутларга эътибор қаратилади. Адиб совет мафқурасига садоқатли кишилар ва қайта қуриш кайфиятидаги “янгича” фикрлайдиган ёшлар қарашлари орқали ўша пайт ижтимоий-сиёсий муҳитини очиб беришга ҳаракат қилади.

Асарда айнан шу икки (Ботир фирқа, Дилбар) образнинг шажараси баёнига калит сўз сифатида қараш ва таҳлил ўзанини шу асосга боғлаш яхши самара беради. Биз асар таҳлилида қаҳрамонлар табиати ва асарда тутган бадиий вазифасини муаллиф адабий-эстетик қарашлари асосида қўйилган муаммога ечим топишга ҳаракат қилдик. Дарҳақиқат, асарда Тоғай Муроднинг дард-ҳасратларини юзага чиқарадиган мураккаб образлар мавжудлиги кўзга ташланди. Асарни муаллифнинг шу роман хусусида

билдирган қайдлари орқали текшириш таҳлилда аниқ хулосалар чиқаришга ёрдам берди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дониярова Ш. Истиклол даври ўзбек романларида миллий рух ва қаҳрамон муаммоси: филол. фан. д-ри. ... дис. – Тошкент, 2012
2. Ёқубов И. Ўзбек романининг маънавий-руҳий асослари // Шарқ юлдузи. – Тошкент: 2011. – №4.
3. Йўлдош Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
4. Йўлдош Қ. Сўз ёлқини. – Тошкент: Фафур Гулом НМИУ, 2018.
5. Тоғай Мурод. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2018.
6. Тоғай Мурод. Бадиий мутолаа инсон кўзини очади // Ёшлик. – Тошкент: 2003. – 5-6-сонлар.
7. Норматов У. Беназир истеъдод соҳиби: Отамдан қолган далалар романига сўзбоши. – Тошкент: O‘zbekiston НМИУ, 2018.
8. Якубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри. ... дис. – Тошкент: 2018.

ХУСАЙНИЙНИНГ БАЁЗЛАРГА КИРГАН ҒАЗАЛЛАРИ ХУСУСИДА

Хуснигул Бўриевна ЖЎРАЕВА

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
доцент

Алишер Навоий номидаги
ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

xusnigul.djurayeva@mail.RU

Аннотация

Мақолада Ҳирот адабий муҳитининг раҳнамоси, шоҳ ва шоир Хусайний ғазалларининг баёзларга киритилиши ўрганилган. Шоирнинг бошқа манбаларда учрамайдиган янги шеърлари намуна тарзида келтирилган.

Таянч сўзлар: кўлёзма, матн, анъана, ғазал, девон, ношир.

О ГАЗЕЛЯХ ХУСАЙНИ, ВКЛЮЧЕННЫХ В БАЯЗ

Хуснигул Буриевна ЖУРАЕВА

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам
доцент

Университет

узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье исследуется включение в баяз газелей лидера литературной среды Герата, царя и поэта Хусейни. В качестве примеров приведены новые стихотворения поэта, которых нет в других источниках.

Ключевые слова: рукопись, текст, традиция, газель, диван, издатель.

Жаҳон халқлари тамаддуни тарихида матншунослик ҳамда манбашунослик йўналишида амалга оширилган тадқиқотлар муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Зероки, асрлар мобайнида яратилган адабий манбалар турли даврларда хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилган, китобат қилинган. Бинобарин бугунги кунда турли фондларда мавжуд кўлёзма манбаларни излаб топиш ва қиёслаш асосида аслиятга яқин нусхани яратиш дунё матншунослигининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти глобаллашув жараёнини бошидан кечираётган бир пайтда хориж мамлакатлари кўлёзма фондларида сақланаётган бадий адабиёт намуналарини бирламчи манбаларга таяниб тадқиқ этиш том

маънодаги аслиятни тиклаш манфаатларига хизмат қилади. Бунда адабий манбаларни матншунослик ва манбашунослик аспектида муқояса қилиш асосида ишончли илмий-танқидий матнларни яратиш алоҳида ўрин тутди. Шарқ кўлёмаларининг илмий-назарий жиҳатдан асосланган танқидий матнларини яратиш борасида Эрон, Туркия, Россия, Озарбайжон ва Тожикистонда амалга оширилган ишларни алоҳида қайд этиш жоиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида маънавий, маданий қадриятларнинг чинакам қиёфасини тиклаш масаласи ҳаётий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Шу муносабат билан турли кўлём фондларида девонининг кўплаб нусхалари сақланаётган Хусайн Бойқаро – Хусайний меросини ўрганиш, девонининг кўлём нусхаларини комплекс ёндашув асосида тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хусайн Бойқаро *حسینی* тахаллуси билан туркий ва форсий тилда ижод қилган лирик шоирдир. Унинг қаламига мансуб *ديوان سلطان حسين ميرزا بايقرا* ва *ر ساله سلطان حسين بايقرا* сингари асарлар замонасининг машҳур хаттотлари Султонали Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон томонидан қайта-қайта кўчирилган ва бизга қадар етиб келган. 1485 йилда ёзилган “Рисолаи Хусайн Бойқаро” асарининг илм-фанда иккита кўлём нусхаси маълум. Хусайний рисоласи Ўзбекистонда илк мартаба 1966 йил профессор Ҳамид Орасли томонидан “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 3-сонида эълон қилинган. Бу эса рисолаининг тез орада бир қатор тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини тортишига сабаб бўлади.

Хусайний рисоласида барча махлуқотлар ичида шарафли қилиб яратилган Инсон ўз яратувчисига умр бўйи ҳаёт инъом этгани, ризқ бергани, ҳаммадан мўътабар қилгани учун шукроналар бажо келтириб, фарз ва суннатларни бажариб бориши шарт эканлигини уқтиради. Айни пайтда, муаллиф Аллоҳ берган умрни, мартабани зоеъ қилмай юртни обод, элнинг тинч ва фаровон яшаши учун сарфлаётганидан фахрланади: Навоийшунос олим А.Абдуғофуров таъкидлаганидек, Хусайний қисқа лавҳада бутун фаолиятини фахрия сифатида ифодалайди: масжид, мадрасалар,

мусофирхоналар қурдиргани, ўтмишдаги подшолар сингари зулм-зўрликка, талончиликка йўл қўймай, бебош, муттаҳам кароқчиларни бутунлай йўқ қилганлигини таъкидлайди. Бу фикрлар одил Ҳусайн Бойқаро сиймосини кўз олдимизда гавдалантиради. Рисола Ҳусайний, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

“Рисолаи Ҳусайн Бойқаро” асарининг илм-фанда иккита қўлёзма нусхаси маълум:

1. Турк олими Фуод Купрулизоданинг шахсий кутубхонасида сақланаётган “Рисолаи Ҳусайн Бойқаро” қўлёзмаси.

2. 1945 йилда Исмоил Ҳикмат томонидан Омосия шаҳридаги Боязид кутубхонасидан топилган қўлёзма. Китобнинг фотофаксимелини Исмоил Ҳикмат нашр эттиради. 1954 йилда шу факсимелини итальянча таржимаси билан турколог олим Турхон Ганжавий Неаполда чоп эттирган.

Юртимиз фондларида сақланаётган Ҳусайний девони қўлёзма манбалари қуйидагича таснифланди:

1. Ҳусайний девони қўлёзмалари. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида Ҳусайн Бойқаро девонининг 1117, 6967, 7709, 1942-рақамли қўлёзмалари мавжуд. Қўлёзмалар турли даврда ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилганлиги боис шоир асарларининг миқдори ва матнларида фарқли ўринлар, ноаниқликлар мавжуд.

2. Ҳусайний шеърлари киритилган баёзлар. ЎзР ФА ШИ фондидаги 1161, 2515, 5736, 7011, 3326, 2037-рақамли; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейидаги 401, 263, 662, 289, 38-рақамли баёзларда Ҳусайн Бойқаро шеърлари кўчирилган.

3. Ҳусайний шеърлари киритилган мажмуалар. ЎзР ФА ШИ фондидаги 1154-рақамли мажмуанинг 590б-591а саҳифаларида “Эй ажал, озод қил хижрон балосидин мени” деб бошланувчи Ҳусайний ғазалига Шоҳий томонидан боғланган мухаммас келтирилган.

Хусайний девони қўлёзмалари қиёслаб ўрганилганда шоир қаламига мансуб янги шеърлар топилди. Хусусан, Хусайнийнинг 6967-рақамли қўлёзмада берилган бир форсий фарди бошқа қўлёзма ҳамда нашрий нусхаларда учрамайди. 1161-рақамли баёздаги “Нозиктар” радифли форсий ғазал ҳам девони қўлёзмаларининг биронтасига киритилмаган. 3326-рақамли баёзнинг 57а-57б саҳифаларидаги “Монда” радифли форсий ғазал ҳам шоир девонининг бошқа қўлёзмаларда учрамайди.

Хусайн Бойқаро асарларининг хорижий Европа мамлакатлари кутубхоналари, қўлёзма фондларида қўлёзмалари мавжуд. Хусусан, Британия музейи фондида Т/3379, Add. 7926, OR 3493-рақамли, Париж Миллий кутубхонасида Supp. 993, Supp. 1003-рақамли, Туркиянинг Тўпқопи саройи музейи, Турк ва ислом ёдгорликлари музейи ҳамда Истанбул университети кутубхонасида Е.Н. 1636, Т.І. 1977, Т. 1942, Т. 1926, 3911, 102, 3807, 3806, 2381, 106-рақамли, Санкт-Петербург музейида 292, 11.6.17-рақамли қўлёзмалари сақланади. Хусайний девонининг Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган Т.І.1977-рақамли қўлёзмаси Хусайний замонасида кўчирилганлиги, девоннинг бошқа нусхаларига нисбатан нуқсонсиз, мукамал сақлангани ҳамда котиб Султон Али Машҳадий томонидан китобат қилингани нуқтаи назаридан таянч манба вазифасини ўтайди.

XV аср туркий адабиёт тарихи билан шуғулланган хорижий Шарқ олимлари Хусайний ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш, нашр эттириш бўйича муайян ишларни амалга оширган. Шоир девони илк мартаба 1926 йили Бокуда нашр қилинган. Нашрда шоирнинг 128 та ғазали, 2 мухаммаси ўрин олган. Туркиянинг Истанбул шаҳрида профессор Исмоил Ҳикмат Эртайлон девоннинг 1946 йил “Аё софия” кутубхонасида сақланаётган 3911-рақамли қўлёзмасини факсимел шаклида чоп эттирган. 1968 йил афғон олими Муҳаммад Яъқуб Жузжоний Хусайн Мирзо девонининг Кобул нашрини амалга оширган. Ўзбек олимлари ҳам қисман қўлёзма нусхалар, асосан, хорижий нашрларга суяниб, Хусайний девонини бир неча бор чоп

эттирдилар. Девоннинг Муҳаммад Яъқуб Жузжоний томонидан тайёрланган Кобул нусхаси анча мукамаллиги билан бошқа нашрлардан ажралиб туради.

XX аср бошларида Хусайн Бойқаронинг девони, рисоласи ҳақидаги батафсил илмий ахборот, ғазалиётдан намуналар илк бор Абдурауф Фитрат томонидан берилган. 1941 йилда нашр қилинган «Ўзбек адабиёти хрестоматияси»нинг биринчи жилдига Хусайнийнинг 102 та ғазали ва мухаммаси киритилган. Хрестоматиядаги шеърлар Ҳоди Зариф томонидан нашр этилган «Навоий замондошлари»даги Хусайн Бойқаро ижоди намуналарига асос бўлган. 1959 йилда Ҳоди Зариф тайёрлаган «Ўзбек адабиёти» антологияси 1-томида Хусайн Бойқаронинг 31 та ғазали ҳамда 2 та мухаммаси мавжуд.

Мустақиллик йилларида Хусайн Бойқаро фаолияти ва адабий меросига қизиқиш анча кучайди. Тарихшунос ва адабиётшунос олимлар Б.Валихўжаев, Т.Файзиев, А.Рустамов, С.Ғаниева, А.Эркинов, Б.Жалилов каби олимлар адиб меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, нашр этишда муайян ишларни амалга оширдилар.

Хусайний девони ўтган асрларда кўп маротаба нусхаларга кўчирилган, бадий баркамол шеърлари баёз ва мажмуаларга киритилган. Хусусан, XIX асрда тузилган баёзларнинг бир қанчасида Хусайний ғазаллари киритилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида ҳам Хусайн Бойқаро шеърлари ўрин олган 401, 263, 662, 289, 38-рақамли қўлёзмалар, баёзлар сақланади.

1. Инв № 2515. *بياض* Муқоваси картон, қоғози оддий. Жами 196 варақдан иборат. Вола, Феруз, Амир, Огаҳий, Фазлий, Жунуний, Мажнун, Ҳамдамий, Мунис каби шоирларнинг ғазаллари билан бирга 144а-144б саҳифаларда Хусайнийнинг икки ғазали ҳам кўчирилган. Биринчи шеър *مو كىلدى* радифли ғазал бўлиб, 7 байтдан иборат. Иккинчиси эса, *سبزه خطینگ سوادى لعل خندان* *اوستينه* деб бошланувчи 7 байтли ғазалдир.

2. Инв № 1161. *Бياض* Қоғози оддий. Тахминан XIX асрнинг ўрталарида кўчирилган. Котиби номаълум. Жами 200 варақ. Гиёсий, Мавзун, Амир, Фазлий, Абдуллоҳ, Жомий, Ҳофиз, Фирдавсий, Низомий, Ҳозик, Хокий, Бисмил, Носир, Маҳвий сингари 30 дан зиёд шоирларнинг форсий ва туркий тилдаги шеърлари жамланган. Матн қора сиёҳда, шоирлар ва шеърларнинг сарлавҳаси қизил сиёҳда битилган. Ҳусайнийнинг “Нозиктар” радифли 5 байтли форсий ғазали 276-28а саҳифаларда кўчирилган. Мазкур ғазал Ҳусайний девони қўлёзмаларининг биронтасига ҳам киритилмаган.

ترا ای سرو بالا نازک رفتار نازکتر
لبت نازک زبرگ گل زلب گفتار نازکتر

تعالله چه حسن است چه دندان چه لب یارب
لب از یاقوت دندان از دورشهواری نازکتر

میانت راومویت را چون هر نظر دیدم
سری موتامیان در مومیان صد بار نازکتر

برو ای باغبان اوصاف باغ گل مکن مرا
که در باغت گلی نشکفته ز آن رخسار نازکتر

حسینی حرفرا آهسته و دانسته گو زنهاری
که مجلس نازک افتاده است خوی یار نازکتر

3. Инв № 5736. *Бياض* Муқоваси картон, қоғози оддий. Мухр ва тамғаси йўқ. Настаълиқда кўчирилган. Жами 232 варақдан иборат бўлиб, қўлёздаги бир қанча 52а-52б; 133б-134а-134б-135а-135б-136а-136б; 168а-168б-169а-169б-178а-178б бетлар бўш қолган. Баёзда Дилафкор, Хожа Исмаи, Назирий, Мавлоно, Аҳлий, Сайидо, Фузулий, Ғанимат, Афғон, Мирза Ҳайдар, Осафий, Сарафроз, Бақо, Қонё, Рофеъ, Шопур, Жомий, Ҳозик, Содик, Адо, Сойиб, Шавкат, Муғанний, Фурқат, Гиёсий, Ошиқ, Домулло Сайид Акмал, Носирали, Тажаллий Ҳиндий, Камий сингари шоирларнинг форсий ва туркий тиллардаги шеърлари жамланган. 41а саҳифада Ҳусайнийнинг “Нозиктар” радифли форсий ғазали берилган бўлиб, 2515-рақамли баёздаги ғазал билан бир хил.

4. Инв № 7011. *بیاض* Муқоваси қаттиқ қоғоздан. Самарқанд ипак қоғозига кўчирилган. Жами 185 варақдан иборат. Дастлабки икки саҳифада арслон ва от сурати туширилган бўлиб, айрим варақларда гумбазсимон нақшлар ҳам мавжуд. Муаллифларнинг номи қора сиёҳда ёзилган. Ҳазаллар ҳошияга олинган ҳолда, баъзи саҳифалар пушти рангга бўялган. Котиб Муҳаммад Ризо Огаҳий. Кўчирилган йили номаълум. Баёзда Бедил, Фузулий, Маҳзун, Навоий, Огаҳий, Камий, Рожий, Мунис, Дилафкор, Диловар, Роқим, Равнак, Рофеъ сингари шоирларнинг ҳазал ва мухаммаслари билан бирга 130а-131б саҳифаларда Ҳусайнийнинг “Келдиму?” ва “Устина” радибли ҳазаллари берилган.

5. Инв № 3326. *بیاض* Муқоваси чарм, Самарқанд ипак қоғозига чиройли настаълиқ хатида ҳижрий 1298 йили кўчирилган. Котиби номаълум. Жами 100 варақ. Ҳазаллар икки устунга жойлаштирилган. Муаллифларнинг номи кўп ҳолларда қизил, айрим ўринларда қора сиёҳда қайд этилган. Баъзи саҳифа ҳошияларида тушиб қолган сўзлар, байтлар илова тарзида ёзилган. Баёз Гиёсий ҳазали билан бошланиб, Санойй рубоийлари билан тугайди. 57а-57б саҳифаларда Ҳусайнийнинг “Монда” радибли бир форсий ҳазали берилган. Бу ҳазал бошқа қўлёзмаларда учрамайди.

از غم عشقت مرا نی تن نه جانی ماندا
آن خیالی گشته و این یک گمانی ماندا

با قد خم گشته ام در هجر آن ابرو کمان
چون کمانم پی بروی استخوانی ماندا
داغهای استخوانم بین خال کعبتین
هر یکی از ناوک آن مه نشانی ماندا

ای که میجویی نشانم روکوی یار بین
خاک گشته چشم و سر بر آستانی ماندا

چون حسینی باز خواهم خویش را پیرا نه
مست و سر در سجده زیباخوانی ماندا

6. Инв № 2037. *بیاض* Картон муқовада, устига қора тери қопланган. Ҳафт ранг қоғозга битилган. Ҳижрий 1321 йилда Муҳаммад Шариф Девон ибн Оллоберган Девон томонидан Хоразмда кўчирилган. Жами 207 варақдан

иборат ушбу баёзда Жомий, Навоий, Лутфий, Ҳусайний, Нишотий сингари шоирларнинг асарлари жамланган. Ҳар бир ғазалнинг устига шоирларнинг номи ва шеър тартиб рақами қизил сиёҳ билан қайд этилган. 121а-181а саҳифаларда Ҳусайнийнинг 151 та ғазали ўрин олган.

7. Инв №1154. **بياض** Муқоваси чарм, оддий Самарқанд қоғозига хижрий 1317 йилда кўчирилган. Котиби номаълум. Биринчи бетида “Соҳиби ин китоб Сайид Муҳаммад Носиржон” деб ёзиб қўйилган. Жами 339 варақдан иборат. Унда Киромий, Роқим, Фузулий, Муҳаййир, Феруз, Холис, Рожий, Амир, Навоий, Ҳусайний каби шоирлар ижодидан намуналар берилган. Баёздаги барча шеърлар рамкага олинган. 10а-11а ва 330б-334б бетларда Ҳусайнийнинг мухаммаслари келтирилган.

Баёзларнинг Ҳусайний вафотидан кейин кўчирилганига эътибор қаратадиган бўлсак, шоир санъаткорлик маҳоратининг юксак бўлганидан далолат беради. Чунки баёзлар, одатда, шоирлар ва шеърят ихлосмадлари томонидан тузилган ва машҳур шоирларнинг гўзал шеърларини ўз ичига олган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
2. Баёз. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв № 1161.
3. Баёз. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв № 5736.
4. Баёз. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв № 2515.
5. Баёз. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв № 7011.
6. Баёз. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв № 3326.
7. Баёз. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв № 2037.
8. Баёз. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв №1154.

ИНФОГРАФИКА ТАРИХИ ВА ТАСНИФИ

Мадинабону НУРУТДИНОВА

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ўқитувчи

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада мультимедиавий жанрлар ичида энг оммабоп график жанр бўлган инфографика жанри тарихи, ривожланиш босқичлари, фаолият тенденциялари ҳамда умумий таснифи ўрганилган.

Таянч сўзлар: инфографика, стратегик, индекс, диаграмма, навигацион, маркировка, статистик, синхрон.

ИСТОРИЯ И КЛАССИФИКАЦИЯ ИНФОГРАФИКИ

Мадинабону НУРУТДИНОВА

доктор философии по филологическим наукам (PhD)

преподаватель

Университет журналистики и массовых

коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотации

В статье исследуются история, этапы развития, тенденции деятельности и общая классификация жанра инфографики, самого популярного графического жанра среди мультимедийных жанров.

Ключевые слова: инфографика, стратегический, индекс, диаграмма, навигация, разметка, статистический, синхронный.

Ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган бу замон – ахборот ҳажмини қайта ишлаш ва тақдим этишнинг самарали усулларини излашни талаб қилади. Демак, маълумотларни аудитория талабига мослаб, қизиқарли шаклда етказиш долзарб вазифалардан саналади. Кенг миқёсдаги аудиторияга эга бўлишдаги асосий калит бу маълумотларни содда, тушунарли тилда тақдим этишдир. Кундалик ҳаётдаги реклама, интернет, компьютер, оммавий ахборот воситаларидаги хабарлар ҳамда турли маиший маълумотлар инсоннинг янгиликларни қабул қилиш жараёнини

кийинлаштиради. Ана шу тифиз маълумотлар орасида омма эътиборини қозониш, айнан аниқ бир маълумотга идрокни қаратиш журналистлардан юксак малака талаб қилмоқда. Шу боисдан, аудитория эътиборини қаратиш ҳамда маълумотлар мукамаллигини ошириш борасидаги бир қатор янги йўналиш ҳамда жанрлар соҳага кириб келмоқда. Янгиликларни тақдим этишнинг ўзгача усулларида бири бу – ИНФОГРАФИКАдир.

Инфографика сўзи латин тилидаги “*informatio*” – хабар бериш, тушунтириш, тақдимот, юнонча “*γραφικός*” – ёзиш, ахборотни ёзув орқали тақдим этиш усули демакдир. Яъни ахборотни турли дизайн, расм, график маълумотлар орқали қисқа, аниқ, лўнда қилиб етказиш йўналиши ҳисобланади. Инфографиканинг қўлланилиш доираси жуда кенг: география, журналистика, таълим, иқтисод, статистика, сиёсат, техника фанлари. Яъни қатта ҳажмдаги маълумотларни вақт ва макондаги объектлар воситасида янада аниқроқ тенденциялар орқали намоиш қилиш ҳамда ғояларни визуаллаштиришни назарда тутди. Инфографикада тасвирдан ташқари диаграммалар, блоклар, жадваллар, хариталар, рўйхатлар ҳам кенг қўлланилади. Бугунги кунда инфографиканинг моҳиятини тушуниш вазифаларини англаш учун унинг тарихига мурожаат қилиш керак. Америкалик психолог, профессор Майкл Френдли инфографикани XII асрда энг биринчи диаграммаларнинг пайдо бўлишига боғлайди [5;43].

Айрим тадқиқотчилар эса ушбу йўналишни Daily Courant газетасидаги турли мақолалар туфайли юзага келганини таъкидлайди [4;18]. Италиялик олим Альберто Каиро инфографика тарихини “USA Today” газетасидаги 1982 йилги мақолалар сабабли юзага келганини исботлаб берган. Замонавий диаграммаларнинг асосчиси сифатида Уильям Плейфейр эътироф этилади. Сабаби, у 1786 йили “Commercial and Political Atlas” журналида илк мартаба турли график суратлар ва диаграммаларни жадваллардан фойдаланиб, ўз мақоласини чоп этишга муваффақ бўлган.

Аммо график маълумотларнинг илк фойдаланиш амалиёти аслида тош асрига бориб тақалади. Қадимги одамлар ҳаётини ифодаловчи турли

қоятошларга чизилган графикали маълумотлар тўпламини иптидоий чизмалар, хариталар ҳам инфографиканинг биринчи намуналаридан дейиш мумкин.

Умуман график маълумотлар тарихининг ривожланиш босқичлари қуйидагиларни қамраб олади:

1. Бирламчи инфографика. *Милоддан аввалги 33 минг йилликда фойдаланилган.* Палеолит асридаги Homo Sapiens қаламига мансуб тош қояларга битилган чизмалар киради. Унда асосан ов қилиш жараёни, умумий қабила ҳаёти ифодаланган. Қоялардаги суратларда хайвонлар ва инсон тасвири жой олган. Ушбу намуналар Франция ғоридан топилган бўлиб, айнан Палеолит асрига тегишли умумий маълумотлар, инсонларнинг яшаш тарзи, иш қуроли, ов жараёни ҳақида тасаввур уйғотади. Таъкидлаш жоизки, ушбу суратлар муаллифнинг хаёлий образлари сифатида чизилган бўлиши ҳам мумкин. Француз археологи Анри Эдуар Проспер Брейль Ласко ғорларидаги топилмаларни ўрганиб қуйидаги хулосага келган: “...зор суратларини чизишда фойдаланилган график белгилар, расмлар мазкур даврнинг сўзлашув белгиси бўлиши ҳам мумкин” [2;54]. Демак инфографиканинг илк намунавий аجدодлари бўлган девор чизгилари ҳам маълум маънодаги матннинг моҳиятини бериш учун хизмат қилган бўлиши мумкин. Хуллас, тош девор битиклари қабилаларнинг ўзаро коммуникация воситаси сифатида ҳам фойдаланилган.

2. Илк инфографик хариталар. *Эрамиздан аввалги 3-1 минг йиллик.* Ер сайёраси инсон томонидан доим, ҳар томонлама ўрганиб келинган. Она заминнинг табиати, об-ҳавоси, коинот сирлари ҳам шулар жумласига киради. Айниқса, қадимдан инсонлар орасида хариташунослик илми жуда кенг тарқалган бўлиб, бу мамлакат қироллари, олимлар томонидан ҳам қўллаб, қувватланган. Сабаби, хариталар мамлакат ҳудудини белгилаш, бирор манзилни топиб бориш, икки оралиқ масофани аниқлаш каби турли иқтисодий, сиёсий ва стратегик вазифаларни бажарган. Ана шундай хариталар график тасвирлар, белгилар, ёзувлар, махсус индекслар ёрдамида

яратилган. Бизга қадар етиб келган қадимий намуна сифатида лой тахтачага битилган “Вавилон дунё харитаси”ни айтиш мумкин. Унда Вавилоннинг давлат чегаралари, тоғлари, дарёлари ҳамда умумий ҳудуди тасвирланган. Яна бир қадимий намуна сифатида Птоломейнинг эрамиздан аввалги II асрда яратган дунё харитаси ҳам мавжуд. Ушбу харитадан фойдаланиб Колумб Ҳиндистонга йўл олгани тарихдан маълум.

Шунингдек, XVI асрда Усмон империяси томонидан Пири Реис (Хожи Мухиддин Пир ибн Хожи) муаллифлигида биринчи дунё харитаси тузилган. Ушбу хаританинг бошқалардан фарқи унда ҳозирги замон хариташунослигига оид аниқ далиллар, жадваллар ва кўрсаткич белгилари мавжуд бўлган. Қолаверса, муҳим шаҳарлар, порт манзиллари, қитъалар жойлашуви, шимол, жануб томонлари, Ўрта ер денгизи, Канар ороллари, Атлантика океани каби тасвирлар ўрин олган. Юқоридаги хариташуносликда кенг фойдаланилган диаграмма, жадвал, навигацион кўрсаткичларнинг бариини инфографик белгиларнинг ибтидоий илк намуналари дейиш мумкин.

3. Бир ўлчовли инфографика. *1532-1580 йилларга қадар.* Микдор маълумотлари, жадваллар, ўлчов бирликларини ифодалашда қўлланиладиган энг қадимий график тур ҳисобланади. 1530 йилда инклар томонидан яратилган Кипу белгилар (Quipu) тизими – жундан тўқилган иплар ёрдамида тугун ҳосил қилиш орқали бирор текис таёққа тизилган. Арқончалар турли узунликда бир неча шаклдаги тугунчалардан ташкил топган. Ушбу турдаги ҳисоблаш усуллари орқали – “бухгалтерия” ҳисоби, мониторинг қилиш, диний, иқтисодий, молиявий масалалар ечиб борилган. Бир ўлчовли графиканинг бош ибтидоси бўлган ушбу усулда арқончалардаги бир неча белгичалар аниқ бир сон ёки маъно англатган [6, 71].

4. Илк диаграммалар. Қадимдан инфографика белгилари турли соҳаларда қўлланилиб келинган бўлса ҳам, ўрта асрларда кенг фойдаланила бошланди. Айнан ушбу даврдаги график белгиларга биринчи глобусда қўлланилган маркировкалар, дунё харитаси атласи, иқтисодий ҳисоблаш жадваллари, математик янги назариялар билан боғлиқ ўлчов бирликлар

белгиси юзага келган. Ҳар бир йўналишда диаграммалар турли даржада ўзининг инъикоси топган.

5. Инфографик тамаддуннинг бошланиши. *1600-1699 йиллар*. XVII асрдаги турли хариташунослик илми ва бир қанча ихтиролардан сўнг, белгилардан фойдаланишга бўлган эҳтиёж янада ортди. Муҳим илмий янгиликларни ифодаловчи сўз белгилари, масофа, макон ва замон ўлчови, вақт бирликлари, назариялар ҳамда турли ғояларни англатувчи умумий элементлар зарурати туғилди. Ушбу даврда масофа координаталари, геометрия, алгебра назариялари, таҳлил усуллари кашф этилди. Турли иқтисодий мониторинг, демографик ўлчов статистикаси, эҳтимоллик назариялари пайдо бўлиб, уларнинг барида график белгиларнинг янгидан янги турлари ўйлаб топилди ва амалда қўлланила бошланди. 1630 йилда Кристофер Шайнер (1573- 1650) томонидан “Бирликдаги кичик кўпликлар” деб номланган маълумотларни визуаллаштириш усули фанга бир қанча янги белгиларни қўшилишига сабаб бўлди [8]. У ўйлаб топган белгилар орқали куёшдаги газ доғларининг бир ой муддат давомида неча маротаба ўзгариши тасвирланган. Шунини таъкидлаш кераки, ушбу статистик белгилар бир қанча ғоявий ноаниқ назарияларни визуаллаштириш имконини берди. Кейинчалик статистик графика бўйича Эдвард Тафтининг “Катта ҳажмдаги маълумотларни визуаллаштириш” китоби Шайнер ишининг мантиқий давоми ҳисобланади. Ушбу китобда тадқиқотчи кўп ўлчовли мураккаб маълумотларни осон ва енгил тақдим этишнинг бир неча юзлаб намуналарини тушунтириб берган [7]. Асосан графика ва дизайнга йўналтирилган ушбу рисола хариталар, тақдимотлар, жадваллар, статистик графикалар, фотосуратлар, компьютер интерфейслари, мониторинг белгиларини ажойиб ва содда тилдаги мисолларда қамраб олган.

6. Янги график шакллар. *1700-1799 йилларда*. Кўпгина соҳаларда ихтиролар сони ошгани сари мавҳум бўлган сон ва белгиларни янада аниқроқ ифодалаш зарурати пайдо бўлди. Масалан, хариталарда нафақат географик жойлашув манзили, балки, мамлакатларнинг контур нукталари,

томонларнинг масофавий бирликлари, денгиз ва дарёларнинг бошланиш ҳамда тугаш манзили, жой номларини ҳам ифодалашга эҳтиёж туғилди. Геологик жойлашувлар, соҳага мўлжалланган турли хариталар, ҳисоб-китоб усуллари, тиббиёт белгилари каби янги визуаллаштириш услублари ўйлаб топилди. Ҳам матн, ҳам график усулларни қўллаш орқали ахборот бериш намуналари йўлга қўйилди. Бунга Жак Барбё Дюбурнинг хронографик картасини мисол қилиш мумкин. У яратган намунада вақт кетма-кетлигидаги тарих мужассам. Жак Барбё Одам атодан то Европа маърифат даврига қадар бўлган маълумотларни белгилар орқали вақт кетма-кетлигида синхрон шаклда визуаллаштиришга муваффақ бўлган [6;48].

Ушбу усулда яна бир олим Жозеф Пристлейнинг хронографик ишини давомий намуна сифатида келтириш мумкин. Жозеф тарихнинг 2000 нафар машҳур инсонларини параллел равишда битта харитага хронологик кетма кетликда жойлаштирди. Унинг уринишини нафақат инфографик намуна балки таймлайн йўналишидаги мукамал иш сифатида қайд этиш мумкин.

1702 йилдан бошлаб инфографика оммавий ахборот воситаларига ҳам кириб кела бошлади. Илк матбуотда қўлланилган намуналарга “The Times”, “USA Today”, “Daily Courant”, “The Guardian” каби нашрлардаги уринишларни келтириш мумкин [8]. 1912 йилда “The Times” газетаси “Титаник” кемаси ҳалокати ҳақида хабар инфографик фотосуратлар ёрдамида биринчи саҳифада акс эттирилган. Унда кема ва бир неча шарҳлардан иборат воқеа тафсилоти берилган эди. Илк график белгиларини қўллаётган матбуот намуналари ўқувчилар томонидан қаттиқ танқид остига олинган эди. Айниқса, газетхонлар янги йўналишда ёзилган визуал мақолаларни саҳифани тўлдиришнинг жўн усули сифатида салбий баҳолаган. Вақт ўтиб матбуотда қўлланилаётган график йиғиндилар сони мукаммаллашиб, кенгайиб борди. Бугунги кунда матбуотда нашр қилинаётган инфографик мақолалар ҳар томонлама мукамал бўлиб, воқеликнинг бутун моҳиятини қамраб олмоқда.

7. Замонавий инфографика даври – 1850 йилдан бошлаб Эдвард Тафти асос солган визуаллаштириш усуллари орқали инфографикани мукамаллаштиришда турли янги усуллар ўйлаб топила бошланди. Турли компьютер дастурлари, дизайн соҳасидаги ихтироларнинг таъсири натижасида чизиқли, айлана, жадвал, устунчалар шаклидаги янги графикалар қўшилди. Иқтисодий мониторинг шакллари нафақат молиявий маълумотлар, балки журналистика, сиёсат каби соҳалар маълумотини акс эттиришда кенг фойдаланилди. 1844 йилга келиб, диаграммаларнинг турли намуналари, уч чизиқли жадвалга солиш усуллари, чизиқли диаграмма, гистограммалар, бир устунли айлана смарт шакллари ҳам ўйлаб топилди.

8. 1900-1950-1975 йиллардаги ривожланиш жараёни. 1900 йилда ўқувчилар кенг, тартибли ёзилган таҳлилий мақола ва хабарларга кўпроқ қизиқиш билдира бошлагани боис график тасвирларнинг қўлланилиши биров сусайди. Аксари хорижий нашрлар матбуот контентини турфа хиллигини ошириш мақсадида бот-бот инфографик тасвирлардан фойдаланар эди. Аммо бу заруратдан эмас балки газета журналлардаги дизайн туфайли амалга оширилган. Фақат 1970 йиллардагина ахборотни визуаллаштиришга бағишланган турли технологик усуллар аста секинлик билан оммалашиб борди. Ахборотни енгиллаштиришнинг график усулига бўлган талаб ўз заруратини яна тиклаб борди. Илк анимацион моделлар, 2 D, 3D форматидаги прототиплар шаблони пайдо бўлди. График шаклдаги бир қанча параметрли визуал сураатлар амалиётда кенг таъсис этилди.

9. Интерактив инфографика. *2000 йиллар*. XX асрда амалга оширилган техник тараққиёт натижасида компьютер дастурларида исталган мураккабликдаги шаклларни ясаш, турли катталиқ ва кенгликдаги ҳажмни акс эттириш имкони туғилди. Open office, Grapher, Color draw, Paint, Photo shop, Coral maker каби дастурлар ёрдамида графикани қўллаш имкониятлари ошиб борди. Ушбу график белгилар интернет тармоғидаги гиперҳаволалар орқали турли манзилларни бирлаштириб тургани боис, ўқувчига тақдим этилаётган инфографика орқали қўшимча маълумотларни олиш имкониятига

эга бўлди. Оммавий ахборот соҳаси айниқса интернетдаги онлайн нашрларда кенг қўлланилаётган инфографик хабарлар турли жанрлар билан уйғун ҳолда тақдим этилмоқда. Тармоқда инфографика+таймлайн, инфографика+слайд тақдимот, инфографик-лонгрид, инфографик видеосюжетларни ҳам учратиш мумкин. Ушбу усуллар орқали янада кенгроқ маълумотларни қамраб олиш, ўқувчига ғояни енгил тушунтириш ва моҳиятни биргина белгилар орқали англатиш имконияти туғилди.

Бугунги кунда инфографиканинг энг кенг тарқалган усуллари сифатида кўйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- *Статистик инфографика* – статистик маълумотларни ифодалашда қўлланилиб, диаграмма, жадвал, гистограмма каби графикалар кенг ишлатилади.

- *Ахборий инфографика* – асосан маълумот беришда қўлланилади. Исталган график белгилардан фойдаланиш мумкин.

- *Хронологик инфографика* – маълум бир вақтдан иккинчи вақтга бир даврга қадар бўлган жараённи қамраб олиб, кўпинча тарихий воқеликни ифодалашда кенг қўлланиб келинади.

- *Географик инфографика* – хариташунослик жадваллари, географик маълумотларни ўзига қамраб олиб кўпроқ аниқ бир соҳа ёки фанга ихтисослашади.

- *Таймлайн ёки иерархик инфографика* – вақт кетма-кетлигидаги жойлаштирилган аниқ бир жараён ёки воқеликни ёритувчи визуал маълумотлар жамланмаси.

- *Таҳлилий инфографика* – бир неча маълумотни ўзаро таҳлиллаш ва солиштириш имконини берувчи суратлардан иборат.

- *Интерактив инфографика* – тармоқда энг кўп қўлланилаётган тур бўлиб, фойдаланувчи график маълумотларни танлаши, ёки шу мавзуга дахлдор бўлган бошқа манбаларни ҳам кўриш имкониятига эга.

Хулоса қилиб айтганда, бугун аудитория учун сониясига миллионлаб терабайт ахборот ишлаб чиқарилаётган бир пайтда унинг эътиборини қозона олиш муаллифдан катта маҳорат ва меҳнат талаб этмоқда. Соҳада янгидан янги усуллар, жанрларнинг қўлланиши унинг ахборот тақдим этишдаги имкониятини кенгайтираётганидан далолат. Инфографика айнан шундай кенг имкониятларни қамраб олган усул сифатида оммалашмоқда. Инфографика маълумотларни визуаллаштиришнинг кенг тарқалган усули сифатида бугунги куннинг оммабоп йўналиши ҳисобланади. Шу боисдан тармоқда график гиперматн яратишга мўлжалланган бир қанча турдаги сайтлар, иловалар ва дастурлар кенгайиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баранова Е.А. Все, что вы должны знать, если хотите развивать инфографику на газетном сайте // Электронный научный журнал МГУ имени М.В.Ломоносова «Медиаскоп». – 2013. – №4. – С. 8. Matter) // 2012. – 384 p.
2. Журналистика и конвергенция: почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные / под ред. Качкаевой А. – Москва, 2010. С. 200
3. Фролова М. А. История возникновения и развития инфографики. <https://cyberleninka.ru/article/n/istoriya-vozniknoveniya-i-razvitiya-infografiki/viewer>
4. Cairo Alberto. The Functional Art: An introduction to information graphics and visualization. USA. Yughr. print. 590 p.
5. Michael Friendly. A Brief History of Data Visualization // Psychology Department and Statistical Consulting Service York University, 2006. – 43 p.
6. Dave Nattingale. History of graphics. USA. Alpha print. 605 p.
7. http://infographer.ru/short_history/
8. <https://store.artlebedev.ru/>

НАЖМИДДИН КУБРО ВА АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АДАБИЙ МУШТАРАКЛИК

Улбўсин Комилжонова АМЕТОВА

ўқитувчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Алишер Навоий асарларидаги фалсафий фикрлар ва ахлоқий қарашлар Нажмиддин Кубро ижоди ва кубравийлик ғоялари билан чамбарчас боғлиқлиги таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, адабий анъана, издошлик, ҳамоҳанглик

ЛИТЕРАТУРНАЯ ОБЩНОСТЬ В ТВОРЧЕСТВЕ НАДЖМИДДИНА КУБРО И АЛИШЕРА НАВАИ

Улбосин Камилжановна АМЕТОВА

преподаватель

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Философские идеи и нравственные взгляды в творчестве Алишера Наваи тесно связаны с творчеством Наджмиддина Кубро и идеями кубравийства.

Ключевые слова: Наджмиддин Кубро, Алишер Наваи, художественная традиция, последовательность, ритмичность.

Мутасаввиф Алишер Навоийнинг Нажмиддин Кубро шахсияти ва кубравийлик тариқати одоб-арконларига муҳаббати чексиз бўлган. Бу ҳолат унинг нафақат асарларида Нажмиддин Кубро номи қайта-қайта тилга олиниши ёхуд устози ва халифаларига оид маълумотларнинг келтирилишида, балки асарларида ирфоний ғоя ва образлар уйғунлигида ҳам яққол намоён бўлади.

Унинг умри сўнгида ёзилган “Маҳбуб ул-қулуб” асари айниқса ўзининг ҳулосавий ҳукмлари, ҳаёт сўнгидаги умр тажрибаларининг натижаси сифатида мутасаввифлар, жумладан, Нажмиддин Кубро асарларидаги фикрлар ва образлар билан ҳам ҳамоҳанг. Турк олими Сулаймон Гўкбулут

Ўзининг “Нажмиддин Кубро ва кубровийлик” номли докторлик диссертациясида алломанинг “Фавойих-ул жамол” асари ҳақида “Мана шу хавотир кечинмаларидан бир муддат ўтиб солиқнинг қалб кўзи очила бошлайди ва шаклларни мушоҳада қилади. Чунки мушоҳада аввало сурат, шакл ва ҳаёллар орқали кузатилади. Сайёр “мухаййила ва мусаввира кучи” билан уларни идрок этади. Нажмиддин Кубро бу икки куч ҳақида қуйидагиларни баён қилади: “Мухаййила кучи бир маънони шу маного муносиб кийим ичида тахаййул қилади, тасаввур кучи эса бу маънога сурат ва шакл беради. Масалан, олчоқ душман ит кўринишида, мард душман арслон қиёфасида, буюк инсон тоғ суратида, подшо денгиз шаклида, фойдали одам мевали дарахт тимсолида, фойдасиз одам мевасиз дарахт тарзида, фойда ва ризқ таом суратида, дунё нажосат ва ялмоғиз кампир қиёфасида тасаввур қилинади” [5;190].

Ушбу жумлада Нажмиддин Кубро ташбеҳ санъатидан фойдаланиб, буюк инсонни тоғга қиёслайди. Алишер Навоий “Маҳбуб-ул қулуб” асарининг 18-танбеҳида замонасининг пасткаш инсонлари ва буюк инсонларини мана бундай ҳолда қиёслайди: “Аммо ел агар кўкка етсин сабукбордур ва бемиқдор ва тоғ агар туфроққа ботсинки, соҳибвиқордир, ҳилмшиор. Анинг зимнида, ўтқа ёққудек хасу хошок, мунинг жавфида шоҳ тожиға тикилгудек лаъли оташнок” [2;510]. Навоий ҳам ушбу жумлада соҳибвиқор ва ҳилмшиор инсонларни тоғга ўхшатади.

“Фавойих-ул жамол” асаридаги фойдали одам ва фойдасиз одам ҳақидаги ўхшатишларига эътибор қаратадиган бўлсак, “Маҳбуб-ул қулуб” асарининг саховат ва ҳимматга бағишланган 11-танбеҳида “Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. Одамийлик кишварининг баҳри мавжвари, балки ул мавж баҳрининг самин гавҳари. Саховатсиз киши – ёгинсиз абри баҳор ва ройихасиз мушки тотор. Мевасиз йиғоч ҳамону ўтин ҳамон ва ёгинсиз булут ҳамону тутун ҳамон” [2; 506]. жумлаларида Куброга ҳамоҳанг Навоий ҳам фойдали инсонларни мевали дарахт ва фойдасиз инсонларни мевасиз

дарахтга қиёслайди. Сулаймон Гўкбулут Нажмиддин Кубронинг “Рисола илал хойим номли асарини номаълум бир шахс “Рисолатус соирил хойирил вожид илас сотирил воҳидил мажид” номи билан форс тилига ўгирганини қайд этиб ўтади. Мана шу асарда у хилватнинг ўн учта фойдаси хусусида тўхталади. Нажмиддин Кубро хилватнинг бешинчи фойдаси нафс итини боғлаб, қамаши эканлигини таъкидлайди. Шу ўринда “нафс ити” образига эътибор қаратайлик.

Тасаввуфда нафс учун энг кенг тарқалган ташбеҳ бу унинг итга муқояса қилинишидир. Нажмиддин Кубро ҳам нафсни итга қиёслайди. Худди шундай қиёслайшни биз Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” девонидаги мана бу байтда айнан учратамиз:

Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдир эмас,

Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужо [2;51].

Нажмиддин Куброда ҳам ва Алишер Навоий ижодида ҳам “нафс ити” сифатлаши бир хилда учраши, бизнингча, тасодифий ҳодиса эмас.

“Усул-ал ашара” асари Абдурахмон Жомий шогирди Абдулғофур Лорий томонидан (ваф. 994/1506) форсча таржима ва шарҳи амалга оширилган. Навоийнинг ҳам Абдурахмон Жомийнинг шогирди эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан кўринадики, Навоий Шайхнинг бу асари билан ҳам таниш бўлган.

Тадқиқотчи З.Раҳмонова “Маҳбуб ул-қулуб”да иршод талқини” мақоласида Нажмиддин Кубронинг “Усул ал-ашара” ҳамда Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарларидаги тасаввуф назариясига оид муштарак томонлардан баҳс юритиб шундай дейди: “Тасаввуфий асар ва тазкираларда руҳоний ҳаётда солиқнинг нафс даражаларига поғонама-поғона кўтарилишидаги таянч марҳалалар кўрсатилган. Тариқат амалий жараён бўлганлиги боис уларга ҳоллар ва мақомлар номи берилган. Улар сон-саноксиз эканлиги эътироф этилса-да, ўнтасини асосий тамал дея белгилашган. Шу боис аҳли тасаввуф, хусусан, Нажмиддин Кубро ҳазратлари сайри сулукнинг тамал қоидаларини ўн асосга жамлаган эди.

“Усул-ал ашара”га ёзилган яна бир шарҳнинг муаллифи Иброҳим Ҳаққи Бурсавий Валиятарошнинг хулосаларини атрофлича шарҳлаб ёзади: “Бу ўн асос йўлнинг тамаллари бўлса, бошқа асослар бино устига қурилган бинога ўхшайди. Аслида ҳар нарсанинг асоси ва тамали мавжуд. Агар у бўлмаса мақсадга етиб бўлмайди. Мавзуга дахлдор шундай сўз бор: “Усулни йўқотган вусулдан маҳрум қолади”. “Усул-ал ашара”да жамол ваъда этувчи тариқатдаги ўн асос: **Тавба, Зухд, Аллоҳга таваккул, Қаноат, Узлат, Доимий зикр, Таважжух, Сабр, Мувоқабат, Ризодир.** Навоий эса бу ўн тамални қуйидагича номлайди: **Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат Сабр, Тавозуъ ва адаб, Зикр, Таважжух, Ризо, Ишқ** [3;103]. Дарҳақиқат, Нажмиддин Кубронинг тариқат асосларини белгиловчи, тамал қоидаларини кўрсатувчи “Усул ал-ашара” асари, маълум маънода бошқа тариқатлар учун ҳам тариқат одоб арконини белгилашда асос бўлган асардир. Унинг ҳидоят йўлини излаётган, ўз асарлари билан инсониятни эзгуликка чорлаётган Алишер Навоий дунёқарашига таъсир қилиши ва ижодиётида ҳамоҳанглик пайдо қилишига шубҳа йўқдир. Аввало, биринчи асос сифатида тариқатнинг очилиш эшиги ҳисобланган Тавба иккала мутафаккирда ҳам эътироф этилади. Уларнинг тавба ҳақидаги қарашларидаги ҳамоҳанглик гўёки сўнгги манзилнинг бир эканидек ўзаро ўхшаш ва уйғун. Нажмиддин Кубро Тавба хусусида: “Худди марҳум “Эй хотиржам – сокин жон, Сен (Аллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ Таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (хузури)га қайт”, амрига бўйин эгиб ўз ихтиёрисиз Унга қайтганидек, тавба ҳам қулнинг ўз истак-иродаси ила Аллоҳга қайтишидир” [4;49], дея қарашларини бошласа, Навоий: “Тавба ... нафси аммора фасодиға ва кўнгулга нофармонлиғидин мутағаййир бўлмоқдур ва руҳға нофаржомлиғидин мутанаффир бўлмоқдур. Ва Ҳақдин нажот вақти етмақдур ва банда нафс мутобаатин тарк этмақдур. Бу гавҳари шабчироғ ҳар тийра рўзгор лойиқи эмас ва бу шамъи тавфиқни ҳодийи иноят ҳар кимга бермас. То қайси ориғ тийнатлиғ йўлдин озмиш бўлғай ва қаю пок хилқатлиғ жоддадин чиқиб, қилур ишин ёзмиш бўлғайким,

анга ғариб, ҳолот ҳодис бўлмиш бўлғай ва ул ҳолотқа шум нафс боис бўлмиш бўлғай ва ҳодийи тавфиқ етгай ва ани ул ҳолотин оғаҳ этгай” [2;484]. Тавба тариқат йўлига кирган солиқнинг Аллоҳга қайтиши, нафсининг илк даражаси бўлган аммора сифатлардан қутулмоғи учун шарт бўлган амал эканлиги ҳар иккала асарда бир хилда таъкидланмоқда. Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари фақатгина умр сўнгидаги фалсафий фикрлари билан эмас, балки жанрий тузилиши билан ҳам жуда аҳамиятлидир. Навоий ҳар бир асосдан сўнг, фикрларини янада тушунарли ва таъсирли чиқиши учун алоҳида ҳикоятлар келтирса, Кубро ҳазратлари баъзи тамаллар ҳақидаги назарий маълумотлар ичидагина валийлар ҳаётига оид лавҳаларни қайд этади.

Иккинчи асос бўлган Зухд ҳақидаги қарашларига эътибор қаратайлик: “Зухд – хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин – дунё моли, кўнгилга манзур нарсалари-ю мақомларидан ўлик каби йироқлашмоқдир. Кубро ҳазратлари Зухд кўлда мавжуд ва мавжудлиги маҳзур саналмаган мол-ашёдан кечмоқдир. Акс ҳолда келажакда кўлга киритилувчи молу мансаб зухдга асос бўлмайди” [4;51], деса, “Маҳбуб ул-қулуб”даги зухд ҳақида қарашлар қуйидагича: “Зухд дунё орзуларидин кечмақдур ва нафс аларнинг мавти захрин ичмақдур. Ва молу жоҳ ҳаёли риштасин кўнгулдин узмақдур ва нангу номус бутларин ушатурға ўзин тузмақдур ва қабул умидиға риёзат тариқин тутмоқдур. Ва нафсининг барча муддаоларин унутмоқдур. Ва шариат жодасида мардона турмоқдур. Ва тариқат водийсиға пурдариандона қадам урмоқдур. Ва бошни риёи саждаға индурмамақдур, балки андоқ тоатни ҳаёлға кечурмамақдур. Кўзни асрамоқдур барча номаҳрам юздин ва тилни тутмоқдур барча номашруъ сўздин. Қулоқ карлигидур моло, яъни масъумуотдин илик тортмоғлиғдур барча номашруъотдин. Аёғ ланглигидур халойиқ тараддудидин ва нутқ гунглигидур сўзда эл ташаддудидин” [2;485]. Маълумки, тасаввуф зухд ва орифлик даври сифатида ажралади. Бироқ зухд дунё матоҳлари, дунёвий орзу-истаклардан воз кечиш мақоми сифатида тариқатда аҳамиятли ўрин эгаллайди. Шу боис кубравия тариқати асосчиси зухд мақомини асосий

тамал сифатида қайд этаркан, мутасаввиф Навоий учун ҳам зуҳд – тасаввуфдаги тарк тушунчасининг биринчиси бўлган таркидунё сифатида муҳим саналган ва у ҳақида батафсил назарий маълумотлар беради. Мана шу тарк мақомини қўлга киритмаган солиқ тариқатда ҳеч қачон илдамлай олмаслигини таъкидлайди. Кўриниб турибдики, Кубро ва Навоийнинг ҳамида ахлоққа эришиш ҳақидаги тамал асосларнинг номигина эмас, балки уларнинг назарий асослари ҳам жуда яқин. Таваккул ҳақидаги қарашларини муқояса қилсак, фикримиз янада қувватланади. “Усул ал-ашара”да таваккул ҳақида ўқиймиз: “Таваккул худди ўлик янглиғ Аллоҳга ишониб, барча сабабу тадбирлардан йироқ бўлмоқликдир. Чунки Аллоҳу таоло “...Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир” (Талок, 65:3), – дея марҳамат қилгандир” [4;55]. Кубро ҳазратлари таваккул хос бандаларининг мақоми эканлигини таъкидлайди. Бунда банданинг Яратгандан бошқа бирор нарса билан боғлиқлиги қолмайди. Ҳар қандай дунёвий ризқ масаласида, ҳатто охират неъматларида ҳам фақат Аллоҳга таваккул қилади. Ўзининг саъй-ҳаракатларини, амалларини Аллоҳнинг амрларига, шариати муҳамамадияга бўйсунган ҳолда бажариб, унинг натижасини фақат Холиққа топширади. Ва даражама даража Ризо мақомига кўтарилади. Таваккулсиз қолган мақомлар эшик очмаслиги Навоий томонидан ҳам эътироф этилади: “Таваккул Ҳақ йўлида восита асбобин рафъ қилмоқдур ва васила ҳижобин дафъ қилмоқ. Ва сабтларға миёнчиликдин узр қўлмоқдур ва сабаб ва узрсиз мусаббибқа банда бўлмоқдур. Тақдир кути бозуси оллида сабаб риштаси чурук ва қазо машъали партави қошида восита учқуни ўчук. Таваккул аҳликим, мақсуд водийсиға қадам қўюбдурлар йўл зоди Ҳақ хони эҳсонидин билибдурлар. Таваккули дуруст элнинг емаги Ҳақ хони инъомидин ва ичмаки анинг шарбатхонаси жомидин ва киймаги анинг хизонаи эҳсон икромидин” [2;487]. Навоийнинг тасаввуфий қарашлари “Маҳбуб ул қулуб”, “Насойим ул-муҳаббат” каби асарларида маълум бир назарий тизим асосида берилса, “Лисон ут-тайр” достони бадиий-тасаввуфий қўлланма сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Лирик меросида эса улар шоирнинг ҳол

баёнларида, беназир шоирлик салоҳиятида янада таъсирли очилган. “Бадоеъ ул-васат” девонидаги ғазалларидан бирида:

*Фақр даштида десанг фориғу озода борай,
Кир таваккул билаю ваҳми барбод этгил [2;374],*

дея, фақр даштида, Ҳақ йўлида ваҳимаю васвасаларни йўқотувчи таваккул эканлигини айтади. Ўзини Аллоҳга топширган, ҳақиқий қуллигини адо этган бандаларига Аллоҳнинг яхшиликлари, неъматлари борлигини таъкидлайди. Худди шундай том таслимият, ҳақиқий қуллик ризо мақомида бериладики, бунда нафс комиллик мақомини қўлга киритади. Навоий “Фавоид ул-кибар” девонидаги “Бировга мусаллам тариқи тасаввуф, Ки зотида мавжуд эмастур тахаллуф” матлаъли ғазалида тасаввуфнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги қарашларини баён қилиб шундай дейди:

*Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф [2;311].*

Ризо водийсини босиб ўтмаган солиқ валийлик, яъни Аллоҳга яқийн даражасига кўтарила олмайди. Ризо мақомидаги солиқнинг нафси гуё ўлик ҳолга келади. Шу боис “Насойим” тазкираси кириш қисмида тасаввуфнинг назарий томонларини изоҳлар экан, Ризо мақомини ҳам шундай шарҳлайди: “Яна ризодурки, ҳар не Ҳақдин келса, ва ҳар ким сабаб бўлса, мусаббибдин ўзга кишини арода кўрмагайлар. Ва ризо изҳоридин ўзга алар тилига ва кўнглига кирмагай” [2;21]. Ризо мақомида ошиқ ўз истак-хоҳишларини ўлдиради ва унда фақат маҳбубанинг ризоси билан қайта тирилади. Шундагина комиллик йўлидаги риёзати сўнг манзилга етади. Ва ваҳдат майидан ичиш насиб этади. Ризо ҳақида “Усул ал-ашара”да ўқиймиз: “Ризо – бир марҳумнинг таслимияти мисоли нафс розилигидан айрилиб, ҳеч бир азалий ҳукмига эътироз қилмай, муноқаша қилмасдан барча ишларини Унинг абадий тадбирларига ҳавола қилмоқ ва шу тариқа Унинг ризосига эришмоқ демакдир. Баъзи сўфийлар шундай дейдилар: “Жами ишларимга севгилимни вакил қилдим, истаса ҳаёт бағишлайди, истаса ўлдиради” [2;78].

Тасаввуфдаги асосий масалалардан, тариқатдаги бош вазифалардан саналган зикр масаласида Кубро ҳам, Навоий ҳам барча насрий ва лирик асарларида тўхталган. “Фавойих у-жамол”да солиқнинг зикр, яъни Аллоҳни ҳар лаҳза тилда ёхуд қалбда исмини такрорлаш, ҳар нафаси, ҳар амалида Яратганнинг амрлари билан бирга бўлишдан солиқда кечадиган истиғроқ холи сирининг муршид сифатида изоҳини беради. Шунда зикрдан туғиладиган учинчи, сўнгги истиғроққа шундай таъриф беради: “Зикрнинг сирга инмоғидир. Бу эса мазкур (Аллоҳ)га етишган зокирнинг зикрдан ғойиб бўлиши, Унда ғарқ бўлиб, Ишқ ҳайратлари ичра қолмоғи демакдир. Бунинг аломатларидан бири – сен зикрни тарк этсанг-да, зикр сени тарк қилмаслиғидир. Зикрнинг ботинингдаги парвози эса сенга ғайбат ҳолидан ҳузур ҳолига ўтишингни эслатади. Яна бошқа аломати зикрнинг бош ва бошқа аъзоларингни банд қилмоғидир. Бу ҳолатда ип ва боғлар ила маҳкам боғланган кишига ўхшарсан” [4;132]. Демак, охириги мақомга кўтарилган Зокир зикрда йўқ бўлади, яъни Мазкур – Аллоҳ таола билан ваҳдат ҳосил этиб, ўзининг бу ҳолидан ишқ ҳайратига чўмади. Энди зикр этувчининг холи муқимлашади, Зокир зикрни тарк этса-да, зикр унга узилмас бир ришта билан боғланади. Навоий ҳазратлари ҳам зикр ҳолини туйган бир ижодкор сифатида мана шундай хулосага келади: “Зикр кўнгул била Ҳақ ёди иштиғолидур ва тил била дағи ҳамул такаллум мақолидур. Кўнгул била Ҳақ ёди била бўлмоқдур ва анинг ғайри хайлидин холий бўлмоқдур. Ва ул машғуллуқ “Ма халақаллоҳ” фаносидур ва “мо халақаллоҳ” Холиқининг бақосидур. Нафй калимаси билаким, “ло илоҳа” бўлғай, мосиволлоҳни унутмоқдур ва исбот калимаси билаким, “Иллаллоҳ” бўлғай кўнгулни овутмоқдур ва машғул тутмоқдур. Ва анинг ниҳоят мартабаси зокир мазкурда нобуд ва йўқ бўлмоқдур” [2;493]. Албатта, ижодкорларнинг халафлардан таъсири ҳақида сўзлаганда баъзи ижодкорларгагина нисбат бериш тўғри эмас. Хусусан, даҳо санъаткор Навоийнинг таъсир майдонини аниқлаш, унга маълум бир чегара чизиш ўта мушкул. Навоийнинг зикр ҳақидаги қарашларидаги ҳамоҳанглик, фақат кубравия ёхуд яссавия

тариқатлари билан боғлиқ эмас. Бу барча тариқатларда чин солиқлар босиб ўтадиган йўллар каби, қалбларда кечадиган ҳоллар каби уйғун. Чунки бу ҳол ва мақомлар ботинда яқрағдир. Шу боис асосий зикр ҳисобланган “Ла илаҳа иллаллоҳ” ҳақида гапирар экан, сўнгги мартабада Зокир, яъни зикр этувчи Мазкур, яъни Аллоҳда йўқ бўлиб, Фано мартабасига кўтарилишини таъкидлайди. Кубро ва Навоий ўртасида қанчалар муштараклик кўзга ташланса, албатта фарқли жиҳатларни сезиш ҳам қийин эмас. Масалан, ўн асос сифатида кўрсатилган саккиз асос бир хил бўлса-да, “Узлат” ва “Муроқабат” “Маҳбуб ул-қулуб”да йўқ. Навоий асарида “Тавозеъ ва адаб”, “Ишқ” марҳалаларини асос сифатида кўрсатади ва шарҳлайди. Бу унинг нақшбандия тариқати муриди эканлиги ҳамда бевосита ўзининг руҳоний ҳаёт йўли билан чамбарчас боғлиқдир.

Шайхи Валитарош ўзининг айрим асарларида чуқур тасаввуфий тажриба ҳамда ҳол эврилишларидан баҳс этувчи назарий фикрларини билдирса, айримларида тасаввуф асосларини белгилайди. Шунингдек, бир қатор асарларида тасаввуфий тушунчалар ҳамда одоб-ахлоқ хусусида баҳс юритиб, муридлар учун қўлланма моҳиятига эга бўлган тизимли қараш ва насиҳатларини ифодалайди. “Фақирлик ҳақида рисола” асарида эса бошқа асарларидан фарқли ўлароқ донишманд муршид сифатида ҳаётий ҳулосалари, руҳий тарбия ҳаётини акс эттиргани маълум. Нажмиддин Кубро таълимоти ва кубравийлик ғояларидан кўпгина мумтоз адибларимиз таъсирланди ва шайх фикрларига ҳамоҳанг қарашлар акс этган асарлар қаламга олинди. Атоқли тасаввуфшунос Нажмиддин Комилов “Тасаввуф” номли китобида шайх ҳаёт мезонига қисқа чизгилар беради: “Шайх Нажмиддин Кубро фақрликни одат қилган, барча молу мулки, бисотини камбағалларга бўлиб бериб, ўзи “куффор аҳли”, яъни мўғул босқинчиларига қарши жангга отланган эди” [1;117]. Шайхнинг “Фақрлик ҳақида рисола” асари ҳам унинг аҳли тариқат пешвоси сифатидаги баҳс-мунозараларидан иборат бўлиб, адабиётдаги ғоя ва тасвирнинг бойишига хизмат қилган. Мазкур асаридаги тасаввуфий-ахлоқий қарашлар билан ҳам Алишер

Навоийнинг лирик ва насрий асарларидаги тушунчалар ўртасида фикрлар ҳамоҳанглигига гувоҳ бўламиз. Нажмиддин Кубро: “Дунёнинг бир қисмини кезиб чиқдим, кўп ишларни тажриба қилдим, қийинчиликларга йўликдим, кишилар билан суҳбат қурдим, улуғ ишларга қадам босдим, тирикчиликнинг аччиқ-чучугини тотдим, китобларга мурожаат қилдим, олимлар хизматида бўлдим, умримни дунё излаш билан зое ўтказмадим, ажойиботларни кўрдим”, дея бошлайди ўз асарини” [6]. Худди шунга ўхшаш ҳаётий хулосаларни Алишер Навоийнинг олтимиш йиллик умрига яқун ясаган асари “Маҳбуб ул-қулуб”да ҳам кузатамиз: “...Бу хоксори паришон рўзғор шабоб авонининг бидоятидин куҳулат замонининг ниҳоятигача даврон воқеотидин ва сипехри гардон ҳодисотидин ва даҳри фитнангиз буқаламуналиғидин ва замонаи рангомиз гуногунлиғидин муддати мадид ва аҳди баит ҳар нав шик ва суратда ақдом урдим ва ҳар тавр сулук ва қисватда югурдим ва ўзумни яхши-ямон хизмат ва суҳбатиға еткурдим. Гоҳ мазаллат ва ано вайронида шеван кўргуздим ва гоҳ иззат ғино бўстонида анжуман туздим” [2;452]. Парчадан маълум бўлмоқдаки, инсоннинг ҳаётдаги мақсад ва маслағи, рухий ҳолати унинг “ҳаёт мадрасаси”дан олган сабоғи билан алоқадор экан, бу борада ҳар иккала мутафаккир шахсиятининг хулосалари ҳамоҳанг. Бундай буюк шахсларнинг мураккаб, машаққатли ҳаёт йўли ва қалбнинг ранг-баранг эврилишларини маҳорат билан кўрсата олган ижод мактабини авлодларга тўғри таҳлил ва талқин қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 445 б.
2. Навоий, Алишер. МАТ 3-4-9-жилд. – Тошкент: Гафур Ғулом, 2013, 768 б.
3. Раҳмонова З. “Маҳбуб ул-қулуб”да иршод талқини //Ўзбек тили ва адабиёти, 2019. – №1. – 133 б.
4. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 261 б.

5.Гўкбулут С. “Нажмиддин Кубро”. Инсон яйинлари. – Истанбул, 2010. – 320 б.

6.Шайх Нажмиддин Кубро. Фақирлик ҳақида рисола, М. Маҳмуд таржимаси.
www.kh-davron.uz.

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВНИНГ БАДИИЙ ҚАҲРАМОН ПСИХОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Муяссар ТИЛОВОВА

ўқитувчи

Қарши Давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Шукур Холмирзаевнинг бадиий қаҳрамон психологиясини яратиш маҳорати кўрсатилган. Бадиий асарда психологизмнинг аҳамияти ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: психологизм, адабиёт, психологик таҳлил, онг, руҳият, характер, диалог, мимика, архаизм, неологизм, диалектизм.

МАСТЕРСТВО ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВА ПО СОЗДАНИЮ ПСИХОЛОГИИ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ГЕРОЯ

Муяссар ТИЛОВОВА

преподаватель

Каршинский государственный университет

Карши, Узбекистан

Аннотация

В этой статье раскрывается мастерство писателя Шукура Холмирзаева по созданию психологии художественного героя. Анализируется значение психологизма в художественном произведении.

Ключевые слова: психологизм, литература, психологический анализ, знания, сущность, характер, диалог, архаизм, неологизм, диалектизм.

Ҳар қандай бадиий асар, ҳар турли характерли қаҳрамонлар асосида муаллифнинг онг феномени ётади. Асар яратилиши ижодкорнинг тасаввуридан бошланиб, ҳаётнинг турфа кўринишлари, персонажлар психологияси, воқеликлар – барчаси аввал онгда, ижодкор онгида акс этади.

Биз қуйида Шукур Холмирзаевнинг ҳикоялари орқали адибнинг “мен”ига мурожаат қиламиз. Чунки ижодкорни чуқурроқ англаш учун уни ўз асаридан топамиз. Асардан олинган хулосалар асосида Холмирзаевнинг феноменини англаймиз. Аввало, гап ижодкор услуби устида боради. Услуб содда, ўқувчига қийинчилик туғдирмайди. У қаҳрамонлар психологиясини

кўпроқ ровий тилидан, яъни ўз баёни орқали беради. Ижодкор ҳаётининг маълум даврида, дейлик болалигида, дунёни болаларча кўради. У яшаган муҳит, атрофидаги одамлар ва уларнинг турфа психологияси умумлашмаси асарда уфуриб туради. Бу биргина деталнинг қўлланиб ўтишида ёки биргина шевага хос сўзларнинг, ибораларнинг ишлатилишида кўринади. Шукур Холмирзаевнинг “Банди бургут”, “Тўп ўйин”, “Қулоқ чўзма”, “Зов остида адашув” ҳикоялари айнан бола тилидан, бола нигоҳидаги дунё тасвирида берилади. Тасвирнинг бундай тиниклигига эришишга сабаб, муаллифнинг болаликдаги яшаш муҳити, ён-веридаги одамлар, уларнинг нечоғлиқ содда ва чопанилиги, тоғлар ҳаёти, қишлоқликларнинг турмуш тарзини ўз кўзи билан кўргани, уларнинг ичида яшагани билан боғланади. Бу муҳит таъсири эса адибда ўз кўзи билан кўрмаган воқеа-ҳодисаларини ҳам худди гувоҳи бўлгандек тасвирлай олиш имконини яратади. Айнан ёзувчи онгидаги тасаввурнинг қоғоздаги акси ўқувчини асар мағзига олиб боради. Эътибор қилсак, бу ҳикояларнинг ёзилган йиллари ҳам деярли бир вақтга тўғри келади (1996-71 йиллар). Турмушдаги ўзгаришлар, ҳаётга янги-янги одамларнинг кириб келиши, жамиятдаги эврилишлар, тузумлар алмашуви ижодкорда катта тажриба тўпланишига олиб келади. Ижодкорга хос кузатувчанликнинг ўткирлашуви, дунёқарашнинг кенгайиши, руҳиятга берилган зарбалар ёзувчини улғайтиради. Бу улғайиш эса янги қаҳрамонларнинг туғилишига, янги ғояларнинг дунёга келишига сабаб бўлади. Бадиий ижод ҳодисасининг қонунияти шундай. Муаллиф ўсиши билан унинг қаҳрамонлари ҳам улғаяди. Ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарай бошлашади. Уларнинг психологияси ўзгаради. Шукур Холмирзаевнинг “Қушлар қишлоқдан қайтди”, “Ўзбек бобо”, “Озодлик” ҳикоялари қаҳрамонлари анча ўсган персонажлар. Бунда ровий воқеалар ривожига аралашмайди, нейтрал туради. Аслида ижодкор ҳеч қачон нейтрал бўла олмайди. Сабаби, ўзи яратаётган асаридаги қайсидир қаҳрамон унинг “мен”и. Қайсидир персонаждан нафратланади. Уларнинг психологик ҳолатларига тушади. Тасвирнинг ишонарли чиқиши учун образлар руҳиятини ҳис

этмасликнинг иложи йўқ. Лекин Шукур Холмирзаев воқеалар ривожини, табиийлигини ўз ҳолига ташлайди. Мазмунни қаҳрамонлар характери, диалоглари билан очиб беради. Бундан ташқари ҳикояларда озодлик, муҳаббат, адолатсизликка қарши исён, анъаналарни қадрлаш каби умумий мотивлар ҳам бор. Аммо бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари психологиясида ўхшашликлар учрайди. Масалан, “Қушлар қишловдан қайтди”, “Ўзбек бобо” асарларида макон ва замон, персонажлар руҳияти бир-бирига яқин. Бу ижодкор яшаган давр, ўз кўзи билан кўрган одамларининг характери туфайли бўлса керак. Ахир ўтган аср тарихда ўчмас из қолдирган воқеаларга жуда бой бўлган. Жамият алмашинуви, йирик-йирик миллатлар тизгинини ушлаб, уларнинг тақдирини бемалол ҳал қилган тузумнинг қулашига гувоҳ бўлган. Бунинг таъсири оддий деҳқон ҳаётида акс этганида, халқ зиёлилари бўлган ёзувчиларда портлаш бўлиши табиий эди. “Қушлар қишловдан қайтди” ҳикояси қаҳрамони ҳам айни шу вазиятга дуч келган, ҳамон хурликка ҳадиксираб қарайдиган кекса кампир. У неча йиллаб бир ғояга сидқидилдан хизмат қилган бўлса-да, юрагининг туб-тубида асли бошқа ният ухлаган. Ёзувчи ўзлигига содиқ қолган кампир портретини шундай чизади: “Букчайган гавда, бу хаста қалтироқ товуш ва ожиз кулгуда ҳайратланарли даражада аёллик барқ урар, чириқ хазонлар остида ниш отувчи чечакларнинг шарпаси сезиларди” (“Қушлар қишловдан қайтди” ҳикояси). Кекса одамнинг бу каби чизилган портрети китобхонни ишонтира олган. Чехов руҳиятни тасвирлар экан шундай дейди: “Кишининг қайғу ва аламларини қўл ва оёқ билан эмас, балки ҳақиқатда биз уларни қандай кўрсак, шу равишда, юз-кўзда, кишининг авзоида, сўзининг оҳангида бўлган ўзгаришлар билан, дағал ҳаракатлар билан эмас, ингичка имолик иборалар билан тасвир қилмоқ керак”. Ёки ҳар жумласига сўкиниш қўшадиган чапани қишлоқ йигити “Шунинг учун, ҳе, бодрий бўлиб ҳе энағарди энаси” (“Қушлар қишловдан қайтди” ҳикояси), бундай гапириш адибнинг “Ўзбек бобо” ҳикоясида ҳам учрайди. Ёки ўзбек тилига бузилган рус сўзларининг қўшиб ишлатилиши, “Капикка олмайман бировларингди” (“Қушлар қишловдан қайтди” ҳикояси),

“Биттаси билан переговор оборяпман” (“Ўзбек бобо” ҳикояси). Лекин бу муаллифнинг хатоси эмас. Чунки Шукур Холмирзаев халқ анъаналари, удуми ва соф ўзбек тилининг катта билимдони эди. Масалан, “Қушлар қишлоvdан қайтди” ҳикоясида миллатимизда хотин эрини ҳурмат қилиб, унга муурожаат қилганда тўнғич фарзандининг исми билан чақириси, “Зов остида адашув”да чўпонлар жаргонларини ўз ўрнида қўллай олган адиб соф адабий тил ва бузилган тилни бир-биридан яхши фарқлайди, албатта. Персонажлар рус сўзларини аралаш ишлатганлари эса иждокор қаҳрамонининг психологиясини очиб беришда диалогларни ҳеч қандай қоғозга ўрамагани ва сохталик аралаштирмаганидир. У борини борича, кўрганини кўрганидек тасвирлайди. Қаҳрамонни типиклаштириш ва индивидуаллаштириш мақсадида ёзувчи зарур бўлганида бадий тил лексикаси ресурслари – архаизм, неологизм, профессионализм, диалектизм каби элементлардан ҳам фойдаланади. Мақсад ўқувчини асар психологиясининг моҳиятига олиб киришдир.

“Озодлик” ҳикоясида адиб феномени яққолроқ кўринади. Чунки бош қаҳрамон муаллифнинг айнаи ўзи. Ҳикоядаги макон ва замон муаллиф босиб ўтган йўл, у ўзида ҳис қилган ўтмиш. Айнаи шу ҳикояда қаҳрамон ўзини-ўзи таҳлил қилади. Ички монологларда унинг психологияси янаям очилади. У ўзининг бошқалар наздида “туремшик” эканидан асло уялмайди. Сабаби қаҳрамон ҳақ эди. Фақатгина ноҳақ эмаслигини, ўша жиноятга етаклаган сабабларни тушунтиролмай қийналади. Ўзини муаллим, раҳбар деб атайдиган кўрқоқлар, мулламан деб кериладиган, аслида икки оғиз калимасидан ҳам тирикчилик йўлида фойдаланадиган олчоқларни ҳазм қила олмайди. Бош қаҳрамон руҳиятига баъзида инсоннинг қилган жирканч айблари учун қонундаги жазо етарли эмасдек туюлади. Унга ўзича ҳукм чиқаришни истайди, шундай қилса адолат тиклангандай туюлади. “Жўрабoшимиз уни ўлдириб, туалетга ташлаб юборди, – хотиржамгина деди Мансур. Ана шу, бошини озод кўтарди. – Шу ишни одам ўлдириш дейсизларми, қотиллик дейсизларми, менга барибир, лекин ҳукмни

маъқуллаганман. Айбим шу...” (“Озодлик” ҳикояси). Шу ўринда қаҳрамоннинг бошини озод кўтариш ҳолати берилган. Психологияни ёритишда жест ва мимикаларнинг ўрни бекиёс. Лекин ҳаракатнинг бундай берилиши ўқувчини бироз ўйлантиради. “Тўғри, баъзи масалаларни тушунтиришда чўпондан ҳам баттарман, – деди Мансур ва чираниб портлади”, “муаллим кети билан қорға тушди, ўтириб қолди ва бирдан бошини эгиб, хўнграй бошлади”, “Сўнгра бирдан тўхтаб, баралла йиғлаб юборди-да, шарт қайрилиб буларнинг ёнига келди”. (“Озодлик” ҳикояси)

Ёзувчи қаҳрамон руҳиятини турли усуллар билан ёритишнинг устаси. Аммо биз юқорида кўриб ўтган ҳолатларда психик жараён бироз бўрттирилгандай, бироз ёпишмагандай туюлади. Чунки баралла йиғлаб юбориш ғализроқ тушунча. Инсон психологиясида кулгу ва йиғининг ҳам даражалари бор. Бу қайси даража? Бунинг устига эркак киши. Ҳиссий портлаш рўй берган тақдирда, унинг кейинги босқичларида киши ўзини тута олмасдан қолади, қилаётган ишининг оқибатини ўйламайди ва ақл-хушини йўқотиб қўяди. Аммо ҳикояда қаҳрамонлар бундай вазиятга тушиш асносининг ўзида яна илгариги кайфиятига қайтишади. Ҳис-туйғуларнинг ҳиссиёт (эмоция)лар, кайфиятлар, кучли хаяжонланиш тарзида бошдан кечирилиши чоғида маълум даражада сезиладиган ташқи белгиларга ҳам эга бўлади. Юзларнинг ифодали ҳаракатлари, қўл ва гавданинг маъноли ҳаракатлари, турқи-тароват, оҳанг, кўз қорачиғларининг кенгайиши ёки торайиши кабилар шулар жумласига киради. Аммо муаллиф бундай вазиятларга тўхталиб ўтмайди. Ҳикояда руҳиятни ёритиш билан боғлиқ баъзи жузъий камчиликлар кўзга ташланадигани, улар ҳикоянинг умумий конструкциясига таъсир этмайди.

Ҳикоянинг ютуқли жиҳатлари жуда кўп. Биз мазмунни назарда тутмаяпмиз. Мавзу минглаб асарларда такрорланган, бироқ ҳар бирида алоҳида жиҳати ёритилган озодлик ҳақидаги ўлмас мавзу. Диалоглар орқали персонажлар психологиясини ёритиб берган муаллиф ўқувчида инсоннинг

ташқи кўринишига ёки бошдан кечирганларига қараб баҳо бериб бўлмаслигини, аслида кўнгли нима дейди, шуниси муҳим эканини тасвирлашга уринган. Бунинг уддасидан чиққан ҳам. “Мансуржон, сен кетдинг, кўзда ёш қолди, Орқангдан отилган парча тош қолди”. Муаллиф шу парчани ёзган домлани таърифлар экан “туҳмат билан қамалган” деган жумлани ўз ўрнида ёпиштириб ўтади. Бундан ташқари ортидан тош отиб, бу ерга қайтиб келмаслигини чин дилдан ишташ иримини ҳам келтирадики, ўқувчида қамокдаги одамга нисбатан ижобий фикрлар пайдо бўлади. Умуман Шукур Холмирзаев ижоди адабиётшуносларни ўйлашга ва мушоҳада қилишга ундайдиган дурдоналардан иборат.

Адибнинг “Танҳолик” ҳикояси эса бутунлай бошқа масала. Бу худди текис рельсда кетаётган поезднинг кескин бурилишига ўхшайди. Адабиётда “Муаллифнинг ўлими” тушунчаси адиб ва айни шу ҳикояга тўғри келади. Яъни муаллиф қийинчиликлари, муаллиф кечмиши, муаллиф ҳислари, муаллифнинг дунёга ва ўз дунёсидаги қарашлари бир четда қолиб фақатгина унинг асари атрофида айланамиз. Муҳокама қиламиз ва ҳайратланамиз. Ҳикоя рус ёзувчиси Лев Толстойнинг ҳаётидан олинган кичик бир лавҳадан иборат. Персонажлар ҳам санокли. Асарда деярли барча гаплар кекса ёзувчи томонидан айтилади. Бундан ташқари, реал тарихий воқеадан келтирилган фактлар асар мазмунини янада бойитган. Шукур Холмирзаев Толстойни шахсан танимаган бўлса-да, ёзишдан аввал у ҳақидаги замондошларининг эсдаликларини, асарларини ўқиган, ёзувчи руҳиятини анча чуқур ўргангани табиий. Шу сабаб ҳикоя теран мулоҳазаларга, чуқур мушоҳадага асосланиб ёзилган. Толстой шахсияти мураккаб тасвирланади, у ҳақиқатни қадрлайди, инсонни яхши кўради, ҳаётни севади, адолатсизлик, зулм билан муроса қила олмайди. Руҳиятида ҳамиша исёнкорлик бор. Адабиётда етакчи мавзулар жуда кўп. Муҳаббат, ватанпарварлик каби ўлмас мавзулар. Аммо ҳар иккисининг ҳам аввалида инсонпарварлик деган тушунча бор. Инсонпарварлик руҳи билан суғорилган асарлар миллат, ирк, тил, замон

танламайди. Ҳикоядаги диалоглар тарихда айтилганми йўқми бундан аниқ хабардор бўлолмаймиз. Бизга ва ёзувчига аёни Толстойнинг подшоҳга йўллаган мактуби мазмунидир. Бу тарихий ҳужжат сақланиб қолган, албатта. Аммо бошқа фикрларнинг барчасини Шукур Холмирзаев Лев Николаевич тили билан ёзган. Кенг дунёқараш, одамларни севиш, хуллас, муаллиф асари орқали ўзи истамаган тарзда ўзини сотиб қўяди. Ҳикоя бадиий асардан кўра кўпроқ ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги мушоҳадасига ўхшаб қолган. Масалан, шундай фикрлар келтирилади: “Кўнгилда гап кўп”, “Олимлар, танқидчилар худди руҳонийларга ўхшашади”. Асардан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жан Пол Сартр феноменологияни тадқиқ қилар экан, дастлаб муаллиф онг феноменига бежизга тўхталмаган. Чунки китобхон мушоҳадаси, танқидчиларнинг фикрлари булар кейинги масала. Энг катта босқич асарнинг туғилиши, адиб онгида қандай пўртана, исён, таназзул, руҳий тушкунликлар содир бўлади бу жараёнда. Баъзан асл “мен” ига қарама-қарши ёзади, ўзлигига хиёнат қилади ижодкор. Бундай хиёнатларнинг жабрини ёлғиз ўзи тортаётган адиб психологияси Толстойнинг хаёлий монологлари орқали очиб берилади. Ёзувчи психологиясига хос энг катта унсур бу барралла айтолмаган ўз ҳақиқатларини қаҳрамонларига юклайди, уларнинг тилидан гапиради. Ижод психологиясида ижодкор қаршисида китобхонни кўради. Бор ҳақиқатларини унга айтади. Асар ёзилганидан кейин дунёга келадиган танқид, таҳлиллар ҳақида ўйламайди.

Толстой бир умр ўз эътиқодларига содиқ қолган ҳолда доим унга қарши чиқадиганлар билан яшаганига, ҳамнафас яқинлари ҳеч қачон уни тушунишмаганига, фикрларидан воз кечишга ундаб руҳиятига берган кийноқлари тўғрисида ўйлайди. “Керак эмас...Одамлардан фарқланишни сира истамайман. Мени кўтариб қўясизлар, ўзимдан хижолат тортиб юраман”, деган фикрлар берилади қаҳрамон тилидан. Аслида инсон психологияси алоҳида эътирофни, мақтовни яхши кўришга мойил бўлади.

Демак Толстой чинакам ёзувчи. Кўнгли буюргани учун, ёзишдан бошқа чора тополмагани учун қалам тебратади. Бойлик ёки шуҳрат орттириш учун эмас. Йўқса “Нобел” мукофотини ўйламасдан рад қилмас эди. Ҳикояда Толстой психологияси кичик тасвирларда бўй-басти билан намоён бўлади: “Ўтган гуноҳлар (гуноҳларини Лев Николаевич аниқ эслолмас, аммо ҳар қадамда ҳис қиларди) учун тавба қилиш, ҳа, ҳа, руҳонийдан “гуноҳларини сўраб беринг”, деб илтимос қилиш эмас, Олло таолодан, ҳа, фақат унинг ўзидан сўраш”.

Шукур Холмирзаев барча фикрларни Толстой тилидан гапирди. Иложи борича воқеалар оқимиға аралашмисликка уринади. Хулосани китобхоннинг ўзига қолдиради. Сабаби ҳеч бир китобхон бадиий асарни нейтрал кайфиятда ўқимади. Қайсидир қаҳрамон томонда туриб, унга хайрихоҳ бўлади. Агар унинг сезгиларини жимирлатмаса, ўйлашга мажбур этмаса адабиётга бундай асарнинг нима кераги бор? Ижод психологиясининг моҳияти шундай, адиб ичидаги фикрларни қаҳрамонлари воситасида юзага чиқаради.

Шукур Холмирзаевнинг “Яшил Нива” ҳикояси психологияси “Танҳолик” ҳикоясига ўхшаб кетади. Бу ҳикояда ҳам ёзувчи қаҳрамон психологиясини ички монолог воситасида очиб беради. Қаҳрамон кимлигини, нимадан кўрқшини, ҳаёт тарзини, эътиқодини фақат ич-ичидан тан олади. Ўзини ҳатто энг яқин одамларига сотиб қўйишни истамайди. Персонаж руҳияти жамият, одамлар, муҳит билан келишишни истамайди, аммо сулҳга мажбур. Чунки ҳаётнинг ёзилмаган қонунияти шундай. Ижодкор, аввало, инсон. У бошқаларга қандай яшашни асарида ўргатиши мумкин, бироқ унинг ўзи айтганидек яшаши қийин. Ёзувчи бу ҳикояда ўз-ўзини таҳлил қилади. Қаҳрамон баъзи жиҳатлари билан мақтанса, баъзи иллатларидан нафратланади. Аммо инсон фазилату иллатлари билан тириклигини тан олиб ўтади.

Ижод – бу доим ҳаракатда бўладиган, бир жойда тўхтаб қолмайдиган жараён. Унинг мазмун ва шакл жиҳатдан турлари кўп. Бироқ бадиий адабиёт қайси кўринишда бўлмасин мақсади фақат бир нарсага қаратилган. Инсонни руҳий камолга етказиш, ҳаёт тарзини осонлаштириш, кўнгилини яхшилик ва ёруғликка тўлдириш. Адабиёт асар мағзини тушунган ва асарнинг ичига кириб кета олган китобхон учун умр кўзгусига айланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алимухаммедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир. Тошкент: Турон-Иқбол, 2011.
2. Кенжаева П.У. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон психологиясини тасвирлаш тамойиллари фил фан номз дисс. – Тошкент, 2008.
3. Турышева О.Н. Теория и методология зарубежного литературоведение. Флинта: Наука.
4. Ғозиев Э. Умумий психология.–Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010.
5. E.Gusserl. General introduction to a pure fenomenologiy. Boston, Lankaster 1983. P.19

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИ ДАРАЖАЛАРГА АЖРАТИШНИНГ ЗАРУРАТИ ВА АҲАМИЯТИ

УДК 821.512.133

Орифжон Абдусобирович ЧОРИЕВ

ўқитувчи

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

o.choriev@tsul.uz

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек тилини даражаларга ажратишнинг зарурати ва аҳамияти ривожланган тиллар мисолида ёритилган. Бунда инглиз тили тажрибаси мисол тариқасида кўрсатилган.

Таянч сўзлар: халқаро тил, даражаланиш, инглиз тили, ҳозирги ўзбек адабий тили, лексик сатҳ, морфологик сатҳ, грамматик сатҳ.

НЕОБХОДИМОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ КЛАССИФИКАЦИИ ПО УРОВНЮ СОВРЕМЕННОГО УЗБЕКСКОГО ЛИТЕРАТУРНОГО ЯЗЫКА

Орифжон Абдусобирович ЧОРИЕВ

преподаватель

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

o.choriev@tsul.uz

Аннотация

В данной статье рассматривается необходимость и важность разделения узбекского языка на уровни на примере развитых языков. Примером этого является опыт английского языка.

Ключевые слова: международный язык, уровни языка, английский, современный узбекский литературный язык, лексический уровень, морфологический уровень, грамматический уровень

Бугунги кунда статистик маълумотларга қараганда дунёда 7000дан ортиқ тил мавжуд. Дунё миқёсида тилларнинг фаоллик даражасига қарайдиган бўлсак, 100га яқин тил ўз ўрни ва нуфузига эга ва бу тиллар халқаро платформада фойдаланиб келинади. Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий тили сифатида бта – араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан тиллари эътироф этилади. Бу ўринда ушбу тилларда сўзлашувчи мамлакатлар ва уларнинг аҳолиси сони ҳисобга олинган.

Таъкидлаш ўринлики, инглиз тили энг кўп аҳоли сони гаплашадиган тил бўлмаса-да, бу тил бутун дунёни забт этган. Нега бошқа тиллар бундай устун мавқега эга бўлолмаган ёки бу тилнинг қайси жиҳатларини алоҳида эътироф этиш лозим деган саволлар туғилиши табиий [1].

Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда инглиз тили 53та мамлакатда расмий тил ҳисобланади ва дунё бўйлаб 400 миллиондан ортиқ одам ана шу тилда мулоқот қилади [3]. Бу ерда бир жиҳатга аҳамият бериш лозим. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида инглиз тили иккинчи тил ҳисобланади ва бу рақамлар инглиз миллатига мансуб кишиларнинг кўплиги билан эмас, балки бошқа миллат вакиллариининг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишининг юқорилиги билан изоҳланади. Бундай натижага қандай эришилган, нега бошқа тиллар ҳам шундай ривожлана олмаяпти деган саволлар юзасидан мулоҳаза юритиб кўрамиз.

Биринчидан, инглиз тили корпуси яратилган.

Иккинчидан, инглиз тили грамматикаси деярли мукамал шаклга келтирилган.

Учинчидан, инглиз тилини ўзга тилли шахслар ўрганиши учун даражаларга ажратилган ва ҳар бир даража чегаралари белгилаб олинган.

Тўртинчидан, инглиз тилини ўзга тилли шахслар ўрганиши учун даражаларга ажратилиши натижасида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Бешинчидан, инглиз тили грамматик ва морфологик жиҳатдан соддалаштирилган ва осонлаштирилган.

Қолаверса, инглиз тилининг бу мавқега эришишида ўзга тилли шахсларга тилни ўрганиш учун барча асослар яратиб қўйилган ва тилни сунъий интеллектда ҳам бемалол фойдаланиш мумкинлиги мазкур тилнинг энг катта ютуқларидан ҳисобланади.

Шу ўринда диққатимизни ўзбек тилига қаратайлик. Таъкидлаш жоизки, ўзга тилли шахслар ўзбек тилини ўрганишлари учун етарли манбалар мавжуд эмас. Албатта, ўзбек тилини ўрганган ўзга тилли шахслар ҳам бор. Аммо уларнинг бу тилни турли манба ва қўлланмалар асосида

ўрганаётганлиги, ўзбек тили грамматикасидаги истисно ва ҳар хилликлар бўйича қийинчиликлар мавжудлиги таъкидланади. Маълумки, инглиз тили ҳам истисно ва камчиликлардан холи эмас. Бу тилда ҳам етарлича камчилик ва нуқсонларни қайд этиш мумкин. Аммо ўзга тилли шахслар ўрганиши учун махсус тизим яратилганлиги ва унда ўқиш, ёзиш, тинглаш ва гапириш кўникмаларининг аниқ чегаралари белгилаб олинганлиги таҳсинга сазовор.

Демак, ўзбек адабий тилининг ҳам корпусини яратиш лозим. Шунингдек, уни хорижий фуқаролар ўрганиши учун манбалар ишлаб чиқиш, сунъий интеллектда фойдаланиш, тил базасини яратиш долзарб масалалардандир. Тилни даражаларга ажратиш зарурати ўзга тилли инсонларнинг ўзбек тилини ўрганиши учун муҳим ҳисобланади.

Тилни даражаларга ажратиш учун дунё тилшунослигида қандай ҳал қилинган? Ушбу тизим 1971 йилдан бери турли ишчи гуруҳларда ишлаб чиқилган ва натижалар Европа Кенгаши томонидан мустаҳкамланган. Натижада тилларни яхши таққослашга имкон берадиган стандартлаштирилган даражадаги тизим пайдо бўлди. Бу инглиз, немис, француз ва испан тили тестларида, шунингдек бутун дунёда қўлланилади ва даражалар қуйидагича таснифланади [4].

Даражалар:

A1 – кундалик таниш ибораларни ва аниқ турдаги эҳтиёжларни қондиришга қаратилган жуда оддий ибораларни тушуниши ва ишлатиши мумкин. У ўзини ва бошқаларни таништира олади ва шахсий тафсилотлари, масалан, қаерда яшаши, билган одамлари ва ўзи бор нарсалар ҳақида саволлар бера олиши, жавоб бериши мумкин. Секин ва аниқ гаплашиши ва ёрдам беришга тайёр бўлиши шарти билан содда тарзда ўзаро алоқада бўлиши мумкин.

A1 даражада ишлаб чиқилган инглиз тилидаги қўлланма номи BEGINNER, яъни бошланғич деб номланган. Бу қўлланмада саломлашиш ва танишиш, оила ва дўстлар ҳақида қисқача ифодалай олиш, кундалик фаолиятда зарур бўладиган муомала муносабатлари, вақтни айта олиш,

қисқача табриклай олиш кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратилган. Шу билан биргаликда, мазкур масалаларда зарур бўлган барча умумий қоидалар ҳақида тушунчалар бериб борилган. Масалан, олмошларнинг фақат юқоридаги муомала шаклларида зарур бўладиганлари тушунтириб ўтилган [5].

А2 – энг долзарб аҳамиятга эга бўлган соҳалар билан боғлиқ бўлган жумлаларни ва тез-тез ишлатиб турадиган ибораларни (масалан, шахсий ва оилавий жуда оддий маълумотлар, харидлар, маҳаллий география, бандлик) тушуниши мумкин. Оддий ва одатий масалалар бўйича содда ва тўғридан-тўғри маълумот алмашишни талаб қиладиган одатдаги вазифаларда мулоқот қила олади. Ўзининг келиб чиқиши, яқин атроф-муҳитини ва зудлик билан зарур бўлган масалаларни содда қилиб баён эта олади.

А2 даражада ишлаб чиқилган инглиз тилидаги қўлланма номи ELEMENTARY, яъни бошланғич даражанинг юқори поғонаси, деб номланган. Бу қўлланмада маълум бир шахслар билан суҳбатлаша олиш, дунёдаги мавжуд касблар ҳақида тасаввурга эга бўлиш, ҳозир ва ўтган замонга ишора қилиб гапира олиш, яшаш жойи ҳақида батафсилроқ маълумот бера олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида билиш, қиёсий маънони ифодалай олиш кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратилган. Шу билан биргаликда, мазкур муомала муносабатида зарур бўладиган грамматик қоидалар ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, сифатнинг фақат қиёсий даражаси ҳақида тушунтириш берилиб, қолган даражалар ҳақида маълумот берилмаган [6].

Б1 – ишда, мактабда, бўш вақтларда ва ҳоказоларда мунтазам равишда учрайдиган таниш бўлган масалалар бўйича аниқ маълумотларнинг асосий нуқталарини тушуниши мумкин. Ўзингизга таниш ёки шахсий қизиқиш мавзуларида оддий боғланган матнни ишлаб чиқиши мумкин. Тажриба ва воқеаларни, орзуларни, умидларни ва амбицияларни тасвирлай олади ва қисқача фикр ва режалар учун сабаблар ва тушунтиришлар бера олади.

Б1 даражада ишлаб чиқилган инглиз тилидаги қўлланма номи PRE INTERMEDIATE, яъни қуйи-ўрта даража, деб номланган. Бу қўлланмада мавзулар бироз ихтисослаштирилган ва атрофлича грамматик қоидаларга ҳам тўхталиб ўтиш бошланган. Масалан, феълнинг энг кўп ишлатиладиган ўтган, ҳозирги ва келаси замон шакллари ҳақида тушунтириш берилган. Миқдорни ифодалашга хизмат қилувчи сўзларнинг энг зарурлари ҳақида маълумот берилган. Мавзулар ҳам ҳаётий-маиший масалаларга қаратилган. Жумладан, магазинга бориш ва харид қила олиш, ёқтирган нарса ҳақида айта олиш, хаёл ва реаллик ҳақида гапира олиш кўникмаларига эътибор қаратилиб, мавзулар чуқурлаштирилган ҳолда берилган [7].

Б2 – аниқ ва мавҳум мавзулардаги мураккаб матннинг асосий ғояларини, шу жумладан ўз мутахассислиги соҳасидаги техник мунозараларни тушуниши мумкин. Бирон-бир равлонлик ва спонтан ҳолда таъсир ўтказиши мумкин, бу она тилида сўзлашувчилар билан ҳар қандай томон учун зўриқишсиз мунтазам равишда ўзаро алоқада бўлишни таъминлайди. Турли хил мавзулар бўйича аниқ, батафсил матнни ишлаб чиқиши ва турли хил вариантларнинг афзалликлари ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда долзарб масала бўйича нуқтаи назарини тушунтириши мумкин.

Б2 даражада ишлаб чиқилган инглиз тилидаги қўлланма номи INTERMEDIATE, яъни ўрта даража деб номланган. Бу қўлланмадан бошлаб ҳар бир мавзуга мос феъл замони, от сўз туркуми, олмошлар ва сифатлар ҳақида энг зарур қисмлар тушунтириб борилган. Луғат бойлигига ҳам эътибор қаратилган. Ҳар бир мавзу доирасида грамматик, лексик ва морфологик қоидалар мавжуд [8].

С1 – талабчан, узоқроқ матнларнинг кенг доирасини тушуниши ва яширин маънони таний олиши. Ўзини аниқ ибораларни қидирмасдан равшан ифода этиши мумкин. Ижтимоий, илмий ва касбий мақсадларда тилдан мослашувчан ва самарали фойдаланиши мумкин. Мураккаб мавзулар бўйича аниқ, яхши тузилган, батафсил матнни ишлаб чиқиши мумкин, бунда

ташкилий нақшлар, улагичлар ва уйғунлик мосламаларини бошқаришда фойдаланилади

C1 даражада ишлаб чиқилган инглиз тилидаги қўлланма номи UPPER INTERMEDIATE, яъни ўрта даражанинг юқори поғонаси, деб номланган. Бу қўлланмада гаплар қурилиши жиҳатидан соддадан мураккабликка қаратилган. Махсус билим талаб қилинадиган қоидаларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Модаллар ва қўшма гаплар, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ҳақида маълумот берилган. Феъл замони, от сўз туркуми, олмошлар ва сифатлар ҳақида кенг ва батафсил тушунтириб борилган. Махсус сўроқ сўзлардан фойдаланиб савол бериш кўникмаларига алоҳида урғу берилган. Луғат бойлиги янада чуқурлаштирилган [9].

C2 – деярли эшитилган ёки ўқилган ҳамма нарсани осонликча тушунади. Турли хил оғзаки ва ёзма манбалардан олинган маълумотларни умумлаштира олади, изчил тақдимотда аргументлар ва ҳисобларни қайта тиклайди. Ўзини жуда равон ва аниқ ифода эта олади, энг мураккаб вазиятларда ҳам нозик маъно қирраларини фарқлайди.

C2 даражада ишлаб чиқилган инглиз тилидаги қўлланма номи ADVANCED, яъни юқори даража, деб номланган. Бу қўлланмада грамматиканинг умумий муомала маданиятида зарур бўладиган барча қоидалар акс эттирилган. Тилда мавжуд қоидага мос тушмайдиган истиснолар, маълум характердаги қоидалар ҳам тушунтириб ўтилган. Махсус филологик билиб талаб этилмайдиган муомала учун зарур барча масалалар акс эттирилган. Модаллар ва қўшма гаплар, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ҳақида чуқурроқ маълумот берилган [10].

Мазкур берилган даражалар бўйича ишлаб чиқилган қўлланмаларнинг эътироф эътиш лозим бўлган жиҳатлари жуда кўп. Бу қўлланмаларда грамматик қоидалар фақат мавзуга мос ва ҳар бир шу тилда сўзлашувчи шахснинг уйда, ишда, кўчада ва бошқа ўринларда энг зарур билим ва кўникмаларидан келиб чиққан ҳолда соддадан мураккабликка қараб амалий шакллантирилган. Шунинг учун ҳам тилни ўрганиш осон ва қулай.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилига ҳам амалий ёндашиш зарур. Асосий эътибор грамматик қоидаларга эмас, тилда ўзаро муомала қилиш кўникмасига қаратилиши ва ўзбек тили ҳам даражаларга ажратилиб ўзга тилли шахслар ўрганиши учун ишлаб чиқиши лозим [2]. Ўзбек тилини даражаларга ажратишда аввало тилнинг асосий сатҳларини қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- лексик сатҳ;
- морфологик сатҳ;
- грамматик сатҳ.

Мазкур сатҳлардан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилини бошланғич даражадан юқори даражагача билиш поғоналарини қуйидаги босқичларда бериш лозим, деб ўйлаймиз:

1. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг биринчи даражаси:

- а) ҳозирги ўзбек адабий тили биринчи даражасининг лексик асоси;
- б) ҳозирги ўзбек адабий тили биринчи даражасининг морфологик асоси;
- д) ҳозирги ўзбек адабий тили биринчи даражасининг грамматик асоси.

2. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг иккинчи даражаси:

- а) ҳозирги ўзбек адабий тили иккинчи даражасининг лексик асоси;
- б) ҳозирги ўзбек адабий тили иккинчи даражасининг морфологик асоси;
- д) ҳозирги ўзбек адабий тили иккинчи даражасининг грамматик асоси.

3. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг учинчи даражаси:

- а) ҳозирги ўзбек адабий тили учинчи даражасининг лексик асоси;
- б) ҳозирги ўзбек адабий тили учинчи даражасининг морфологик асоси;
- д) ҳозирги ўзбек адабий тили учинчи даражасининг грамматик асоси.

4. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг тўртинчи даражаси:

- а) ҳозирги ўзбек адабий тили тўртинчи даражасининг лексик асоси;
- б) ҳозирги ўзбек адабий тили тўртинчи даражасининг морфологик асоси;

д) ҳозирги ўзбек адабий тили тўртинчи даражасининг грамматик асоси.

Юқоридаги каби ҳозирги ўзбек адабий тилини ҳам даражаларга ажратиш ўзбек тилини билиш даражаларининг чегараларини аниқлаб олиш имконини беради. Ҳар бир даражада юқоридаги лексик, морфологик ва грамматик асосларнинг ишлаб чиқилиши ва бу бўйича билим ва кўникмалар меъёри белгиланиши ўзга тилли шахслар учун ўзбек тилини босқичма-босқич ва қийинчиликларсиз ўрганишига ёрдам беради. Шунингдек, бу лойиҳанинг амалга оширилиши тил билиш даражасини баҳолашга ҳам хизмат қилади. Ўзбек тили ҳам халқаро майдонда муомалада бўлиши учун унинг даражалари ишлаб чиқилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрь ПФ–5850-сон Фармони // www.lex.uz.
2. Pulatova U. R. The formation and development of academic written by law students //Наука, образование и культура. – 2020. – №. 2. – С. 43-44. //
- 3.<https://www.elc-schools.com/blog/4-reasons-why-learning-english-is-so-important/>
- 4.<https://learnenglish.britishcouncil.org/>
- 5.<https://elt.oup.com/student/headway/beg/?cc=global&selLanguage=en>
- 6.<https://elt.oup.com/student/headway/elementary4/?cc=global&selLanguage=en>
- 7.<https://elt.oup.com/student/headway/preint4/?cc=global&selLanguage=en>
- 8.<https://elt.oup.com/student/headway/int/?cc=global&selLanguage=en>
- 9.<https://elt.oup.com/student/headway/upperintermediate/?cc=global&sel>
- 10.<https://elt.oup.com/student/headway/advanceddownload?cc=global&sel>

“ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИ НАШРЛАРИНИНГ МАТНИЙ-ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

Гиёсиддин Нафасович ШОДМОНОВ

Таянч докторант
Қарши Давлат Университети
Қарши, Ўзбекистон
shodmonov786@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада матншунос олим Порсо Шамсиев томонидан амалга оширилган Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони илмий-танқидий матни, нашрлари қиёсий таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Навоий, Хамса, дoston, қўлёзма, нашр, матн, матншунос, матншунослик, илмий лаборатория, мисра, байт.

ТЕКСТУАЛЬНО-СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПУБЛИКАЦИЙ ПОЭМЫ "ФАРХАД И ШИРИН"

Гиёсиддин Нафасович ШОДМОНОВ

Базовый докторант
Каршинский государственный университет
Карши, Узбекистан
shodmonov786@gmail.com

Аннотация

В настоящей статье приводится сопоставительный анализ подготовленного ученым текстологом Порсо Шамисевым научно-критического текста дастана Алишера Навои “Фархад и Ширин”, его изданий.

Ключевые слова: Навои, Хамса, поэма, рукопись, издание, текст, текстолог, текстология, научная лаборатория, стихотворная строка, байт.

Улуғ шоир Алишер Навоийнинг асрлар давомида қўлёзма ҳолида ва сўнгги даврларда босма йўл билан энг кўп тарқалган асари, шубҳасиз, унинг беш мустақил ва катта дostonларни ўз ичига олган “Хамса”сидир. Ўтган асрнинг қирқинчи йилларидан бошлаб шоир таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш жараёнларида ушбу мухташам асарни нашр этириш ишларига жиддий киришилди. “Хамса” дostonлари биринчи марта собиқ Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари томонидан 1939-1940 йилларда

бирмунча қисқартирилган ва шарҳланган ҳолда лотин алифбосида нашрга тайёрланиб, насрий баён билан ёнма-ён ҳолда эълон қилинди. Бу ишга Ғафур Ғулом, Солиҳ Муталлибов, Ғулом Каримов, Амин Умарий, Ҳусайнзода, Тўхтасин Жалолов каби шоир ва олимлар катта ҳисса қўшдилар [8]. Ушбу йилларда Алишер Навоийнинг “Хамса”си таркибидаги дostonлар ичида алоҳида ўринга эга “Фарҳод ва Ширин”нинг матни ва насрий баёни ҳам чоп этирилган эди. Хусусан, дostonнинг танқидий матни ва насрий баёни Ғафур Ғулом томонидан тайёрланиб (1940-1947), Ҳамид Олимжон сўзбошиси билан нашр этилди. Шунингдек, у (1947) Садриддин Айний томонидан “Хамса”нинг қисқартиришлар билан чоп этилган нашридан ҳам ўрин олган.

Таъкидлаш жоизки, матншунос олим Порсо Шамсиев томонидан 1960 йилда “Хамса” дostonларининг тўлиқ нашри амалга оширилди. 1963 йилда эса “Фарҳод ва Ширин”нинг илмий-танқидий матни чоп этирилди. Таъкидлаш зарурки, ушбу нашрлар навоийшуносликда катта воқеа бўлди. Бундан ташқари, Навоий асарларининг XV томлиги, XX томли “Мукамал асарлар тўплами” ва X жилдли “Тўла асарлар тўплами” ҳам китобхонлар учун муносиб тухфа бўлди.

Маълумки, нашр илмий-танқидий матнга асосланган бўлиши лозим. Порсо Шамсиев, даставвал, 1956 йил “Сабъаи сайёр” дostonининг илмий-танқидий матнини нашрдан чиқарди. Мазкур нашр таркибидаги “Сабъаи сайёр” дostonи учун олимнинг ўзи тузган юқоридаги илмий-танқидий матн асос вазифасини бажарган эди. “Фарҳод ва Ширин”да эса вазият бутунлай бошқа. Ушбу дostonнинг илмий-танқидий матни “Хамса”нинг тўлиқ нашридан сўнг, яъни ундан уч йил ўтиб босмадан чиқарилган. Бироқ ўтказилган тадқиқотлардан шу нарса аён бўлдики, олим энди бу жараёнда илмий-танқидий матн тузиш учун маълум даражада ўзи амалга оширган нашрга таянади.

Бундан ташқари, мустақилликнинг дастлабки йилларида Адабиёт институти илмий ходимлари Порсо Шамсиев бошлаган текстологик ишларни

давом эттириб, “Хамса” дostonларининг илмий текширилган ва изоҳланган нашрини чиқаришга муваффақ бўлдилар. Улар Алишер Навоийнинг XX жилдлик “Мукамал асарлар тўплами”ни (кейинги ўринларда *МАТ* деб берилди) нашр қилишда Порсо Шамсиев тузган матнларни асос қилиб олдилар ва матнларга маълум даражада тузатиш ҳамда аниқликлар киритадилар. Шу жиҳатдан “Фарҳод ва Ширин” дostonининг олим томонидан амалга оширилган илмий-танқидий матни (кейинги ўринларда *ИТМ* деб берилди) ва нашрлари орасида турли хил матний тафовутлар юзага келган. Биз қуйида дostonнинг илмий-танқидий матни, 1960 йилги нашри ва *МАТ*ни қиёслашда Навоий асарларининг “Тўла асарлар тўплами”га (кейинги ўринларда *ТАТ* деб берилди) кирган “Фарҳод ва Ширин” матнини асос қилиб олдик. Ҳолбуки, ушбу тўплам бугунга қадар амалга оширилган нашрлар ичида энг ишончлисидир.

Дostonнинг 60-йилги нашри, *МАТ* ҳамда *ТАТ*даги нашрларида IV бобидаги 3 ва 4-байтларнинг ўрни қуйидагича:

Саририга тўқуз афлок ўлуб фарш,

Тўқуз афлокни қўйғил, дегил Ари.

Солиб ҳам Аришу ҳам Курсийга соя,

Бўлуб Курсий анинг тахтига поя.

*ИТМ*да айна шу икки байтнинг ўрни алмашган:

ساليب هم عرش وهم كرسي كا سايا

بولوب كرسي انينك تختى غا پايه

سريريغه توقوز افلاك اولوب فرش

توقوز افلاكنى قويغيل ديكيل عرش

Ушбу ўринда *TAT*да байтларнинг ўрни алмашиб, мантиқий изчиллик ва тадриж таъминлангани *ИТМ* устида қайта текширишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Аввало, нашрлардаги фарқларни қуйидагича гуруҳлаш ўринли:

1. Шақлий тафовутлар; 2. Мазмуний тафовутлар.

1. Шақлий тафовутлар. Нашрларда *-оро*, *-ойин*, *-осо*, *-ангез* каби ўхшатишга асосланган бирликлар ва сўз охиридаги қўшимчаларнинг 60-йилги нашр ҳамда *TAT*да ёзилиши турлича. Мазкур бирликлар 60-йилги матнда, асосан, ўзи бирикиб келган сўздан ажратиб, *TAT*да эса қўшиб ёзилади. Масалан, дostonнинг X боб 13а мисрасидаги “хайдар ойин” бирикмаси *TAT*да “хайдаройин”, шу боб 41б мисрадаги “шиҳоб осо” *TAT*да “шиҳобосо”, XVI боб 18б мисрада “оташ ангиз” *TAT*да “оташангиз” шаклида қўшиб ёзилади. *MAT*да ҳам аксарият ўринлар *TAT* билан ҳамоҳанг, бироқ баъзи ўринларида ажратиб ёзиш ҳолатлари ҳам учрайди. Буни юқорида келтирилган “хайдар ойин” мисолида кўриш мумкин. Айни шу турдаги мисоллар нашрларда кўп учрайди. Аслида бу бирликларнинг ўзи бирикиб келган сўз билан қўшиб ёзилиши тўғри бўлади. Шунингдек, нашрларда *-га*, *-дан* келишик қўшимчаларининг *-ға(-қа)*, *-дин* (كويوگا – куёвға – куёвга; ايش دين – ишдин – ишдан), сифат ясовчи *-ги* қўшимчасининг *-ғи* (اولغى – аввалғи – аввалги) тарзида аралаш ишлатилиши кузатилади. Бундай ҳолат нашрлардаги айрим сўзларга ҳам оид. Масалан, *ИТМ*нинг I боб 5б мисрасидаги “الورغه” сўзи 60-йилги нашр, *MAT* ва *TAT*да “олурга” шаклида келади. VIII боб 91а мисрадаги “توفرغ” сўзи барча нашрларда “тупроғ” шаклида келган. Айтиш жоизки, нашрларда ана шундай тафовутлар жуда кўп. Бу ҳолатлар байтнинг мазмунига таъсир қилмаса-да, тарихий колоритни сақлаш мақсадида уларни аслига мувофиқ ёзиш маъкул.

2. Мазмуний тафовутлар. Дostonнинг илмий-танқидий матни, 60-йилги нашри ва *MAT* бир муаллиф томонидан амалга оширилган тадқиқотларга таянилишига қарамай, улар ўртасида турли хил тафовутлар

кузатилади. Бунга сабаб қилиб шуни айтиш мумкинки, олим *ИТМ* тузиш жараёнида жиддий текширишлар олиб боради ва унга кўплаб тузатишлар киритади. Қолаверса, дostonнинг *МАТ*дан жой олган матни ҳам олимнинг шогирдлари томонидан қайта текширилиб нашр этилган. Шунинг учун ҳам матнлар ўртасида турли тафовутларнинг юзага келиши табиий. Жумладан, 60-йил нашрининг IV боб 166 мисрасида шундай тузатишни кўриш мумкин. Ундаги “даврида” сўзи *ИТМ*да “طوريدا” (таврида) тарзида берилган:

Кучоқ бирла тикан басдур камоҳий,

Гадолиқ даврида онинг гувоҳи.

قوجاق برلا تیکان بس دور کماھی

کدالیق طوريدا آنینک کواھی

Луғатларга кўра, “тавр” сўзи сурати ҳол, тарз, равиш, йўсин мазмунини ифодалайди [5;264]. Демак, мазкур мисрада у гадолиқ ҳолида, гадолиқ кўринишида каби мазмунни ифодалаган. Бу ўринда *ИТМ*га танланган “طوريدا” (таврида) варианты байт мазмунига тўла мос келади. Ушбу камчилик *ТАТ* ва *МАТ*да ҳам бартараф этилган.

Нашрнинг қалам васфи ҳақидаги VI боб 76 мисрасида ҳам шундай тузатиш киритилган. Ундаги “ҳақими” сўзи *ИТМ* ва *МАТ*да “حکیم” (ҳаким) тарзида берилган:

Не қушким, қушда йўқ бу навъ жисми,

Ҳақими сунъ они айлаб тилисми.

نی قوش کیم قوشتا یوق بو نوع جسمی

حکیم صنع آنی ایلاب طلسمی

Яъни: қўйгин, уни қуш ҳам деб бўлмайди. Ундаги жисм ҳеч бир қушда йўқ. Санъатлар ҳақими (Худо) уни тенги йўқ бир тилсим қилиб яратган.

Бундай камчиликлар 60-йилги нашрнинг деярли барча бобларида мавжуд. Жумладан, XVIII боб 3а мисрадаги “учини”, XXXV боб 93б “мулам”, LI боб 30а “махсус” сўзлари билан боғлиқ хатоликлар *ИТМ*да “*اوجینی*”, “*ملمع*”, “*مخجوس*”, *МАТ* ҳамда *ТАТ*да “авжини”, “муламмаъ”, “махжус” тарзида тузатилган. Достоннинг XXXIII боб 90-байтида мазмунга таъсир килувчи яна бир фарқ кўзга ташланади. *ИТМ* ва 60-йилги нашрда байт куйидагича:

Синуқ бошига бўлмоқ лаълу дуррош,

Кўрунуб ҳажр аро ёққон киби тош.

МАТ ва *ТАТ*да иккинчи мисрадаги “ҳажр”сўзининг “баҳр”га айланрилиши мазмундаги ғализликни бартараф қилган.

Қайд этиш жоизки, айрим ўринларда илмий-танқидий матнга танланган вариантлар эмас, нашрдаги вариант тўғри бўлиб чиқади. Масалан, 60-йилги нашрнинг II боб 43б мисрасида айнан шундай ҳолат мавжуд: “чарху шафак” бирикмаси *ИТМ*да “*چروخ شفق*” тарзида хато ёзилган. Шунинг учун *МАТ* ва *ТАТ*га ҳам нашрдаги вариант кўчган. Шундай ҳолат яна нашрнинг III боби 8б мисрасида ҳам кузатилади. Унда “жон доғи” сўзлари *ИТМ*да “*جانداغی*” тарзида кўшиб ёзилади ва бу байт мазмунининг бузилишига олиб келган:

Нечукким йўқ кўнгил йўқ гамдин озод,

Бўлуб йўқ жон доғи йўқ қайғудин шод.

نيچوک کيم يوق کونکول يوق غمدين آزاد

بولولب يوق جانداغی يوق قايغودين شاد

Бундан ташқари, достоннинг *ТАТ*дан ўрин олган матнида ҳам *ИТМ* ва 60-йилги нашр билан қиёсланганда, мазмунга путур етказадиган жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Бундай камчиликлар, аввало, достоннинг кириш қисмларида учрайди. *ИТМ* ва 60-йилги нашр XXX бобнинг кириш

қисмида: “...ул *иш* кайфиятин...” жумласи *ТАТ*да “...ул кайфиятин...” тарзида келиб, “иш” сўзи тушиб қолган. XLII бобнинг кириш қисмида: “...тоғ *қуллаларида* мутлақ ул-инон қилғонлари...” жумласи *ТАТ*да “...тоғ *қулларида* мутлақ ул-инон қилғонлари...” деб берилади. Бу ўринда “қулла”нинг “чўкки” маъносини англатиши инобатга олинса, *ИТМ* ва 60-йилги нашрдаги ҳолат аслида тўғри экани маълум бўлади. Юқорида кўрсатилган камчиликлар *МАТ*да тузатилмай қолиб кетган.

Достон байтларидаги тафовутлар эса қуйидагича:

Нашрнинг XIV боб 34а мисрасидаги “мушқилким” сўзи *ТАТ*да “шакликим” кўринишида келган:

Не мушқилким кетар ашколи онинг,

Ғаройиб ичра қолмас ҳоли онинг.

Ушбу бобда Фарҳоднинг қайғудан озод бўлиб, кўнгли кўтарилиши учун отаси томонидан уюштирилган базм тасвирланади. Базмда кўплаб макр ва кўзбойлағичликда тенги йўқ кишилар Фарҳодга томоша кўрсатадилар. Келтирилган байтда шаҳзода бу макру найрангларни мушкулсиз, бир қарашдаёқ унинг шаклу шамойилигача билиб олгани ва ундан ажабланиш ҳисси ҳам йўқ бўлгани айтилади. Шу жиҳатдан, *ТАТ*даги “шакликим” вариантыни нотўғри дейиш мумкин. Қолаверса, мисрадаги “ашкол” сўзи (арабча) “шакл”нинг кўплиги ҳисобланади. Мазкур мисрада бир сўзнинг такрор келишидан ҳеч қандай маъно йўқ.

Шу бобнинг 40а мисрадаги “найранг” сўзи *ТАТ*да “ниранг” тарзида берилган:

Топиб ул фасл рангин аҳли ниранг,

Мувофиқ айлагайлар қасрини ранг.

Бу ўринда қайси вариант тўғрилигини билиш учун олдинги байтларга эътибор қаратиш лозим. Унда шоҳ ўғли Фарҳод учун тўрт фаслга мўлжаллаб тўрт қаср қурдиришни мақсад қилгани ва аҳли найранг, яъни уста хунармандлар қасрларни шу фаслларга мос ранглар топиб бўяши айтилган. Бу вазиятда ҳам *ТАТ*даги вариант хато бўлиб чиқади.

Нашр ва *ИТМ*нинг XVIII боб 52а мисрадаги “кўп” сўзи *ТАТ*да “кўр” шалкида намоён бўлади:

Чу йиғлаб ерга кўр қўйдим юзимни,

Ёрутти Ҳақ сенинг бирла кўзумни.

Буни техник хато деб ҳисоблашимиз ҳам мумкин эди, лекин *ТАТ*да XXV бобнинг 76а ва XXVI бобнинг 4б мисраларида ҳам худди шу сўз яна “кўр” шаклида келгач, фикримиздан қайтдик:

Бизнинг сорики келдинг чекиб кўп ранж,

Агарчи йўлда рўзий бўлди кўр ганж...

Хазойинга қўйибон муътамадлар,

Бериб ҳар бирига мингдин кўр мададлар.

*МАТ*да мазкур сўз билан боғлиқ хатолар барча ўринларда тўғриланган. Бироқ унда ҳам XIV боб 34а мисрадаги “ниранг” сўзи шу ҳолича қолдирилган.

Албатта, бу каби ҳолатларни нашр жараёнидаги кичик хатолар сирасига киритиш мумкин, бироқ мақсад буюк шоир асарларини ўқувчига мукамал тарзда етказиш бўлгач, у ҳар қандай камчилик ва нуқсонлардан ҳоли бўлиши шартдир.

ИТМ ва 60-йилги нашрда XVII бобнинг 121-байти:

Вале ул бермай ўз таврига тағйир,

Нечук тағйир топқай нақши тақдир?

Байтдаги “ўзгартириш” мазмунидаги “тағйир”(تغییر) сўзи ҳам ТАТда кўпол равишда “тайғир” шаклида бузилган. Аслида байтнинг мазмуни кўйидагича: *лекин у (Фарҳод)нинг авзойида ўзгарии юз бермасди. Ахир тақдир ёзувини ўзгартириб бўладими?*

Шундай хатолардан яна бири ТАТнинг LI боб 576 мисрасида ҳам кўринади:

Вале ул хитта авзоига тақдир,

Солиб эрди баче табдилу тайғир.

60-йилги нашрда XLIV бобнинг 5-байти:

Валоят машъалидин жонида нур,

Каромат нури бирла кўнгли маъмур.

Мазмуни: *Валийлик машъалидан жони нур топиб, каромат нури билан кўнгли обод бўлди. ТАТда эса байтнинг биринчи сўзи “вилоят” тарзида хато кўлланади. Бизнингча, бу ерда ҳар икки сўзнинг араб алифбоси бир хил шаклда (ولايت) ёзилиши нашрга тайёрловчиларни чалғитган кўринади.*

Бундан ташқари, ТАТда яна шундай ҳолатлар учрайдики, улар қофияда оҳангдошликнинг бузилишига олиб келган. ТАТнинг XXII боб 112-байтидаги кўриниш фикримизнинг исботи бўла олади:

Этак сори черикка бердилар майл

Ки, тутмиш эрди саҳрони қизил сел.

Кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликлар МАТдан ўрин олган матнда ҳам мавжуд. Таъкидлаш ўринлики, бу каби камчиликларни юзага келтирувчи омил ҳозирги графика билан боғлиқдир. Чунки бугунги графикамизда “а” унлисининг Навоий тилидаги торроқ талаффуз қилинадиган вариантыни акс

эттирувчи белги мавжуд эмас. Шунга ўхшаш тажрибалар мукаммал даражада бўлмаса-да, “Ҳайрату-л-аброр” достонининг 1941 йилда адабиётшунос олимлар О.Шарафиддинов, С.Муталлибов, М.А.Насриддинов (Боқий), М.Фахриддинов ва И.Аҳмедовлар томонидан амалга оширилган нашр ишида қўлланган эди. Хусусан, ушбу нашр матнида вазн тақозоси билан унли товушларнинг чўзиқ ўқилиши ва бошқа мураккаб тажрибалар қўлланган эди [7]. Бизнингча, графикамизни ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган жараёнларда масаланинг шу жиҳатларига ҳам эътибор қаратмоқ жоиз [7].

“Хамса” достонлари нашрдан нашрга мукаммаллашиб борди. Бирок улар матнидаги айрим камчиликлар бартараф этилмасдан, нашрларда давом этиб келмоқда. Бу ҳол, тадқиқотда кузатилганидек, Навоий асарларининг мукаммал намунаси бўлган X жилдли “Тўла асарлар тўплами”да ҳам учрайди. Ваҳоланки, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони шоир юксак бадиий тафаккурининг маҳсули бўлиб, бугунги кун ўқувчиларига унинг матний нуқсонлардан холи, ўз юксак даражасига мос нашрларини тақдим қилиш матншуносликнинг долзарб масалаларидан биридир. Порсо Шамсиев илмий лабораториясини тадқиқ этишдан қўзланган бош мақсад ҳам айти шу муаммоларга ечим излаш, уларни бартараф қилишга бир уринишдир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий, Алишер. Хамса. //Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев.— Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960.
2. Навоий, Алишер. Фарҳод ва Ширин. //Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев). — Тошкент, 1963. Муқаддима.
3. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. Фарҳод ва Ширин. XX жилдлик. — Тошкент: Фан, 1991.
4. Навоий, Алишер. Тўла асарлар тўплами. Фарҳод ва Ширин. 10 жилдлик. 6-жилд. — Тошкент,: Гафур Гулом, 2011.
5. Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. — Тошкент, 1966. — 583 б.

6. Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1993. – 264 б.
7. Əlişer Navaij. Hayratul-abrar. Ўзфаннашр. – Тошкент: 1941.
8. [http://navoi.natlib.uz:8101/uz/xamsa hayratul abror ettinchi tom/ins titutdan/](http://navoi.natlib.uz:8101/uz/xamsa_hayratul_abror_ettinchi_tom/ins_titutdan/)

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИ КУЙЛАШДА ЭПИК АНЪАНАЛАРНИНГ ЎРНИ

Гулноза ДЖУРАКУЛОВА

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Ўзбек тили, адабиёти ва

фольклори институти

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек халқ бахшиларининг устоз-шогирд анъаналари асосида эпик хотира ва эпик формулалар востасида достон куйлаш санъати таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: халқ достонлари, бахши, достон куйлаш санъати, эпик анъана, эпик хотира, эпик формула.

РОЛЬ ЭПИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ В ИСПОЛНЕНИИ НАРОДНЫХ ДАСТАНОВ

Гулноза ДЖУРАКУЛОВА

базовый докторант

Институт узбекского языка, литературы и фольклора

Академии наук Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируется искусство исполнения дастанов посредством эпической памяти и эпических формул на основе традиций наставник-ученик.

Ключевые слова: народные дастаны, бахши, искусство исполнения дастанов, эпическая традиция, эпическая память, эпическая формула.

Анъанавийлик халқ оғзаки ижодида оғзакилик асосида яшайди ва сақланади. Анъана қандайдир номаълум турғунлик эмас, балки кетма-кетлик ва изчиллик натижасида ривожланадиган тараққиёт босқичи ва бу босқичда номоён бўладиган маълум даражадаги барқарорликдир. Б.Путилов таъкидлаганидек, анъанавийлик мана шу мураккаб ҳаётда доимо ўсиш ва ҳаракатда бўлган оғзаки тарихий-адабий жараённинг махсус шаклидир, халқ тарихи, жумладан, фольклордаги барча ҳодисалар йиғиндисининг ҳаракат шаклидир [3;183].

Халқ орасидан етишиб чикқан бахшилар эпик анъаналар сақловчи, катта авлод вакилларида, устоз бахшилардан эпик меросни қабул қилиб, дostonларни куйлаб янги авлод вакилларида етказувчи ва ижодий сайқал берувчи ижодкорлар саналади. Улар халқ оғзаки ижоди намуналарини анъанавий йўлда куйловчи эпик билим ва эпик хотира эгаларидир. Барча халқларда оғзаки ижодни сақловчилар уларнинг ижрочилари саналади.

“Халқ бахшиларининг эпик репертуари” асарида халқ оғзаки ижоди куйчиларининг халқ орасида турли номлар билан аталишини ва бахшилар билан бирга ўтмишда эпик асарларни халққа етказишда халқ дostonларининг қайта ишланган нусхаларини, классик адабиёт намуналаридан «фольклорлаштирилган» вариантларни турли йиғинларда, халқ тўпланган жойларда, махсус уюштирилган қиссахонлик кечаларида ёддан ёки ёзма матн асосида ўзларига хос оҳангда ўқийдиган қиссахонлар ҳам маълум роль ўйнаганликларини ҳақида маълумотлар берилган [2;12]. Бундан ташқари Хоразмда эпик асарлар ёки уларнинг парчаларини гармонда ижро этувчилар ҳам мавжуд бўлиб, улар бахши эмас, балки созчи деб юритилади. Созчилар кўп ҳолларда ўзлари яратган асарларни, парчалар, термаларни куйлайдилар.

Ҳозирги кунда бахшиларни уч типга ажратиш мумкин: ҳаваскор бахшилар, профессионал бахшилар ва ижодкор-профессионал бахшилар.

Ҳаваскор бахшилар – халқ ижодига қизиқиб, эшитиб, сўнг даврда китоб ва ёзма манбалардан ўрганиб куйловчилар.

Профессионал бахшилар устоз бахшилардан таълим олиб, дostonларни ва куйларни ўзлаштириб, халқ дostonларини маромига етказиб куйловчи бахшилардир.

Ижодкор-профессионал бахшилар халқ дostonларини маромига етказиб куйлаш билан бирга устоз-шогирд бахшичилик анъаналарини сақлаган ҳолда халқдан олиб, янги дostonлар яратади. “Устозлардан ўрганган битта “йўл” бўлади, ижодкор бахшилар халқдан эшитиб шу “йўл”да янги-янги дoston, термалар айтади” [5]. Халқ орасида ўта истеъдодли, импровизация қобилияти юқори ва эпик анъаналарни сақлаган ҳолда

Ўзларининг янги дostonларини ҳам ярата оладиган бахшиларни шоир деб ҳам аташади.

Халқ оғзаки ижоди намуналарини сақлаб, куйлаб, кейинги авлодга етказувчи “халқ донишмандлари”нинг ижтимоий ва адабий жараёндаги ўрни Б.Жирмунский фикрича, турли халқ эпослари ўртасидаги ўхшашлик у ёки бу ижро элементларининг ташқи тасодифийлиги билан чегараланмайди, у чуқурроқ ва кенгроқ характерга эга бўлиб, моҳиятан эпик ижодни адабиёт ривожланишининг маълум бир босқичи сифатида тавсифловчи ташқи ва ички белгиларнинг бутун комплекси, яъни эпоснинг умумий ғоявий мазмуни, халқ қахрамонларини идеализация қилувчи эпик мотив ва сюжетлар доираси, образ типлари ва ҳаракат вазиятлари, жанр таркиби ва эволюцияси, эпик услубнинг ўзига хос хусусиятлари, формулалар – такрорлар, доимий “безак берувчи” эпитет ва ўхшатишлар, ниҳоят эпик асарларнинг яшаш тарзи, ижро этилиши ва етказилиши, халқ куйчиси, профессионал ёки ярим профессионал ижрочи (аёда ёки рапсода, жонглер ёки шпилман, ашуга ёки бахши)нинг ижтимоий мавқеи билан белгиланади.

Бахшиларнинг ижодий лабораторияси билан танишиш, халқ дostonларини ёдлаш, хотирада сақлаш ва кейинги авлодга узатиш жараёни фольклоршуносларнинг доимий диққатидаги мавзу саналади. Қандай қилиб дoston куйловчилар ўнлаб ва юзлаб сатрларни ёдлашга муваффақ бўлишди. “Нима учун битта айтувчидан турли вақтларда ёзиб олинган битта эпос турли хил вариантларда ижро этилган? Улар қайси элементларни деярли сўзма-сўз такрорлаганлар ва қайси бирини ўзгариш билан қўллашган?” каби саволлар нафақат фольклоршуносларни, балки халқ оғзаки ижоди ихлосмандларини ҳам қизиқтиради.

Бахшичилик устоз – шогирд анъаналари замирида шаклланиб борувчи санъатдир. Т.Мирзаев “Халқ бахшиларининг эпик репертуари” асарида бахшиларнинг ўқитиш-ўрганиш ишлари оғзаки равишда олиб борилгани, хатто бахшиларнинг саводлилиги ҳам бунга монелик қилмаганини айтиб, “халқ дostonларини эшитиш ва куйлаш орқали оғзаки ўрганиш

профессионал таълимнинг энг биринчи ва асосий шартидир” [2;35], деб таъкидлайди.

Барчамизга маълумки, халқ достонлари хажм жиҳатдан ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари ичида етакчи ўрин эгаллайди. Уларни ўзлаштириш мураккаб ва муддат талаб қиладиган жараён. Шунинг учун у маълум босқичларнинг кетма-кетлигидан ташкил топади.

Жанубий славян эпик анъаналарини ўрганган Алберт Лорд, эпик асар куйлаш таълимининг учта босқичини кўрсатади [4;20]. Даставвал, бошқалар куйлаётганда ёш ижрочи четда ўтириб тинглайди. Бу тинглаш жараёнида ёш ижрочи эпик билим асослари билан танишади: у сюжет, қаҳрамонлар, уларнинг исмлари ва характер хусусиятлари, эпос мавзуси, топонимик фонд ва ҳоказоларни билиб олади. У кўшиқ ритмини ўзига сингдиради, шунингдек, “асардаги ғоялар ритмини ҳам ўзлаштиради”; айнан шу босқичда тез-тез такрорланиб келувчи формулалар хотирада чуқур ўрнашади. Иккинчи босқичда энг муҳими “шаклнинг асосий элементлари – ритм ва кўшиқ оҳангини ўрганиб олиш”дир. Ижрога ўрганиши учун ёш ижрочи формулалар фондига эга бўлиши лозим. Бунга эса ижро давомида такрорларга мурожаат қилиш орқали эришилади. Бу ўринда шогирд сўзлар ёки ўзга тилни ўрганаётган ёш болага монанд бўлади. Бу ўринда, айниқса устознинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ўқувчи устозининг техникасига тақлид қилади, устозининг шеърларини эмас, унинг поэтикасини ўрганади. Иккинчи босқич ёш ижрочи ушбу соҳа мутахассислари олдида ҳеч бўлмаса битта ашулани охиригача ижро эта олиши билан яқунланади. Ижрочи бошқа ашулаларни ҳам қисман ижро этиши мумкин, бироқ асосийси – битта ашула охиригача ижро этилиши шарт. Табиийки, ёш ижрочи ашулага “зеб” бера олмайди, унга ўз сўзларини кўшиб, кенгайтира олмайди. Мавзу танлашда ҳам ҳали иккиланишда бўлади. Поэтик тилнинг аслини тўлиқ ўзлаштирмаган бўлишига қарамасдан бу босқичда ёш ижрочи ўзи эшитган бир нечта матнни қўллаш олади, асосийси “анъана бардавом” эканлигини англайди. Ижрочининг репертуари ва малакаси ортгани сари биринчи ижролари

Ўзгариб, мукаммаллашиб, янги қиёфа касб этиб боради. Бу ўрганишнинг учинчи босқичидир. Бу босқичга ўтар экан ижрочи бошқа асарларни ҳам тўлиқ ижро эта бошлайди, уларни бойитиб, “кенгайтириб” бораверади. Ўрганиш якунига етганини уч омилда кўриш мумкин: биринчидан, аудитория диққатини бир неча кун давомида жалб қилиб туриш мумкин бўлган репертуар билан бойитилгани; иккинчидан, ўзи эшитган исталган асарни қайта ижро эта олиши даражадаги формулани техникани эгаллагани, тематик материални исталганча кенгайтира ва қисқартира олиш даражада мукаммал билиш билан; учинчидан, янги асарлар ярата олиши билан. Ушбу белгилар турли ижрочиларда ҳар хил намоён бўлиши мумкин: айрим ижрочилар учинчи босқичда қолиб, ҳеч қачон “маҳоратли ижрочи” даражасига ета олмайдилар, улар “формуларни қўллаш” ва “тематик таркиб”да кучсиз бўлиб, асарни етарли даражада маҳорат билан ижро эта олмайдилар.

Ўзбек халқ достонлари ўзлаштириш жараёнини академик Т.Мирзаев куйидаги тартибда кўрсатади: “Дастлаб термалар, достонлардаги анъанавий мисралар, умумий ўринлар (эпик клишелар), яъни баъзи бир жўзъий ўзгаришлар билан кўпчилик достонларда такрорланадиган парчалар (қахрамонга насихат, уни кўзатув, қахрамонларнинг учрашувларидаги савол-жавоблари, қахрамонларнинг портретлари, отни эгарлаш, от таърифи, отда сафар, жанг тасвири, бошланма, тугалланма, воқеаларни бир-бирига боғловчи тасвирлар каби) ёдлатилган. Сўнг айрим олинган бир достон, кейинроқ эса устоз репертуаридаги барча асарлар ўргатилган. Айрим олинган бир достонга хос анъанавий формула ва эпик клишелар бўлганидек, барча достонларга тегишли традицион услуб элементлари ҳам мавжуд бўлган” [2;35].

Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов бу ҳақида куйидагича изоҳ беради: “Достонларни буткул ёдлаш мушкул, улар қисқа-қисқа ёдланади. Достонни аста-аста ўрганиш жараёнида ўрганувчи уни ўзига сингдириб (асар руҳиятини қабул қилиб, англаб Г.Д.), савиясини ошириб

(устоздан бахшичилик анъаналари ва дoston куйлаш санъатини ўрганиб, Г.Д.), кейин сюжетини ўзлаштириб куйлайди. Профессионал бахши даражасига етганда, китобдан ўрганадими, устоздан ўрганадими, асосий йўлдан чиқмасдан айтади, бошдан муродига етгунча воқеалар устозлариникига ўхшайди, бир хил бўлади, баъзан ўзгаради, йўлда қўшиқлар, бизлар байтлар ҳам деймиз, байтларда ўзгариш бўлади, баъзида сўзлар қўшилса, баъзида тушиб қолади, лекин ўша йўл (дoston куйлаш санъати Г.Д.)дан чиқмай куйлайди”.

Бу йўл асрдан асрга, авлоддан авлодга оғзаки анъаналар асосида етказилувчи ўз қонуниятларига эга муҳташам йўл. Бу қонуниятлар анъаналар асосида шаклланиб, барқарорлик даражасига етади. Ҳар бир бахши-шоир ато этилган ўз иқтидори, талантининг қуввати даражасида йўлни давом эттиради. Салафлари келган нуқтани муайян даражада сайқаллантиради. Дoston ижро этилмай қолса, воқеалар тафсилоти туриши мумкин, аммо оҳангни тутиб турувчи анъанавий қолип мисралар ҳам унутилиш ҳолатига келиши мумкин. Ижро авж пардаларда давом этса, худди мойланган мокидай ҳаммаси ўз ўрнига қайтади. Янги-янги руҳият иқлимларига парвозлар бошланади. Ҳаммаси ижрочининг таланти, иқтидори ва бу талантнинг қайси даражада рўёбга чиқара билишга боғлиқ.

Ёзувчида эркинлик бор. Ҳикоя, роман жанрининг умум қолипи мавжуд. Лекин у нима ҳақида ёзиши қандай ёзиши чекланган эмас. Истаган мавзусида ёза олади. Бахши бундай эркинликка эга эмас. Унинг йўли аниқ. Йўлдан чиқса айб қилган саналади. Лекин ана шу аниқ йўлни мукамал ҳолатда куйлаш имкони бор. Бу ўринда куйлаш оддий қайтариш эмас, аксинча, қайта яратишни ўз ичига олади. Сўз, воқеа, оҳанг орқали тиради. У тингловчи қулоғи орқали қалбига, онгига ўтади. Тингловчи бу воқеани қанча эшитган бўлсада, янгидан тинглайди. Куйловчининг оҳанг орқали юксак руҳий парвозга чиқиши илҳом отига миниши унга анъана ўзанида янгилик қилиш имконини беради. Худди сой суви тошни силлиқлаб, қирраларини емириб

оққанидек, ҳар бир ижро дostonни янада мукамал ҳолатга келтириш имкониятига эга. Аксинча, дoston куйлаш тўхтаса, ишламай қолган ускуна каби бу йўл ҳам унутила бошлайди.

Эътиборлиси шундаки, ўрганиш жараёни дostonларни биз билгандек аввал айрим қисмларини, кейин тўлиғича ёд олиш ва ижро этишни ўрганишдангина иборат бўлиб қолмай, балки секинлик билан, ўзига билинмаган ҳолатда эпоснинг ичига кириш, у билан бирга яшашни ўрганиш жараёни ҳамдир. Кўпгина ижрочилар шогирдлик даврларини ёдга олар эканлар фақатгина “дostonни ёдга олиш” билан боғлиқ қисминигина хотирлайдилар ва “яширин”, асосий жиҳатни назардан четда қолдирадидлар. Зеро, бахшилар дoston сюжетини ўзлаштиришдек узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишлари лозим. Шунга қаҳрамонлар ички оламини ҳам ўзлаштиришдек оғир ва машаққатли йўлни қўшамиз – ҳар бирининг ўз тавсифи, бошқалар билан муносабати, маиший олами, эпос луғати ва ҳ.к. бор. Қайсидир маънода бу ишлар онг остида, ғайришуурий бажарилиб кетаверган, шогир юзлаб, минглаб қатор дostonларни ёд олиб, осонлик билан ижро этгандагина бу ғайришуурий меҳнат самарасини ҳис қила олган.

Кўриниб турибдики, бахши – бир неча мураккаб босқичлар муваффақиятли бажарилгач етишиладиган даража. Бу узвий кетма-кет бажариладиган босқичларни, эпик анъана ёки дoston куйлаш санъатини ўрганиш жараёни дейиш мумкин. Дoston куйлаш санъатини шакллантирувчи уч асосий омил мавжуд.

Биринчиси дostonни ўзлаштиришдаги барқарор узлуксизлик. Бу биз юқорида келтирган замирида анъана турувчи йўл ва барқарор кетма-кетликдир.

Иккинчиси – хотира. Бахшилар хотираси кучлилиги ва тез қабул қилиши билан ажралиб туради. “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” асарида келтирилишича, яхши бахшилар ҳар бири неча минг шеърдан иборат ўттизтагача дostonни билишади, Пўлкан шоир ҳатто етмиштагача дostonни

ёд билган. Эргаш шоир “Киз-Жибек” козоқ поэмасини литографик нашрини икки борагина ўқиб, бир ой ўтгач ўзи ёқтириб қолган бу сюжетни ижодий тўлдириб хотираси асосида айнан куйлаган [1;28]. Бунда уларга эпик хотира ёрдам беради. Хотира билан бирга муҳим омил сифатида ғайришуурий тарзда ўзлаштирилган эпик билимларни, эпик формулаларни ҳам кўрсатиш лозим. Ижрочи эпос оламига кириб, эпик анъаналарни ўзлаштиргани учунгина маҳорат билан ижро эта олади. Ҳақиқий бахши – бу маърузачилардек хотирасидан тайёр катта матнни ўқиб берганлар эмас, балки эпос тўғрисидаги барча билимларни уйғунликда қўллай оладиган ҳамда айнан шу билимларни ижро эта оладиган инсонлардир.

Учинчи омил – бу ижодий қобилият. Бу сўз қудратини эгаллаган ижодкор, профессионал бахшилардаги туғма истеъдод. Бу қобилият дostonларнинг қон томирларини юргузувчи куч дейиш мумкин. Бу омилнинг аҳамиятини бир бахшичилик мактабининг икки вакили бир дostonни куйлаганда ҳам бир-бирини асло такрорламайдиган фарқли дoston вариантлари яратилишида ҳам кўриш мумкин. Бу уларнинг эпик хотирасидаги ахборотдан фойдаланиб, уларни ижодий янгидан яратишидир. Бахшилар ҳатто бир дostonни ҳар сафар куйлаганда ҳам айнан такрорламаслиги бу улардаги ижодкорликнинг юксак даражада эканлигини кўрсатади.

Шуни англаш керакки, бахши учун эпик асар хотирада сақланган, ёд олинган матн эмас: ижро жараёнида у ёддан ўқилмайди, балки янгитдан яратилади. Эпик хотирадаги формулалар асосида яратилиб, ҳар сафар худди жонли нутқдаги иборалар каби тuzилади. Бу шуни англатадики, формулалар мавжудлиги айтувчига ижро пайтида сюжет ипига мунчоқлар тергандек асарни тузиш имкониятини беради.

Демак, бахшилар халқ оғзаки ижодининг гўзал намуналарини эпик анъана доирасида ўзлари устоз бахшилардан ўрганган дoston куйлаш санъати билан, эпик қонуниятларнинг асоси бўлган эпик формулалар ва эпик

хотирага суяниб, ўзларидаги сўз кудрати – ижодий қобилият асосида мухташам янги дурдоналарни яратадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. Государственное издательство художественной литературы. – Москва, 1962. – 530 с.
- Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 170 б.
- Путилов Б.Н. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора. – Ленинград, 1976. – 244.
- Lord Albert B. «The Singer of Tales» Cambridge, MA: Harvard Univ. Press, 2nd edition. 2000. 307 p.

ШЕКСПИР ИЖОДИДА ОБРАЗЛАР РАНГ-БАРАНГЛИГИ

Мунаввар Эсоналиевна КУРБАНОВА

Таянч докторант

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада классицизм ва Шекспир драмалари ўртасидаги стилистик фарқлар ҳақида тадқиқот олиб борилган. Шекспир ўз асарларида ҳаракатларнинг таъсирчанлигини кучайтиришга интиланлиги мисоллар орқали таҳлил этилган ва ўй, фикр, назарий қарашлар келтирилган.

Таянч сўзлар: гуманист ёзувчи, проза, метафора, классицизм, динамик ривожланиш, юриспруденция.

РАЗНООБРАЗИЕ ОБРАЗОВ В ТВОРЧЕСТВЕ ШЕКСПИРА

Мунаввар Эсоналиевна КУРБАНОВА

базовый докторант

Узбекский государственный университет Мирowych языков

Ташкент, Узбекистан

Аннотации

В этой статье мы сосредоточились на стилистических различиях между классицизмом и шекспировскими драмами. Кроме того, мы привели примеры, которые Шекспир стремился повысить эффективность движений в своих произведениях.

Ключевые слова: писатель-гуманист, проза, метафора, классицизм, динамическое развитие, юриспруденция.

Образлиликка бойлик Шекспир услубининг ўзига хос хусусиятларидан бири саналади. Гуманист-ёзувчиларнинг мойиллиги образларнинг моддийлиги ва Бекон прозаси бизга тақдим этаётган бошқа бир қатор мисоллар Шекспир талқинида яхлитлик ва жўшқинликни касб этади. Отелло “Дездемона менинг ҳикояларимни чанқоқлик билан тингларди”, дейиш ўрнига “у менинг ҳикояларимни чанқоқ қулоқлари билан ютиб юборарди” дейди. “Генрих VI” асарида Ричард “Мен йиғлай олмайман,” “...танамнинг намлиги ўт бўлиб ёнаётган юрагимни ўчиришга қодир эмас”, деб айтади. “Афиналик Тимон” асарида “бўшлиқ” тушунчаси “ҳаво денгизи” сўзлари

билан ифодаланган. "Юзнинг аччиқ ифодаси" иборасининг ўрнига биз "юзнинг уксусли (сиркали) ифодаси" иборасини учратишимиз мумкин ("Vinegar aspect", Merch., I, 1, 54) [3-1405]; ушбу иборада от сифат вазифасида қўлланиб келинаётганлиги учун уни "юздаги уксус (сирка)" деб таржима қилсак янада тўғрироқ бўлади деб ҳисоблаймиз. "Ширин сўзлар" бирикмаси "шакарланган сўзлар" - "sugar'd words" ибораси билан алмаштирилган (2 Н VI, III, 2, 45). Ҳаттоки энг сийқаси чиққан қиёслашларда ҳам Шекспир қиёсланаётган предметнинг ҳалқчиллигини сақлаб қолганлигини сезиш мумкин. Агар кўз ёшлари жавоҳирга қиёсланса, уларнинг эвазига осмонни харид қилиш мумкин деган мантиқий хулосага келиш мумкин (John. II, 1, 169-170).

Биз тадқиқ этаётган воқелик жуда долзарб саналади. Шекспирни одатда уч бирлик яъни вақт, жой ва ҳаракат қонуниятларини бузган инсон сифатида бошқа мумтоз ёзувчилар билан таққослашади. Уни "тўртинчи бирлик" – метафоралар бирлиги қонуниятларини ҳам бузган инсон деб ҳам ҳисоблаш лозим. Шекспирнинг "аралаш метафора"си бежизга классицизм вакилларини нафратлантормаган эди. "My way of life has turned into the sear, the yellow leaf" "Менинг ҳаёт тарзим сарғайган баргга айланди", дейди Макбет (Mcb., V, 3, 25-26) [3-1211]. Классицизмнинг ёрқин вакили саналган инглиз ёзувчиси ва танқидчиси Александр Поп кўп ҳам ўйлаб ўтирмасдан ушбу иборадаги way (йўл) сўзини May (май) сўзига ўзгартирган: "Менинг ҳаётимдаги май сарғайган баргга айланди". Шу билан бирга бу ўринда Шекспир икки "қисм"ни аниқ ифодалайди: ҳаёт йўли – ўтмиш (Макбет улар босиб ўтган ҳаёт йўлининг кузатувчиси), сарғайган барг – ҳозирги пайт (Макбет ён атрофга назар солади). Биз илгари айтиб ўтган Уолтер Ролей "way" сўзи ўрнига "May" сўзини қўллайдиган муҳаррирлар Шекспирни Поп тили билан гапиришга мажбур қиладилар" деб тўғри таъкидлаб ўтган эди. Яна бир бошқа мисолни олсак: "Was the hope drunk where in you drest yourself?" - "Сен кўнгил берган умид сарҳуш эдими ё?" – деб Макбет хоним эридан сўрайди (Mcb., I, 7, 35-36). Бир қарашда бу ерда образларнинг тартибсиз аралашмаси

борлигини кўриш мумкин: умид сархуш мавжудотга ва мавжудот жангчининг курул-яроғига қиёсланмоқда. Аммо динамик ривожланишда иккита “қисм” намоён бўлади: истехзоли: Қирол бўлишни орзу қилганинда сархушмидинг? – бунда Макбет хоним аламли истехзога тўлгани акс этади. Макбет курул-яроққа бурканиб олади: бунда Макбет хоним уни ҳаракат қилишга ундайди. Биз классицизм ва шекспирча драмалар ўртасидаги стилистик фарқларга тўхталиб ўтдик: биринчисида ҳаракатсизлик, иккинчисида эса доимий ҳаракат ҳукмронлиги сезилди.

Шекспирдаги образлилик кўпинча имо-ишоралар билан ўзаро боғлиқ бўлади. Шекспир даврида театр сахнасида имо-ишоралар сўзларга берилган шарҳ вазифасини ўтар эди. Дональбейн Малькольмга атрофдагиларнинг сохта табассумларида таҳдид яширинган дейишнинг ўрнига "there's dangers in men's smiles" - "инсонларнинг табассумида ханжар бор", дейди (Мсб., II, 3, 147). Томошабинларга тўла усти очик залда роль ижро этаётган актёрда ўз-ўзидан ишорага эҳтиёж пайдо бўлади: кўли юқорига кўтарилиб, бармоқлар гўёки ханжар тутиб тургандек мушт қилинади. "Stop my house's ears, I mean my casements" - "Менинг уйимнинг кулоқларини ёп, яъни мен деразаларни беркит демоқчиман", дейди Шейлок ўзининг хизматкори Ланселотга (Merch., II, 5, 34). "Ажойиб Протей"да яъни ўша рольнинг биринчи ижрочиси саналган Ричард Бербежда шу жойида Шейлокнинг сахнадаги образи хусусиятларини янада аниқроқ гавдалантирган гротескча ишоралардан бирини қўллаш имкони пайдо бўлади. Нутқ модуляцияси ҳамда кенг ифодали имо-ишоралар Шекспир образларини “Глобус” театри томошабинларининг қалбига олиб кирар эди. Бежизга замондошлари актёрлик маҳоратини нотиклик санъати билан қиёслашмайди ва актёрларнинг "action of the body" - "тана ҳаракатлари" яъни имо-ишоралар мимикасини мақташади.

Рангларни тасвирлашда асосан биз контраст ва ўзгаришларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Келинг "Макбет" асаридаги бир машҳур ҳолатни ёдга олайлик: "Менинг қўлларим яшилни қизилга айлантириб, саноксиз

денгизларни қизартириши мумкин эди" (Mcb., II, 2, 62-64). Денгизнинг рангги зумрад ранг, кўк, кулранг ёки қирмизи эмас: унинг рангги қирмизига айланаётган яшил тусда.

Шекспир образлари қотиб қолган танасиз соялар ёки кундалик ҳаётнинг идеал кўриниши эмас. Унинг образлари худди реал ҳаёт сингари ҳаракатланади ва ўзгариб боради.

Шекспир образлари улкан аниқлик билан уни ўраб турган борлиқни ўзида акс эттиради. Уларга тўғри баҳо бериш ёки умуман, уларни англаш учун ўша давр ҳаётига чуқур кириб бориши лозим. "Ҳеч нарсадан ҳеч нарса кўтарилган ваҳима" комедиясида Беатриса ҳақида: "манманлик ва нафрат унинг кўзларида яққол чакнаб турибди" (Ado, III, 1, 51) деган фикр айтилганда димоғдор ва нафратли хонимлар ва донгдор хуштор йигитларнинг ялтираб турган либосларга бурканиб отларда сайр қилиб юрган ҳолати ўқувчининг кўз ўнгида яққол гавдаланади. Денгизда сузиб кетаётган "барваста елканли" (portly sail) йирик савдо кемалари номдор сеньор ва бой шаҳарлик йигитларга қиёсланади (Merch., I, 1, 10). Худди қассоб бузоқни кушхонага судраганидек Глостерни қатлга судраб олиб боришади ҳамда Қирол Генрих гўёки бузоқчасидан айрилган онадек унга ачинади (2 H. VI, III, 1, 210). "Тўфон" асарида қуйидаги сўзларни учратиш мумкин: "Худди мушук сутни ичишга доим тайёр бўлгандек улар фитнага ҳам шундай шайлик билан осонликча берилиб қоладилар" (Tem., II, 1, 288). Бундай мисолларни санаб адоғига етиб бўлмайди, албатта.

Спержен ўзининг биз юқорида таъқидлаб ўтган тадқиқотида "Шекспирнинг аксарият қиёслашлари ва метафоралари у томонидан кузатилган ва аниқланган кундалик ҳаётда мавжуд бўлган оддий воқеликларидан олинган", деган хулосага келади (Spurgeon, "Shakespeare's Imagery") [1-63]. Тадқиқот бутунлай статистик ҳисоб-китобларга асосланган. Бундай метод эстетик танқид соҳасида қанчалик расмий ва нисбий ҳодиса саналмасин, ҳар ҳолда ундан олинган натижалар ўзининг туб аҳамиятини йўқотмаган, айниқса Шекспир ўзидан олдин яшаб ижод этган энг яқин

замондоши Кристофер Марло билан солиштирилганда буни яққол кўриш мумкин. Етти юзу қирқ табиатни (дарахтлар, денгиз, юлдузлар, сув ва бошқ.), хайвонот олами, маиший ҳаёт, спорт ўйинлари, хунарлар, шаҳар ҳаёти, урушни, қурол-яроғлар, инсон танасию ва ҳоказоларни ўзида мужассам эттирувчи ҳаётий образларга атиги бир юз ўнта диний, мифологик, юриспруденция ва бошқаларни камраб олган “илмий” образлар тўғри келар экан, шундан келиб чиқиб, биз 7:1 нисбатни ҳосил қиламиз. Марлода эса 380:210 нисбатни аниқладик яъни 2:1 нисбатан ортиқ эмас деган гап, ҳам бу борада Марло ўзининг қўллаган “илмий” метафоралари учун антик давр ёзувчилари асаридан миннатдор бўлиши лозим [2;89]. Чунки у томонидан қўлланган ранг-баранг иборалар у мутолаа қилган асарлар асосига қурилган эди.

Шекспир образлари бизга аксарият ҳолларда маълум бўлмаган борлиқнинг турли қирраларини акс эттириши билан биз учун мураккаблик яратади. Розалинда "Бу сизга қанчалик маъқул бўларкан" комедиясида шундай сўзларни баён этади: "яхши вино бутага мухтож эмас" - "good wine needs no bush", бу сўзларнинг ортига беркинган "яхши вино вывескага мухтож эмас" деган маънони англаш учун илгарилари вино дўконлари эшиги олдида реклама тахтаси (вывеска) сифатида печак бутасини экканликларини билишни талаб этарди. Нима учун айнан вино ҳақида тўхталиш лозим. Аслида барча даврларда спиртли ичимлик тайёрланган ва у доимий бизнес манбаи бўлиб келгани барчамизга маълум. Ушбу ичимлик атрофида айланиб, табақасидан қатъий назар ҳар қандай инсон уни тановул қилган ва вино нима эканлигини яхши билади. Фаол бўлган жараён тилга ўз таъсирини ўтказди. Ҳаёт турмуш тарзи *яхши вино рекламага мухтож эмас* каби тушунча ва ибораларни вужудга келтиради.

“Глобус” театрининг барча томошабинлари буни жуда яхши билишар эди, чунки улар ўша вино дўконларини ҳар куни кўришар эдилар. Шекспир образларининг аксарият қисми “Глобус” театри сахнасини ҳар томондан қуршаб олган халқ онгига осонлик билан етиб борар эди. Шарҳловчилар

учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайдиган антик давр мифлардан ўзлаштириб олинган “илмий” образлар эса оддий томошабинга тушунарсиз ҳолатда бўлиши мумкин. Гўёки мураккаб ва жуда содда тушунчалари бир бирлари билан ўрин алмашгандек. Шекспирдаги образлиликни ўша даврда улар оддийлиги билан бошқалардан фарқ қилгани учун ҳозирда тушуниш қийин деган хулоса эса асло парадоксал эмас. Шекспиршунос олим, таржимон ва шарҳловчилар олдида Шекспир яшаган даврнинг кўпқирраларини ҳаётий фактлар асосида ўрганишдек мураккаб вазифа кўндаланг туради. Шекспир халқ ҳаётига қанчалик чуқур кириб борса, уни ўрганиш шунчалик мураккаблашиб боради. Розалинда севгини "бўйрадан ясалган қафас" деб атайди ("cage of rushes", As, III, 2, 389). Шарҳловчи бундай вазиятда фаразий таърифга мурожаат этади. Бунда калаванинг учини фақатгина инглизларнинг эски одатидан топиш мумкин, унга кўра олтин ва кумушдан ясалган узуклари бўлмаганлиги учун қамишдан ясалган узукларни ўзаро айрибошлашган. Шекспир биз учун кўп ҳолларда барибир “қоронғу” (шахси номаълум) ёзувчи ҳисобланади. Айни пайтда унинг замондошларидан ҳеч бири уни “қоронғу” деб ҳам, мураккаб тилли ёзувчи деб ҳам атамаган.

Шекспир ўзининг қиёслашлари ва метафораларида ҳаётнинг турли жабҳаларига мурожаат этади. Келинг, лочин овини таҳлил қилиб кўрамиз. Уорик ўзи ҳақида "Агар Уорик ўз кўнғироқчасини силкитса, ҳеч ким унинг олдида қанотини силкита олмайди", - деган фикрни баён этади (3 Н. VI, I, 1, 47) [3;915]. Бугунги кун ўқувчисига қадимда қушларни кўрқитиш учун ов лочинларининг бўйнига кўнғироқча осиб қўйишганлигини тушунтириб бериш лозим. Шекспир даври томошабинлари эса бундай кўнғироқчаларни кўп маротаба кўришган ёки ов лочинлари сотилган бозорларда бунинг гувоҳи бўлишган.

Истеъмолдан чиқиб кетган “ўлик” метафора ва қиёслашларни яна қайта жонлантиришга мутгасил интилиш Шекспирнинг образлилигига хос хусусиятлардан бири саналади. “Чорага қарши чора” комедиясида герцог

"калтаклайдиган қонунлар" деб гапирмайди, чунки бу образ ўзининг аниқ моҳиятини йўқотган эди, бунинг ўрнига у "тишлайдиган қонунлар" ("most biting laws", Meas., I, 3, 19) ҳақида гапиради. "Жўшқин ёшликнинг мақсад ва интилишларига" қарама қарши қўйилган "пухта мақсадлар", айнан ўша герцогнинг нутқида "ажинли мақсадлар"га айланиб қолади ("a purpose... wrinkled", Meas., I, 3, 4-5). Метафоризм — инсон қисқа умрининг ва унинг узокни кўзлаб улкан масъулиятли вазифасининг ягона натижаси. Ушбу номутаносибликда у воқеликларга ўта синчковлик билан назар солиши ҳамда бир лаҳзали ва тезда тушунарли бўлган воситалар билан ўз фикрларини ифодалаши лозим. Бунинг номини биз шеърият деб атаймиз. Метафоризм — йирик шахснинг стенографияси, руҳининг ёзувдаги акси.

Шекспир услуби уч жаҳати билан ажралиб туради. Руҳий жиҳатдан унинг драмалари жуда ҳаққоний. Уларда насрий йўл билан ёзилган суҳбатлари ўз ўрнида ёки шеърий диалогларнинг бўлаклари ҳаракатлар билан узвий боғланган. Бошқа вазиятларда унинг оқ шеърлари оқими ҳаддан ташқари метафорик кўринишда бўлиб, баъзан ўринсиз қўлланган ва бундай ҳолларда ҳалқчилликка путур етади.

Шундай қилиб, энг оддий, аллақачон нутққа чуқур сингиб кетган иборалар Шекспир қўлларида аниқ образга айланади. Шекспирнинг образли нутқи эса бир хиллик касб этмайди. Баъзан у ўзига муносиб эътиборни талаб этувчи олий даражадаги шеърият бўлса, баъзан эса у муаллиф тилининг учида турган битта аниқ сўзнинг ўрнига ўнлаб сафсаталарни пала-партиш ифодаловчи ва шошилишда тўлиқ анланмаган сўзлардан иборат очикдан очик риторика бўлиши ҳам мумкин. Қандай бўлишидан қатъий назар Шекспирнинг метафорик тили ўзининг фикрлари ва риторикасида, ўзининг чўққисида ҳамда муваффақиятсизликларида ва бошқа вазиятларда ҳар қандай чин қочиримининг асосий моҳиятига содиқ қолади.

Таржимада у ёки бу бирлик танлаш ўша муаллифнинг индивидуал услубини тасвирлаш жараёнида олинган маълумотлар билан таржиманинг эҳтимолий вариантларини солиштириш орқали аниқланади. Бунда асар

мазмунини аслият муаллифининг бадиий тизимини бузмасдан таржима қилиш асосий мақсад ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Золян С.Т. От описания идиолекта — к грамматике идиостиля. — В кн.: Язык русской поэзии XX в. Сб. научных трудов. — Москва: 1989. — С. 63.
2. Иванов, В.В. О языковых причинах трудностей перевода художественного текста // Поэтика перевода. — Москва, 1988. — С. 115.
3. Шекспир У. Собрание сочинений в 2 томах. — Москва: РОСССА, 2011. — 1628 с.

ТАРИХИЙ ҲИКОЯЛАРДА “БОБУР” ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Зебунисо Мустафоқуловна АМИРҚУЛОВА

Мустақил тадқиқотчи
Термиз давлат университети
Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада мустақиллик даврида яратилган тарихий мавзудаги ҳикояларда “Бобур” образининг тасвирланиши ҳақида фикр юритилган. Темур Қурбоннинг “Ўлим шарпаси”, Дурбек Қўлдошнинг “Хуфиёна битим” каби ҳикояларидаги шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаётига оид воқеалар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: тарих, ҳикоя, аجدодлар, поэтика, ижодкор, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА БОБУРА В ИСТОРИЧЕСКИХ РАССКАЗАХ

Зебунисо Мустафоқуловна АМИРҚУЛОВА

Независимый исследователь
Термезский государственный университет
Термез, Узбекистан

Аннотация

В этой статье речь идет об интерпретации образа Бобура в созданных в годы независимости исторических рассказах. В рассказах Темура Курбана “Тень смерти”, Дурбека Кулдоша “Тайное соглашение” повествуется о событиях и жизни шаха и поэта Захириддина Мухаммада Бабура.

Ключевые слова: история, рассказ, предки, поэтика, творческий деятель, Захириддин Мухаммад Бобур.

Тарих ҳақиқатини келажак авлодга етказишда бадий асарларнинг ўрни беқиёс. Чунки бадий асарлар тарихий фактларни ўқувчига таъсирли етказиш билан бир қаторда, унинг дунёқарашини юксалтиради. Маълумки, ўзбек адабиётида П.Қодиров, Б.Бойқобилов, Х.Султонов каби адиблар Бобур мирзо ҳаёти ва фаолиятига оид асарлар яратди. Ҳар бир ижодкор ўз дунёқараши ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда Бобур образини талқин қилади. Бироқ бу тимсолни яратар экан, биринчи галда “Бобурнома”га

муурожаат қилади. Чунки “Бобурнома” ҳам тарихий ҳам бадиий асар ҳисобланаиб, нафақат Бобур, балки бутун Мовороуннаҳр тарихини ўрганишда муҳим манбаа ҳисобланади.

Темур Курбоннинг “Ўлим шарпаси”, Дурбек Қўлдошнинг “Хуфиёна битим”, “Шикор” каби ҳикоялари ҳам айнан ана шу мавзуда.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Умаршайх Мирзонинг ўз салтанати ҳудудларини кенгайтириш мақсадида қилган ҳаракатларидан таҳликага тушган акаси Султон Аҳмад Мирзо Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхон ибн Юнусхон билан ўзаро иттифоқ тузиб 1494 йилда Андижонга қўшин тортадилар. Бироқ шу йилнинг 9 июнида, шундай таҳликали пайтда Умаршайх Мирзо Аҳси шаҳридаги қароргоҳида элчи каптарларни учуриш вақтида каптархона билан бирга жарга кулаб ҳалок бўлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида отасининг ўлими ҳақида қуйидагича маълумотни беради: “Бу аснода ғариб воқеа даст берди, мазкур бўлуб эдиким, Аҳси курғони баланд, жар устида воқе бўлубтур, иморатлар жар ёқасида эрди. Ушбу тарихда душанба куни рамазон ойининг тўртида Умаршайх мирзо жардин кабутар ва кабутархона била учуб, шунқор бўлди. Ўттуз тўкқуз ёшар эрди” [2;15]. “Ўлим шарпаси” ҳикоясида муаллиф ушбу тарихий фактни ўзига хос услубда бадиий тўқималар билан бойитади. Ҳикоя туш мотиви билан бошланади. Адабиётшуносликда туш мотиви анъанавий тасвир воситаларидан бири бўлиб, ҳикоя, қисса, роман, дoston каби лирик ва лиро-эпик асарларда ва айрим сюжетли шеърларда қўлланади. Халқ оғзаки ижодининг эпик жанрларида, мумтоз ва замонавий адабиётда яратилган шеърӣ, насрий ва драматик асарларда туш мотивидан фойдаланиш қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини очиб беришда муҳим ўрин туттади. “Ўлим шарпаси” ҳикоясида туш мотиви, айнан, мана шу вазифани бажаради. Ёзувчи асар қаҳрамонининг руҳий ҳолатини очиб бериш, кайфиятини, ички кечинмаларини ёритиш, психологик таҳлил қилиш, асар воқеаларини ўзаро боғлаб, унинг шаклан ва мазмунан яхлит бир бутунлигини

таъминлашда туш мотивидан унумли фойдаланади ва шу орқали қаҳрамонни куршаб турган турли муаммолар, унинг дилини жунбушга солаётган рухий кийноқлар ва азоблар билан ўқувчини таништиради. Умаршайх Мирзониинг ички кечинмалари ва шу кечинмалар таъсирида унинг маълум рухий кафиятда ҳаётий воқеаларга аралашуви ва муносабат кўрсатишини жонли тасвирлайди. Тушда кўпинча келажакда юз берадиган воқелик ҳақида рамзлар орқали хабар берилади. Ёзувчи ҳикояда тушларга хос шу муҳим хусусиятдан ифода воситаси сифатида ўринли фойдаланади. Асарда Умаршайх Мирзо тушидаги ҳар бир тасвир, нарса ва ҳодиса, хатти-ҳаракат ва ҳолат ўзининг маъносига эга. Ёзувчи Умаршайх Мирзо тушида яйдок отга миниши ва отнинг хуркиб йиқилишини тасвирлаш орқали унинг кейинги ҳаётидаги воқеаларга ишора қилади. Бу орқали ўқувчи асар воқеалари ҳақида тасаввурга эга бўлади. Ҳикояда тасвирланаётган воқеа ўша давр сиёсий вазиятини ҳам ўқувчи кўз олдида жонлантиради. Асарда тарихий факт ва бадиий тўқима уйғунлашиб асар жозибасини оширишга хизмат қилган.

Ҳикояда барча образлар тарихий. Ёзувчи асар яратар экан, ўз асарига материал сифатида тарихий ҳодиса ва тарихий кишиларни олади. Тарихий мавзуда яратилган бадиий асарларда тарихда маълум шахслар асар қаҳрамони этиб тасвирланиши мумкин. Бундай тарихий шахсларнинг бадиий асарга киритилишида қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

Ёзувчи тушунишига мувофиқ, тарихий шахсларнинг ўз даврида тутган мавқеи, жамият ҳаётидаги роли, тарихий ҳақиқатга мос равишда, бузмасдан сақланади, ҳаққоний тасвирланади. Қаҳрамонларнинг замондошлари ва тарихчиларнинг бу тарихий шахсларга берган баҳосини сақлайди. “Ўлим шарпаси” ҳикоясида муаллиф тарихий шахслар характери аниқ ва яққол тасвирлайди. Бу муаллифнинг ҳикоя қилинаётган воқеа ва ўша давр ҳақида аниқ маълумотга эга эканлигидан далолат беради. Умаршайх мирзодан ташқари, Қорақўзбегим, Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой, Хожа Ҳусайнбек, Шайх Мазидбек, Али Мазидбек, Ҳасан Яъқуббек, Қосимбек қавчин,

Бобоқули Бобо Алибек, Али Дўстбек (тағойи), Мир Ғиёс, Али Дарвеш, Қанбар Али мўғул каби образлар ҳақида Бобур “Бобурнома” асарида маълумот берган. “Бобурнома”да қайд этилишича, Умаршайх Мирзо паст бўйлик, пахмоқ соқоллик, юмалоқ юзли, тўла, лўппи киши бўлган. Кийимни тор тиктириб кияр, саллани чирмаб ўрар эди; ханафий мазҳаблик, соф эътиқодлик киши эди, беш вақт намозини вақтида адо этар эди. Хожа Аҳрор Валийни ўзига пир санар, унинг кўпдан кўп суҳбатларида қатнашган. Умаршайх Мирзо хушхулқ, саховатли ва мард инсон бўлган. Қоракўзбегим эса, Умаршайх Мирзонинг ёш ва севимли хотини бўлиб, Бобур у ҳақда: “Яна бир Қоракўзбегим эрди, сўнгралар олиб эди, хейли суюклук эди. Мирзонинг хушомадина насабини Султон Абусаид мирзонинг оғаси Минучухр мирзора етқуриб эди”, деб ёзади. Муаллиф ҳикояда мана шу тарихий маълумотларни бадиий тўқималар билан бойитади.

Ҳикояда тилга олинган тарихий шахслардан бири Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой бўлиб, Султон Малик Қошғарийнинг ўғли Аҳмад Ҳожибекнинг иниси бўлган. “Бобурнома”да келтирилишича, Худойбердибек ўлгандан сўнг Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдойни эшик оғаси қилиб юборади. Султон Абусаид мирзонинг воқеасидин сўнг Андижон беклари билан чиқишолмагач, Самарқандга Султон Аҳмад мирзо хизматига боради. Умаршайх мирзо Самарқандни олиш мақсадида Ўратепа устига келганда Ўратепани Умаршайх мирзо ихтиёрига топшириб, унинг хизматига киради. Умаршайх мирзо унга Андижонни беради. “Бобурнома”да Бобур Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой ҳақида “Сўнгралар Султон Маҳмудхон қошига бориб эди. Мирзо Хонни топшуруб Дизакни анга бериб эдилар. Мен Кобулни олгондин бурунроқ Макка азимати қилиб, Ҳинд йўли била мутаважжих бўлди! Йўлда тенгри раҳматига борибтур. Фадир ва камсухан ва беҳайсиат киши эрди” [2;15], дея маълумот беради. Муаллиф “Ўлим шарпаси” ҳикоясида “Бобурнома”да келтирилган мана шу тарихий маълумотга асосланади.

“Хожа Хусайнбек одми ва фақир киши эрди. Ул замон дастури била ичқуларда қўшуқларни яхши айтур экандур” [2;15]. Ушбу маълумот ҳикояда қуйидагича бадиий акс этади: “Кўринишидан бекка ҳам ўхшамайдиган, доимо фақир одамлардек одми кийиниб юрадиган Хожа Хусайнбекнинг рангпаргина юзидан мирзо ҳеч қандай маъно уқиб ололмади” [6;97].

Бундан ташқари ҳикояда тилга олинган Шайх Мазидбек ва Али Мазидбек ҳақида “Бобурнома”да шундай маълумотлар келтирилади: “Яна бир Шайх Мазидбек эди, манга аввал бек атка ани қилиб эдилар. Забти ва тузуки хейли яхши эди. Бобур мирзоға хизмат қилғондур. Умаршайх мирзо қошида андин улуғроқ бек йуқ эди. Фосиқ киши эрди, чухра сахлар эди” [2;15]. “Яна бир Али Мазидбек қавчин эди, икки қатла ёғий бўлди: бир мартаба Ахсида, яна бир мартаба Тошкандта. Мунофиқва фосиқ ва харомнамак ва ярамас киши эрди” [2;15]. Бу иккала образ “Ўлим шарпаси” ҳикоясида хиёнаткор, хоин ва сотқин образ сифатида тасвирланади. Ҳикояда, шунингдек, Ҳасан Яъқуббек ҳақида “Яна бир Ҳасан Яъқуббек эди. Кичик кунгуллуқ, яхши таъблиқ, чуст ва часпон киши эрди. Бу байт анингдур:

Боз ой, эй хумойки, бетўтии хатат

Наздик шуд ки зоғ барад устухони ман.

Мардона киши эди. Ўқни яхши отар эди. Чавгонни яхши ўйнар эди. Хок паллани яхши сочарар эрди. Умаршайх Мирзо воқеасидин сўнг менинг эшигимда соҳиб ихтиёр ул эди. Ичи тор ва кам ҳавсала ва фитна, қисқароқ киши эди” [2;15]. “Ўлим шарпаси” ҳикоясида Али Мазидбек ва Ҳасан Яъқуббек ҳақидаги юқоридаги фактларни муаллиф қуйидагича бадиийлаштиради.”Унинг ҳар бир сўзини амри вожиб деб билувчи бу беклардан қай бири Мирзони маҳв этиши мумкин? Бир эмас икки марта ёвлашган Али Мазидбекми?! Ё қанчалик мардона бўлса, шунчалик

фитнага ўч Ҳасан Яъқуббекми?!” Бу образлар характер-хусусиятини очиб беришда муаллиф тарихий фактларга суянади. Ҳикояда тарихий факт ва бадиий тўқима уйғунлиги ўқувчига таъсир қилмай қолмайди. Муаллиф тарихий фактни ишонарли тарзда етказиб беради. Ёзувчи маҳорати ҳам, айнан, мана шунда. Агар ўқувчи асар воқеаларини ички ҳис-туйғу билан ишониб ўқимаса, бу асар қимматини пасайтиради. Ҳикояда тилга олинган тарихий образлардан яна бири Қосимбек қавчин образидир. “Бобурнома”да Қосимбек қавчин ҳақида Бобур айрича бир хурмат билан ёзади. Унинг қадимий Андижон қўшун бекларидан эканини таъкидлайди. “Ҳасан Яъқуббекдин сўнг менинг эшигимда соҳиб ихтиёр ул эди. Охир умригача ихтиёр ва эътибори ортти, ўқсумади. Мардона киши эди”. Ҳикояда Қосимбек қавчин ҳақидаги мана шу тарихий маълумот бадиий акс этган. “Садоқати зоҳир Қосимбек қавчиндан гумон қилиш густоҳликкина эмас, ақли кўтоҳлик ҳам бўлур эди”.

“Ўлим шарпаси” ҳикоясида муаллиф “Бобурнома”да келтирилган маълумотлардан ўринли фойдаланади. Бироқ бу билан ҳикоя Бобур ҳақида бизгача етиб келган тарихий-адабий манбаларда битилган маълумотларнинг такрори деган хулоса чиқармаслик керак. Ҳикояда муаллиф услуби ва ўзига хослиги сезилиб туради. Муаллиф мавжуд маълумотларни ўрганиб, янги ва ўзига хос асарни яратишга муваффақ бўлган.

“Ўлим шарпаси” ҳикояси тарихий асар талабларига тўла жавоб беради. Ҳикояда макон ва замон масаласи тарихий мантиқ асосида ҳал этилган. Қаҳрамонларнинг нутқини, характерини очиб беришда тарихий фактлардан ва бадиий тўқималардан маҳорат билан фойдаланади. Психологик тасвирлар тарихийликни бадиийликка олиб ўтган. Бундан ташқари, муаллиф асар воқеаларини баён этишда қуруқ баёнчиликдан қочади. Ҳикояда Умаршайх мирзонинг руҳий ҳолати маҳорат билан очиб берилади.

Дурбек Қўлдош қаламига мансуб “Хуфиёна битим” ҳикоясида эса Умаршайх мирзонинг фожеали ўлиmidан кейин Бобурга хиёнат қилган

бекларнинг ўзаро хуфиёна битим тузиш жараёни қаламга олинади. Бу воқеа “Бобурнома”да келтирилади. Бироқ “Хуфиёна битим” ҳикоясига тарихий факт асос қилиб олинган бўлсада, муаллиф ҳикоя сюжетида бадиий тўқимага кенг ўрин беради. Адабиётда “...бадиий тўқима қанча кўп бўлса, шунча яхши, — деган эди Алексей Толстой. Лекин бадиий тўқимани шундай амалга ошириш керакки, ундан ўқувчида чинакам турмуш ҳақиқати деган таассурот қолсин. Бадиий тўқима ҳаётий факт билан қўшилган, уйғунлашган пайтдагина чинакам умумлашма — бадиий образ вужудга келади. Конкрет тарихий шахсларга бағишланган адабий асарларда бадиий тўқима бир қадар камроқ ишлатилади. Масалан, Умаршайх мирзонинг ўлими билан боғлиқ тарихий фактни ўзгартириб, бошқача тасвирлаб бўлмайди. Лекин “Ўлим шарпаси” ва “Хуфиёна битим” ҳикояларида бу фактни икки муаллиф тарих ҳақиқатига содиқ қолган ҳолда, масалага ўзига хос ёндашади. Бундай ўзига хослик бадиий тўқимадан асарларнинг жанр тақозосига кўра фойдаланиш демакдир.

“Хуфиёна битим” ҳикоясида муаллиф асар воқеаларини мавжуд тарихий факт ва бадиий тўқима уйғунлигида тасвирлайди. Ҳикояда Аҳмад Танбал, Ҳасан Яъқуббек, Узун Ҳасан каби тарихий образлар билан бир қаторда исми келтирилмаган, Бобо деб номланган тўқима образ ҳам мавжуд. Ҳикояда баён қилинган воқеа Бобур ҳаётига тегишли бўлсада, Бобур образи кейинги қаторга қўйилади. Асосан, хиёнаткор беклар ва темурийларга содиқ фикр Бобо ўртасидаги суҳбат ва воқеа кенг тасвирланади. Ҳикоя Умаршайх мирзонинг ўлими воқеаси билан бошланиб, унга содиқ фуқаронинг хиёнаткорлар томонидан аянчли ўлдирилиши билан тугайди. Бу билан ёзувчи тарихдан маълум бўлган Бобурга нисбатан қилинган хиёнат ва сотқинларга ишора қилади. Муаллиф ҳикояда Бобур мирзонинг мард ва тантилиги, ёшлиқдаёқ кучли ақл ва зеҳн эгаси эканини қуйидагича тасвирлайди:

– *Ҳа, Валиаҳд шу ерда эдилар, бугун салтанатни қабул қилиб олдилар, – деди қониқиши ҳисси билан.*

Одамлар орасида:

–*Хайрият! Хайрият! – деган сўзлар эшитилди.*

Кимдир секингина:

–*Валиаҳдимиз ҳали болаку! деб ўсмоқчилаган бўлди.*

–*Тўғри айтадурсиз, тахт вориси ҳали ёш, – таъкидлади Ҳазрат.*

–*Вале, шу кунда, шу ёшда адолат, шуъжоат, ақлу фаросат ва муборизлиқта бу темурийзодага бас келадургон бирон кимсани нафақат Фаргона мулкида, балки Мовороуннаҳрда ҳам топиш амру маҳол”[7;119].*

Ушбу жумлалардан Бобур мирзонинг ҳақиқий инсон, адолатли шоҳ ва катта қалб эгаси эканини, ақлу фаросати, ҳар нарсани чуқур ўйлаб, долатли ҳал қилишини билиш мумкин. Ҳикояда фуқаролар нутқи орқали Бобур шахсиятидаги ижобий хислатлар яққол очиб берилади. Муаллиф ҳикояда Бобур ҳаётига оид воқеани тасвирлар экан, Бобур шахсига оид тарихий манбаларга суянади.

Маълумки, замон ва макон бадиий сюжетнинг таркибий қисми ёки унсурларидан бири эмас, балки унинг омили, ҳаётайлиги ва ҳаққонийлиги манбаидир. Макон ва замон сюжетга ўз муҳрини босади, уни жонлантиради, таъсирчанлигини оширади, сермазмун қилади. Қаламга олинган воқеа-ҳодисалар юз берган ёхуд юз бериши муқаррар бўлган макон(жой) тарихан аниқ бўлиши, баъзан тўқима ном бўлиши ҳам мумкин. Агар асарда тасвир этилган воқеа-ҳодисалар юз бериши мумкин бўлган макон номи тўқима бўлса ҳам унда барибир конкрет бир макон белгилари сингдириб юборилади. “Ўлим шарпаси” ва “Хуфиёна битим” ҳикоялари тарихий ҳикоялар сирасига киргани сабаб воқеалар юз берган макон тарихан аниқ.

Ахси, Андижон, Тошкент каби жой номлари асар воқеалари юз берган тарихий жойлар сифатида тилга олинади. Бу эса ушбу ҳикояларда тарихийлик унсурларининг юзага чиқишига асос бўлади.

Бадиий асар тўқимасида шундай унсурлар ҳам борки, уларни баъзи адабиётшунослар “асарнинг сюжетдан ташқари унсурлари” деб аташса, бошқа бирлари “композиция воситалари” деб юритишади. Аслида бундай унсурлар “композиция воситалари” деб юритилгани маъқул. Негаки, улар асар қисмларини, манзараларини бир-бирига боғлашга, яъни композицияга хизмат килади. Шундай унсурлардан бири асар сарлавҳаси — бадиий асар архитектоникасида ташкил қилувчилик ролини ўйнайди. Кўп ҳолларда асар сарлавҳаси унинг мазмуни билан узвий боғлиқ бўлади [1;145]. “Хуфиёна битим” ва “Ўлим шарпаси” ҳикоялари сарлавҳаси мана шундай хусусиятга эга. “Ўлим шарпаси” ҳикоясидаги туш мотиви асосида очиб берилиши лозим бўлган ғоя мазмуни сарлавҳа билан узвийдир. “Хуфиёна битим” ҳикоясида эса сарлавҳанинг номийёқ асар мазмунини ўқувчи кўз олдида аниқ очиб беради.

“Хуфиёна битим” ва “Ўлим шарпаси” ҳикояларида муаллифлар давр колоритини беришда тил имкониятларидан маҳорат билан фойдаланилганларига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳикояларда қўлланган “фалокат даст бериб”, “дорул бақоға рихлат қилдилар”, “азмойиш олмоқ”, “валиаҳд”, “бурноғи йил” каби эскирган қатор сўз ва қўшимчалар асар ҳикояларга давр руҳини беради. Ҳикоялардаги қаҳрамонлар нуткига эътибор бериб, сўзлар ва грамматик шаклларнинг мағзини чақиб кўрсангиз — кўз олдингизга жонли Бобур ё Умаршайх мирзо шахси ва уларнинг яшаган даври яққол номоён булади.

Адибларимиз миллат ва Ватан тарихини, буюк аجدодларимиз ҳаёти ва тақдирини ҳужжатли манбалар асосида, тўлақонли, бадиий ифодасини яратишда катта ва бой тажриба орттиришди. Бу соҳада муайян анъаналар ҳам яратилди. Тарихий наср табиатига хос етакчи хусусиятлар, ҳикоя

жанрининг тарихий тараққиёт тамоиллари, ижодкорларимиз тажрибаси ўрганилди.

Ватанпарварлик, миллатсеварлик туйғулари барча халқлар учун хос бўлган муштарак маънавий-интеллектуал қудрат. Шу маънода миллий мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда, ватан ўтмишини холис англашда, ёш авлодни миллий ғурур руҳида тарбиялашда тарихий йўналишдаги асарларнинг, жумадан, тарихий ҳикояларнинг ҳам роли ва ўрни беқиёс. Ёшларимизни Ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Заҳириддин Муҳаммад Бобур образи тимсол вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. — 145 б.
2. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома: Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун. – Тошкент: Юлдузча, 1989.
3. Дўстмуҳаммад Х. Ҳикояларда ҳаёт ва хаёл ҳақиқати // Шарқ юлдузи, 2012 .– № 8. – Б.58.
4. Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969. – 116 б.
5. Шермухамедов П. Тарихчи ва ижодкор нигоҳи // Шарқ юлдузи, 1977. – № 3. – Б.205.
6. Курбон, Темир. Ўлим шарпаси. // Шарқ юлдузи, 2011 . – № 6. – Б.97
7. Қўлдошов Д. Хуфиёна битим. // Шарқ юлдузи, 2014. – №2. – Б.119.

ҲАРАКАТ ТАРЗИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ

Мунира МЕНГЛИЕВА

Мустақил изланувчи
Андижон давлат университети
Андижон, Ўзбекистон
mengliyeva.munira23.04@gmail.com

Аннотация

Мақолада филологик, лингвистик ёки коммуникатив ёндашувлардан бири ноўрин қўлланилганда таржима матнида тарз маъносининг тушиб қолиши, маънонинг нотўғри таржима қилиниши ҳамда грамматик трансформациядан ноўрин фойдаланиш оқибатида матнда услубий ғализликлар келиб чиқиши мумкинлиги таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: ҳаракат тарзи, филологик, лингвистик, коммуникатив ёндашув, кўмакчи феъл, тарз маъноси, контекст, прагматик вазият.

ПЕРЕВОД СРЕДСТВ ВЫРАЖЕНИЯ ОБРАЗА ДЕЙСТВИЯ С УЗБЕКСКОГО НА АНГЛИЙСКИЙ ЯЗЫК

Мунира МЕНГЛИЕВА

Независимый исследователь
Андижанский государственный университет
Андижан, Узбекистон
mengliyeva.munira23.04@gmail.com

Аннотация

В статье анализируется, что при неправильном использовании одного из филологического, лингвистического или коммуникативного подходов возникают такие проблемы как упущение в переводе средств образа действия, неверный перевод значения образа действия или стилистические ошибки при неправильном использовании грамматических трансформаций.

Ключевые слова: образ действия, филологический, лингвистический, коммуникативный подход, вспомогательный глагол, значение образа действия, контекст, прагматическая ситуация.

Таржима ҳақида фикр юритар эканмиз, тилшунос А.В.Федоров фикрича, таржима – бир тил воситалари орқали аввалроқ ифодаланган маънони бошқа бир тил воситалари ёрдамида тўғри ва тўлиқ ифодалаш [7]дир.

Сир эмаски, бугунги кунда бадий таржима соҳасида, айниқса, ўзбек тилидан инглиз тилига ўгирилган бадий асарлар алоҳида эътибор қозонмоқда. Бундай таржималар нафақат ўзбек таржимонлари, балки инглиз тилини она тили сифатида ўзлаштирган етук инглиз ва америка тилшунослари томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи атоқли британиялик адабиётшунос Керол Ермакова томонидан “Days gone by” номи остида нашр қилинди. Фафур Ғуломнинг “Шум бола” (“A Naughty Boy”) қиссаси, Ойбекнинг “Навоий” романлари америкалик мутахассис таҳрири билан чоп этилди. Таъбир жоиз бўлса бундай таржималар ёш таржимонлар учун намуна ва мактаб вазифасини ўтамоқда. Ўзбек тилидан инглиз тилига таржима асарлар сўнгги пайтда сон жиҳатдан ўсиб бораётганига қарамасдан, тан олиш керакки, инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига таржима қилинган асарлар сони устуворликка эга. Америкалик таржимашунос Ю.Найда таржимани тўрт турга ажратади. Унинг назариясига асосан: таржимага *филологик ёндашув* тарихан бошқаларидан илгарироқ шаклланган. Бундай ёндашувда аслият матнининг таржима матни билан мутаносиблиги, таржиманинг адекватлиги эътибор марказида туради. *Лингвистик ёндашувда* таржимон матннинг формал тузилишига эмас, унинг мазмуний таркибига эътибор қаратади. *Коммуникатив ёндашувда* эса таржимон коммуникация, яъни нутқий фаолиятнинг асосий тамойиллари ҳисобланган манба, ахборот, рецептор, “қайта алоқа”, кодлаш ва декодлашга асосланади. Сўнгги – *социосемиотик ёндашув* эса турли белги тизимлари(кодлар)нинг реал вербал мулоқотда социал аспектларга таъсирига эътибор қаратади [10. 4. 5. 6].

Юқорида санаб ўтилган тўрт ёндашувдан учинчиси, яъни коммуникатив ёндашув таржима жараёнида аниқ натижага олиб борувчи, матн таржимасининг адекватлигини таъминлаб берувчи, шу билан бирга, лисоний элементнинг нутқда воқеланишида социал аспектларни инобатга олувчи таржима ёндашувларидан бири деб ҳисобланиши мумкин. Қўйидаги мисолларда матн таржимасига турли ёндашувларни кузатиш мумкин.

Масалан: *Jesse felt **ready to weep*** (A.Maltz, “The happiest man on Earth”) \\
*Жесси йиғидан **аранг** ўзини **тутиб турди*** (тарж. Қ.Юсупова, “Энг бахтли инсон”); *He leaned back in his chair and **glanced over** at Jesse with small, clear blue eyes that were suspicious and unfriendly* (A.Maltz, “The happiest man on Earth”) \\
*Хунук боқиб турган кичкина мовий **кўзларини** Жессига **қаратди*** (тарж. Қ.Юсупова “Энг бахтли инсон”); *“I’m the happiest man in the world”, – he **whispered** to himself* (A.Maltz, “The happiest man on Earth”) \\
*“Мен дунёдаги энг бахтли одамман”, – деб **шивирлади** у ўзига ўзи* (тарж. Қ.Юсупова, “Энг бахтли инсон”); *“Listen, Tom” Jesse said softly, “you just don’t understand”. He opened his eyes. – They were filled with tears* (A.Maltz, “The happiest man on Earth”) \\
*Қулоқ сол, Том, – **деди** Жесси **зарибона ҳолда**, – Сен шунчаки тушунишни истамаянсан-да. У кўзларини очди. Унинг кўзлари ёш билан **тўлиб қолганди*** (тарж. Қ.Юсупова, “Энг бахтли инсон”); *“You are crazy” – **muttered** Bracket* (A.Maltz, “The happiest man on Earth”) \\
*“Ақлдан **озянсан**”, – **мингиллади** Бракет яна* (тарж. Қ.Юсупова, “Энг бахтли инсон”).

Юқорида келтирилган таржима намуналарида сўзма-сўз таржима қилиш, яъни филологик таржима усулидан чекиниш кузатилади. Жумладан, *ready to weep* жумласи *аранг ўзини тутиб турди* сифатидаги мураккаб қурилма воситасида ўгирилган. Бу ўринда синтактик сатҳдаги воситалар ўрнида морфологик қатламдаги *-ёзди* қўшимчасининг кўмакчи феълга қўшилиши инглиз тилидаги ушбу жумла моҳиятини нисбатан табиий, ўзбек ўқувчиси учун тушунарлироқ ифодадай олиши мумкин. Иккинчи жумладаги *glanced over* (кўз ташламоқ) ибораси *кўзларини қаратди* деб таржима қилинган. Гарчи жумладаги умумий моҳият сақланиб қолган бўлса-да, ушбу ифода ҳаракатнинг сониявийлиги, қутилмаганда содир бўлганлиги каби тарз маъноларни тўлақонли ифодаламайди. Учинчи жумлада *whispered* феъли ҳаракатнинг қисқа муддат давом этганлигига ишора қилади; тарз маъносини лексик воситаси орқали, айнан ўзига мутаносиб лексема ёрдамида (*“шивирлади”*) таржима қилинади. Сўнгги жумлада ҳам лексик тарз ифода воситаси *“muttered”* ўзбек тилига семантик ва грамматик жиҳатдан муқобил

“*мингиллади*” шаклида таржима қилинган бўлса, тўртинчи парчада аслият матнидаги тарз ифода воситаси ўзбек тилида ўша маънони билвосита англлатувчи лексема билан алмаштирилган; бу эса матнга ўзига хос поэтика бахш этган. Бу ҳолат жумланинг коммуникатив ёндашув асосида таржима қилинганини кўрсатади.

Маълумки, кесим – гапнинг семантик маркази. Таржима жараёнида гап қурилиши ўзгариши табиий ҳол, юз бериши муқаррар ҳодиса деб қаралиши лозим [2]. Тилшунос Ж.Гринберг ўзининг “асосий тартиб типологияси” [9] назариясида гап қурилиши ҳақида мулоҳаза қилар экан, турли тиллардаги гапларни қуйидаги тартибга асосан синфлаштиради:

- 1) предлоглар ва қўшимчаларнинг мавжудлиги;
- 2) дарак гапларда эга (subject), кесим (predicate) ҳамда тўлдирувчи (object)нинг жойлашуви;
- 3) аниқловчи вазифасини бажарувчи сифатларнинг гапдаги ўрни [1;171].

Биламизки, таржима жараёнида ушбу белгиланган тартиблар тамомила бузилиши мумкин: бундай ўзгаришлар таржима қилинаётган тилнинг структур хусусиятларига боғлиқ бўлади. Гап бўлаклари орасида икки асосий бўлакни ажратиш кўрсатиш мумкин. Классик грамматикада ҳам эга ва кесим гапнинг марказий бўлаклари ҳисобланади. Кесим гап таркибининг асосий қисми бўлиб, унинг ўзагини ташкил этади. Зеро, кесимсиз предикация, яъни хабарнинг айна замондаги реалликка муносабати ҳам ифодалана олмайди [1].

Таржима жараёнида матнга коммуникатив ёндашувда гапнинг мазмуний маркази бўлган кесим, бизнинг ҳолатимизда ҳаракат феъли ва у билан биргаликда тарз маъносини ифодаловчи восита ахборотнинг асосини ташкил этади. Унинг атрофидаги бошқа бирликлар эса таржима қилинаётган тилнинг қурилишига қараб ўз ўрнини ўзгартиради. Масалан: *It was raining* (Е.Хемингуэй, “A cat in the rain”) \\ *Мана ҳозир ҳам ёмғир шаррос қўйяпти.* (тарж. У.Али, “Ёмғирда қолган мушук”); *Across the square in the doorway of the café a waiter stood looking out at the empty square. The American wife stood*

*at the window **looking out*** (E.Heminguey, “A cat in the rain”) \\
*Рўнарадаги қаҳвахона эшиги олдида официант сувда бўккан боққа **қараб турибди**. Шу дамда америкалик хоним ҳам хонасидаги дераза ортидан боққа **назар ташляпти*** (тарж. У.Али, “Ёмғирда қолган мушук”); *The wife went downstairs and the hotel owner **stood up and bowed** to her as she passed the office. His desk was at the far end of the office* (E.Heminguey, “A cat in the rain”) \\
*Хоним зиналар ёқалаб ҳовлиққанча настга тушди. Эшик олдида меҳмонхона хўжаси ўтирган экан. Хонимга кўзи тушган заҳоти **дик этиб ўрнидан туриб**, унга **таъзим қилган бўлди*** (тарж. У.Али, “Ёмғирда қолган мушук”); *As she **stood** in the doorway an umbrella **opened** behind her. It was the maid who looked after their room* (E.Heminguey, “A cat in the rain”) \\
*Хоним бўсагада **ўйга ботиб турганди**, туйқус боши узра **шарақ этиб** соябон қанотлари **ёйилди*** (тарж. У.Али, “Ёмғирда қолган мушук”); *She **went over** and sat in front of the mirror of the dressing table looking at herself with the hand glass. She **studied** her profile, first one side and then the other. Then she **studied** the back of her head and her neck* (E.Heminguey, “A cat in the rain”) \\
Судралиб** тошойна олдига **борди**. Кўзгуга боқиб, ўзига **синчиклаб зехн кўйди**. Аввал у томонига, кейин бу томонига ўгрилиб **қаради**. Оппоқ, силлиқ юзлари, энсасини **сийпалади (тарж. У.Али, “Ёмғирда қолган мушук”).

Мисоллардан англашилганидек, баъзи таржима парчаларида ҳаракатнинг тарзини ифодаловчи воситалар умуман эътиборсиз тушириб қолдирилса, бошқа ҳолларда матн оҳангдорлиги, унинг поэтикасини ошириш учун таржима қилинган жумла таркибига турли тарз маъносини билдирувчи воситалар қўшиб қўйилади. Учинчи ва тўртинчи гаплардаги *дик этиб ўрнидан туриб, таъзим қилган бўлди, ўйга ботиб турганди, туйқус, шарақ этиб... ёйилди* каби ифодалар зиммасига ҳаракатнинг сониявийлиги, нотўлиқлиги, давомийлиги, қутилмаганда содир бўлганлиги каби турли тарз маъноларини ифодалаш юклатилган бўлиб, ушбу тарз маънолари аслият матнида келтирилмайди. Шубҳасиз, ушбу бирликлар таржима матнига бадий бўёқдорлик бағишлаш, шу билан матннинг тасвирий қувватини

оширишга қаратилган. Маълумки, “тасвирий таржимадан бошқа прагматик маъноларни ифодалашда фойдаланилади” [3]. Кўриниб турганидек, аслиятдаги жумлаларда таржима учун ўта мураккаб бўлган прагматик маънолар кўзга ташланмайди, шу сабабли таржима матнига таржимон томонидан бундай бирликлар мустақил киритилади. Масалан: *Alix Martin stood leaning over the small rustic gate, watching the retreating figure of her husband, as he walked down the road in the direction of the village. Presently he turned a bend and was lost to sight, but Alix still stayed in the same position, absent-mindedly smoothing a lock of the rich brown hair which had blown across her face, her eyes far-away and dreamy* (A.Christie, “Philomel Cottage”) \\\ Аликс Мартин кичкина, қўпол даричага суянганча қишлоққа элтувчи сўқмоқ бўйлаб кетаётган эрининг ортидан қараб қолди. Мана, эри бурилишда кўздан зойиб бўлди. Аликс эса ўша алфозда турганича, анор ёноқларини ўпиб турган паришон қўнғир сочларини хаёлчан тузата бошлади (тарж. Р.Жабборов, “Булбул ошёни”); *True, there had been romance – of a kind – Dick Windyford, a fellow-clerk* (A.Christie, “Philomel Cottage”) \\\ Рост, бу орада унинг ҳаётига муҳаббат ҳам бир мўралаб ўтди (тарж. Р.Жабборов “Булбул ошёни”); *Unwittingly she had found the way to arouse her former lover. Dick Windyford had come to her stammering with rage and anger* (A.Christie, “Philomel Cottage”) \\\ У бехосдан Дик Виндифорнинг ҳам ҳис туйғуларини уйғотиб юборди. У қизнинг ёнига келиб, газабдан дудуқлана-дудуқлана қичқира кетди (тарж. Р.Жабборов, “Булбул ошёни”); *“I reckon to”, – said George simply. It's a fine thing to be able to eat your fill and know all the time as it's not you as is paying for it* (A.Christie, “Philomel Cottage”) – Бу аниқ, – деди чол соддалик билан. – Пулини тўламаслигингни била туриб, тўйгунча еб-ичиш кимга ёқмайди? (тарж. Р.Жабборов, “Булбул ошёни”); *As she moved with her fragrant posy towards the house, Alix noticed a small dark green object, peeping from between some leaves in one of the beds. She stooped and picked it up, recognizing it for her husband's pocket diary* (A.Christie, “Philomel Cottage”) \\\ У гулларни бағрига босиб, уйга қайтаркан, йўлда барглар орасида алақандай

тўқ зангори рангли нарса ёнаётганини кўрди. Авайлаб қўлига олди. Эрининг қайд дафтарчаси экан (тарж. Р.Жабборов, “Булбул ошёни”); *Before her was another long passage, and the White Rabbit was still in sight, hurrying down it. She was close behind it when she turned the corner, but the Rabbit was no longer to be seen* (L.Carroll, “Alice in wonderland”) \\ Алисанинг олдида узун ерости йўли пайдо бўлиб, унинг охирида Оқ Қуённи кўриб қолди. Қуён эса бир зумда туннел охиридаги муюлишига бурилиб кетди (тарж. М.Зоҳидова, “Алиса мўжизалар мамлакатада”); *She tried her best to climb up one of the legs of the table, but it was too slippery; and when she had tired herself out with trying, the poor little thing sat down and cried* (L.Carroll, “Alice in wonderland”) \\ Столнинг оёқларидан бирига тирмашиб чиқишига ҳарчанд уринса-да, буни эплэй олмади (тарж. М.Зоҳидова, “Алиса мўжизалар мамлакатада”).

Таржимонлар филологик, қисман лингвистик ёндашувда барча йирик грамматик категорияларни, шунингдек, ҳаракат тарзи категориясини ҳам мутаносиб, муқобил воситаси орқали ўгиришга интилишади. Бироқ аксарият ҳолларда ҳар бир тилнинг структур хусусиятлари сабаб таржима бирликлари бошқа сатҳлар билан “чалкаштирилган” тарзда берилади: бир тилда синтактик, лексик ёки морфологик восита орқали ифодаланган маъно таржима қилинаётган тилда умуман бошқа грамматик категория зиммасига юклатилади. Таниқли тилшунос Аракиннинг фикрича, шубҳасиз, грамматик шаклни танлаш эркинлиги бўлмаган барча ҳолларда, яъни грамматик шакллардан тобе фойдаланиш ҳолларида уларнинг маъноси соф бир тилга оид, фақат тил тизимининг ўзида мавжуд бўлган муносабатлар билан белгиланади [1]. Ушбу фикрини бошқа америкалик тилшунос Г.Глисоннинг хулосаси ёрдамида асослайди. Олимнинг ахборот ҳақидаги назариясига асосан: “*Nothing which is required by the structure can signal any meaning*” [8], яъни грамматик шакл тақозоси билан юзага келган ҳар қандай ахборот ўз таркибида ҳеч қандай маънога эга эмас. Аниқроқ, атрофлича изоҳланганда эса грамматик шаклга тобе ҳолда таржима қилинган ҳар қандай матн ахборот сифатида ўз кучини йўқотади, матн семантикаси грамматик шаклларга тобе

ҳолда тузилиши унинг мазмун-мундарижасига путур етказди. Шу сабабдан ҳаракат тарзи категорияси таржимасига ҳам фақатгина грамматик жиҳатдан ёндашиш бадиий матн мазмун-моҳиятининг тўлақонли ифодаланишига, унинг реципиент томонидан осон қабул қилинишига тўсқинлик қилади: матннинг коммуникатив хусусиятига путур етади. Шу назариядан келиб чиқиб юқоридаги таржима матнларини тўрт турга ажратиш мумкин.

Демак, биринчи гуруҳга тарз ифода воситалари ўзига грамматик жиҳатдан мутаносиб бўлган восита орқали таржима қилинган ҳолатларни киритиб, бундай жумлаларни филологик ёндашувда таржима қилинган дейиш мумкин. Зеро, юқорида таъкидланганидек, филологик ёндашувда бирликларнинг категорияси ва сони жиҳатдан мутаносиблиги, шунингдек, таржима матнининг аслига нисбатан адекватлиги каби унсурлар принципиал аҳамиятга эга. Иккинчи гуруҳга ҳаракат тарзи маъноларининг аслиятдан фарқли сатҳ воситалари орқали таржима қилиниши ёки тарз маъносининг бутунлай бошқа грамматик категориялар негизда берилиши таржиммага лингвистик ёндашув натижаси ўлароқ юзага келган. Чунки матн таржимасига лингвистик нуқтаи назардан ёндашувчи таржимон ўз олдига грамматик мутаносиблик, адекватлик принципларини эмас, мазмун ҳамда маъно яхлитлигини сақлаб қолишни мақсад қилиб олади. Учинчи гуруҳ намуналарда эса аксарият ҳолларда маълум бир ҳаракатнинг тарз маъноси тушириб қолдирилади ва аксинча, таржима матнига аслиятда келтирилмаган ҳаракат тарзи маънолари киритилади. Бундай ўзгаришни, биринчидан, соф лингвистик унсурлардан ташқари матн контексти ва бошқа нутқий прагматик вазиятлар тақозо этади, ушбу намуналарни матн таржимасига коммуникатив ёндашув натижасида юзага келган, деб хулоса қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аракин В. Сравнительная типология английского и русского языков. – Москва: Физматлит, 2005 – 232 с.

2. Ахо А., Ульман Дж. Теория синтаксического анализа, перевода и компиляции. В двух томах. пер. с англ. – Москва: Мир, 1978. – 306 с.
3. Бархударов Л. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). – Москва: Междунар. отношения, 1975 – 240 с.
4. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000.– 20 б.
5. Пшенкина, Т.Г. Вербальная деятельность переводчика в межкультурной коммуникации: психолингвистический аспект: дисс. ... д-ра филолог. наук // Т.Г. Пшенкина. – Барнаул, 2005. – 333 с;
6. Раҳматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 25 с.
7. Федоров А. Основы общей теории перевода. – Москва: Высшая школа, 1983. – 303 б.
8. Gleason. H. An Introduction to Descriptive Linguistics – New York: Henry Holt, 1955. – 406 p.
9. Greenberg J. Some universals of grammar with particular reference to the order of meaningful elements. In: Universals of Language. Cambridge (MA): MIT Press, 1963, 73 – 113 p.
10. Eugene A. Nida. Theories of Translation. – In.: TTR, Volume IV, Number I, 1st. Semester 1991. – P. 19-32;

ШАВКАТ РАҲМОН ШЕЪРИЯТИДА БУҚАЛАМУН ОБРАЗИ

Отабек Муродхонович МАЖИДОВ

Изланувчи

ўқитувчи

Шаҳрисабз шаҳри 6-сонли

умумтаълим мактаби

Шаҳрисабз, Ўзбекистон

mr.khan1188@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада Шавкат Раҳмоннинг “Буқаламун билан учрашув” шеъри таҳлилга тортилган бўлиб, муаллиф таҳлил жараёнида шеърнинг яратилишига туртки бўлган омиллар: тарихий давр ва шароит, шоирнинг жамиятга, ундаги одамларга нисбатан қарашлари хусусида фикр билдиради.

Таянч сўзлар: Шавкат Раҳмон, буқаламун, тимсол, иккиюзламачилик, лаганбардорлик, макон ва замон тасвири, Антон Чехов, сифатлаш санъати, синаш мотиви, ижтимоий муаммолар, лирик қаҳрамон, мансабпараст, шуҳратпараст.

ОБРАЗ ХАМЕЛЕОНА В ПОЭЗИИ ШАВКАТА РАХМОНА

Отабек Муродхонович МАДЖИТОВ

Соискатель

Учитель

Общеобразовательная школа №6 города Шахрисябза

Шахрисябз, Узбекистан

mr.khan1188@gmail.com

Аннотация

В данной статье приводится анализ стихотворения Шавката Рахмона “Встреча с хамелеоном”. Предпосылками создания данного стихотворения являются историческая эпоха и условия, а также отношение автора к обществу и окружающим.

Ключевые слова: Шавкат Рахмон, хамелеон, символ, лицемерие, подхалимство, изображение времени и пространства, Антон Чехов, искусство описания, мотив пробы, общественные проблемы, лирический герой, чинопочитание, честолюбие.

Рамз – бадий адабиётда воқеа, предмет ва тушунчаларни бошқа буюм ва ходисалар орқали шартли тасвирлаш усули. Масалан, шер – мардлик, жасорат, тулки – маккорлик рамзи. Адабиёт тарихида асрлар

давомида ишлатилиб келаётган рамзий образлар системаси мавжуд: гул – гўзаллик, машука, булбул – садоқатли ошиқ, бойқуш – бахтсизлик, сарик ранг – маҳзунлик, қора ранг – мотам. Ҳотам – сахийлик, чумоли – хокисорлик, донолик рамзи ва ҳоказо.

Поэтик рамз бадий восита – воқеликни акс эттириш усули сифатида қадимдан ифода этилади. Унинг дастлабки намуналари халқ оғзаки ижодида кўринади [8; 72].

Шавкат Раҳмон ижоди – рамзларга бой. Унинг ҳар бир шеърдан янги маъно уқиш мумкин. Шоирнинг шеърларида ватан озодлиги, юрт мустақиллиги учун кураш руҳи устуворлик қилади. Шавкат Раҳмоннинг шеърлари бошқа шоирларнинг шеърларидан шу жиҳати билан ажралиб туради. Унинг 1981 йилда қоғозга тушган “Буқаламун билан учрашув” назмий асари ҳам шундай шеърлар сирасига киради.

Шеър бармоқ вазнида бўлиб, ҳар бир банд тўрт мисрадан таркиб топган. Шоир айрим ўринларда маънони кучайтириш, оҳангдорликка эришиш учун бир сатрни икки қаторда келтиради. Шеърда кўпроқ тазод санъати, шунингдек, таносиб, иштиқоқ, ташбеҳ каби санъатлар қўлланган.

Профессор Қозоқбой Йўлдошев «Шавкат инсониятнинг ҳозирги одамлик даражаси билан келишмай яшади. Менимча, у одам сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам жангари эмас, лекин муросасиз эди. Шу боис унинг битганларида инкор, ёзғириш, ёруғликка, тозаликка, кенгликка интилиш кучли эди. Унинг зулфиқор руҳга интилиб, интиқ бўлиб яшаши шундан» [2; 239], дейди.

Буқаламун – товланувчан хамелеон. Жанубий Осиёда тарқалган, дарахтда яшовчи, судралиб юрувчи, шароитга қараб рангини ўзгартиб турувчи калтакесаксимон жонивор [7; 392]. Ҳар қандай даврга мослашадиган, шу аснода тинч ҳаёт кечиришга интиладиган кишилар ҳам буқаламунга қиёсланади. Ҳар қандай шароитга мослашиб кетаверадиган буқаламунсифат кишилар ўз манфаатини бошқаларникидан устун қўйгани боис жамиятга зарар келтиради. Улар дўст қиёфасида кўриниб, биродарининг

кўксига ханжар санчади. Шавкат Раҳмон «Буқаламун билан учрашув» шеърида худди шу жиҳатга эътибор қаратади. Шавкат Раҳмоннинг мазкур шеърида қатор тимсоллар мавжуд. Бошқа шеърларидаги каби шоир ушбу шеърида ҳам реал воқеликка очиқ муносабат билдирмайди. Кимгадир қаҳрини сочмайди, ёзғирмайди. Бу шеърда миллатга мурожаат тарзидаги хитоблар ҳам йўқ [3; 55].

Умуман олганда, дунё ва ўзбек адабиётида буқаламун образига мурожаатлар учрайди. Масалан, рус адиби Антон Чехов қаламига мансуб «Буқаламун» ҳикоясида полиция назоратчиси Очумеловнинг табиатидаги иккиюзламачилик, лаганбардорлик характерлари чиройли тасвир этилганини кўриш мумкин.

Миллий адабиётимизда Алишер Навоийнинг “Гардун манга гаҳ жафоу дунлиқ қилди” [4; 12] деб бошланувчи рубоийсида ҳам, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драмасида ҳам бу образни учратамиз. Атоқли адиб Саид Аҳмад ижодида ҳам “Буқаламун билан учрашув” [1; 42] деб номланган ҳикоя мавжуд. Мазкур ҳикоя “Сиз мени танимайсиз, укагинам. Кўп жойларда жонфидо қилиб ишлаганман”, деб бошланади. Ҳикоя 1998 йилда ёзилган. Ҳикоя мазмунига эътибор берсак, Саид Аҳмад ҳам, Шавкат Раҳмон ҳам бир мавзуга мурожаат қилгани аёнлашади.

Адабиётшунос Дилмурод Қуронов “Адабиётшуносликка кириш” китобида “Кўчимнинг яна бир тури аллегория бўлиб, бунда мавҳум тушунчалар конкрет нарса-ҳодисалар номи орқали ифодаланади. Бадиий адабиётда аллегориялар кўпроқ анъанавий тарзда қўлланиб, уларнинг аксарияти турғун ҳолатга келиб улгурган: “тулки” айёрлик, “бўри” ваҳшийлик, “эшак” фаросатсизлик, “жиблажибон” кўнимсизлик, “буқаламун” тутуриқсизлик, “мусича” беозорлик каби кўчма маъноларда қўлланади” [9; 132], деб таъкидлайди

Одатда, аксарият бадиий асарлар макон ва замон тасвири билан бошланади. Шавкат Раҳмоннинг шеърида эса бу кузатилмайди. Шоир шеърни тўғридан тўғри қаҳрамонга мурожаат қилиш билан бошлайди ва

сифатлаш санъати орқали қаҳрамон ҳамда муаллиф образини чизади. Шу асосида ўқувчида қаҳрамон ва муаллиф муносабати тўғрисида тасаввур уйғотиб, қаҳрамонга салбий баҳо беради.

Саид Аҳмад ҳикоясида буқаламуннинг “Танимасни сийламас, деганларидек аввал кимлигимни шошилмай айтиб берсам...” деган гапларига муаллиф “– *Сизни жуда яхши танийман*” деб жавоб беради. Шавкат Раҳмон шеърида эса айни ҳолат:

Кўзларингдан танидим сени,
йўлиққандек мозийда бисёр, —
кўнгли очик паҳлавон эдим, —
сен ботиний мунофиқ, айёр.

тарзида ифода қилинади [6; 181].

Кейинги бандда шоир фикрини ривожлантиришга ўтади. Натижада, шеърнинг композицияси кенгаяди. Шоир шеърга халқ оғзаки ижодида кўп учрайдиган маликаларнинг куёвликка номзодларни синаши мотивини киритади. Халқ оғзаки ижодидан олинган ушбу мотив кўпгина эртақларда турли вариантда учрайди. Шоир шеърга ушбу мотивни киритганида ўз олдига қаҳрамоннинг маънавий дунёси моҳиятини ўқувчига содда тарзда етказишни мақсадини кўяди.

Шоҳ қизининг шартига кўра
не девларга солдим таҳлика,
чавақладинг ухлаган чоғим —
сенга хотин бўлди малика.

Эртақ, дostonларда маликага уйланмоқчи бўлган шахзодаларнинг бир-бирини нобуд қилгани нақл этилади. Шоир ҳам шу мисралар орқали эртақлардаги малика, дев ва паҳлавонга ишора қилаётгандек туюлади!

Эртакдаги паҳлавон – оддий йигит. У маликанинг шартини бажариш учун девни ўлдиради. Малика эса “буқаламун” сингари ўзгариб, фикридан қайтиб, девни ўлдириш шарти шунчаки бир баҳона эканлигини билдиради.

Шеър билан танишиш асносида шоирнинг бу мотивни киритишдан мақсади, тузум моҳиятини кўрсатиб бериш эканлиги аёнлашади. Шоир киритма қаҳрамон фаолияти орқали Шўро тузуми буқаламун бўлганлигини таъкидлайди. Лирик қаҳрамон замоннинг буқаламунлигини очиқ бериш учун бошидан ўтганларни, Шўро тузуми кишилар бошига солган кулфатларни изтиробга тўлиб маълум қилади.

Жамият ижтимоий-сиёсий таназзулга учраганидан кишиларга ўз руҳий-маънавий кучларини амалий ҳаётга кенг татбиқ қилишга имкон бермас, ёш кўнгил эса ҳаракат қилиш, интилишни истар эди. Давр бу кўнгил интилишларини бўғиб турарди. Бунга эса тоқат қилиб, кўникиб бўлмасди. Замоннинг шиддатли тараққиётига мос яшаш учун маънавий асос топиш лозим эди [5].

Шоир мисрадан мисрага фикрини тадрижий ривожлантириб, воқеликни кенгроқ тасвирлайди. Натижада, қаҳрамон ва муаллиф ўртасидаги зиддиятлар аниқроқ кўринади.

Ўлдиргансан кўп бора мени,
гоҳ оғулаб,
гоҳо пичоқлаб,
уйғотарди ҳар гал ўлимдан
ўжар ерим қаттиқ кучоқлаб.

Шеърнинг ушбу ўринларида шоир бегуноҳ айбланган Қодирий, Чўлпон, Носирларнинг номидан гапиради. Шоир буқаламунлар қурбон қилган ҳаётни ўзиники деб билади. Шу боис *Ўлдиргансан кўп бора мени*, дейди.

Кейинги мисраларда ижтимоий муаммоларга аниқроқ эътибор каратилади. Юқорида қайд этилганидек, Ватан мавзуси шоир шеъриятида етакчи мавзу саналади. Қуйидаги мисраларда шеърдан шоирнинг мақсади англашилади.

Жоним ўлди савашларда кўп,
сен Ватанни сотдинг тонггача;
ёнди кўп бор,
қиличдан ўтди
етти ёшдан етмиш ёшгача.

Ушбу бандда шеърдаги маъно умумлаштирилиб, буқаламунлар – ўз манфаати, шахсий фароғатини ўйлаб яшайдиган кимсалар, Ватан хоини эканлиги очиқ айтилади. Шоир ўқувчи хаёлини ўтмишга етаклайди, буқаламунларнинг фитнаси туфайли бегуноҳ қурбон бўлган ватандошларини эслайди.

Буқаламун шу зайлда мифологик характер касб этади. Лирик қаҳрамонни у кўп бора ўлдирган. Лекин лирик қаҳрамон тупроқни қучоқлаб, ундан қувватланиб, ўлим уйқусидан уйғона беради. Буқаламун билан жанг эса давом этаверади. Гўё шоир бу кураш туганмас можаро эканлиги, буқаламунлар ҳамиша, ҳамма замонда бўлади демокчи. Бу фикрлар «Кичкина шахзода» эртагидаги Баобобларни эслатади.

Бугун ногоҳ учрашиб қолдик,
сен — нафсини ўйлайдиган зот,
мен — юраги ланг очиқ шоир —
доим кезиб юргувчи фарёд.

Шоир буқаламунлар билан курашиб, мағлубиятга учраганидан изтиробга тушмайди. У ғалабасидан ҳам ғурурланиб кетмайди. Буқаламунга

очик мурожаат қилади. У билан яна учрашишига ишонади ва бунга ҳамиша тайёр туришини билдиради.

Олдинда кўп учрашувлар бор,
вақт шамоли тинмай айланар,
учрашармиз минг йилдан кейин
жанггоҳларда ўқталиб найза.

Буқаламунларнинг бошқалардан фарқли жиҳати шундаки, улар ҳеч қачон очик жангга кирмайди. Улар ранг-тусини ўзгартириб, сездирмай ҳамла қилади. У дўст қиёфасида ҳам кўриниши мумкин. Шоир буқаламун қиёфасини чизар экан, инсонни билиш мушкул, деган қадимий фалсафани илгари суради. Буқаламун — мунофиқ. У ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, бошқаларнинг роҳатини бузаверади. Ҳар қандай тузумга, ҳар қандай мафкурага осонлик билан мослашади. Лекин ўз манфаатига терс келган пайтда асл башарасини кўрсатади. Шоир эса бунга ишонмайди:

Э йўқ,
ўша пайт ҳам изимдан
ўрмаларсан бамисли илон,
ё ётарман ойдин водийда
курагимда дудаманг билан.

Шеърда воқеаларнинг кетма-кетлиги акс этмаган: буқаламун илондек ўрмалаб, пайт пойлайди. Лирик қаҳрамоннинг курагига бошқа бир буқаламун икки тигли пичоқ санчганидан у ерпарчин бўлиб ётган бўлади. Шеърнинг бундай яқунланиши буқаламуннинг хийла-найранги тугамаслигига ишора бўлиб туюлади.

Шавкат Раҳмон ушбу шеърда буқаламун образини яратиш орқали Шўро даврига ишора қилади. Унинг бу асарида бошқа шоирлар шеърларидаги каби хитоблар янграмаса-да, буқаламундан огоҳ бўлишга даъват этади.

“Буқаламун билан учрашув”да “буқаламун” сўзи ҳеч бир ўринда қўлланмаган бўлса-да, лекин шеърнинг мазмунидан унда буқаламун образи чизилгани аниқ англашилади. Шоир ушбу шеъри орқали манфаатпараст, шуҳратпараст, худбин кимсаларнинг иккиюзламачилиги, фирибгарлиги, мунофиқлигидан барчани огоҳ этади.

Шеърдаги шох қизи ана шундай буқаламунлардан бири. Шоир шох қизи образи билан буқаламунларнинг кирдикорларини очиб бермоқда, яъни мансаб курсисини эгаллаб олиб, одамларни алдайдиган, ҳаммани сарсон-саргардон қиладиган шуҳратпараст, манфаатпараст, буқаламундай ўзгарувчан амалдорларни назарда тутди.

Шавкатнинг шеърларини ўқиганимизда, бизнинг ҳам ҳаётга талабларимиз янада кучаяди. Кўп нарсаларга янада кескинроқ қарашга рағбатимиз ошиб, майилларимиз бойигандек бўлади [10; 28], дейди адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул

Шавкат Раҳмон мураккаб даврда яшаб ижод этди. Лекин дилдаги дардини ичига ютиб яшамади. Шоир дарди, қайғусини одамларга маълум қилиш учун тоғ, дарахт, тош каби табиат унсурларини рамз қилиб олади. Шулар қаторида буқаламун образи ҳам шоир қалб изтиробларини ўқувчига етказиш учун бетакрор восита бўлиб химат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмад, Саид. Танланган асарлар. 1 жилд. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 200 б.
2. Йўлдош, Қозоқбой. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 548 б.
3. Мирзаева Н. Истиқлолга интилган шоир. – Тошкент: Тамаддун, 2011. – 70 б.
4. Навоий, Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1983. – 112 б.

5. Намоз, Мусулмон. Туманларни кўпорар тоғлар. – Тошкент, “Ватан” газетаси. 1995-йил, 22 сон.
6. Раҳмон, Шавкат. Абдиёт оралаб: Шеърлар. – Тошкент: Моворауннаҳр, 2012. – 384 б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 671 б.
8. Қобилов У. Бадиий таҳлил асослари. – Самарқанд, 2014. – 123 б.
9. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – 227 б.
10. Ҳаққул, Иброҳим. Мушоҳада ёғдуси. – Тошкент: Шарқ, 2012. – 384 б.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ ГЛОБАЛ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА ЎЗ ЎРНИНИ МУСТАҲКАМЛАШИ

Шухрат Эшонқулович ТОШТУРОВ

катта ўқитувчи

Навоий Давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг БМТ глобал дастурлари доирасида халқаро рейтингларда ўрнини мустаҳкамлаши малаласи таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳатлар, ўзаро ҳамкорлик, инсон тараққиёти концепцияси.

УКРЕПЛЕНИЕ ПОЗИЦИЙ УЗБЕКИСТАНА В МЕЖДУНАРОДНЫХ РЕЙТИНГАХ В РАМКАХ ГЛОБАЛЬНЫХ ПРОГРАММ ООН

Шухрат Эшонқулович ТОШТУРОВ

старший преподаватель

Навоийский государственный педагогический институт

Навои, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются аргументы Узбекистана по укреплению своих позиций в международных рейтингах в рамках глобальных программ ООН.

Ключевые слова: реформы в социально-экономической сферах, взаимное сотрудничество, концепция человеческого развития.

Ўзбекистон Республикаси БМТ билан ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар борасида ўзаро фаол муносабатларни йўлга қўйган ва бу ўзаро ҳамкорлик инсон тараққиёти концепцияси билан белгиланади. Ўзбекистон ва БМТ ўртасида иқтисодий, ижтимоий, таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, экологик бақарорлик, аҳоли фаровонлигини ошириш каби соҳаларда кенг кўламли чуқур ҳамкорлик муносабатлари амалга оширилди. Бу БМТ томонидан қабул қилинган “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари” ва “Барқарор ривожланиш мақсадлари” каби глобал дастурлар ва уларнинг Ўзбекистонда тўла амалга оширилишида намоён бўлади.

БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастурини амалга ошириш тугалланганидан сўнг 2015 йил 25 сентябрда ташкилотга аъзо 193 мамлакатлар томонидан 2030 йилга қадар мўлжалланган ривожланишнинг янги “Барқарор тараққиёт мақсадлари” Декларациясини (Sustainable Development agenda) [12] қабул қилди. Мазкур дастур 17 та глобал мақсадлардан иборат бўлиб, дунёдаги глобал ривожланишга қаратилган. Унинг энг муҳим жиҳати шундаки, бу дастур МРМнинг мантикий давоми сифатида уни янада ривожлантириб, бартараф этилиши лозим бўлган янги мақсадлар билан бойитган. Улар қуйидаги мақсадларни ифодалаган: 1) қашшоқликни тугатиш; 2) очликни бартараф этиш; 3) саломатликни янада мустаҳкамлаш; 4) сифатли таълим; 5) гендер тенглиги; 6) тоза сув ва санитария; 7) арзон ва тоза энергия; 8) муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш; 9) индустриализация, инновация, инфратузилмаларни ривожлантириш; 10) тенгсизликни қисқартириш; 11) барқарор шаҳар ва аҳоли пунктлари; 12) масъулиятли исътемоқ қилиш ва ишлаб чиқариш; 13) иқлим ўзгаришларига қарши курашиш; 14) денгиз экотизимларини асраш; 15) ер экотизимларини асраш; 16) тинчлик, адолат ва самарадор институтлар; 17) барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик [13].

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ушбу глобал мақсад ва вазифаларнинг ақсарият қисмига тўлиқ эришган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, МРМнинг ҳам мамлакатда тўлиқ амалга оширилганлиги дунё ҳамжамияти томонидан катта эътирофга сазовар бўлган. Буни Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маданий соҳаларда эришилган ютуқлар, мамлакат тобора юқорилаб бораётган жаҳон рейтинглари ва уларнинг умумжаҳон эътирофида кўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши динамикасини мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маданий соҳаларда эришилган ютуқлар, мамлакат тобора юқорилаб бораётган жаҳон рейтинглари ва уларнинг умумжаҳон эътирофида кўриш мумкин.

БМТ кўмагида Колумбия университети профессори Жеффри Сакс, Лондондаги иқтисодиёт мактаби директори Ричард Лейард ва Британия Колумбия университети профессори Жон Хеллиуэл томонидан 2012 йилдан буён Бутунжаҳон бахт индекси тузиб келинади. Ушбу ҳисоботни тузишда давлатлар ялпи ички маҳсулотининг аҳоли жон бошига мос ҳиссаси, давлат томонидан фуқароларнинг фаоллиги ва ижтимоий қўллаб-қувватланиши, узоқ умр кўриш, одамларнинг сайлов ҳуқуқи, коррупция омили даражаси каби мезонлар билан ўлчанади. Ўзбекистон 2015 йил Бутунжаҳон бахт индекси (World happiness report)да [14] 158 мамлакат орасида 44-поғонани, МДХ давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллади. Мамлакатда 2016 йилдан кейин барча соҳаларда туб ўзгаришлар ва ислохотларнинг янги босқичи амалга оширила бошлади. Янгиланаётган Ўзбекистон турли халқаро рейтингларда дадил юқорилаб борди. Хусусан, ушбу Бутунжаҳон бахт индексининг 2020 йил ҳисоботида давлатларнинг бахт индекси 2017-2019 йиллар кесимида берилди. Ўзбекистон ушбу 2017-2019 йилларда мисолида Бутунжаҳон бахт индекси (World happiness report)да [15] 2015 йилга 44 поғонадан 38 поғонага юқорилади.

Мамлакатларнинг ривожланиши, уларнинг турли соҳалардаги тараққиёти шубҳасиз, инсон тараққиёти концепцияси билан белгиланади. Ушбу концепция ҳинд иқтисодчиси Амартья Кумар Сен ва покистонлик иқтисодчи Маҳбуб ул Ҳақлар томонидан БМТТД доирасида тузиладиган “Инсон тараққиёти тўғрисида”ги маърузалар негизида асос солинган. Бу маъруза 1990 йилдан бери мунтазам равишда ҳар йили нашр этилади.

БМТ томонидан 2015 йилда Инсон тараққиёти индексининг (Human Development Index) янгиланган рейтинги чоп этилди. Ушбу рейтинг ҳар йили халқаро миқёсда янгиланиб борилади. Мазкур рейтингда Ўзбекистон 2015 йилда 188 давлатлар орасида 114-ўринни [11] эгаллади. Ўзбекистон Республикасидаги 2016 йил иккинчи ярмидан бошлаб мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларида туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2017 йил 7 февралдаги “�збекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [2] фармонида асосан 2017-2021 Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши бу борада муҳим асос бўлди. Халқаро экспертларнинг таъкидлашича [9], Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғундир. Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари БРМ мақсадларига тўлиқ мувофиқ келади. Ёки бошқача таъкидлаганда Ҳаракатлар стратегияси – бу БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг йўл харитасидир [4]. Шунга асосан БМТ томонидан 2019 йилда чоп этилган Инсон тараққиёти индексининг (Human Development Index) рейтингда Ўзбекистон 2015 йилги 114-ўрндан 108-ўринга [6] юқорилади.

Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

Даража	Мамлакат	Инсон тараққиёти индекси	Умр кўриш давомийлиги (БРМ)	Мақтаб таълими давомийлиги (БРМ)	Ўртача ўқиш давомийлиги	Жон бошига ялпи милли даромад
108	Ўзбекистон	0.710	71.6	12.0	11.5	6,462

Манба: Human Development Report Office 2019.

Бу халқаро рейтинг Ўзбекистондаги ислохотларда инсон ва унинг манфаатлари бирламчи масала эканлигининг далилидир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Жини индекси (Gini index) кўрсаткичи 0,40 дан 0,269 га пасайди. Бу натижа, БМТ тавсияларига биноан 0,35-

0,37 миқдорида белгиланган халқаро стандартлар нуқтаи назаридан караганда, мамлакат аҳолисининг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганлигидан далолат беради [7].

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида умр кўриш давомийлиги ҳам юқори бўлади. 2015 йил узок умр кўрувчи инсонлар яшовчи мамлакатлар тўғрисида Украинанинг “Элвисти” ахборот марказида электрон ОАВлари томонидан тарқатилган материаллар асосида тадқиқот ўтказилиб, унда 4,5 млн. материаллар мониторинг қилинди. Ўзбекистон ушбу рейтингда Япония, Хитой, АҚШ, Буюк Британия ва Италия каби давлатлардан кейин дунёда 6-ўринни [16] эгаллади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, жаҳон мамлакатларида узок умр кўрувчиларнинг аҳоли сонига нисбати жиҳатидан Ўзбекистон кучли учликдан ўрин эгаллаган. 2015 йилда Ўзбекистонда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши эса, нафақат БМТ МРМнинг тўлиқ бажарилганлиги, балки БРМ дастурининг қабул қилинишидан олдин унинг кўпгина вазифаларига тўлиқ эришилганининг амалий ифодаси сифатида намоён бўлди.

АҚШда фаолият олиб борадиган нуфузли Геллап институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан “Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси” мавзусида 2015 йилда жаҳоннинг 144 мамлакатини қамраб олган махсус тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот сўровномаси уч савол: “Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий полицияга ишонасизми?”, “Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кечаси хавф-хатардан қўрқмасдан ёлғиз юра оласизми?” ва “Охирги ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингизнинг пул ва мол-мулки ўғирланган ҳолат содир бўлганми?” мазмунида кўйилган. Ўзбекистон мазкур рейтинг натижаларига кўра, дунёдаги 141 давлат орасида 2-ўринни эгаллади.

Халқаро таҳлиллардан маълумки, МРМ ва БРМга мос равишда Ўзбекистондаги иқтисодий, ижтимоий фаровонлик халқаро талабларга тўла жавоб беради. 2015 йили Ўзбекистон Швецарияда жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum) БМТнинг Жаҳон Банки “Глобал иқтисодий

истиқболлар” ҳужжатида келтирилган маълумотлар асосида тузилган рейтингда энг тез ривожланаётган давлатлар қаторида 5-ўринни эгаллаши, давлатнинг иқтисодий омили тез ва шиддатли ривожланиб бораётганлигини исботлайди.

Ўзбекистон халқаро индексларда ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон иқтисодий форуми, Халқаро бюджет ҳамкорлиги, INSEAD халқаро бизнес-мактаби ва Economist Intelligence Unit каби халқаро рейтинг агентликлари ва ташкилотлари билан фаол алоқаларни йўлга қўйган. Шунга асосан 2016-2020 йиллар мобайнида халқаро рейтинг агентликларининг ҳисоботларига биноан мамлакатимизнинг иқтисодий рейтинглардаги ўрни сезиларли даражада ўсди. Хусусан “Fitch Ratings” ва “S&P Global Ratings” халқаро рейтинг агентликларининг баҳосига кўра 2019 йилда мамлакатнинг суверен кредит рейтинги «BB-» барқарор даражада сақланиб қолмоқда [10].

БМТнинг Жаҳон Банки гуруҳи томонидан 2015 йилда “Бизнес юритиш 2015: сифат ва бошқариш самарадорлигини баҳолаш” ҳисоботи эълон қилинди. Ушбу ҳисобот рейтингда Ўзбекистон 2014 йилга кўрсаткич билан солиштирилганда 189 мамлакат орасида 16 поғона юқорилаб, 103-ўридан 87-ўринга [5] кўтарилган. Рейтинг тузувчиларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон бизнес юритиш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича 2014-2015 йилларда энг яхши натижаларга эришган мамлакатлар ўнталигига кирган. Жаҳон банки «Бизнес юритиш 2020» янги йиллик ҳисоботида (Doing Business 2020) сўнгги бир йилда Ўзбекистон Республикаси бизнес ислоҳотини амалга оширишда энг катта ютуқларга эришган 20 та мамлакат қаторига киришга имкон берган тўртта ислоҳотни амалга оширгани тўғрисидаги ахборотни тарқатди. Шунингдек, 2019 йилда Ўзбекистон ушбу рейтинг ҳисоботида дунёнинг 190 мамлакати орасида 69-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди [8].

2019 йилнинг сентябрь ойида Жаҳон банкининг Бошқарув сифати

индикаторларининг 2018 йил учун эълон қилган ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси бир қатор индикаторлардан яхшиланганлигини маълум бўлди. Хусусан, «Коррупцияни назорат қилиш» индексида 1 поғонага, «Ҳукумат самарадорлиги» индексида 3 поғонага, «Норматив сифат» индексида 7 поғонага, «Қонун устуворлиги» индексида 4 поғонага, «Сўз эркинлиги ва ҳисобдорлик» индексида 5 поғонага кўтарилди [3].

Ўзбекистон кейинги йилларда халқаро индексларда сезиларди даражада илгарилади. Жумладан, Мерос жамғармасининг «Иқтисодий эркинлик» индексида 52 поғонага, Жаҳон банкининг «Логистика самарадорлиги» индексида 19 поғонага, «Бизнес юритиш» индексида 18 поғонага кўтарилди. Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг «Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш» тизимидаги 6-гуруҳ мамлакатлари қаторидан 5-гуруҳ мамлакатлари қаторига кўтарилди [1].

Бироқ таъкидлаш керакки, ушбу рейтингларда эришилган натижаларнинг барчасини ҳам ҳали ижобий деб бўлмайди, Ўзбекистон ўзининг кенг имкониятлари билан бундан ҳам юқорироқ поғоналарни эгаллаши, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шунингдек, бизнингча, Ўзбекистон илм-фан, инновация йўналишларида ҳам халқаро глобал рейтингларда юқори натижаларни эгаллашга ҳаракат қилиши унинг, барча соҳалардаги ютуқларини янада мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июнь. Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, – Б.25-150.

3. Абдимўминов О. Глобал индексларда Ўзбекистон натижалари: халқаро эътироф, ютуқлар ва муаммолар. // Глобаллашув жараёнлари, маънавий таҳдидлар, ёшлар таълим тарбияси. – Навоий, 2016. – Б. 50.
4. Саидов А. Усманов М. Стратегия действий – это дорожная карта Узбекистана по реализации Целей устойчивого развития ООН // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2017. – № 3. – С. 68.
5. Doing Business 2016. Measuring Regulatory Quality and Efficiency. – Washington DC: International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank. 2016. P. 5
6. <http://hdr.undp.org/en/content/2019-human-development-index-ranking> (17.11.2020)
7. <http://uza.uz/oz/politics/-tub-tarkibiy-zgarishlarni-amalg-17-01-2015> (22.01.2015)
8. <http://uza.uz/uz/posts/khal-aro-etirof-zbekistonning-reytingi-shiddat-bilan-yuksalm-25-10-2019>
9. <http://xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/9629-arakatlar-strategiyasi-bar-aror-rivozhlanish-ma-sadlari-bilan-uj-un> (10.03.2017)
10. <https://www.xb.uz/uzc/physical/more/view?id=362>
11. Human Development Report 2015. – New York: UNDP office. 2015. P. 48.
12. The 2030 agenda for sustainable development. A/RES/70/1 Resolution adopted by the General Assembly on 25 September 2015. -New York. 2015. September. –P.35.
13. Transforming our world: The 2030 agenda for sustainable development. - New York. 2015. September. P.14.
14. World happiness report 2012. Edited by *John Helliell, Richard Layard and Jeffery Sachs*. The Earth Institute, Columbia University. 2012. P. 155.; World happiness report 2013. Edited by *John Helliell, Richard Layard and Jeffery Sachs*. – New York: UN Sustainable Development Solutions Network. 2013. P. 154. World happiness report 2015. Edited by *John*

- Helliell, Richard Layard and Jeffery Sachs.* – New York: UN Sustainable Development Solutions Network. 2015. P. 167.
15. World happiness report 2020. Edited by *John Helliell, Richard Layard and Jeffery Sachs and Jan-Emmanuel De Neve* Associate Editors: *Lara B. Akin, Haifang Huang, and Shun Wang.* New York: Sustainable Development Solutions Network.. P. 24.
16. www.mustaqillik.uz/uz/events/year?event_id=157#year2015 (21.02.2016)

ПАНТУРКИЗМ МАФКУРАСИНИНГ ТАРИХИ ВА УНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА АЙРИМ ЁНДАШУВЛАР ТЎҒРИСИДА

Муроджон Олтибоевич МУСТОФАЕВ

Мустақил изланувчи

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Тошкент, Ўзбекистон

murodlawyer@gmail.com

Аннотация

Мақолада мафкура тушунчасига қисқача таъриф берилиб, пантуркизмнинг пайдо бўлиши ва унинг асосий ғоялари тўғрисида сўз юритилиб, пантуркизмни ўрганиш бўйича айрим илмий ёндашувлар муҳокама қилинган.

Таянч сўзлар: пантуркизм, мафкура, ғоя, сиёсий қарашлар, Исмоил Гаспиринский, ҳарбий интервенция, Марказий Осиё, жадидлилик, Туркия, тарихий ривожланиш, модернизация.

ИСТОРИЯ ИДЕАЛОГИИ ПАНТУРКИЗМА И О НЕКОТОРЫХ ПОДХОДАХ ПО ЕГО ИЗУЧЕНИЮ

Муроджон Олтибоевич МУСТОФАЕВ

Независимый исследователь

Университет мировой экономики и дипломатии

Ташкент, Узбекистан

murodlawyer@gmail.com

Аннотация

В данной статье дается краткое определение понятия “идеология” и обсуждаются возникновение пантуркизма и его основные идеи, обсуждаются некоторые научные подходы по изучению пантуркизма.

Ключевые слова: пантуркизм, идеология, идея, политические взгляды, Исмаил Гаспиринский, военная интервенция, Центральная Азия, джадидизм, Турция, историческое развитие, модернизация.

Инсоният цивилизациясининг барча босқичларида жамият ва давлат муайян ғоялар, фикрлар ва дунёқарашлар хилма-хиллиги асосида ривожланган. Йиллар давомида ўзининг долзарблигини, ҳаётлигини йўқотмаган ва турли синовларга бардош бера олган ғоялар ҳамда фикрлар яшаб қолган ҳамда мафкура сифатида шаклланган. Қайсидир жамият ўзининг ўтмиши, тарихий қадриятлари ва асрлар давомида йиғилган маънавий

меросига суяниб ўзининг ғоя ва мафкураларини ярата олмас экан бундай жамиятнинг таназзулга юз тутиши муқаррар эканлиги тарихан бир неча бор исботланган.

Бугунги кунда, мафкура деганда жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва элатлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, фалсафий қарашларининг тизимлаштирилган билимлар йиғиндиси тушунилади [3; 12]. Таъкидлаш жоизки, мафкура фан ҳисобланмайди ва фандан фарқли равишда ўзида ижтимоий-сиёсий ҳаёт тўғрисидаги билимларни мужассамлаштириш билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда кечаётган тенденциялар, жараёнлар ва турли кучларга берилган баҳони ўзида акс эттиради. Шунингдек, ҳар бир мафкура жамиятдаги барча қатламлар орасида кенг тарқалишга интилади ва айнан дунё ҳақида тўғри билим беришга даъво қилади.

Пантуркизм мафкураси ҳам ўзининг тарихий ривожланиш босқичларида бир қатор маърифатпарварларнинг ғояларини ўзида мужассамлаштириб, ҳозирги Россия, Кавказ, Марказий Осиё давлатлари ҳамда Туркия ҳудудларида кенг ёйилган ва ўзининг тарафдорларига эга бўлган.

Тарихчилар пантуркизмнинг пайдо бўлишини 1880 йилларда Россия ҳудудида вужудга келган татар маърифатпарварларининг маданий либерал ҳаракати билан боғлашади. Пантуркизм назариясининг шаклланиши ва ёйилиши, шунингдек, унинг мусулмон таълим тизимини янгилаш (жадидчилик) билан боғлиқ дастури қрим-татар маърифатпарвари Исмоил Гаспиринскийнинг илмий ва жамоатчилик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, Гаспиринский томонидан айтилган «Dilde, Fikirde, Iste birlik» (*Тилда, фикрда ва ишда бирлик*) сўзлар пантуркизмнинг асосий ғоясини белгилаб беради. Гаспиринский ўз қарашлари орқали Россия империяси ҳудудида яшаётган туркий халқлар олдида турган қатор муаммоларга ечим топишга, хусусан, таълим тизимини ислоҳ қилиш, янги

Ўқитиш усулларини жорий этиш ҳамда умумий ҳаёт тарзини модернизация қилишга уринган. У ўзининг янги ғояларни тарғиб қилиш мақсадида 1883 йилдан бошлаб турк ва татар тилларида “Таржимон” газетасини нашр қила бошлаган. Ушбу газета 1918 йилгача, яъни большевиклар томонидан ёпилгунга қадар доимий равишда чоп этилган. Либерал пантуркизм назариясини ўзида акс эттирувчи ягона турк дунёси тўғрисидаги карашларини И.Гаспиринский “Таржимон” газетасида эълон қилган “Рус мусулмончилиги. Мусулмоннинг фикрлари, қайдлари ва кузатишлари”, “Рус-шарқ битими” ва бошқа кўплаб ўзининг мақолаларида илгари сурган. И.Гаспиринскийнинг ғоялари Россия ҳудудлари, ҳозирги Марказий Осиёда туркий тилда сўзлашувчи халқлар орасида ва Кавказда ўз тарафдорларини топган. Шунингдек, И.Гаспиринский ўз таълимотида барча туркий тилда сўзлашувчи халқлар тушунадиган махсус ягона тил яратиш ғоясини ҳам илгари сурган [4; 12].

Пантуркизмнинг Россия ҳудудларидан ташқарида Туркия ҳудудларида ҳам ёйилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган шахслардан бири Заки Валидий Тўғон ҳисобланади. У асли Бошқирдистондан бўлиб, Россиядаги инқилобдан кейин собиқ советлар билан ҳамкорлик қилади ва кейинчалик уларга қарши курашувчилар тарафига ўтади. Кейинчалик Туркияга муҳожирликка кетишга мажбур бўлган. Заки Валидий Туркияда ҳам пантуркизм ғояларини тарғиб қилиб шуҳрат қозонган ва ҳатто, Иккинчи жаҳон уруши даврида “Гювен” деб номланувчи махфий ташкилот тузган. Мазкур ташкилот тарафдорлари Шимолий Кавказдан Хитой чегараларигача бўлган ҳудудда Турон давлатини тузишни ўз олдига мақсад қилишган [2; 51].

И.Гаспиринский пантуркизмнинг маданий-маърифий йўналишдаги ғояларини ривожлантиришга ва ёйишга ҳаракат қилган бўлса, З.Валидий эса пантуркизмнинг сиёсий дастурини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш билан шуғулланган. Пантуркизм Усманийлар империяси ва инқилобгача бўлган Россия ҳудудларида туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг тили, дини ва маданияти жиҳатдан ўзаро умумийлиги асосида юзага келган миллий

зиёлиларнинг оқими ҳисобланади. Мазкур оқим тарафдорлари фақатгина маърифатпарварлик ғояларини ёйиб қолмасдан, балки ўз олдиларига сиёсий мақсадларни ҳам қўйишган.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Усманийлар империясида юзага келган сиёсий жараёнларда пантуркизм ғояларининг фаоллашгани ва ўша даврдаги сиёсий элита ғояларига дастак бўлганлиги кўзга ташланади.

Пантуркизмнинг вужудга келиши Усманийлар империясида турк миллатининг ва Россия империяси таркибида бўлган туркий халқларнинг миллий ўзлигини англаши жараёни билан бир вақтда шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу даврда Туркиянинг ўзида турк миллати сифатида алоҳида мафкураси мавжуд бўлмаган. Шу сабабли, Германия империясининг машҳур сиёсий арбоби фон Мольтке Усманийлар империясининг пойтахтини Истанбул шаҳридан Кўнё шаҳрига ва яна ундан узоқроқ – шарққа қўчиришни таклиф қилган ва шу йўл билан империяни “ёшартириш” мумкин деб ҳисоблаган. Аммо, бу даврдаги Туркия элитаси ўзларини усманийлар деб ҳисоблашган ва бошқа кўчманчи туркий қавмлар билан қиёсланишни хошлашмаган ҳамда шу сабабли, фон Мольткенинг таклифини рад қилишган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, фон Мольткенинг таклифи тасодифан билдирилмаган эди. Бундан кўзланган асосий мақсад усманийлар экспанциясини Шарққа йўналтириш орқали Россияни кучсизлантириш бўлган. Германия сиёсатчилари ва дипломатлари ушбу экспанциянинг илмий асоси сифатида ғарблик туркологларларнинг имий ишларида келтирилган туркларнинг умумийлиги тўғрисидаги назариялардан фойдаланишган [1; 61].

Таъкидлаш жоизки, пантуркизм ғояларининг Усманийлар империясидаги давлат сиёсатига айланишида ва ривожланишида Россиядан борган туркий тилли эмигрантлар муҳим роль ўйнаган. Бунга сабаб, 1905 йилда Россиядаги инқилобнинг бостирилиши натижасида пантуркизм ва панисломизм тарафдорларини оммавий равишда мамлакат ҳудудидан сургун қилиш бошланган. Россия ҳукумати ушбу ғоя тарафдорларини империянинг

барқарорлигига хавф солувчилар сифатида қараган. Айнан татар, бошқирд, озарбайжон ва қрим-татар миллатига мансуб Россия ҳудудларидан чиққан пантуркизм тарафдорлари Туркияда ушбу ғоянинг асосий ташвиқотчиларига айланишган.

Усманийлар империясининг жамоатчилик доираларида кенг тарқалган пантуркизм доктринаси Туркиянинг Биринчи жаҳон урушига киришида муҳим роль ўйнади. Пантуркистлар ўзларининг сиёсий мақсадларига эришишда Германия ёрдамига умид боғлашган эди. Ўша пайтдаги Туркия ва Германия ўртасида тузилган битимга мувофиқ, Туркия ҳудудларини Россия ҳисобига кенгайтириш (Россияга тегишли Арманистонни эгаллаш) ва бевосита мусулмон аҳолиси билан ўзаро боғлашни таъминлаш назарда тутилган эди [1; 61]. Бироқ, Биринчи жаҳон урушида Германия ва унинг иттифоқчиларининг, шу жумладан, Туркиянинг мағлубиятга учраши пантуркистлар режаларининг амалга ошмай қолишига сабаб бўлди. Ушбу мағлубият кетидан 1918-1923 йилларда Мустафо Камол Ататурк бошчилигидаги камолчилар инқилобининг ғалабаси натижасида пантуркизм мафқураси мамлакатда таъқиқланди. Шундан кейин пантуркизм тарафдорлари очик равишда ўз ғояларини ёйишмаган бўлсада, яширин равишда ўз фаолиятларини олиб борганлар. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Туркияда пантуркизм ғоялари ёйилиб ривожлангандай туюлсада, Туркиянинг Иккинчи жаҳон урушида нейтрал ҳолда турганлиги мамлакатда пантуркизм томонидан илгари сурилган экспанцион руҳдаги сиёсий ғояларнинг амалга ошишига имкон бермади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида пантуркизм мафқурасининг иккита асосий жиҳатини алоҳида белгилиб кўрсатиш лозим.

Биринчидан, ушбу мафкура айнан пайдо бўлиш жараёнида ўз даврининг етук маърифатпарварлари ва зиёлиларининг ташаббуслари билан Россия империяси қарамлигида бўлган туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг таълим тизимини ислоҳ қилиш, уларни диний мутаасибликдан қутқариш ва замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланишга чақирган

ғояларида ифодаланади. Шу боисдан, И.Гаспринскийнинг янги усулдаги мактаблар очиш ва таълим тизимини ислох қилишга қаратилган ғоялари ўша даврда Ўрта Осиёда ҳам, хусусан, Ўзбекистонда фаолият олиб борган жадидчилик ҳаракатининг ёрқин намоёндалари Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқалар томонидан қўллаб қувватланган.

Иккинчидан, пантуркизмнинг сиёсийлашгани ва унинг Биринчи жаҳон уруши ва Усманийлар империясининг қулаши даврларида Туркиядаги сиёсий элиталарга ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ғоявий қурол бўлганлигини кўрамыз. Кейинчалик эса барча туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг ўзларини алоҳида миллат сифатида кўришлари ва ўзликни англаш каби ғояларнинг шаклланиши натижасида пантуркизм мафкуриси ўз аҳамиятини йўқотди ва сиёсий майдондан узоклашди.

Пантуркизмнинг туркий тилда сўзлашувчи халқларни ягона давлат остида бирлаштириш мақсадини илгари сурган ғоялари туркий халқлар томонидан қўллаб қувватланмаган. Бу мақсаднинг амалга ошмаслигининг ички ва ташқи омилларини санаб кўрсатишимиз мумкин. Ички омилларга биринчи навбатда, пантурким тарафдорлари томонидан туркий халқлар ўртасида ягона тил мавжудлиги талқин қилинсада, бугунги кунда ушбу тиллар орасида катта фарқлар кўзга ташланади. Олтой тилар оиласига мансуб бўлган туркий тиллар гуруҳидаги тилларда сўзлашувчи халқларнинг тиллари глобализация, иқтисодиёт, фан, маданият ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши натижасида жуда кўп ўзгаришларга учраган. Бу жараёнда Туркияда турк тилига янги неологизмларнинг (янги сўзлар) кириб келишида Фарбнинг таъсири катта роль ўйнаган бўлса, Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган туркий давлатларнинг тилларига рус тилидан кириб келган янги сўзлар ўз таъсирини ўтказган. Тилшунослик фанида сўзларнинг бошқа тилларга кўчиши ва халқаро сўзга айланиши, айримларининг истеъмолдан чиқиб кетиши ва ўз ўрнини бошқа сўзларга бўшатиб бериши табиий жараён сифатида эътироф этилади. Пантуркизм тарафдорлари томонидан турк тили

асосида барча туркий тилли халқлар сўзлашадиган махсус умумий тил яратиш ғояси ўзини оқламаганлигини вақт кўрсатди.

Бундан ташқари, туркий халқларнинг умумий жиҳатлари тўғрисида фикр юритилганда, уларнинг барчаси мусулмонлар ва ислом динига эътиқод қилувчи халқлар деган нотўғри тушунча шаклланмаслиги лозим. Тарихий манбалардан маълумки, туркий халқларнинг кўпчилиги мусулмон бўлишига қарамасдан, Молдова ва Украина ҳудудларида яшаган гагаузлар, шунингдек, чувашлар, хакаслар, якутлар православ эътиқодига мансуб халқлар ҳисобланади. Бундан ташқари, тувинлар лама ва караимлар яҳудийлик динига эътиқод қилишлари маълум. Ислом динига эътиқод қилувчи туркий халқлар ўртасидаги мазҳаблардаги тафовутларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Юқорида санаб ўтилганлар ва бошқа кўплаб туркий халқларнинг ҳар бири ўзига хос миллатлар ва элатлар эканлиги, улар ўртасидаги тил, маданият ва бошқа анъаналарнинг ўхшашлиги уларнинг тарихий-географик жиҳатдан яқин минтақаларда яшаганлиги билан изоҳланади. XX аср бошларида Усмонийлар империясининг қулаши тили, дини ва маданияти бир-бирига яқин бўлган халқларнинг ягона давлат сифатида бирлаша олмаслигини ва пантуркизм мафқураси таянадиган ғояларнинг заиф эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Бугунги кунда пантуркизмни ўрганиш бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд. Пантуркизм тўғрисида олиб борилган илмий ишлар ва тарихий адабиётлардаги маълумотлар ўрганилганда кўпроқ собиқ Совет Иттифоқи даврида яратилган манбаларга таянилгани маълум бўлади. Бу эса ўз навбатида, ушбу мафқуранинг тарихий илдизларини чуқур ва холисона ёритиш имконини бермайди. Пантуркизм мафқураси ўзининг аҳамияти ва долзарблигини йўқотиб ўтмиш саҳифаларида муҳрланган бўлсада, ушбу мафқуранинг тарихий илдизларини ва асосий ғояларини ўрганиш бугунги кунда туркий тилда сўзлашувчи халқлар ўртасида олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик ва айрим давлатлар олиб бораётган сиёсатга холисона баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга.

Пантуркизм мафкурасини ўрганиш ва тадқиқ қилиш бўйича бир қатор илмий ёндашувлар мавжуд бўлсада, исроиллик сиёсатшунос олим Я.Ландау томонидан илгари сурилган фикрлар уни тизимли ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Я.Ландау пантуркизмнинг ёйилган ҳудудлари ва сиёсий таъсири жиҳатдан уни қуйидаги учта географик категорияга ажратиб ўрганишни таклиф қилган:

1. Совет Иттифоқи ва бошқа коммунистик давлатлар ҳудудларида.

Ушбу давлатлар ҳудудларида пантуркизм бутунлай таъқиқланган ва алоҳида шаклланган феномен сифатида тилга олинмаган. Бунга биргина истисно сифатида 1986 йилнинг декабрь ойида Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида “Қозоғистон – қозоқлар учун” шиори остида 3000 га яқин намоёнчиликнинг чиқишлари ва бунинг натижасида Қозоғистон Коммунистик партияси Бош қотиби Д.Кунаевнинг ишдан олиниши мисол сифатида келтирилади. Ўша пайтдаги кўплаб жаҳон оммавий-ахборот воситалари мазкур намоёнчиликда пантуркизм контенти борлигини таъкидлашган.

2. Коммунистик тузумга эга бўлмаган давлатларда.

1974 йилда Туркиянинг Кипр ҳудудига бошлаган ҳарбий интервенцияга қадар мазкур ҳудудда яшаган озчилик турк миллатига мансуб аҳоли орасида ушбу мафкура мавжуд бўлган. Бундан ташқари, Форсий Озарбайжон, яъни ҳозирги Эроннинг шимолий-ғарбий қисмларида яшовчи этник озарбайжон миллатига мансуб халқларнинг маданий жиҳатдан ўзлигини сақлаб қолиш учун дастлаб Шоҳ Ҳукумати ва кейинчалик Хомейнининг эронлаштириш сиёсати қарши курашларида ифодаланган.

3. Туркия ҳудудида.

Я.Ландаунинг фикрича, 1980 йил сентябрь ойида Туркияда амалга оширилган ҳарбий инқилобга қадар пантуркизм нисбатан таъсирга эга бўлган бўлсада, аммо кейинчалик бутунлай ўзининг сиёсий таъсирини йўқотиб, унинг тарафдорлари Болгарияда қатағонга учраган турклар тўғрисидаги мавзулардаги қуруқ баҳслар билан чекланиб қолганини таъкидлайди [5; 2].

Я.Ландау томонидан келтирилган юқоридаги таснифлаш пантуркизмни сиёсий жиҳатдан очиб беришга хизмат қилади. Тарихий нуқтаи назардан караганимизда эса, пантуркизм фақатгина сиёсий гуруҳларга дастак бўлиб қолмасдан тили, маданияти ва анъаналари жиҳатдан бир-бирига яқин халқларнинг ҳаётида бошқа соҳаларда ҳам из қолдирганига гувоҳ бўламиз. Шу нуқтаи-назардан пантуркизм мафкурасини ўрганишда тарихий-таҳлилий ёндашув мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Готлиб В.В. Тайная дипломатия во время первой мировой войны. – Москва, 1960.
2. Надеин-Раевский В.А. Пантюркизм: идеология, история, политика. Экспансионистская доктрина: от Османской империи до наших дней и судьбы Турции, России и Армении. – Москва: Русская панорама, 2017.
3. Туленов Ж., Супов К., Гафуров З. Истиклол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
4. Bennigsen A. Ismail Gasprinski (Gaspraly) and the Origins of the Jadid Movement in Russia // Исмаил-бей Гаспринский. Русское мусульманство - Oxford: Society for Central Asian Studies, 1985.
5. Jacob M. Landau, “The fortunes and misfortunes of Pan-Turkism”, The Hebrew University - Jerusalem, 2007.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДАГИ СИЁСАТИ

Меҳриноз Мажитовна РАХМАТОВА

изланувчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

rahmatova.mexrinoz@mail.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикасида ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш сиёсати таҳлил этилади. Бунда турли лойиҳалар орқали жамиятнинг маънавиятини замонавий билимлар билан ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: coworking маркази, “Ёшлар – келажакимиз” давлат дастури, Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази, “Ёшлар ҳафталиги”, “Китобхон шаҳар”, “Энг яхши китобхон оила”.

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА ПО ПОВЫШЕНИЮ ДУХОВНОГО ПОТЕНЦИАЛА МОЛОДЕЖИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Меҳриноз Мажитовна РАХМАТОВА

соискатель

Бухарский государственный

университет

Бухаро, Узбекистан

rahmatova.mexrinoz@mail

Аннотация

В данной статье анализируется проводимая государством политика по подъему духовного потенциала молодежи в Республике Узбекистан. При этом особое внимание уделяется повышению духовности общества новыми знаниями, через реализацию различных проектов.

Ключевые слова: центр coworking, государственная программа “Молодёжь - наше будущее”, Центр поддержки развития молодёжного предпринимательства Узбекистана, “Молодёжная неделя”, “Читающий город”, “Самая читающая семья”.

Сўнгги йиллардаги қатор ислохотлар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг барча жабҳаларини камраб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари

сурилган бешта ташаббуснинг учинчисида аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш орқали, уларнинг маънавиятини юксалтириш назарда тутилган.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2017 йилнинг 9 февраль куни ўтказилган “Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифалар”га бағишланган видеоселектор йиғилишида, Ўзбекистонда ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни” деб эълон қилинди.

Маънавият соҳасидаги ислохотларда жадал суръатлар билан турли кутубхоналар ва спорт иншоотларини давлат-хусусий шерикчилик асосида барпо этиш кўзда тутилган. Бу борада ташаббускор тadbиркорлар билан суҳбат ва музокаралар олиб борилиб, улардан келиб тушган таклифларга биноан турли ҳамкорлар иштирокида ва “Ўзмилийбанк” томонидан “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастури доирасида алоҳида имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш белгиланган.

Ёшларнинг спортга қизиқишини янада ошириш мақсадида ҳудудларда “Ёшлар ҳафталиги”, “Хотин-қизлар ҳафталиги”, “Маҳалла ва нурунийлар ҳафталиги”, “Таълим муассасалари ҳафталиги” доирасида спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тadbирлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Сўнгги йилларда “Ҳудудлардаги ёшларга доир долзарб муаммолар”, “Ислом дини ва маърифатига ёшлар муносабати”, “Ёшлар ўртасида учраётган муаммолар”, “Ёш оилалар турмуши давомида кенг учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари”, “Жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” мавзуларида ҳамда ҳудудлардаги таълим муассасалари бошланғич ташкилот етакчиларининг фаолияти самарадорлигини ошириш борасида ўрганишлар амалга оширилиб, аниқланган муаммолар юзасидан тегишли амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб мутасадди ташкилотларга тақдим этилди. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “инсон ўзгарса жамият ўзгаради”, нуқтаи назарининг таъкидланиши бежиз эмас [1].

2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририда ёшларга оид давлат сиёсатининг қуйидаги ҳуқуқий асослари кўрсатиб берилган:

- ёшларнинг меҳнат қобилиятини ва бандлигини ошириш;
- ёшларнинг ўз мутахассислиги бўйича малакаларини ошириш ва уларнинг инновациялар соҳасидаги билимларини ривожлантириш;
- ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш;
- ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш;
- ёшларнинг ўз хавфсизлиги соҳасида маданиятини юксалтириш;
- жамиятдан ажралиб қолиш хавфи бўлган ёшлар гуруҳларини ижтимоийлашувига ёрдамлашиш;
- ёшлар ўртасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ёш мигрантларни қўллаб-қувватлаш;
- ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардор қилишни такомиллаштириш;
- маданият соҳасидаги дастурларни яратишда ёшларни фаол жалб қилиш.

2018 йил 26 июнда “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди. 2018 йил 1 июлдан бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)ларида ушбу давлат дастури амалга оширила бошланди. Шунингдек, АҚШ ва кўпгина Европа давлатларининг тажрибасидан келиб чиқиб, давлат-хусусий шериклик шартларида “Ёш тадбиркорлар” coworking-марказлари ташкил этилди.

Истеъдодли ёшлар билан ишлаш дастурларининг сони:

–Турли мукофот ва рағбатлантиришларга сазовор бўлган ёшлар сони (Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар, “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти ҳамда “Ниҳол” мукофоти совриндорлари, Президент ва бошқа номдор стипендиялар совриндорлари ва бошқалар);

–Фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ёшлар сони (халқаро, республика, ҳудудий олимпиадаларда математика, физика, кимё ва бошқа фанлар бўйича);

–Турли кўрик-танловларда ғолиб бўлган ёшлар сони (халқаро, республика, ҳудудий кўрик-танловларда адабиёт, мусиқа, рақс санъати, тасвирий санъат ва илмий техника соҳаларида).

“Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятларни очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада, ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим” [2]. Шу жумладан, вояга етган ҳар бир фарзанд ўз ота-оналари ҳақида ўйлаши, ғамхўрлик қилиши ҳам қарз, ҳам фарз саналади. Бурчни, масъулиятни ҳуқуқдан олдин қўйишни ҳис этиш ҳуқуқий маданият соҳибига ҳос олийжаноб фазилатлардир. Бу ҳақда Абдулла Авлоний “Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилур?” деган саволга: “Биринчи уй тарбияси, бу вазифа она зиммасидадир. Иккинчиси мактаб ва мадраса тарбиясида ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир” [4], деб жавоб берган эди. Юртнинг кўрғонлари мустаҳкам, фарзандлари баркамол ва соғлом бўлиши учун ота-оналар ҳушёр, маҳалла қўй огоҳ, жамият эса масъул бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси яратилди. Бу концепцияда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтингини бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш мақсад қилиб олинди.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузасида давлатларнинг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги сиёсатини такомиллаштириш ҳамда “Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Халқаро конвенция” қабул қилишнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлиги ҳам эътироф этилди (Конвенция 2018 йил ноябрь ойида қабул қилинди). Президентимиз томонидан болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича Вакил институтини жорий қилиш ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича Вакил тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш орқали ёш авлод ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини мустаҳкамлаш зарур эканлиги таъкидланди [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг фаолияти йўлга қўйилганлиги муҳим жараён ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган бешта муҳим ташаббуснинг тўртинчиси – ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда “Китоб маркази” – “Китоб дунёси” тармоқ савдо марказлари томонидан ўтказилаётган “Энг китобхон мактаб” лойиҳасининг жойлардаги тадбирлари бошланишига бағишланган тадбирлар кенг омма томонидан ижобий қабул қилинмоқда [6]. Шу ташаббуслар

доирасида “Йил ҳикояси” [7], “Энг яхши китобхон оила” кўрик-танловларининг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда [8].

Турли шаҳарлар ва туманлар қаторида Бухоро шаҳридаги болалар майдончасида “Китобхон шаҳар” ташкил этилди. У ерда мингдан ортиқ бадий, тарихий, илмий ҳамда эртак китоблар мавжуд. Бу ердан бир китобни 3 кунгача олиш мумкин. Кўплаб ёшлар бу имкониятдан баҳраманд бўлмоқда. Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда катта саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда [9].

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқди ва Вазирлар Маҳкамасига киритди. Булар ёшлар маънавий салоҳиятини қуйидаги жиҳатлардан ривожлантиришни назарда тутди:

а) маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторлари:

- бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш шакллари;
- маънавий тарбияни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш механизмлари;
- тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб боришни назарда тутувчи узлуксиз маънавий тарбия тизими;
- маънавий тарбияни шакллантиришнинг ҳомиладорлик давридан бошланиши ва тарбиянинг ҳар бир босқичдаги ўзига хос хусусиятлари;
- маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши.

б) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда куйидагиларни назарда тутган ҳолда, Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси лойиҳасини ишлаб чиқди ва Республика кенгашига киритди.

Бу ислоҳотлар аввало маънавиятни юксалтиришга қаратилган бўлиб куйидаги йўналишларни қамраб олган:

- ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини хонадонма-хонадон юриб аниқлаш, тизимли мониторинг ва таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш шакллари;

- таҳлил натижаларини “маҳалла – туман – вилоят – республика” принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасида акс эттириш тартиби;

- маънавий, ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва манзилли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишга доир тавсияларни ишлаб чиқишни;

- аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион методларни яратиш, илмий-амалий дастурларни амалиётга жорий этиш механизми;

- “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Шунингдек, Республикамизда ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтиришда “Madaniyat va ma’rifat” телеканали ташкил этилиши муҳим воқеа бўлди. Марказ, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари фаолиятини ёритиш масалалари бўйича Республика кенгашининг бош ахборот ҳамкори этиб белгиланди. Марказ ҳузурида “Маърифат” тарғиботчилар жамияти нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида таъсис этилган [3].

Мазкур ислоҳотлар мамлакатимиз ёшларини интеллектуал жиҳатдан янги бир сифат босқичига йўналтиради. Бу ўз навбатида давлат, фуқаролик

жамияти институтлари ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг маънавий салоҳиятни оширишини англади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 28.12.2018.// <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.
2. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07.12.2016. // <http://press-service.uz/uz/news/5384/>.
3. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 май ПҚ-4307-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4320700>.
4. Авлоний, Абдулла. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2009.
5. “Халқ сўзи” газетасининг № 148-сони. 2018 йил 20 июль.
- 6.//<https://iiv.uz/news/buxoroda-eng-kitobxon-maktab-tanlovi-boshlandi-golib-jamoaga-avtomobil-beriladi>. 11.11.2020.
- 7.//<http://uzb.stv.uz/news/newsamar/7876-yil-ikoyasi-krik-tanlovining-viloyat-bosichi-olibi-ishtihon-tumandan.html>. 07.10.2019.
- 8.//<http://uzb.stv.uz/news/newsamar/8524-eng-yahshi-kitobhon-oila-krik-tanlovining-shaar-bosichi-blib-tmoda.html>. 14.12.2019.
9. //<https://www.xabar.uz/madaniyat/buxoroda-kitobxon-shahar>. 29.03.2019.

**УСТАНОВЛЕНИЕ ПОТЕРЬ ЗОЛОТА ПО МОНИТОРИНГУ
МНОГОЯРУСНОГО РУДНОГО ШТАБЕЛЯ ПРИ ПОЛНОМ ЦИКЛЕ
КУЧНОГО ВЫЩЕЛАЧИВАНИЯ ЗОЛОТА ИЗ ТЕХНОГЕННЫХ
ОТВАЛОВ КАРЬЕРА МУРУНТАУ**

Юнус Джумаевич НОРОВ

Доктор технических наук, профессор
Навоийский государственный горный институт
Навои, Узбекистан
YUD.Norov@ngmk.uz

Темур Минграхматович ЯКШИБАЕВ

Аспирант
Российский Государственный Геологоразведочный Университет
имени Серго Орджоникидзе
Москва, Россия
temur19.01.1988.tm@list.ru

Аннотация

В статье проведены исследования по определению остаточного содержания золота в многоярусном рудном штабеле прошедшим полный цикл кучного выщелачивания. Анализ выполненных научных исследований установил, что данное обстоятельство происходит в результате заиливания мелкими частицами руд с образованием зон уплотнения, которые приводит к снижению фильтрационных свойств массива, что в свою очередь препятствуют прохождению раствора с оставлением ценного компонента, который необходимо доизвлекать и минимизировать потери.

Ключевые слова: переработка, техногенные образования, многоярусный рудный штабель, кучное выщелачивание, остаточное содержание золота, влажность, подушка выщелачивания, бурение скважин.

**МУРУНТОВ КАРЬЕРИНИНГ ТЕХНОГЕН ОТВАЛЛАРИДАН
ОЛТИННИ УЮМДА ИШҚОРЛАБ ОЛИШНИНГ ТЎЛИҚ ДАВР
ДАВОМИДА КЎП ҚАТЛАМЛИ РУДА УЮМИНИНГ МОНИТОРИНГИ
(КУЗАТУВИ) БЎЙИЧА ОЛТИН ЙЎҚОТИШЛАРНИ АНИҚЛАШ**

Юнус Джумаевич НОРОВ

Техника фанлари доктори, профессор
Навоий давлат кончилик институти
Навоий, Ўзбекистон
YUD.Norov@ngmk.uz

Темур Минграхматович ЯКШИБАЕВ

Аспирант
Серго Орджоникидзе номидаги Россия Давлат геология қидирув
университети

Аннотация

Мақолада уюмда ишқорлаб олишнинг тўлиқ давр ўтган кўп қатламли руда уюмидаги олтиннинг қолдиқ миқдорини аниқлаш таҳлил этилган. Ушбу ҳолат майда руда зарраларининг лойқаланиши натижасида зичланиш зоналарининг ҳосил бўлишига, массанинг филтрлаш хусусиятларининг пасайишига олиб келиши, бу эса ўз навбатида эритманинг ўтишига тўсқинлик қилиши ҳамда қимматли компонентларнинг қолиб кетишига олиб келиши илмий жиҳатдан таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: қайта ишлаш, техноген шаклланишлар (ҳосилалар), кўп қатламли руда уюми, уюмдан ажратиб олиш, олтиннинг қолдиқ таркиби, намлик, уюмдан ажратиб олиш ёстиғи, қудуқларни бурғулаш.

Мировые тенденции развития золотодобывающих предприятий в современных условиях все более требует большого количества минерального сырья, в условиях истощения запасов и обеднения ранее кондиционных месторождений. Для обеспечения необходимого уровня выпуска золота горным предприятиям необходимо расширять сырьевую базу за счет более точной доразведки прилегающих территорий месторождения, переходных рудных зон и вовлечения в переработку некондиционных запасов минерального сырья, накопленных в техногенных образованиях.

Ежегодно в мире горная промышленность извлекает из недр Земли более 12 миллиардов тонн твердых веществ, 70% которых впоследствии становятся отходами горно-обогатительных фабрик. При этом отвалы и хвосты занимают огромные площади с ценными землями, что в свою очередь нарушают экологическую обстановку в районе ведения горных работ.

Вовлечение в переработку некондиционных запасов минерального сырья, накопленных в техногенных образованиях, является весьма актуальным. В настоящее время немногие горно-обогатительные предприятия занимаются переработкой забалансовых отвалов, хвостов золотоизвлекательных фабрик (ЗИФ), которые в свою очередь являются альтернативными ресурсами, не требуют многоциклических технологий и проведение дополнительных буровзрывных работ. При этом меньше

тратится энергия на дробление, транспортировку, что в свою очередь экономически выгодно.

Исследования по переработки техногенных отвалов горно-металлургических комбинатов (ГМК), требуют дополнительного изучения их минералогического состава и создание новых технологий переработки.

Данные исследования были проведены на Руднике цеха кучного выщелачивания золота (ЦКВЗ) Центрального рудоуправления Навоийского горно-металлургического комбината по мониторингу ярусов многоярусного рудного штабеля кучного выщелачивания прошедших полный цикл выщелачивания на предмет остаточного содержания золота и влажности. Для этого были выбраны два профиля на отработанном участке подушки выщелачивания на панелях 6М и 6Г.

В лабораторных условиях определены массовая влажность и содержания золота по скважинам апробирования 6М-1, 6М-2, 6М-3 многоярусного штабеля Рудника «ЦКВЗ» ГП НГМК, результаты которых приведены в табл. 1-3.

Таблица 1.

Результаты лабораторного анализа по скважине 6М-1

Глубина, м	Влажность, %	Среднее содержание, г/т
1-3	2,9	0,47
4-6	4,8	0,51
7-9	5,6	0,77
10-12	6,7	0,81
13-15	6,5	0,53
16	3,5	0,59
17	7,2	
18	7,0	
19	7,1	0,71
20	8,1	
21	3,1	

Таблица 2.

Результаты лабораторного анализа по скважине 6М-2

Глубина, м	Влажность, %	Среднее содержание, г/т
1-3	5,1	0,47
4-6	6,3	0,41
7-9	7,6	0,40
10	10,3	0,58
11	10,8	
12	8,2	
13	4,2	0,38
14	3,9	
15	7,7	
16-18	7,7	0,59
19	10,3	0,66
20	8,3	
21	8,4	
22-24	7,8	0,43
25-27	9,3	0,47
28	8,7	0,61
29	9,0	
30	8,4	
31-33	8,1	0,59
34	6,9	0,44
35	8,1	
36	8,0	
37-39	7,9	0,56
40	8,5	0,66
41	9,6	
42	7,1	
43-45	7,4	0,72
46-48	7,8	0,73
49	7,4	0,46
50	6,3	
51	6,7	

52-54	7,8	0,44
55	7,5	0,80
56	7,8	
57	7,6	0,41
58	7,7	

Таблица 3.

Результаты лабораторного анализа по скважине 6М-3

Глубина	Влажность, %	Среднее содержание, г/т
1-2	4,6	0,50
3	4,4	0,39
4	6,4	
5	5,8	0,49
6	7,3	
7-8	7,9	0,44
9-10	7,8	0,59
11	8,5	0,67
12	7,4	
13-14	8,0	0,40
15	8,3	0,65
16	9,9	

Исследованиями по мониторингу остаточного содержания золота по высоте опробования, выявляются повышенные содержания золота на границах укладки ярусов подушки выщелачивания в разносе вверх и вниз на 3-5 метра, с большим содержанием золота (0,8-0,6) по высоте многоярусного рудного штабеля рис.1.




Рис. 1 Графики содержания золота в многоярусном рудном штабеле КВ по его высоте.

В результате проведения буровых исследований установлено, что наилучшие показатели по выходу пригодного для технологических исследований шлама является грунтонос.

Бурение скважин производится в светлое время суток, при этом период бурения одной скважины глубиной 58 м составляет от 7 до 10 дней. С начала буровых работ на подушки выщелачивания было израсходовано 2 единицы грунтоноса, которыми пройдено 3 скважины разной глубины.

Исследованиями по мониторингу ярусов с бурением разведочных скважин с отбором проб с многоярусного рудного штабеля КВ прошедших полный цикл выщелачивания выявили участки с большим содержанием золота (0,8-0,6) по высоте многоярусного рудного штабеля, которые

находятся на границах укладки ярусов подушки выщелачивания в разносе вверх и вниз на 3-5 м.

Анализ выполненных исследований установил, что данное обстоятельство происходит в результате заиливания мелкими частицами руд с образованием зон уплотнения, которые приводит к снижению фильтрационных свойств массива, что в свою очередь препятствуют прохождению раствора с оставлением ценного компонента, которого необходимо доизвлекать и минимизировать потери. Поэтому для интенсификации процесса кучного выщелачивания золота в многоярусном рудном штабеле необходимо применить встряхивание уплотненных зон путем применения камуфлетного взрывания многоярусного рудного штабеля.

Муҳаррир:
Г.А.Мардонова

Таржимонлар:
З.Т.Бобоева
Ж.Азизов

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгардир.

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими
(электрон журнал)
2021 йил, январь сони

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй

